

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**Сурайё Адиловна Қодирова**  
**Мактуба Тухтасиновна Абдужаббарова**

**ТУРАР-ЖОЙ ВА ЖАМОАТ БИНОЛАРИНИ**  
**ЛОЙИҲАЛАШ**

**Дарслик**



**Тошкент - 2019**

**УДК: 721.012.17.**

**Муаллифлар:** - С.А.Қодирова, М.Т. Абдужаббарова.

Ушбу дарслик икки қисмдан иборат бўлиб, дарсликнинг биринчи қисмида турар-жой биолари лойиҳалашнинг умумий қоидалари, архитектура билан узвий боғланиш жараёни кўрсатиб берилган. Турар-жой биоларининг типологияси, уларнинг умумий муаммолари, уй-жой қуриш масалалари, уй-жойларнинг турлари (классификацияси), хонадон ва унинг таркиби ҳамда функционал-технологик боғлиқлиги ёритилган бўлиб, бунда жамият тарақиёти, иқлим шароити, аҳолининг демографияси, функционал жойлашиш вазифаси, ечими, ташқи кўринишига таъсири кўрсатилиб ва уларни асослаб берилган.

Иккинчи қисмида жамоат биоларини лойиҳалашнинг умумий қоидалари, архитектура билан узвий боғланиш жараёни кўрсатиб берилган. Барча жамоат биолари ва иншоотларининг архитектурасига универсал омиллар: ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий, экологик, шаҳарсозлик, функционал, композицион, хажмли – режали, конструктив, меъморий-бадий омиллар таъсир кўрсатиш кенг ёритилган.

Мазкур дарслик 5340100 – “Архитектура” таълим йўналишининг ўқув режаси ва дастурига мувофиқ келади, олий архитектура мактабида ўқитиладиган назарий ва амалий материалларни ўз ичига олиб, “Турар-жой ва жамоат биоларини лойиҳалаш” фаолиятини ўрганишда тавсия этилади.

**Тақризчилар:** Б.И.Инагамов - ТАҚИ “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедраси доценти, арх.ф.н.

А.Д.Таджиев - Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси ўринбосари, доцент.

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил, 20 - июлдаги 654 - сонли буйруғига асосан дарслик сифатида нашр этишига рухсат берилди.*

©Тошкент архитектура-қурилиш институти – 2019.

# I-ҚИСМ. ТУРАР-ЖОЙ БИНОЛАРИ

## Кириш

Турар-уй жой қурилиши Ер юзида жуда катта тарихга эгадир. Чунки одамзот пайдо бўлгандан бери у ўзини ташқи муҳит ва таъсирлардан: душманлардан, йиртқич ҳайвонлардан, совуқдан ва иссиқдан сақлаш учун уй-жой қурган, шунингдек, уй-жой одамни дам олишга ва ишлашига асосий омил бўлиб хизмат қилган. Вақт ўтиши билан уй-жойнинг вазифаси, функцияси такомиллашиб ва кенгайиб борган. Уй-жойлар меъморчилиги жамиятнинг социал шароитига, вақтнинг руҳига ва бошқа шарт-шароитларга мослаша борган. У оддий чайла ёки ғордан бизнинг давримизга келиб ҳозирги замон турар-уй жойига, яъни ҳозирги мавжуд жиҳозлар билан такомиллашган объектга айланди.

Дастлабки пайтларда иқтисод масалаларининг ночорлиги ишчилар кучининг ва қурилиш материалларнинг етишмаслиги натижасда турар-уй жойларга эришиш жуда мушкул эди. Шунинг учун ўша пайтда коммунал (жамоа-умумий) уйлар қуриш масалалари ўртага қўйилади. Коммунал фойдаланадиган уйларнинг хусусияти шундаки, унда бир уйга бир неча оилани хоналарга жойлаштириш натижасида эришилади. Яъни даҳлиз ёки йўлак орқали ҳар бир оила биттадан хонага жойлаштирилади. Ошхона ва ювиниш хонаси ва ҳожатхоналар бу ерда умумий фойдаланилади. Албатта бу хилдаги уйлар ҳеч қанақа қулайликка эга эмас, лекин бу уйлар ўша қийинчилик пайтида уй-жой муаммосини ечишга қисман ёрдам берган эди. Яъни бошпанасиз оилалар шундай уйларга кўчиб киришга муваффақ бўлдилар.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин бу хилдаги уйлар аҳолига жуда кўл келди, чунки уруш натижасида жуда кўп уйлар вайрон бўлган эди. Ҳалқ хўжалиги тиклангандан сўнг турар-уй жойларнинг янги хиллари барпо қилинган. Яъни фақат оилаларни хоналаргагина эмас, балки хонадонларга, квартираларга жойлаштириш йўллари ишлаб чиқилган.

Ҳар бир оила учун алоҳида хонадонлар берилга бошланган. Бу хонадонларда аввалгидан фарқли ўлароқ алоҳида ҳожатхона, ювинадиган хона (обрезхоналар) ва йўлаклар мавжуд эди. Бу эса аҳолига аввалги коммунал умумий хоналарга нисбатан анчагина қулайликлар яратилишига олиб келди. Лекин бу ерда хонадан-хонага ўтиш принципи қўлланилган эди.

Ҳар қандай турар-уй жойнинг шаклланишига географик муҳит албатта катта таъсир кўрсатган. Масалан, шимол томонда қурилган уйларда хонадонларнинг ички қисмини ташқи муҳитдан совуқдан сақлашга ҳаракат қилинган, жануб томонда талаб бунинг акси бўлиб, уйларни иссиқдан ва уларни қизиқ кетишдан сақлаш керак бўлган. Шунингдек, уйнинг ичкари қисмини ташқари муҳит билан ҳамоҳанг боғлаш керак бўлган. Шундай қилиб, қарама-қарши талаблар асосида бир-бирига бутунлай ўхшамаган шимол ва жануб уйларнинг тузилмаси (структураси) пайдо бўлган.

Миллий маданият ва урф-одатлари ҳам турар уй-жойларининг тузилмасига ва хилларига таъсир қилган. Иқлими бир бўлган жанубдаги уй-жойлар бир-бирига ўхшаб кетса ҳам улар шу ердаги ерли халқнинг тарихий маданият ва урф-одатларига қараб ўзгариб борган. Шунинг учун ўзбек халқининг анъанавий турар-жойлари ўзининг иқлим шароитига, маданият даражасига ва урф-одатларига ва бадиий анъаналарига мослашган бўлган. Турар-уй жойларининг Ўзбекистонда қурилиши ўзининг тарихий анъанасига эга. Уйлар икки хилда қурилган: миллий ва европа усулида. Бу уйлар асосан шахсий ҳовлили уйлар бўлган. Ўзбекистоннинг ҳар бир вилояти ўзига хос шу ҳудуд шароитига мослашган уйлар қурган. Бу уйлар уч хилга бўлинган: Бухороча уйлар, Фарғонача ва Хива услубида қурилган уйлар.

Бухоро уйлари феодал даврида жуда кам ривожланган бўлиб, зич қурилишларни ташкил этган, улар кўчага тескари, яъни кўчадан ажратилган ҳолда ҳовли тарафга қаратиб солинган хоналар бир-икки қаватли бўлиб, ҳовли атрофига зич қурилган ва шундай қилиб ҳовлида кўчанинг иссиқ ва чангли ҳавосига қараганда анча яхши ва салқинроқ иқлим шароити ҳосил қилинган.



Хива уйлари ҳам ёпиқ фазовий муҳит шаклида, яъни ҳовли атрофига қурилган бўлиб, унинг Бухородаги уйлардан фарқи шундаки, унинг тархида икки хил айвон жойлашган. Бу айвонлар бир-бирига қарама-қарши жойлашган бўлиб, шимол тарафга қаратиб қурилган айвон баландроқ бўлган ва у ёз пайтида шимол томондан эсаётган шамолни ҳовли томон йуналтириб ҳовлиларга салқин ҳаво ҳосил қилишга олиб келган. Фарғона уйлари эса, Фарғонанинг гўзал водийларида пайдо бўлиб, ёпиқ характерини йуқотган. У ўзининг тархий ечимида ичкари ҳовлиси йўқ бўлиб, айвон орқали боғларга қаратилган бўлган. Фарғона водийсида айвон ёз ойларида асосий хона бўлиб хизмат қилган. Фарғона водийси ва Тошкент вилоятида айвонлар ойнаванд бўлиб, бу хилдаги айвонлар ташқарича усул деб аталган ва аҳоли йил буйи шу айвонда истиқомат қилишган.

Шаҳар (яшаш) ҳудудларининг танқислиги туфайли жамият ривожланишида шаҳарлар ролининг ошиш жараёнида аҳолини жойлаштирилиши бўйича лифтсиз ва кўп қаватли уйлар турар – жой биноларининг асосий турларига айланмоқда. Уларнинг кўп сонда қўлланиши яшаш ҳудудлари ва инженерлик коммуникацияларидан етарли даражада самарали фойдаланиш имкони бермоқда. Турар – жой биноларининг бундай тури Марказий Осиё вилоятларида турли – туман архитектуравий режавий, ҳажмий – образли ва конструктив ечимлари билан янада кенг тарқалиб бормоқда. Улар иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлиб, турли сонли ва демографик таркибдаги оилаларнинг яшаши учун фазовий – режавий параметрлар бўйича республикамизнинг мураккаб иқлими ва сейсмик районларда (7 – 9 балли) маълум муддатларда нормал санитар гигиеник ва комфорт шароитларни яратади.

Шунинг учун бўлажак меъморлардан шундай лойиҳалар талаб қилинадикки, бу янги лойиҳалар бизнинг нафақат иқлим шароитимизга ва шунинг билан бизнинг минг йиллаб шаклланиб келган урф-одатимизга, маданиятимизга ва тарихимизга ҳам тўла жавоб бера олишлари керак.

## **1-БОБ. ТУРАР-ЖОЙ БИНОЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ АСОСЛАРИ**

### **1.1. Турар-жой бинолари ва хонадонларни танлаш ҳамда шакллантириш учун талаблар ва шароитлар**

Республикамизнинг шаҳарлари, вилоят ва туманларининг аҳолисининг таркиби, яъни аҳолининг ёши, оила таркиби: эркак, аёл ва болаларнинг таркиби ва бошқа шунга ўхшаш омиллар эътиборга олинishi лозим. Бу эса бутун мамлакатимизда аҳоли рўйхати ўтказилганидан сўнг аниқланади. Турар - жой ва хонадонларни танлашда, албатта ҳисобга олинishi керак бўлган талаблар қуйидагилардан иборат:

- аҳолининг демографик таркиби;
- оила аъзоларининг урф-одатлари ва хунари, яъни қандай иш билан машғул бўлишлари;
- қурилиш жойи;
- қурилиш жойининг табиий иқлим шароити;
- техника - қурилиш базасининг аҳволи ва шароити.

Ҳар бир шаҳар, вилоят, туман ва қишлоқ учун уй-жой танлашда уларда яшайдиган аҳолининг демографик таркибига қараб ҳар-хил сонли нисбатлари олинади. Республикамиз аҳолисининг демографик таркиби, албатта бошқа давлатлар кўрсаткичидан ўзгачадир. Ўзбекистонда бир йиллик аҳолининг ўсиши 3%ни ташкил этади.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги давлатлар кўрсаткичига нисбатан бизнинг республикамизда кўп болали оилалар анча кўпроқдир. Бу эса ўз навбатида кўп хонали хонадонларнинг нисбий фоизини оширишга олиб келади. Кўп болали оилалар айниқса қишлоқ аҳолисига мансубдир.

Турар-жойни танлашда аҳолининг қайси ҳунар билан машғул бўлиши ҳам энг асосий омиллардан биридир. Шунинг учун қишлоқларда турар-жой уйлари ўз шахсий ер майдони билан таъминланган бўлиб, шахсий томорқаси уй билан қулай боғланган бўлиши керак. Бундан ташқари қишлоқ турар-жойининг таркибида ёрдамчи хоналар, молхона, товуқхона, қўйхона, сомонхоналар ҳамда

қишлоқ хўжалиги учун керак бўлган асбоб-ускуналар сақлайдиган хоналар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлайдиган омборхоналар бўлиши керак. Илм-фан ва санъат аҳллари учун қўшимча хоналар қурилиши хонадон таркибини ва тархини белгилашда ҳисобга олиниши керак бўлган шарт-шароит ҳисобланади.

Халқнинг урф-одатлари ҳам хонадон таркибига ўз таъсирини ўтказади. Ўзбек халқининг энг асосий урф-одатларидан бири бу очиқ ҳавода кўпроқ вақтни ўтказишдир. Бу одат мамлакатимизнинг табиати, иқлим-шароитидан келиб чиққан бўлиб, бу нарса хонадон таркибига очиқ ёзги хоналар, айвонлар ва супаларни киритишни тақозо этади. Бу ерда аҳоли меҳмон кутади, дам олади ва ухлайди.

Уйнинг турини танлашга унинг қаерда жойлашгани ҳам таъсир қилади. Уйнинг жойлашган жойига қараб уй шаҳардами, қишлоқдами, шаҳар марказидами ёки четдами шунга қараб ҳар-хил талаблар пайдо бўлади, ундан ташқари ернинг паст-баландлиги, уйни ўраб турган табиат, иқлими шароити, тупроқ таркиби ва ер қимирлаш, сейсмика ҳолатлари ҳам уй турини танлашда муҳим рол ўйнайди. Шимол ва жанубда қуриладиган уйлар бир - биридан ўта фарқ қилади, ундан ташқари нам ва қуруқ иқлим, тоғ ёки пастликлар саҳро ва нам ерларнинг таъсири ҳам турар-жой меъморчилигига катта таъсир ўтказади.

Ўзбекистон тоғлардан, саҳролардан, текислик ва пасттекикликлардан, кўкаламзор, лалмикор ерлардан ташкил топган. Шунинг учун Ўзбекистон шароитида ҳамма ерга бир хил турар-жойларни лойиҳалаштириш ва қуриш катта хатоликларга олиб келиши мумкин. Республикамиз илмий текшириш институтлари томонидан табиати, иқлим шароити, ер қимирлаши ҳисобга олинган хариталар ишлаб чиқилган. Шу хариталарга қараб қурилиш мутахассислари уйларнинг турларини танлайдилар, ундан фойдаланадилар ва қурадилар.


Уйларни танлаш ва қуришга қанақа қурилиш ашёларининг борлиги, қурилиш-техник жиҳозлари ва асбобларнинг аҳволи ҳам таъсир этади. Лекин бу

нарсалар ўзгарувчан бўлиб, умумий техник-иқтисодий ўзгаришларга, фан ва техниканинг ўзгаришига ҳам боғлиқдир.

Шунинг учун лойиҳаловчи меъморнинг олдида қўйиладиган вазифа бу - ҳамма шарт-шароитларни тўла ўрганиб чиқиб кейин энг қулай ва чиройли турар- уйларни лойиҳалаш, айниқса ернинг шарт-шароити жиддий эътиборга олиниши керак бўлган муҳим омиллардир.

## 1.2. Турар-жойларнинг таснифи

Турар уй-жойлар ўзининг ҳар хил хусусиятларига қараб қуйидагиларга бўлинади. (1-расм)



**1-расм.** Турар-жой биноларининг хиллари:

- |                                   |                                |
|-----------------------------------|--------------------------------|
| 1 - қишлоқ типдаги ҳовлили уйлар; | 10 - қариялар уйи;             |
| 2 - шаҳар типдаги ҳовлили уйлар;  | 11 - коммунал меҳмонхоналар;   |
| 3 - кам қаватли уйлар;            | 12 - туристлар меҳмонхонаси;   |
| 4 - ўрта қаватли уйлар;           | 13 - транзит меҳмонхоналар;    |
| 5 - кўп қаватли уйлар;            | 14 - йил бўйи дам олиш уйлари; |
| 6 - баланд қаватли уйлар;         | 15 - мавсумий дам олиш уйлари; |
| 7 - болалар интернати;            | 16 - кундалик дам олиш уйлари; |
| 8 - ёшлар ётоқхонаси;             | 17 - пансионатлар.             |
| 9 - ёш оилалар ётоқхонаси;        |                                |

А) Аҳолини жойлаштириш усулига қараб уй-жойлар икки гуруҳга бўлинади:

1. *Хонадонларга бўлинган уй жойлар*, булар оилаларни алоҳида хонадонларга жойлаштиришга мўлжалланган бўлади.

2. *Хоналарга бўлинган турар уй жойлар* эса асосан ёлғиз кишиларни алоҳида хоналарга жойлаштиришга мўлжалланган бўлиб, умумий маиший хизмат бўлимларидан фойдаланишади.

Бу турар-жойларда ёлғиз ишчилар, талабалар, ҳунар-техника билим юртлари ва мактаб - интернатлар ўқувчилари яшайдилар. Бундан ташқари меҳмонхона ва дам олиш уйларида эса мусофирлар, саёҳатчилар ва дам олувчилар яшайдилар. Иккита гуруҳга тааллуқли бинолар ўзларининг меъморий тархий хусусиятларига кўра бир-бирига ўхшаб кетадиган томонлари борки, булар уларнинг вазифалари, функцияларининг ўхшашлиги ҳамда яшовчиларнинг талаблари бир хиллиги билан ажралиб туради. Энг кўп тарқалган хонадонли турар-жой бинолари шаҳар ва қишлоқларнинг асосий яшаш фондини ташкил этади.

Б) Ердан фойдаланиш усулига қараб хонадонли уйлар қуйидагиларга бўлинади.

1. *Ҳовлили турар-жой биноларида* уй ёки хонадон эгаси уй ҳовлисининг ҳам эгаси ҳисобланади. Ҳовлили турар-жойлар бир хонадонли ва туташтирилган ҳовлили, яъни икки ёки кўпроқ хонадон блокли бўлиб, ҳар бир хонадоннинг алоҳида ҳовлиси бўлади.

2. *Ер сатҳи умумий бўлган турар-жой бинолари*, бу кўп хонадонли ва асосан кўп қаватли умумий коммунал типдаги шаҳарларда қуриладиган турар-жой бинолардир. Ер сатҳидан ҳамма хонадонлар ёки бир гуруҳ хонадонларда яшовчилар фойдаланадилар. Бу хилга хонама-хона бўлинган уйлар киради.

В) Қаватлари бўйича турар-жой бинолари иккита асосий гуруҳларга бўлинади: лифтсиз (1-5 қаватли) ва лифтли (6 -16 қаватли ва ундан юқори) турар-жой уйлари.

1. *Паст қаватли уйлар* 1-2 қаватли бўлиб, бу уйлар асосан қишлоқ жойларда тарқалган бўлади. Бу хилдаги уйлар нафақат қишлоқларда балки ҳозирги пайтда шаҳарларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

2. *Ўрта қаватли уйлар* 3-5 қаватли бўлиб, умумий зинапоядан фойдаланилади, лекин лифтсиз турар-жойдан иборат. Бундай турар-жойлар шаҳарларда жуда кўп тарқалган, улар қурилишда иқтисодий жиҳатдан фойдали деб топилган. Бундан ташқари бу хилдаги уйларни қуриш аҳолини нисбатан зичроқ жойлаштириш имкониятига эга. Аммо йирик шаҳарларда энг асосий нарса ер сатҳини иқтисод қилиш масаласи бўлиб, аҳолини зич жойлаштириш мақсадида ўрта қаватли уйлар қурилиши камайтирилиб, уларнинг ўрнига кўп қаватли турар-жой биноларини қуриш кундан-кунга ошиб борапти. Табобат мутахассисларининг текширишларидан шу нарса маълум бўлдики, бизнинг табиат ва иссиқ иқлим шароитида беш қаватли уйларга зинапоядан чиқиб бориш ёши ўтиб қолган одамларнинг соғлигига зарар етказар экан. Шунинг учун Ўзбекистон шароитида ўрта қаватли лифтсиз уйларнинг баландлиги тўрт қаватдан ошмаслиги керак.

3. *Кўп қаватли уйлар* 6-9 қаватли бўлиб, умумий фойдаланиладиган зинапоядан ташқари тик вертикал боғланишлари учун лифтлар қурилмаси ҳам бўлиши керак. Қурилиш иқтисодиёти нуқтаи назаридан қаралса, уйлар ўрта қаватли уйлардан қимматроққа тушади, аммо ер сатҳида кўпроқ аҳолини жойлаштириш имконини беради. Шунинг учун бу хилдаги уйлар катта шаҳарлар учун асосий турар-жой бинолари ҳисобланади.

4. *Баланд қаватли уйлар* 10 ва ундан ортиқ қаватлардан иборат бўлиб, биноларнинг киравериш қисмида, яъни подъездида умумий зинапоядан ташқари икки хил лифт (аҳолини ва юк ташийдиган лифтлар) бўлиши керак. Аҳолини ёнғин ёки зилзила пайтида бинодан тез чиқариб юбориш ёки эвакуация қилиш учун хонадонлар билан ёзги хоналар орқали узвий боғланган бўлиши ва димикмайдиган эвакуация зинапоялари орқали боғланишни таъминлаш керак. Юқорида кўриб чиқилган турар уйларнинг хусусиятлари ва хиллигига кўра турар-жой бинолари қўйидагича таснифланади.(2-расм)

qavatlar bo'yicha	1-2	3-5	6-9	10-16	>16
	kam qavatli	o'rta qavatli	ko'p qavatli		
Xonadonlararo taqsimlovchi kommunikasiya turlari (xoll, yo'lak, galariya)	qo'rg'oncha uy				
	blokli (4 qavatgacha)				
		seksiyali			
		yo'lakli			
		galereyali			
		aralash strukturali			
boshqa alamatlar bo'yicha	janubiy, shimoliy va boshqa klimatik xududlardagi qurilishlar uchun				
	past-baland yerlardagi qurilish uchun				
	ko'p funksiyali				
	shovqindan ximoyalangan				
	binolarni jixozlashga doir talablar				
liftlar soni	—	—	1	2	3-4
chiqindi tashlash joyi	—	—	*	*	*
Xonadonlararo zinapoya turi	—	oddiy	oddiy	tutun yig'ilmaydigan	tutun yig'ilmaydigan

**2-расм.** Турар-жой биноларининг таснифи.

Ўрта, кўп ва баланд қаватли уйлар тархий тузилмасига кўра секцияли (бўлинмали), йўлакли, галереяли, бир секцияли (нуктали) ва аралаш хилдаги уйлар- секция галерея, секция йўлак ва бошқаларга бўлинади.(3-расм )

Секцияли уй учун ҳар бир қаватда зинапоя атрофида бир неча хонадонларнинг (3-5 қаватли)бирлашуви ёки зинапоя-лифтли бўғин тақсимловчи холи билан характерлидир (5 қаватдан юқори). Битта шундай бўғин асосида юзага келувчи хажмий режавий унсур одатда секция деб номланади (3.а-расм.) Бир неча секцияларнинг бирлашиши натижасида кўп секцияли уй ҳосил бўлади. Шундай уйлар билан бир қаторда, қурилишда бир секцияли (нуқтали ёки минорали) бинолар қўлланилади. Бир секцияли /бир бўлакли/ уйлар тархий ечимлари бўйича кўп секцияли уйлардан катта фарқ қилади ва тархий ечимлари алоҳида гуруҳга бўлинади. Бир секцияли тархий тузилмаларни ҳар қандай хонадонлар учун ишлатиш мумкин ва шунинг учун улар универсал ҳисобланади. Улар кўпроқ кўп қават ва баланд қаватли уйлар учун ишлатилади/башенний тип/. Бу хилдаги уйлар мавзеларни /микрорайон/ жойлаштириш ва силуетларни яхшилаш ўрта қаватли уйлар билан бирга аралаш қуриш учун хизмат қилади.

Секцияли уйлар ҳар хил сиғимдаги хонадонлар /бир хонали хонадонлардан то кўп хонали хонадонларгача/ ишлатилади. Бу тархий хилдаги уйлар қурилишида энг кўп ишлатиладигани ва тарқалгани бўлиб универсал аҳамиятга эгадир. Бу хилдаги уйларни ишлатиш (3-4 хонали ва кўп хонали) хонадонлар учун қулайдир.Секция хилли турар-уйлар ўзининг турли-туман режавий тузилиши, яхши техник-иқтисодий кўрсаткичлари ва шаҳарсозликдаги қулайлиги сабабли кенг тарқалган.

Йўлакли (коридорли) уйларда хонадонларга кириш зинапоя ва лифтларга олиб борувчи йўлаклар орқали амалга оширилади. (3.б-расм). Йўлаклардаги хонадонлар сони ихтиёрий бўлиши мумкин, фақат зинапоялар орасидаги меъёрий масофанинг сақланиши муҳимдир. Бундай уйлар қаватлари турлича бўлиши мумкин (3 тадан юқори). Йўлакли хилдаги уйлар ҳам галерея типидagi уйларга ўхшаб вертикал ва горизонтал йўлаклар орқали уйни қаватлари билан боғланишга эгадир. Бу уйлар ҳам вертикал боғланиш воситаларига, етарли даражада зўриқишга эга бўлиб, улар кам хонали хонадонлар қурилишида унумли ҳисобланади.



Кейинчалик, йўлакли уйлар сезиларли холда мукамаллаштирилган, хусусан Ле Корбюзье лойиҳаларида, у хонадонларни икки сатҳли қуриш ва йўлақларни эса қаватлар оралаб жойлаштириш ғоясини ривожлантирган. Аммо, турли мамлакатларда амалга оширилган, 60-70 йиллар бошларида қурилган уйларда бу тизимнинг бир қатор қизиқарли интерпретацияларига қарамасдан, йўлакли уйлар оммабоп қўлланилган. Йўлакли тизим меҳмонхоналар ва ётоқхоналар режасида устун туради.

Галерея типидagi уйлар вертикал /тикка/ боғланишга эга /зинапоя ва лифтлар/ ва горизонтал боғланиш бўлган галереялар кўпинча кам хонадонли уйлар учун ишлатилади, қаерда секция типидagi уйлар тежамкорлик жиҳатдан ёмон натижа берса, /зинапоя ва лифтларда кам зўриқиш бўлса/ галерея типидagi уйларда зинапоя ва лифтлар орқали вертикал боғланишга зўриқиш кўп тушади.


Галереяли уй коммуникацион тузилиши бўйича йўлакли уйга ўхшан (3,в-расм). Улар орасидаги фарқ шунда-ки, галерея бинонинг бир томони бўйлаб жойлашади, очиқ бўлади ва табиий равишда ёритилади. Галерея орқали хонадонларни тўғридан-тўғри шамоллатиш таъминланади.

Галереяли уйнинг камчилиги галереяни қаватма-қават жойлашувида, секцияли ва йўлакли уйлар билан таққослаганда, корпус кенглигининг кичиклигидир, бу унинг иссиқлик техник сифатларини пасайтиради. Шунга кўра, галереяли уйлар иссиқ иқлимли ҳудудларда кенг тарқалган.

Турар-жой қурилишида кўпинча хонадонларни коммуникацион таъминлашнинг аралаш вариантлари қўлланилади, бу йўлак-секцияли, галерея-секцияли ва бошқа тизимлар пайдо бўлишига олиб келади. (3,е-расм).


Кўрғонча(усадебный) туридаги ўз ҳовлисига эга уйлар асосан қишлоқ ҳудудлари ва кичик шаҳарларда қуриш учун мўлжалланган.(3,г-расм) Уйга кириш қисми ер сатҳида жойлаштирилади, бу ҳовли ва уйнинг хўжалик хоналари орасидаги зарурий алоқани таъминлайди. Ҳовли ўлчами 600-1200 м<sup>2</sup> бўлиб, у бир оиланинг хўжалиги учун мўлжалланган. Блокировкали уйларда ҳар бир хонадон, аввалги ҳолатдагидек, ер сатҳида бўлган алоҳида кириш

жойига эга. Томорқали уйлардан фарқли равишда, блокировкали уйлар тўрт қаватгача бўлиши мумкин, бунда бир-бирининг устида жойлашган икки қаватдан иборат икки сатҳли хонадонлар кўзда тутилади. Юқори қаватдаги хонадонларга кириш, ташқи зинапоялар билан таъминланади.



**3-расм.** Турар-жой биноларининг асосий турлари: а-секцияли; б-йўлакли; в-галереяли; г-қўргонча уй (томорқали); д-блокли; е-аралаш структурали.

Кўп функцияли турар-уй бинолари учун бошқа мақсадли ташкилотларни турар-уй қаватларига қўшиб қуриш характерлидир. Бундай уйлар қаватлари ихтиёрий бўлиши мумкин (4-расм).



**4-расм.** Кўп функцияли турар-жой биноси (1- ва 2-қаватларда жамоат муассасалари жойлашган).

### **1.3. Ўзбекистон шароитида турар-жой биноларини лойиҳалаш учун қўйиладиган асосий талаблар.**

Ўзбекистоннинг иқлим шароитида хонадонни ер сатҳи ва очиқ ҳаво билан боғлаш анъанага айланиб қолган. Шаҳарларнинг тез ўсиши ва шаҳардаги ер майдонини иқтисод қилиш натижаси ўрта ва кўп қаватли уйларнинг қурилишига олиб келди ва хонадонларни ер билан боғлаш анъанаси йўқолди. Бунинг ўрнини алмаштириш учун хонадон таркибига ҳар хил ёзги хоналарни лойиҳалаш ва паст қаватли уйларга нисбатан ҳар хил қулайликлар, яъни марказлашган иссиқ сув, иситиш электр жиҳозлари ва ахлатни олиб кетиш учун қулайликлар яратилган. Шу сабаблар натижасида Ўзбекистон табиати, иқлим-шароитини ва урф-одатларига жавоб берадиган кўп қаватли уйларнинг хилларига талаблар ишлаб чиқилган.

Табиий иқлим шароити бўйича Ўзбекистон ҳудудлари минтақавий зоналарга бўлинади. Бу умумий кўрсаткич албатта, Ўзбекистон тоғли, лалмикор, саҳро ҳудудларига бўлинади ва ҳавоси бир-биридан фарқ қилади.

Фарғона, Самарқанд, Тошкент, Сурхондарё вилоятлари эса тез-тез эсиб турадиган иссиқ шамоли билан бошқа вилоятлардан фарқ қилади.

ТашЗНИИЭП институти томонидан бу ерларнинг иқлимий кўрсаткичлари ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон ҳудуди 3 қисмга бўлинган:

1- минтақавий қисмга: ёзи жуда иссиқ, киши қисқа ва юмшоқроқ иқлимли вилоятлар қиради. Бу ерда тез-тез жанубий иссиқ шамол эсиб туради. Ҳавонинг иссиқлиги 45 даражагача кўтарилади. Бу ҳудудда иссиқ кунлар кўп бўлганлиги сабабли табиий йўл билан иссиқдан сақланиш қийин ҳудудлар ҳисобланади.

2- минтақавий қисмга: асосий лалмикор ва саноат вилоятлари, яъни Фарғона водийси, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари қиради. Бу вилоятлар юмшоқроқ киши ва иссиқ ёзи билан ажралиб туради. Булар жуда кенг ҳудудли ва аҳолиси зич жойлашган вилоятлардир.

3-минтақавий қисмга: совуқроқ, узоқ киши ва салқинроқ ёзи билан ажралиб туради. Бунга Қорақалпоғистон, Хоразм ва Бухоро вилоятларининг шимолий қисми қиради.

Турар-жой биноларини лойиҳалаш Ўзбекистон Республикаси ҳудудини КМК 2.01.01га мувофиқ қурилиш-иқлимий минтақалаштиришга мос равишда, минтақа ва минтақа остилар асосий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак:

I минтақа – сахро иқлими таъсирида бўлган, ўта ноқулай ёзги шароитли ҳудудлар.

I минтақада айниқса юқори давомли жазирама даврли IA ва IB остминтақалар, ҳавоси юқори даражада чангли IA, IB ва II остминтақаларга ажратилган, II остминтақа совуқ киши билан ажралиб туради.

II минтақа – тоғолди воҳалар, табиий-иқлимий ва ландшафт шароитлари нисбатан яхши бўлган водийлар ва ясситоғли туманлар.

III минтақа – тоғли ҳудудлар – ўртаноқулай қишки шароитлари билан ажралиб туради.

Минтақалар ва остминтақалар табиий-иқлимий шароитлари хусусиятларини ҳисобга олиш бўйича талаб ва тавсиялар лойиҳалаш меъёрлари матнида келтирилган.(ШНК 2.08.01.-05”Турар-жой бинолари” 4- илова)

I қурилиш-иқлимий минтақада турар-жой биноларининг архитектура-тарихий ечимлари истиқоматгоҳни ёзги жазирама, шамол ва чангдан ҳимоялашни таъминлаши керак.

Яшаш хоналарини чанг-тўзон таъсиридан ҳимояланган ҳовли бўшлиқларига очилишини таъминлайдиган, максимал кенг корпусли турар-жой уйларнинг ихчам қуршалган(ўралган) композицион-тархий ечимларини қўллаш тавсия қилинади; кўпқаватли уйларда уй структураси ичига жойлашган ойнаванд пешайвонлар, камқаватли уйларда эса ёпиқ ҳовлилар қўллаш мақсадга мувофиқдир.

II қурилиш-иқлимий минтақада архитектура-тархий ечимлар иқлимнинг оромбахш шароитларидан максимал фойдаланишга, шу билан бир вақтда истиқоматгоҳни ортиқча жазирамадан ҳимоялашга қаратилган бўлиши керак. Жазирамадан ҳимоялаш соябонлаш, истиқоматгоҳни ташқи-кўкаламзор муҳитга очиш, оромбахш салқин шамоллар йўналишини ҳисобга олган ҳолда шамоллатиш ҳисобига таъминланади.

III қурилиш-иқлимий минтақада архитектура-тархий ечимни танлашда етакчи омил, бу истиқоматгоҳни қиш даврида ўта ноқулай иқлим таъсиридан ҳимоялашдир. Истиқоматгоҳ ва пешайвонлар асосан жанубий (жануби-шарқ, жануби-ғарб) уфққа қаратилган, ихчам композицион-тархий ечимлар қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Соғлом ва эстетик тўлақонли турар-жой муҳитини шакллантиришда табиий-иқлим шароитлари ҳисобга олиниши керак, бу шароитлар доимо бинолар архитектурасига, уларнинг фазовий ва функционал ташкилий қисмларига, қурилиш материаллари ва конструкциялар танловига ва кўпгина бошқа нарсаларга сезиларли таъсир кўрсатади.

Биринчи навбатда, бундай шароитлар қаторига қуйидагилар киради: ушбу ҳудуд иқлимига мос бўлган температура, намлик ва шамол режими;

Қуёш радиацияси даражаси; об-ҳаводаги мавсумий фарқлар ва х.к. Шу шароитларнинг ҳаммаси инсонга ва турар уйга биргаликда, лекин ҳар бир аниқ ҳолатда турлича таъсир кўрсатади. Агарда кичик фазо микроиқлими ҳақида гап кетса, фарқлар нюансли, агарда жуда катта ҳудудлар иқлими (ўлка, вилоят, зоналар) таққосланса, фарқлар контраст бўлиши мумкин.(30

Иссиқ қуруқ иқлим шароитларидаги турар-жойлари учун кенг корпус, ташқи деворлар периметрининг минималлиги яхши самара беради, бунда биноларнинг исиб кетишига қаршилик юқорирокдир. Бу ерда, ташқи тўсиқлар учун термик қаршиликнинг зарурий коэффицентига эга конструкциялар ва материаллар танлови талаб қилинади. Ташқи муҳит ва турар-уй хоналари орасидаги иссиқлик алмашинуви дераза тешиклари орқали фаол ўтишини унутмаслик керак, шунинг учун дераза тешиклари майдонини кўпайтирмаслик тавсия қилинади. Юқори санитар-гигиеник қулайлик яратиш учун хоналарни яхши шамоллатишни йулга қуйиш катта аҳамиятга эга.

Агарда бино шамол йўналишига перпендикуляр жойлашган бўлса, бу самарага кўпроқ эришилади. Шамол эсувчи томонда, яъни шамол кучи юқори босимли зона ҳосил қилувчи томонда тешиқлар (дераза, туйнук, вентиляция тешиклари) бинонинг қарама-қарши томонидаги тортувчи тешиқлардан кичикроқ ўлчамда бўлиши исботланган. Хонадонлардаги ҳаво алмашинуви интенсивлигига уйнинг жойлашган жойи ва ориентацияси, фасад юзалардаги тешиқларни тақсимлаш ва уларнинг ўлчамлари, ички тўсиқлар ҳолати таъсир кўрсатади.

Ёз пайтларидаги иссиқ ҳаво ва нисбатан юмшоқ, қисқа даврли қиш хонадонларни иссиқ ҳаводан сақлашни тақозо этади. Бу эса уйлардаги хоналарни қуёшга нисбатан тўғри ориентация қилиш, яхши шамоллатишни йулга қуйиш, конструкциялар хусусиятларидан тўғри фойдаланиш, қуёшга қарши қурилмаларни қўллаш орқали эришилади. Инсоляция уйлардаги хоналарга қуёш нуруни тўғридан-тўғри тушиши бўлиб, шунингдек санитар-гигиеник ҳолатни ушлаб туради. Инсоляция фақат турар уй жойлардаги асосий хоналарга зарур, лекин у ёрдамчи хоналар: ошхона, даҳлиз, ҳожатхоналарга

керак эмас, аксинча улар бу хоналарда нокулайликлар туғдириши мумкин. Шунинг учун инсоляцияни давомийлиги тўғридан-тўғри уйлардаги хоналарни ориентациясига боғлиқ. Уйларни қуёшга нисбатан мақбул даражада тўғри ориентация қилиш шундаки, қиш пайтида хонадонларда қуёш нуридан кўпроқ фойдаланиш, ёзда эса хоналарга камроқ қуёш нури тушишини таъминлаши зарур. Ушбу шароитда энг яхши жанубий ориентация бўлиб, ёз кунлари қуёш тиккадан ўтганлиги сабабли қуёшга қарши кичик қурилма соябон деразаларни иссиқ қуёш нуридан сақлайди. Қишда эса қуёш пастлаб нур сочганлиги сабабли қуёш нури тўғридан-тўғри жанубга қаратилган деразага тушади ва хоналарда яхши инсоляция таъминланади. Демак хонадонларда иккиёқлама ориентация мақсадга мувофиқ; асосий хоналар жануб томонга жойлаштирилса, ёрдамчи хоналар шимол томонга жойлаштирилиши керак.

Жанубий шарқий тараф ва шимолий ғарбий тарафга қаратиш, яъни хоналарни икки тарафга жойлаштириш мумкин бўлганлиги сабабли қурилишда бундай тарафларга қаратишга ва лойиҳалашга рухсат берилади. Энг ёмон ориентация, - бу ғарб ва шарқ тарафлари бўлиб, бунда уйнинг бир томони пешиндан кейин қизийди. Бунадай ориентацияда уй жойларни қуришга рухсат берилмайди. (типология)

Турар-жой биноларини тархий ечимини жойланиши ва уфққа нисбатан ўрни яшаш хоналарини 22 март-2 сентябр даврида узлуксиз давом этадиган инсоляцияси 2,5 соатдан кам бўлмаслигини таъминлаши керак; кун давомида инсоляциянинг умумий вақти 0,5 соатга ошганда яшаш хоналарини инсоляцияси бир марта узилишига йўл қўйилади.

Бир, икки ва уч хонали хонадонларда камида бир хонада; тўрт, беш, олти хонали уйларда камида икки хонада инсоляцияни нормаланган давомийлиги таъминланиши керак. Ётоқхоналарда қоида тарзида яшаш хоналарининг камида 60%, интернат-уйлар эса камида 75% инсоляция қилиниши керак.

*Изоҳ:* Турар-жой биноларини жойлашишини, уфққа нисбатан ўрни, бинолар оралиғи ШНК 2.07.01 талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Турар-жой бинолари уфққа нисбатан ноқулай жойлашганда яшаш хоналарини ортиқча қуёш радиацияси ва жазирамадан сақлаш кўзда тутилиши керак. I ва II минтақаларда яшаш хоналари деразалари уфқнинг ғарбий қисмига 200-290° оралиғида қаратилмаслиги керак. Уфқнинг кўрсатилган қисмига: икки хонали хонадонда – битта хонани, уч хоналикда – иккитагача, ётоқхоналарда – соябон қурилмаси бўлганда ёки махсус ойнакланган бўлса, кўпи билан 25% яшаш хоналари қаратилишига йўл қўйилади.


Хонада салқин ҳаво ҳосил қилиш учун уйни шамоллатиш, елвизак катта аҳамиятга эга. Елвизак ҳосил қилиш йўли билан кундузги иссиқ ҳавони кечки салқин ҳаво билан алмаштириш мумкин. Бунга сабаб Ўзбекистоннинг кеча-кундуз давомида тез-тез ўзгариб турувчи иқлим шароитидир. Бунинг учун кундуз куни хоналардаги деразаларни ёпиқ ҳолда ва аксинча кечаси ташқаридаги ҳаво салқинлашганда деразаларни очиш йўли билан хонанинг ҳавоси салқинлатиб турилади. Аммо хонадаги иссиқ ҳавони тез салқинлатиш учун, яхши санитар-гигиеник шароитни яратишда тўғридан-тўғри, бурчакли ва вертикал (аэрацион шахтлар орқали) шамоллатишдан фойдаланилади. (5-расм) Бу эса турар-жой биноларида тархий ечимни тўғри ташкил қилиш, яъни уйлардаги хоналарни икки қарама-қарши тарафга қаратиш ҳисобига ташкил этилади.

Ўзбекистон шароитида уйларда хоналарни бир томонга қаратиш елвизак усулини ҳосил қилишга ёрдам беролмайди ва хонадоннинг исиб кетишга сабаб бўлади. Бундай тархли турар уй-жойлар Ўзбекистон иқлими шароитида қониқарсиз деб ҳисобланади.

Табиий ёритилган хоналар, фрамуга, дарча (форточка) ёки бошқа қурилмалар орқали шамоллатилиши таъминланиши керак. Ҳавони бир хонадондан бошқасига оқиб ўтишига йўл қўйилмаслиги керак. Бир томонлама жойлашган бир ва икки хонали хонадонларни, ойнакланмаган холл майдончалар, зинапоя бўлмаси ёки ташқарига очиқ хонадондан ташқари хоналар орқали шамоллатишга йўл қўйилади. Йўлакли турдаги ётоқхона биноларида яшаш хоналарини бевосита табиий ёритилган ва тўғри ёки



бурчаклама шамоллатиладиган, узунлиги 24м гача бўлган умумий йўлаклар орқали шамоллатишга йўл қўйилади.










**5-расм.** Шамоллатиш схемалари: а-секцияли уйда бурчакли шамоллатиш; б-секцияли уйда тўғридан-тўғри (сквозной) шамоллатиш; в-шахта орқали шамоллатиш; г-йўлакли ва галереяли уйда тўғридан тўғри шамоллатиш; д-ички ҳовли орқали шамоллатиш.

Яхши микроклимни таъминлашда (айниқса қуёшга нотўғри қаратилган уйлар учун) қуёшга қарши қурилмалар ишлатилади: горизонтал қурилмалар жанубга қаратилган хоналарлар учун, вертикал қурилмалар шарқ ва ғарб томонга қаратилган хоналар учун ҳамда ҳар хил бошқа аралаш қурилмалар ва уй атрофини ёпиб ўсадиган ўсимликлар ишлатилади. Қуёшга қарши қурилмалар нафақат ҳавони салқинлаштирибгина қолмай уйнинг чиройли кўринишига ҳам ёрдам беради. Улар уйларнинг тарзини бойитишга ва шинам бўлишига катта ёрдам беради. Юқорида айтиб ўтилган воситалар Ўзбекистон шароитидаги микроклимни яхшилашда табиий ҳисобланади. Шулар билан бир қаторда сунъий жиҳозлар совутгичлар

(кондиционерлар) ҳам ҳавони салқинлатишга хизмат қилади. Лекин уларни ишлатиш фақат табиий ҳавони салқинлатиш усулларига ёрдамчи бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун Ўзбекистон шароитида сунъий усуллар ишлатиладими ёки йўқми уйларни лойиҳалашда асосан табиий салқинлатиш усуллари, қонун қоидалари қўлланилиши шарт.

Ҳудуд рельефи иқлим омиллари сингари, турар-жой бинолари шаклланишида ва қурилиш усуллари танилашда, фаол иштирок этади. Архитектура тарихи ва замонавий амалиётда бу кўп бора тасдиқланган. Бу омилни чуқурроқ бир мунча кейин ўрганамиз, ҳозирда энг асосийларини таъкидлаб ўтаме: ҳудуднинг энгил қиялиги, қоида бўйича, уй архитектурасида сезиларли таъсир кўрсатмайди, ўйнамайди ва турар-жой қурилишининг ихтиёрий режаси кўзда тутилади, лекин қиялик бурчаги  $10-15^{\circ}$  гача ошганда биринчи қаватни у ёки бу шаклда шакллантиришга тўғри келади,  $15-20^{\circ}$  дан ошиқ бўлган қияликларда эса алоҳида турли биноларни қуриш (масалан, террасали) мақсадга мувофиқдир.

Тоғли ва тоғолди ҳудудларида тикка қияликларни ўзлаштириш кўпинча нисбатан текис майдонларнинг тақчилиги сабабли, жуда қийиндир. Лекин, оддий ҳудудларда ҳам шундай зарурият туғилади. Айниқса, бу ўз ҳудудий захирасини ишлатиб бўлган, шаҳарлар учун характерлидир, бу ерларда турар-уйлар ноқулай бўлган жойларда қурила бошлайди. (6-расм)

POG'ONALI UYLAR	KASKADLI	SEKSIYALI		40% GACHA
		YO'LAKLI (GALEREYALI)		25% DAN KAM BO'LMAGAN
		YO'LAKLI (GALEREYALI) SEKSIYALI		25% GACHA
	TERASSALI	SEKSIYALI / YO'LAKLI		25% DAN KAM BO'LMAGAN
QAVATLARI O'ZGARUVCHI UY	SEKSIYALI		30% GACHA	60% DAN YUQORI
	YO'LAKLI (GALEREYALI) SEKSIYALI		45% GACHA	
TAYANCHDA TURUVCHI UYLAR	YO'LAKLI / NUQTALI			20% DAN YUQORI
				IXTIYORIY QIYALIKLAR

**6-расм.** Мураккаб рельефда жойлашган турар уйи (арх. Д.В.Махароблишвили).

Қатъий ифодали рельефга эга майдонларда турар-уй биноларини куришда худудни тайёрлаш ва жиҳозлаш бўйича қўшимча муҳандислик тадбирларни ўтказиш, хонадонлар инсоляцияси ҳисоб-китобида қиялик йўналишини ҳисобга олиш, биноларнинг мос турларини ва уларни куриш усулларини танлаш зарур. Турар-уй курилиши учун шимолга қараган қияликлар ноқулай ҳисобланади, чунки бу ҳолатда хоналар ва худуд инсоляцияси қийинлашади. Яна таъкидлаш лозим-ки, турар-уйни лойиҳалашда,

юқорида санаб ўтилган барча табиий-иқлим омилларини комплексли ҳисоб-китоби талаб қилинади. Фақат шундагина, турар-уй жуда қулай (комфортли) бўлади.

## **2-БОБ. ТУРАР-ЖОЙ БИНОЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШГА ТАЪСИР** **ҚИЛУВЧИ АСОСИЙ ОМИЛЛАР.**

### **2.1. Турар уй жой қурилишида шаҳарсозлик талаблари**

Шаҳар, турар-жой ҳудудига ёки алоҳида турар-жой уйига ер сатҳини танлаш ўта маъсулиятли ишдир, чунки бу ерда аҳолининг яшаши учун ҳамма шарт-шароитлар мавжуд бўлиши ва келгуси авлодларнинг яшашларини ҳисобга олиш зарур. Турар уй жойини қуриш учун майдон танланади, ушбу танланган ер майдони турар уй жой учун ер сатҳи баландроқ, яъни сув тўпланмайдиган, ерга сув шаҳобчалари ўтказиш ва кўкаламзорлаштириш имкониятига эга бўлган, ундан ташқари саноат ва ишлаб чиқариш корхоналаридан санитария - гигиеник жиҳатдан узоқроқ масофада бўлиши керак. Шунингдек, бино бошқа турар-жой ва жамоат биноларидан узоқроқ масофада жойлашишини, қуёшга нисбатан яхши ориентацияда бўлиши ва табиий шамоллатилишини таъминламоқ лозим. Турар-жой уйи бундан ташқари кўча шовқинидан, транспорт ҳаракатидан муҳофазаланган бўлиши керак.

Турар-жой биноларини шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида жойлаштиришни шаҳарсозлик лойиҳаси бўйича ШНК 2.07.01нинг талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Оммавий уй-жой қурилиш учун 4-қаватдан баланд бўлмаган; Оқвалаштирилмаган (канализациялаштирилмаган) шаҳар ва қишлоқларда 1-2 қаватли бинолар қўлланилиши лозим.

9-12 қаватли бинолар йирик шаҳарларнинг марказида қуриш учун қўллаш мумкин; 16 қаватли бинолар махсус (алоҳида) асослар бўйича ва Давархитектқурилишнинг рухсати бўйича қўлланилади. Оммавий уй-жой қурилиш учун 4-қаватдан баланд бўлмаган; Оқвалаштирилмаган

(канализациялаштирилмаган) шаҳар ва қишлоқларда 1-2 қаватли бинолар қўлланилиши лозим.

Турар-жой уйга автомобиллар кириши учун йўлакча ажратилиши, бундан ташқари уй атрофи кўкаламзорлаштирилган ҳудуд ва сув ўтказилган ариқчалар бўлиши, спорт майдончалари, соябонлар, катталар дам оладиган ва болалар учун майдончалар кўзда тутилиши лозим. Бу Ўзбекистон табиий иқлим шароитида муҳим омиллардан биридир. Ер сатҳи кўшни уйлар билан, туман маркази билан болалар боғчаси, мактаб, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш жойлари билан қулай боғланган бўлиши керак.

Турар - жой комплексининг кўкаламзорлаштириладиган ҳудудининг юзасини  $6\text{м}^2/\text{киши}$  дан кам бўлмаган юзада қабул қилиш тақозо этилади. Кўкаламзорлаштириладиган ҳудуд майдонига, шунингдек, катта ёшли кишилар учун мўлжалланган дам олиш майдончалари, болаларга мўлжалланган ўйин майдончалари ва пиёдалар йўлакчалари (агар бу йўлакчаларнинг юзаси кўкаламзорлаштириладиган ҳудуднинг – 30% дан камроғини эгалласа) ҳам киритилади.

Биринчи қаватда хонадонларга эга бўлган турар-жой биноларини қоидага кўра қизил чизикдан анча четроқда жойлаштириш тақозо этилади. Қизил чизик бўйича ижтимоий вазифаларни бажарувчи хоналари биринчи қаватга ички қурилган ёки биринчи қаватга қўшиб қурилган биноларни жойлаштиришга рухсат берилади. Турар-жой қурилишини лойиҳалаштиришда майдончаларни меъёрий ҳужжатлар орқали жойлаштириш кўзда тутилади, бу майдончаларнинг ўлчамлари ва улардан турар-жой ҳамда жамоат биноларигача бўлган масофа 1-жадвалда кўрсатилган масофадан кам бўлмаган ўлчамда қабул қилинади.

Майдончалар	Майдончаларнинг солиштирма юзаси м <sup>2</sup> / киши	Майдончалардаги турар-жой уйлари-нинг деразаларига-гача ва жамоат биноларига-гача бўлган масофа, м
Мактабгача ёшдаги ва бошланғич мактаб болалари учун мўлжалланган ўйин майдончалари	0,7	12
Катта ёшли аҳоли учун дам олиш майдончалари	0,1	10
Бадантарбия учун мўлжалланган майдончалари	2,0	10-40
Хўжалик эҳтиёжлар ва сайр қилдиришга мўлжалланган майдончалар	0,3	20 (хўжалик эҳтиёжлари учун)
Автомашиналар туриш майдончалари	0,8	2-жадвал бўйича

*Изоҳ.* Бадан-тарбия майдончаларидан турар-жой уйлари-нинг деразаларига-гача ва жамоат биноларига-гача бўлган масофа бу майдончаларнинг шовқин характеристикаларига боғлиқ равишда ўрнатилади; чойшабларни қуриштиришга мўлжалланган майдончалардан турар-жой уйлари ва жамоат биноларига-гача бўлган масофа меъёрлаштирилмайди, маиший ахлат тўпланадиган майдончалардан бадан-тарбия майдончаларига-гача, болалар ўйин майдончаларига-гача ва катта ёшли аҳоли гуруҳларининг дам олиш майдончаларига-гача бўлган масофани 20м дан кам бўлмаган ўлчамда қабул қилиш тақозо этилади. Хўжалик мақсадларида фойдаланиладиган майдончалардан турар-жой уйлари-нинг энг узоқдаги кириш жойига-гача бўлган масофа 100м дан ошмаслиги лозим.

Турар-жой уйлари орасидаги ҳамда турар-жой уйлари ва жамоат бинолари ўртасидаги масофа инсоляция ва ёритилганлик бўйича олиб бориладиган ҳисоблашлар асосида ҳамда ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ тарзда

қабул қилинади. Баландлиги 2-3 қават бўлган турар-жой уйларининг узун томонлари орасидаги масофани 15 м дан кам бўлмаган ҳолда, баландлиги 4 қават бўлган уйлар орасидаги масофани эса 20м дан кам бўлмаган ўлчамда қабул қилиш тақозо этилади, айнан шу уйларнинг узун деразаларга эга бўлган томонлари ва кўндаланг ён томонлари орасидаги масофани эса 10м кам бўлмаган ўлчамда қабул қилиш лозим. Агар яшаш хоналари деразадан деразага қараб кузатмаслик таъминланган ҳолларда инсоляция ва ёритилганлик меъёрларига риоя қилинган ҳолда юқорида кўрсатилган масофаларни қисқартириш мумкин.

Олов бардошлиги биринчи ва иккинчи даражада бўлган турар-жой бинолари орасидаги ёнғин хавфсизлиги масофаси 6 м дан кам бўлмаслиги лозим.

Турар-жой комплекси ҳудуди чегарасида гаражларни (ер усти ва ер ости) ва шахсий енгил автомобилларни уларнинг ҳисобий сонининг 80% дан кам бўлмаган сонини доимий жойлаштириш учун очиқ автомобил турар-жойларини кўзда тутиш тақозо этилади. Машиналар учун паркли ўринлар сонини автомобиллар билан таъминлашнинг перспектив даражасини ҳисобга олган ҳолда – ҳар бир хонадонга битта машина тўғри келишидан келиб чиққан ҳолда қабул қилиш лозим.

Енгил автомобилларнинг ер ости гаражларига тушиш ва улардан чиқиш жойлари яшаш хоналарининг деразаларидан камида 15 м узоқликда бўлиши талаб этилади. Енгил автомобилларни доимий ва вақтинчалик сақлашга мўлжалланган ер усти ва ер усти-ер ости гаражларидан, очиқ автомобил турар-жойларидан турар-жой уйларига бўлган масофалар

2-жадвалда

кўрсатилган.

## 2-жадвал

Масофа аниқланадиган бино	Енгил автомобилларнинг сонига боғлиқ равишда гаражлардан ва очик автомобил турар-жойларидан турар-жой уйларигача бўлган масофа, м			
	10 ва ундан кам	11-50	51-100	101-300
Турар-жой бинолари	10	15	25	35
Жумладан ён томонида деразаларга эга бўлмаган турар-жой уйлари	10	10	15	25

Турар-жой бинолари олдида автомашиналарнинг кириб келишини таъминлаш учун автойўлакларни жойлаштиришни кўзда тутиш тақозо этилади. Турар-жой мавзуси (хонадон) ҳудудига кириладиган автойўлаклар ҳамда биноларнинг биринчи қаватидан ўтадиган автойўлакларнинг бирдан иккинчисигача бўлган масофа 300м дан ошмаслиги лозим. Автойўлакларнинг доимий ҳаракат давом этадиган магистрал кўчаларга бирикиши чорраҳадан камида 50 м масофада жойлашишига йўл қўйилади.

Беш қаватли ва ундан юқори қаватли турар-жой биноларда, қоидага кўра, икки тасмали автомобил юриш йўллари мавжуд бўлади, ўрта қаватли уйларда эса бир тасмаали автойўлакларнинг жойлаштирилиши кўзда тутилади. Бир тасмали автомобил ўтиш йўлларида эни 6 м ва узунлиги 15м бўлган бурилиш майдончаларини жойлаштириш кўзда тутилади, бу майдончаларнинг орасидаги масофа 75 м дан ошмаслиги лозим. Фасад томонида кириш жойларига эга бўлган биноларнинг фасадлари чегарасида автомобил ўтиш йўлаклари 5,5 м энликда қурилади.

Боши берк автойўлакларнинг узунлиги 150 м дан ошмаслиги лозим ва улар ахлат ташувчи машиналар ва ёнғин хавфсизлиги машиналарининг бурилиб олишини таъминлайдиган бурилиш майдончалари билан яқунлашиши лозим. Тротуарлар ва велосипед йўлакчалари автойўлакчалари сатҳидан 15 см баландликда жойлаштирилиши талаб этилади.



Автомобил юриш йўллари бу пиёдалар йўлакчаларини лойиҳалаштиришда турар-жой бинолари олдига ёнғин хавфсизлиги автомашиналарининг кириб келишини таъминлаш тақозо этилади ва бунда албатта ёнғин хавфсизлиги авто зинапоялари ёки авто кўтаргичларининг исталган хонадон ёки хонага етиб боришини таъминлаш кўзда тутилади.

Автомобил ўтиш йўлининг четидан бино деворигача бўлган масофани 5м дан кам бўлмаган ўлчамда қабул қилиш тақозо этилади (5 қаватгача бўлган бинолар учун). Бу зонага тўсиқларни жойлаштириш ва дарахтларни қатор қилиб экишга(ўтқозиш) руҳсат берилмайди. Бинонинг кириш жойларига эга бўлмаган тарзлари бўйлаб автомобил ўтиш йўллари ўрнига эни 6м бўлган кўкаламзор полосаларни ташкил этиш лойиҳада кўзда тутилади, бунда бу полоса ёнғин хавфсизлиги машиналарининг юришига яроқли бўлишини инобатга олиниши шарт (бу машиналарнинг тасма устига тушадиган йўл қўйилиши мумкин бўлган юкланиши ҳисобига олинади).

## **2.2. Турар-жойлар қурилишида тежамкорлик масалалари.**

Давлат уй жой қурилишида ҳар йил сарфланадиган кўплаб маблағларни тежамкорлик билан сарфлаб кўпроқ фойда олишга ҳаракат қилинади, шу билан бирга уй-жой сатҳини кўпроқ оширишга ҳаракат қилинади. Уй-жой қурилишида энг зарур талаблардан бири бу тежамкорликдир. Аммо қурилган уй мустаҳкам, чидамли ва уйни иситиш учун кўп иссиқлик сарф қилинмаслиги, тез-тез қайта таъмирланмаслиги зарур талабларидан биридир. Уйлар тез эскирмасликлари, яъни хонадонлар қулай ва шинам бўлиши керак.

Қурилишда тежамкорлик ва ундан фойдаланиш масалалари бир-бирига қарама- қаршидир. Шунинг учун меъморнинг асосий вазифаси ушбу қарама қаршилиқларни бир - бирига таъсирсиз ҳал қилмоғи лозим. Қурилишни тежамкорлик билан олиб боришда қурилиш жиҳозларини ва қурилмаларини тўғри танлаш, заводда тайёрланаётган андозали конструктив қурилма ва жиҳозларидан ўринли фойдаланиш қурилишни арзонроққа туширишга ёрдам

беради. Бундан ташқари уйнинг қавати ва қурилиш майдонини тўғри хал қилиш ҳам тежамкорлик омилларидан биридир.

Лойиҳавий ечимларни танлашда архитектура-қурилиш меъёрларидан тўлиқ ва унумли фойдаланиш зарур, лекин ҳамма масалаларни ечишда ушбу меъёрларга амал қилишнинг ўзи кифоя қилмайди. Шунинг учун лойиҳа танлашда бир неча хил лойиҳаларнинг ичидан техник иқтисодий кўрсаткичлари жиҳатидан тежамли бўлганларини олиш яхши натижа беради.

Ўзбекистон табиий-иқлими шароити уйларни яхши шамоллатиш учун деразаларни икки қарама-қарши тарафга ўрнатиш, секцияда тўрт хонадон ўрнига икки хонадонни жойлаштиришда зина катакларининг сонини ошиб кетиши, катта-катта ёзги хоналардан фойдаланиш ва қуёшга қарши қурилмаларнинг ўрнатилишини тақозо этади. Бу эса уйнинг таннархини ошиб кетишига сабаб бўлади. Ўзбекистонда тез-тез ер қимирлаб туриши ҳам уйларни мустаҳкам қурилмалар билан қуришни талаб этади, бу эса ўз навбатида ортиқча маблағ сарфланишига олиб келади. Шунинг учун бу сабаблар бизнинг меъморларимиз олдида қурилишда тежамкор ва унумли меъморий лойиҳаларни танлашни тақозо этади.

Мамлакатимиздаги мавжуд ва режалаштирилган турар-жой қурилиши хажмига кўра, турар-уй муаммосини ечишга йўналтирилган моддий маблағ ва меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланиш аҳамияти ошмоқда. Бу билан лойиҳа ечимларининг иқтисодий самарадорлиги қатъий назорати зарурияти туғилади. Лойиҳаларнинг иқтисодий баҳолаш учун бир нечта кўрсаткичлардан фойдаланилади. Улардан муҳими – бу қурилаётган уй майдонидаги аҳоли зичлигидир. Бу кўрсаткич ёрдамида шаҳарсозлик ечими самарадорлиги баҳоланади.

Қурилмалар зичлиги фақат санитар – гигиеник қулайлик талабларига зид бўлмаган чегараларгача ошиши мумкин. 12-16 қаватли уйлар максимал зичликни беради, лекин кам қаватли зич (2-4 қаватли) қурилмалар ҳам самарали бўлиши мумкин.

Турар-уй лойиҳаси иқтисодий самарадорлиги қурилиш учун смета тузишда тўлиқроқ аниқланади. Смета маълумотларидан келиб чиқиб, турар-уй майдони квадрат метрига мос қиймати аниқланади. Аммо сметалар тўлиқ ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатлари асосида тузилади ва лойиҳалаш жараёнидан ундан фойдаланилмайди. Шунинг учун, оралиқ босқичларда лойиҳани баҳолаш учун, бошқа кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади, бу кўрсаткичлар иқтисодиёт нуқтаи – назаридан оптимал бўлган вариантларни танлаш имконини беради. Улар орасидаги биринчи ва энг аҳамиятли кўрсаткич – бу  $K_1$  коэффициенти орқали ифодаланувчи, хонадондаги умумий ва яшаш майдони нисбатидир. У қуйидаги формула билан аниқланади:

$$K_1 = \frac{\text{яшаш майдони, м}^2}{\text{умумий майдон, м}^2}$$

Хўжалик хоналари майдонини ошириш, иқтисодий самарадорлик ечимини пасайтиради.

Иккинчи лойиҳа жараёнида фойдаланувчи техник – иқтисодий кўрсаткич – бу  $K_2$  коэффициенти. У турар-уй кубатурасининг яшаш майдони йиғиндисига бўлган нисбатини характерлайди ва у хажмий коэффициент деб номланади:

$$K_2 = \frac{\text{кубатура, м}^3}{\text{яшаш майдони, м}^2}$$

$K_2$  – катталиги  $K_1$  га; турар-уй секцияси ҳамда уйдаги вертикал ва горизонтал коммуникациялар сони (зинапоя, лифтлар, вестибюллар ва х.к.); қаватлар баландлиги; конструктив параметрларга (деворлар, тўсиқлар қалинлиги ва х.к.) боғлиқдир.

Лойиҳа ечимининг иқтисодий кўрсаткичи –  $K_3$  (бинонинг ташқи тўсиб турувчи деворлар майдонининг бино умумий майдонига нисбати) ва  $K_4$  (ташқи деворлар периметрининг бино банд қилган майдонга муносабати) коэффициенти. Бу иккала коэффициент совуқ юзалар катталигини ҳисобга олган ҳолда, иситиш учун материаллар сарфи ва эксплуатацион харажатлар нуқтаи назаридан лойиҳаларни баҳолашга имкон беради. Лекин

шуни эса тутиш керак-ки, бу икки коэффициентлар билан ортиқча хисоблашиш, бинонинг тархий ечимида оддий шаклланишига олиб келади ва шу билан бирга композицион ечимлар қабул қилишга тўсқинлик қилади.

Қурилиш қийматига индустриализация даражаси ҳам, сезиларли таъсир кўрсатади, чунки бинолар қурилишининг (йирик панелли, хажмий-блокли уй қуриш, инвентарли опалубкалар ва х.к. лардан фойдаланиш) индустриал технологиясининг ихтиёрий кўриниши, қурилишдаги меҳнат сарфини кескин қисқартиради. Бу маънода, ички ва ташқи девор панелларини заводда тайёрлаш алоҳида самаралидир. Конструкциялар массасини камайтириш ҳам алоҳида ўринга эга.

Аммо, қурилишдаги меҳнат сарфини қисқартириш, бу билан қурилиш қийматининг пасайишини билдирмайди. Масалан, монолит ва йиғма-монолит уй қурилишининг ривожланган ва йўлга қўйилган технологияси йирик панелли уйга қараганда, умумий майдон м.кв. қийматини пасайтиради.

Эксплуатацион харажатларга иситиш, ёруғлик харажатлари, лифт эксплуатацияси, ахлат ташиш, умумий фойдаланиш хоналарини тозалаш, кундалик ва капитал таъмирлар ва х.к. харажатлар киради. Ушбу харажатларни қисқартириш лойиҳалаш масаларидан биридир. Бу масала самарали иситгичлар ва узоқ муддатли безак материаллардан фойдаланиш ҳисобига, қаватларни рационал режалаш ва лифтлардаги меъёрий пассажир юкига риоя қилиш йўллари билан ечилади.

Жамиятнинг иқтисодий потенциалини ошириш ва лойиҳалаш – қурилиш ишларини мукамал ташкил қилиш ёрдамида, турар-уй жой қулайлигини ошириш ва унинг архитектуравий сифатларини яхшилаш учун имкониятлар яратилади.

### **2.3. Турар-жойлар қурилишида қўйиладиган бадий-меъморчилик талаблар.**

Турар уй-жой бинолари ўзининг вазифасига кўра ўз кўринишига эга бўлиши керак. Қурилишда турар уй-жойининг бўлаклари (детали) инсон

ўлчовига ҳамоҳанг бўлиши керак. Бу вазифалар кам қаватли уй-жойларда осонроқ ҳал қилинади. Кўп қаватли турар-жой уйлариининг ташқи кўринишини танлашда меъморларни анча қийинроқ вазифаларни ечишга тўғри келади. Бунда бинонинг масштабига мос равишда йирик бўлақларни қўллаш ( устунлар, антаблемент ва бошқалар), уй жой биноларини монументал ва бой бўлишига олиб келади, бу эса уларнинг олдида қўйилган бадиий талабларига жавоб бериши керак.

Турар-жой бинолари айниқса жанубда жойлашган уйлар табиат билан мужассамлашиб кетиши керак. Бу функционал хусусият ўзининг бадиий кўринишида, яъни ёзги хоналар (айвон, сува ва бошқалар)ечимида ўз аксини топади. Қуёшга қарши қурилмаларнинг уйни иссиқдан сақлаш учун фойдаланилиши жанубий уйнинг ўзига хос бадиий кўринишини яратишга ёрдам беради. Ушбу мақсадда кўкаламзорлаштиришдан ҳам фойдаланилади.

Турар-жой биноларига ранг танлаш ҳам катта аҳамиятга эга, яъни ҳар - хил қорамтир ва кул рангларни ишлатишдан сақланиш керак, чунки улар бинога хунук кўриниш бериши билан бирга бу ранглар қуёш нурини яхши қайтара олмайди ва хоналарнинг исиб кетишига сабаб бўлади. Бу ерда оч ва иссиқ рангларни ишлатиш зарур.

Халқ меъморчилигининг усуллари, халқ анъаналари, урф-одатларини инобатга олган ҳолда турар-жой биноларининг меъморчилигини жонлаштириш мумкин. Андозали турар-жойлар билан ўзига хос оригинал ва ҳар-хил кўринишдаги турар-жойларни яратиш меъморлардан моҳирликни ва ижодий янги усуллариини талаб этади.

Турар уй-жой, жамоат биноларини муваффақият билан уйғунлаштириб микрорайон ва турар-жой ҳудудларини жойлаштириш, композицион ҳар-хил силуэтлар ҳосил қилиш, ранг ва фактуралардан тўла фойдаланиш, ер сатҳи билан тўла уйғунлашиб кетиши, кўкаламзорлаштириш ва сув билан тўғри таъминлаш қурилишдаги лоқайд кўринишларни йўқотишга олиб келади. Типик лойиҳаларга ҳар-хил янги усулларни киритиш йўли билан турар-уйлар бадиий ечимини бойитиш лозим. Меъморлар бу усуллардан тўғри фойдаланиб

композицион тизимга эга бўлган турар-жой, бекатлар ва уйлар лойиҳасини тузадилар. Шундай қилиб меъморлар муваффақиятли лойиҳалар учун ҳар хил усулларни қўллаб турар-жой массивларини бойитиши, тажриба ва ижодий ёндошиш орқали ҳар - хил композицион вазифаларни ҳал этишлари мумкин.

### **3-БОБ. ХОНАДОННИНГ ТАРКИБИ ВА ЖИҲОЗЛАРИ.**

#### **3.1. Хонадонларни лойиҳалашда умумий қоидалар**

Хонадон деб бинонинг бир-бирига бирлаштириб боғланган, битта оиланинг яшаши учун мўлжалланган қисмига айтилади. Хонадон турар-жойларнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Бу хонадонларда оила аъзолари ўзининг асосий вақтини ўтказди, яъни улар бу ерда дам олишади, ишлашади, ухлашади, овқатланишади ва меҳмон кутишади.

Оиланинг таркибий сони турар-уй ячейкасининг асосий хусусиятларидан биридир. Айнан шу хонадонга мўлжалланган кишилар сони билан, унинг ўлчами, умумий ва яшаш майдонлари аниқланади (лойиҳачи учун муҳим бўлган, амалдаги бир киши учун мўлжалланган майдон меъёрига кўра).

Хонадоннинг яшаш майдони-бу барча яшаш хоналар майдонлари йиғиндиси, умумий майдон-бу хонадондаги барча хоналар майдони йиғиндисидир.


Ҳозирги вақтда, бир киши учун яшаш майдони турар-уй тақсимоотида асосий кўрсаткич ҳисобланади, хонадоннинг умумий майдони эса, хонадонни лойиҳалашда асос бўлиб хизмат қилади (лекин келажакда, турар-уйлар хонадонларнинг умумий майдони бўйича тақсимланиши ва нархланиши кўзда тутилмоқда).

Уй тархини ечишга унинг қандай ҳажмли бўлишига қарамасдан у ерда ҳаёт кечириш учун керак бўладиган ҳамма шарт-шароитларни яратиш зарур. Булар: ҳар бир оила аъзосининг дам олиши ва шахсий ишларини бажариши, уй хўжалигини олиб бориши, овқат тайёрлаш ва овқатланиши, оила аъзолари бир-бири билан ва бошқа одамлар билан мулоқатда бўлиши, гигиеник тозаликни сақлаши учун шарт-шароитлар яратилиши керак. Турар-жой хоналарининг

сони ва ҳажми оила аъзоларининг сонига, ёшига қараб белгиланади. Ёрдамчи хоналарнинг майдони яшайдиган хоналарнинг сонига қараб белгиланади.

Турар-жойлардаги хоналар ўзини фойдаланиш вазифасига кўра иккита асосий гуруҳларга бўлинади: *асосий яшаш хоналари* (шахсий яшаш хоналари-ётоқхоналар ва умумоилавий хоналар) ва *ёрдамчи хоналар* (хонадонларнинг шахсий гигиена, хўжалик қисмлари).

Хонадонлар асосий, хўжалик ва шахсий яшаш зоналарига бўлинади. Хонадонларнинг асосий қисм зонасидаги хоналарга меҳмон кутиб оладиган ва шу билан бирга оила аъзолари бир ерга тўпланадиган емакхона, меҳмонхона, иш кабинетидан иборат бўлади. Бу хоналарга тўғридан-тўғри дахлиз орқали ўтилади. (7-расм)



**7-расм.** Хонадон хоналарининг таркиби: А-ётоқхоналар: 1-ота-оналар учун; 2-болалар учун; 3-катталар учун; В-умумий хона: 4-емакхона; 5-меҳмонхона; С-ишчи хона; D-ёзги турар хона; E-ёзги рўзғорхона; 6-дахлиз; 7-ошхона; 8-хожатхона; 9-ҳаммом; 10-йўлак; 11-хужра; 12-қазноқхона.

Яхши санитар-гигиеник шароитни яратиш учун ҳар бир оила аъзоси етарли миқдорда майдон билан таъминланилади, бу камида 9 м.кв. ҳажмида. (камида

25 м. куб.) бўлади. Хоналар ва ёрдамчи хоналарнинг баландлиги жанубий ҳудудларда 2,7 м. дан кам бўлмаслиги керак.

Санитар - гигиеник шароитини яхшилаш мақсадида келажакда турар-жой майдони меъёри (нормаси) битта одамга 12-15 м.кв.ни ташкил этиши керак. 1 одам учун хонадонда хонани майдони 14м<sup>2</sup> дан, 2 одам учун 18м<sup>2</sup> дан кам бўлмаслиги керак. (3-жадвал)

### 3-жадвал

#### Оддий синф қулайликли хонадонлар таркиби ва майдони

Xonadonlar turi	Oila tarkibi, odam	Xonadon maydoni *) (yozgi xonalarsiz), m <sup>2</sup>	Shu jumladan yashash maydoni m <sup>2</sup>
1-xonali	1	28-30	14-16
1-xonali	2	32-36	18-20
2-xonali	3	48	30
3-xonali	4	64	40
4-xonali	5	80	53
5-xonaaai	6	96	66
6-xonali	7(8)	114	78

\*Xonadonlarning normalanadigan maydoni (yozgi xonalarsiz va sovuk kladovkalarsiz) yashaladigai va yordamchi xonalarni o'z ichiga oladi.

Izohlar: Jadvalda berilgan rakamlar, shaxar va kishlok joylardagi «ijtimoiy» xonadonli turar-joylarning barcha turlariga taalluqlidir. Xonadonlar maydoni 1 yashovchiga yashash maydon 16m<sup>2</sup> bo'lgan ijtimoiy me'yor xisobidan keltirilgan (1 odamga 1 xonalidan tashqari).

2. Anik shaxarsozlik sharoitlarida xonadonlarining tarkibi va maydon ko'rsatkichlari, ijtimoiy-iktisodiy xolatini ijtimoiy (munisipal) turar-joyga ko'chib-kirishga da'vogarlik qilayotgan axolii tarkibining demografik xususiyatlarini, qurilishni resurs bilan ta'minlanganligini xisobga olgan holda loyixalash topshirigi bilan 3-ilovadan tashkil topgan murakkab oilalar uchun xonalar tarkibi va maydonlari belgilanadi (qariyalar va kreslo-aravachalarda nogironlar extiyojlarini xisobga olgan holda).

ШНК2.08.01-05 “Турар-жой бинолари” 126. 1-жадвал

Фуқаролар ёки ташкилотлар шахсий маблағлари ҳисобига қуриладиган, нодавлат турар-жой фондининг турар-жой уйлари, оддий, яхшилانган ва юқори



кулайликли квартираларни ўз ичига олиши мумкин. Яхшиланган кулайликли квартиралар 1 яшовчига умумий майдон 23м<sup>2</sup> дан кам бўлмаслиги, юқори кулайликлисида эса 1 кишига 30м<sup>2</sup> дан кам бўлмаслиги ва оилани ҳар бир аъзосига алоҳида хона бўлишини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирилади. (4-жадвал)

**4-жадвал. Яхшиланган ва юқори синф кулайликли хонадонлар хоналарининг таркиби ва майдони**

	Yaxshilangan klass xonadonlari (bir onlali uylar)				Yukori klass xonadonlari (bir oilali uylar)		
	Xonalar mavdonlari, m <sup>2</sup>						
	2 xona (3 kishi)	4 xona (4 kishi)	5 xona (5 kishi)	6 xona (6 kishi)	6 xona (5 kishi)	7 xona (6 kishi)	8 xona (7 kishi)
<u>Yashash xonalari</u>							!
Umumiy xona	20-24	24-26	24-26	30	30	30	32-36
Mehmonxona	-	-	-	-	-	-	28-30
Emakxona	16-20	16-20	16-20	16-20	16-20	16-20	16-20
Ota-onalar yotog'i							
Bolalar (o'yin, yotoq) xonasi	-	-	14	14-16	16-20	16-20	16-20
Kabinet	-	-	-	-	16-20	16-20	16-20
	12-14	14x2	14x2	14x2	14	14-16	14-16
	“	•	16	16	-	16-20	16-20
Yashash maydoni	48-58	68-74	84-90	104-110	110-124	128-148	156-184
yordamchi xonalar	6-8	6-9	10-12	12		14-16	14-18
Daxliz va yo'laklar,	10	10-12	12	12-14	12		12-N
Xoll, Oshxona	4-6	6-8	8-9	8-10	12	12-14	12-15
Sanitariya xonasi						12-14	
Kladovka va shkaflar (ichki)	2-4	4-5	5-7	6-8	6-8		8-10
	-	-	•	-	6-8	8-10	8-10
Jami	70-86	94-108	120-130	142-154	158-178	180-212	212-251
1 odamga	23-29	24-27	24-26	24-26	32-36	30-35	30-36
Izox: Xonadonlar xonalari tarkibi va maydoilari, shu jumladan yozgi xonalar ham loyihalash topshirig'i bilan o'ratiladi qo'shimcha xo'jalik xonalari, hususiy mehnat faoliyati uchun ustaxona, garajlar ko'zda tutilishiga yo'l qo'yiladi.							

ШНК 2.08.01-05 “Турар-жой бинолари” 54б. 7-илова, 2-жадвал

Табиий ёритишни КМК 2.01.05 га мувофиқ, хоналар учун пол сатҳида табиий ёритилганлик коэффицентини (ТЁК) меъерий қийматини

5 –мажбурий иловага мувофиқ қабул қилиб лойиҳалаштириш лозим. Бу ҳолда ёруғлик туйнуклари майдонинини яшаш хоналари ва ошхона поллари майдонига нисбати, қоида тарзида 1:5,5 дан кўп бўлмаслиги, минимал нисбати I ва III минтақаларда 1:10 дан ва II минтақада 1:8 дан кам бўлмаслиги керак; мансард қаватларда юқорида кўрсатилган нисбат ҳамма минтақаларда 1:10 қилиб қабул қилишига йўл қўйилади. (5-жадавал)

### 5-жадвал

#### **Turar-joy binolar xonalarini tabiiy yoritilganlik koeffisientining (TYoK) normalangan qiymatlari**

Xonalar	Geografik kenglik	TYoK ni normalangan qiymatlari, pol sathida %		
		Derazalarni ufq tomonlariga qarab iovlashishi		
		136-225°	225-315° 46-136°	316-45°
Yashash xonalari, oshxona, jamoat xonalari	Shimolroq 40° sh.k. 40° sh.k. va	0,3	0,3	0,4
	Janubroq			0,6
Zina bo'lmalari, umumiy yo'laklar, oqovalashtirilmagan xojatxonalar	Hamma joyda	0,2	0,3	
		0,1	0,1	0,1

ШНК 2.08.01-05 “Турар-жой бинолари” 52б. 5-илова.

Йўлакчи типдаги бинолар умумий йўлаклар деразасини юзаси пол юзасининг 1/16 қисмидан кам бўлмаслиги керак. Ташқи девордаги ёруғлик

туйнуклари орқали кўндалангига (торецдан) ёритилганда, ётоқхоналар умумий йўлакларининг узунлиги 24м дан, икки чеккасидан бўлганда 48м дан ошмаслиги керак. Йўлаклар узунлиги бундан кўп бўлса ёруғлик кармонлари орқали қўшимча табиий ёритиш кўзда тутилиши керак. Икки ёруғлик кармонлари орасидаги масофа 24м дан, ёруғлик кармони билан йўлак охиридаги (торецдаги) ёруғлик туйнуги орасидаги масофа 30м дан ошмаслиги керак. Ёруғлик кармонининг кенглиги (эни) унинг чуқурлигини ярмидан кам бўлмаслиги керак (ёндош йўлак кенглиги ҳисобисиз). Ёруғлик кармони хизматини ўташи мумкин бўлган зинапоя бўлмаси орқали, унинг икки томонида жойлашган йўлакларни 12м гача ёритиш мумкин


Деворларнинг қалинлиги хонадонни қишда совуқдан ёзда эса иссиқдан, шу билан бирга кўча шовқини ва чангидан сақлаши керак. Булардан ташқари ички ва ташқари деворлар товуш ўтказмаслик хусусиятига эга бўлиши керак.

Мақбул санитар-гигиеник шароитни яратишда муҳандислик жиҳозларидан фойдаланилади. Хонадонларда умумий иситиш, совуқ ва иссиқ сув билан таъминлаш, канализация, сунъий шамоллатиш ва бошқа муаммолар ҳал этилган бўлиши лозим. Энг керакли санитар-гигиеник талаблардан бири Ўрто-Осиё шароитида хонани қуёшдан асрайдиган қурилмалардан фойдаланиш лозим.


Турар-жой хоналарининг сонига қараб кам хонали (1-2 та турар-жой хоналари), ўртача (3-4 та турар-жой хоналари) ва кўп хонали (5 ва ундан ортиқ хоналар) хонадонлардан, турар-жой хоналари майдонининг ўлчамига қараб кам майдонли ва мукамал хонадонлардан иборат бўлади.(8-расм) Тархий тузилиши қараб хонадонлар 1 ёки 2 сатҳда жойлашиши мумкин. (9-расм)

*Турар-жой хоналари таркибига:* меҳмонхона, умумий хона, иш хона, катта ёшдагилар учун ётоқхона ва ёш болаларнинг ухлаши, ўйнаши учун хоналар киради. *Ёрдамчи хоналарга:* даҳлиз, ошхона, ҳожатхона, қўл ювадиган жой, йўлаклар, қазнокхоналар, токчалар, тахмонлар киради. Икки қаватга жойлашган хонадонларда ички зинапоялар ишлатилади. Ўзбекистон шароитида ҳар бир хонадон ўзининг ёзги айвонига эга бўлиши керак, ёзнинг иссиқ кунларида айвон вазифасини ўташи мумкин. Ҳар бир хона ўз вазифасига кўра

яъни ўлчови, пропорцияси, функционал ўзаро боғланиши, ёруғлиги, ориентацияси, жиҳозлари бўйича талабларга жавоб бериши керак.



8-расм. Турли хил хонадонлардан иборат турар уйнинг тархий ечими



9-расм. Турли хил сатҳда жойлашган хонадондаги хоналарнинг тузилмаси: 1-хонадонга кириш қисми асосий хоналар жйлашган сатҳдан юқори ёки паст қаватларда ташкил этилган; 2-иккиёки уч сатҳли хонадон; 3-ички зинапоя жойлашган икки қаватли хонадон.

### 3.2. Хонадонларнинг асосий хоналарини фазовий – функционал ташкил қилиш

Умумий хона вазифасига кўра ҳар-хил функцияни бажаради, яъни оила аъзоларининг мулоқотда бўлиши учун хизмат қилади, меҳмонхона ва емакхона


ўрнида фойдаланилади, айрим ҳолларда ётоқхона ёки дам олиш хонаси вазифасини бажаради. Кўп фойдаланиладиган хона бўлгани сабабли унга қўйиладиган талаблар ҳам катта бўлади.

Умумий хона майдони бўйича хонадонда энг катта хона ҳисобланиб, майдонининг ҳажми 18 м.кв. дан кам бўлмаслиги керак. 2-3 хонали хонадонларда умумий хонанинг майдони 16 м.кв дан кам бўлмаслиги керак.

Хоналар сони ортиб борган сари умумий хона майдони ошиб бориб 20-25 м.кв бўлиши мумкин. Бундан ташқари умумий хоналарнинг эни 3,5 метрдан кам ва бўйи 6 метрдан ошиб кетмаслиги керак. Умумий хоналарнинг нисбатлари (пропорциялари), яъни эни бўйига нисбатан 1:2 бўлиши мумкин, лекин энг мақбул нисбат 1:1 дан 2:3 ни ташкил қилади. Умумий хонанинг нисбий пропорциясини тўғри танлаш хонага мебеллар ва ҳар хил керакли уй жиҳозларини унумли ва қулай жойлаштиришга ва хонани тўғри ёритишга ёрдам беради, хона тўсиқлари ва деворларининг узунлиги периметрининг қисқа бўлишига олиб келади. ( 10-расм)

Умумий хона даҳлиз билан тўғридан-тўғри боғланган бўлиши шарт. Ошхона билан умумий хона боғлиқлиги қулай, лекин тўғридан-тўғри бўлиши керак эмас, чунки ошхонадан чиқадиган ҳар хил ҳидлар, айниқса қиздирилган ёғ ҳидининг киришидан сақлаши керак. Шунинг учун умумий хона билан ошхона йўлак ёки даҳлиз орқали боғланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ёзги хона, айвоннинг аҳамияти жуда катта бўлиб, у ёз пайтида умумий хона вазифасини ўтайди ва умумий хонага қараганда ёруғроқ ва салқинроқ бўлади. Шунинг учун умумий хона билан ёзги хона орасига йиғма трансформация тўсиқларни қўллаш ва кези келганда уларни бирлаштириш мумкин бўлишига шароит яратиш зарур.

Умумий хона билан ётоқхоналарни ва иш хонасини тўғри боғланиши қулайликни камайтиради, яъни умумий хонани йўлакка айлантириб, бу хонада эшикларнинг қўпайишига сабаб бўлади. Шунинг учун қурилиш қондаси бўйича умумий хонадан фақат биттагина хонага киришга руҳсат берилади.




**10-расм.** Хонадонларда умумий хонани функционал ташкил этиш: а- умумий хона ва емакхона қисми бошқа хоналар ва даҳлиз билан боғланган; б- тўрт кишилик умумий хонанинг тархий ечимига мисоллар; в- турли пропорцияга эга умумий хона.

Одат бўйича зинапояни умумий хона ичига жойлаштириш чиройли кўриниш яратишда фойдаланилади, аммо бу услубни катта бир камчилиги бўлиб, у ҳам бўлса умумий хона бир неча хонага ўтиладиган хонага айланиб қолади. Шунинг учун, 2-қаватга кўтариладиган зинапояни даҳлизга жойлаштирадик анча унумли бўлиб, қулайлик туғдиради. Умумий хона емакхона ва меҳмонхона вазифасини бажариши учун биз унинг майдонини

икки унумли бўлакка бўлишимиз керак булади, бунинг учун хонанинг бир томони чўзиқроқ бўлиши тавсия этилади. Айниқса бундай қилиш бир хонали хонадонларга жуда кераклидир, чунки бу ерда умумий хона ҳам емакхона, ҳам меҳмонхона, ҳам ишхона хаттоки ётоқхона вазифасини бажаради. Бундай шароитда умумий хонани 2 та ҳудудга бўлиш керак, яъни меҳмонхона ва емакхона бўлими ҳамда ётоқхона бўлинмасига бўлиниб, ётоқхонани йиғиладиган тўсиқ билан ёки парда билан тўсиш мумкин бўлади. Умумий хона жиҳозлари ўзининг вазифасига қараб қуйидагилардан иборат бўлиши керак: ошхона бўлимига овқатланадиган стол, буфет ёки сервант, стуллар ва стол, меҳмонхона бўлимига диван, 2 та кресло, кичкина иш столи ва китоблар учун махсус шкаф ёки жовонлар жойлаштирилиши керак. Бу бўлимда мусиқа асбоблари, телевизор, радиоприемник ва гуллар жойлаштирилиши керак. Мебел ва жиҳозларнинг сони ва хусусияти умумий хонанинг ҳажми, оила аъзоларининг сони, уларнинг ҳунарига қараб ўзгаради. Аммо ҳар бир ҳолатда мебел ва жиҳозларнинг кўпайиб кетишига ва шу билан бирга ноқулайликлар туғдиришига йўл қўйилмаслиги керак.

Хонада бемалол юриш учун йўлаклар қолдирилиши керак. Кўп хонали хонадонларда битта хонани меҳмонхона учун ажратиш мумкин. Бундай ҳолатда умумий хонанинг ўлчовларини қисқартириш мумкин. Меҳмонхонани умумий хона ёнига жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки булар орасида йиғиштириладиган тўсиқлар ўрнатилиб, вақти-вақти билан уларни бирлаштириб туриш мумкин. Меҳмонхона билан умумий хонанинг ориентацияси ғарбий ва жануби- ғарбийдан ташқари бошқа қолган томонларга қаратилган бўлиши мумкин. Агар бу хоналар шимол томонга қаратилса, унда уларнинг олдида ёзги хона, яъни айвонни жойлаштириш маън этилади. (11-расм)



**11-расм.** Умумий хоналарнинг жиҳозлаш усуллари: I-мураккаб конфигурацияли умумий хоналар; II- ётоқхона билан боғланган умумий хона; III -хеч қайси хона билан боғланмаган умумий хона.

*Ишчи хона* кириш қисмига яқинроқ жойлашган бўлиб, даҳлиз ёки йўлак билан тўғридан-тўғри боғланган бўлиши керак. Бу хонанинг майдони 8-12 м.кв.ни ташкил этиб, ақлий меҳнат қилиш учун мўлжалланган бўлади.

Ҳар хил хунармандчилик ва санъат, ҳайкалтарошлик, мусиқа, тасвирий санъат билан шуғулланиш учун ҳажми катта ва махсус асбоб-анжомлар билан жиҳозланган хоналар бўлиши керак. Хонанинг кенглиги 2,2 метрдан кам




бўлмаслиги, узунлиги эса 4,5 метрдан ошмаслиги керак. Хона яхлит бўлиб, бошқа хоналарга ўтиш вазифасини бажармаслиги лозим.

Иш хонасида иш столи, китоб жовони, диван ёки кушетка, кресло ва стул учун жой бўлиши керак. Иш хона учун ғарб ва жанубий ғарбдан ташқари ҳар қандай ориентация қабул қилиниши мумкин. Агар шарқий ориентация бўлса қуёшга қарши қурилмалар ишлатилиши керак.

*Ётоқхоналар* катта ёшдагилар ва болалар учун мосланган бўлади. Улар 1 ёки 2 кишини жойлаштиришга мўлжалланган бўлади. Ётоқхона яшаш хонаси майдони 2 киши учун  $12\text{м}^2$  дан кам бўлмаслиги керак, ота-оналар ётоқхонаси учун  $13\text{-}14\text{м}^2$  тавсия қилинади. 1 кишилик ётоқхона хонаси  $8\text{м}^2$  дан кам бўлмаслиги керак, қайта-тиклаш (реконструкция шароитида, болхона қаватида жойлаштирилганда эса  $7\text{м}^2$  га йўл қўйилади (хонадонда бошқа яшаш хоналари мавжуд бўлган ҳолда). Ота-оналар учун мўлжалланган ётоқхоналарда эмизикли болага жой бўлиши керак.

Болалар ётоқхонасида энг яхши санитар гигиеник шарт - шароит зарур бўлиб, бу эса ўз навбатида яхши ухлаш, дам олиш, дарс тайёрлаш ва ўйнаш учун қулайлик яратади. Шунинг учун ётоқхонани яхши ориентация билан таъминлаш керак, яъни бир кеча - кундуз (сутка) да камида 3 соат қуёш нурунинг тўғридан - тўғри тушишига имконият яратиш керак. Бунинг учун деразаларни жануб ва шарқий-жанубий тарафга қаратиш лозим. Бундан бошқа ориентациялар болалар ётоқхонасига ярамайди. Ётоқхонанинг кенглиги бир киши учун 2,2 метрдан кам бўлмаслиги, 2 киши учун 2,4 метрдан кам бўлмаслиги, узунлиги эса 4,5 метрдан ошмаслиги керак. Томонлар нисбати эса 1:1 ёки 2:3 бўлиши керак. Кўпинча ётоқхоналар фақат ухлаш учун мўлжалланган бўлсада, одатда у ерда ишланади. Чунки хамма хонадонларда ҳам ишчиҳона бўлавермайди. Шунинг учун ётоқхоналар ва болалар хоналарида ишлаш учун столи ҳам бўлиши керак. (12-расм)




**12-расм.** Ётоқхоналарни функционал ташкил қилиш: 1- бир кишилик ётоқхона ( $8 \text{ м}^2$ ); 2- икки кишилик ётоқхона ( $12 \text{ м}^2$ ); 3- ота-оналар ётоқхонаси ( $13 \text{ м}^2$ ) ва гўдак кровати билан ( $14 \text{ м}^2$ ); 4- қурилма жовонлар билан жиҳозланган ётоқхоналар; 5- қурилма жовонларнинг ўлчовлари.

*Ёзги хоналар* Марказий Осиё иқлими шароитида ҳар бир хонадоннинг энг керакли элементи бўлиб ҳисобланади. Ёзги хоналар йилнинг иссиқ даврида, дам олиш ва хўжалик маиший мақсадда фойдаланиш учун мўлжалланган очик (яримочик) ёки ойнаванд иситилмайдиган хонадир.

Ёзги хоналарнинг қуйидаги турлари бўлади: осма айвон (очик балконлар), пешайвон (лоджия), ровон айвон (веранда), терасса. ( 13 расм) Агар биз ёзги хоналарга йиғма ёки чиқариб олинадиган деразалар ишлатсак айвонларни трансформация қилиш йўли билан ёпиқ ҳолатидан

очиқ ҳолатга айлантириш мумкин.



**13-расм.** Хонадонлардаги очиқ хоналар: А) 1- француз балкони; 2- очиқ консолли айвон; 3- бурчакли айвон; 4-5- пешайвон; 6-очиқ терраса (кейинчалик ойнакланиши мумкин бўлган-ровон айвон); Б) айвон ва пешайвонларнинг тўсиқлари: а-плитадан юқорига кўтарилган тўсиқ; б-плитадан пастга туширилган тўсиқ; в- 9-қаватдан юқори уйларда; г- 9-қаватгача бўлган уйларда; В) террасали уйлар.

Ёзги хоналарнинг вазифаси ҳар хил бўлади. Умумий хона ёки ётоқхоналар билан ойнабанд йиғиладиган тўсиқлар орқали бўлинса яхши бўлади ва вақти келганда улар бирлаштирилиб юборилади. Ёрдамчи ёзги хоналар ошхоналар яқинида жойлашган бўлиб, улар ошхона учун омборхона вазифасини ўтайди.

Лекин ҳар бир турар-жой хоналари олдига ёрдамчи ёзги хоналар жойлаштириш жуда қимматга тушиб кетади. Шунинг учун лойиҳалаш амалиётида битта универсал ёзги хона ишлатилади. Бундай хона умумий хона ва ошхона яқинига жойлашган бўлиб, улар билан тўғридан-тўғри боғланган бўлиши керак.

Ёзги хоналар ўрта ва катта хонадонлар учун умумий хонадон сатҳининг 20% ни ташкил қилиши керак, лекин бу 1 хонали хонадонлар учун кичкинадир. Бундай хонадонлар учун ёзги хона сатҳни салгина оширишга тўғри келади. Универсал ёзги хоналарнинг эни 2 метрдан кам бўлмаслиги керак, чунки шундагина бу ерда стол, стул, супача ва кроватни бемалол жойлаштириш мумкин бўлади. Лекин асосий хоналар ёзги хоналар орқали ёритилса, уларнинг кенглиги 2,5 метрдан ошмаслиги керак. Ойнаванд ёзги хоналар майдони бирхонали квартира учун 5м<sup>2</sup> дан, эни 1,4м; учхоналикда 10м<sup>2</sup> дан кам бўлмаслиги керак.

Ёзги хоналардан унумли фойдаланиш уларнинг ориентациясига боғлиқдир. Агар ёзги хоналар шимол ёки жануб тарафга қараб жойлаштирилса, улардан кун бўйи фойдаланиш мумкин. Агар ёзги хоналар шарқ тарафга қаратиб жойлаштирилган бўлса, бу хоналардан эрталаб фойдаланиш ноқулайдир. Ёзги хоналар ғарб тарафга қараб жойлаштирилганда улардан куннинг иккинчи ярмида, яъни пешиндан кейин фойдаланиш қийинлашади, бу хоналарнинг исиб кетишига олиб келади. Шимолга қаратилган айвонлар уй рўзгор буюмларини сақлашга қулайдир. Жанубга караган хоналардан кун бўйи фойдаланиш мумкин, лекин уларни, албатта қуёшга қарши горизонтал қурилмалар билан жиҳозлаш зарур.

Яшаш учун мўлжалланган ёзги хоналарни шовқиндан ва ҳар томонлама кўринишдан ҳимоя қилмоқ зарур. Шунинг учун кўпинча ён томондаги деворлар

ёпиқ ҳолатда қурилиши керак. Ёзги хоналарнинг поллари совуқ, яъни муздек, плитка, пластинка бўлиши мумкин. Ёғоч полли хоналар фақат ойнаванд ёзги хоналарда бўлиши мумкин.


### **3.3. Хонадондаги ёрдамчи хоналар.**

*Даҳлиз* хонадонга кириш қисми бўлиб, турли хил вазифаларни бажаради. Шунинг учун унинг лойиҳавий ечимида бутун хонадонни тархи қулай ва унумли бўлишига боғлиқ. Даҳлиз орқали хонадон ташқи муҳит билан боғланади ва уйдан тўғридан-тўғри кўчага, яъни ҳовлига чиқилади. Даҳлиз хонадондаги хоналар орқали бир-бири билан боғланиш маркази ҳисобланиб, бир қанча эшиклардан ташкил топиши мумкин. Ушбу хонага функционал талаб катта бўлиб- бу ерда устки кийим ва оёқ кийимлари ҳамда спорт ва хўжалик анжомлари сақланишига хизмат қилади. Оила аъзолари ва меҳмонлар хонадонга кирганда ечинадилар ва хонадонда чиқаётганда кийиниб, ўзларини тартибга соладилар.

Қоида бўйича даҳлизни эни 1,4м дан, хонадон ичи йўлаклари, яшаш хоналарига олиб борувчи 1,1м дан, ёрдамчи хоналарга олиб борувчи 0,9м дан кам бўлмаслиги керак.

Агар даҳлиз хажми кичикроқ бўлиб қолса, у ерда кўпроқ одам тўпланганда анча ноқулайлик вужудга келади. Шунинг учун даҳлизнинг хажмини узунчоқроқ қилиб лойиҳалаш тавсия этилади ва томонлар нисбати 1:2 ёки 2:3 қилиб олинади. Даҳлиз сатҳи майдони 4-5 метр квадратдан кам бўлмаслиги керак. Бу ўз навбатида ойнани, кийим илиш учун жиҳозни, телефон учун тумбочкани, кичкина столчани қулай жойлаштиришга шароит яратиб беради. Одамларнинг қийналмай ўтиб кетишига, жиҳозларни олиб ўтишига шароит туғдиради. (14-расм )






**14-расм.** Даҳлизнинг функционал ечими: а-даҳлиз қисмининг ўлчамлари; б – хонадонда даҳлизнинг хажмий-тархий ечими; в-2-қисмга бўлинган даҳлиз кийим гардероби жойлашган кириш қисми ва тантанавор холл қисми.

Ўрта ҳажмдаги хонадонлар учун даҳлизнинг эни 1,6-2 метр ва узунлиги 3-4 метр бўлиши тавсия қилинади. Бундан ташқари, албатта кийим иладиган шкафни жойлаштириш учун ёпиқ девор ёки токча бўлиши керак. Ҳожатхона ва чўмиладиган хонага даҳлиздан тўғридан-тўғри кириш мумкин, аммо буларга (шлюз) йўлак орқали кирилса даҳлизда эшиклар сони камроқ бўлишига эришилади.

Даҳлиз учун табиий ёруғлик бўлиши шарт эмас, лекин иложи бор жойда уни ёритиш керак. Ҳозирги кунда даҳлизларнинг вазифаси ошиб бормоқда ва улар асосий хоналар олдидаги тантанавор кутиш жойларига айланмоқда. (15-расм)



**15-расм.** Хонадонларда пешайвон орқали ёритилувчи даҳлизқисмининг тархий ечимлари

*Ошхонанинг* асосий вазифаси овқат тайёрлаш бўлиб, у ерда қулайлик яратилган бўлиши керак. Газ ва электр жиҳозларидан, музлатгичлардан бошқа ҳозирги жиҳозлардан, яъни ярим тайёр озиқ-овқатлардан фойдаланиш фақат овқат тайёрлашни енгиллаштирибгина қолмасдан уларни пиширишни тезлаштиришга олиб келади.

Ошхоналар нафақат овқат тайёрлаш, балки бу ерда овқат ейишга ҳам хизмат қиладиган бўлди ва қурилишни лойиҳалаш амалиётида ошхона, емакхона терминининг келиб чиқишига сабаб бўлди. Бу хилдаги ошхоналарга стол ва стулларни ёки хонтахтани жойлаштириш керак бўлгани учун катта бўлмаган ошхонанинг майдонини кенгайтиришга олиб келди. Авваломбор бу хилдаги емакхона бир хонали хонадонларда ишлатилиб қулайлиги сабабли кейинчалик ўрта ва катта ҳажмдаги хонадонларда ҳам ишлатила бошлади. Умумий хона махсус-емакхонага эга бўлган хонадонлар ушбу хоналардан фақат дам олиш ва байрам кунларида фойдаланадиган бўлдилар. Ошхоналар катта-кичиклигидан келиб чиқиб қуйидагича лойиҳаланади: ошхона-тахмон, ишчи ошхона ва ошхона-емакхонаси билан. (16 расм)


Ошхоналарни жиҳозлаш учун, аввало газ, идиш-товоқларни ювиш учун раковина, маҳсулотларни тайёрлайдиган стол, музлатгич, идиш - товоқлар учун ва қуруқ озиқ-овқатлар учун шкафлар жойлаштирилиши керак.

Маълумки, овқат тайёрлаш учун бекаларнинг жуда кўп вақти, кучи кетади. Шу вақтни тежаб-тергаб сарф қилиш учун, албатта ошхонадаги мебел ва жиҳозларни тўғри жойлаштириш керак. Жиҳоз ва мебелларни уч хил жойлаштириш тизими мавжуд: биртарафлама, иккитарафлама ва бурчакли. (16 расм г)

Жиҳозларни шундай жойлаштириш керакки, уларнинг ҳамма элементлари уй бекасига яқин ва қулай жойлашган бўлиши, шу билан бирга табиий ёруғликни тўсмаслиги керак. Шунинг учун жиҳозларни дераза рўпарасидаги девор ёнига жойлаштириш керак эмас. Жиҳозларни бурчакли тарафга жойлаштириш бу талабга кўпроқ жавоб беради.

Жиҳозларни бир тарафлама бурчак бўйлаб жойлаштириш анча ноқулайдир. Чунки уй бекаси бу ерда кўпроқ ҳаракат қилишига тўғри келади. Жиҳозларни бурчак бўйлаб жойлаштиришда овқатланадиган столни қулай жойлаштириш мумкин.





**16-расм.** Ошхона қисмининг жиҳозланиш қоидалари: б-ошхонадаги жиҳозларнинг ўлчамлари; в-ошхоналарнинг турлари: 1-ошхона-тахмон; 2-ишчи ошхона; 3,4- ошхона-емакхонаси билан; г-ошхонада жиҳозларнинг жойлашиш схемаси: 1-бир қаторли; 2-бурчакли; 3-икки қаторли; 4-П-шаклда (ошхона майдони 9 м): д-ошхонада энг кам ўтиш йўли ўлчами.


Жиҳозларнинг яна ҳам қулай жойлашиши учун ошхонада оғир бўлмаган идиш-товоқлар учун деворга осма жавонлар ишлатилади.

Ошхоналарда табиий ёритиш меъёрига риоя қилиш учун дераза майдонини полга нисбатан майдони  $1/8$  бўлакни ташкил этса, ундаги табиий ёруғлик яхши ҳисобланади. Ошхоналар шимол, шимолий-шарқ, шимолий-ғарб тарафга қаратилса яхши ориентация ҳисобланади. Ошхоналарни иссиқ тарафга қаратиб лойиҳалашдан сақланиш керак, чунки уларнинг ўзи иссиқ чиқарадиган хона ҳисобланади. Ошхона поллари иссиқ материаллардан, яъни ёғочдан қилинган бўлиб, усти линолум ва бошқа яхши ювиладиган, ёғ шиммайдиган материаллардан қилинса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон шароитида ошхоналар ёзги хоналар яъни айвонлар билан тўғридан-тўғри боғланиши ва алоҳида шамоллатиш йўлига эга бўлиши керак. Бизда яшаш хоналари билан ошхонани тўғридан-тўғри боғлаб бўлмайди, чунки бизнинг миллий таомлар тайёрлаш учун, албатта пахта ёғи яхшилаб қиздирилади ва бунда жуда кўп тутун ва ҳид пайдо бўлади. Бу тутун ва ҳидларни бошқа хоналарга киришидан сақлаш керак.

Қайта тиклаш шароитида 1 хонали хонадонлар учун ошхоналар ва ошхона-тахмонларни 5 м.кв. қилиб лойиҳалаш мумкин. Ошхона майдони, қоида тарзида  $8\text{ м}^2$  дан кам бўлмаслиги керак. Хоналарнинг сони ошиб боргани сари ошхона майдони ҳам ортиб боради ва 10 метр квадратга етади. Ошхонанинг кенглиги жиҳозлар бир томонлама жойлаштирилган бўлса 1.8 метрдан кам бўлмаслиги керак. Ошхона - емакхонанинг кенглиги 2,4 метрдан ва жиҳозлар икки тарафлама ёки бурчакли қилиб жойлаштирилган бўлса, унинг кенглиги 2,5 метрдан кам бўлмаслиги шарт.ШНК

*Санитар-гигиеник хоналар.* Бирлаштирилган санитария-гигиена бўлими фақат 1 хонали хонадонлар учун мўлжалланган бўлади ва икки қаватли уйларда алоҳида ҳожатхонаси бор уйларга, меҳмонхоналарда ва дам олиш уйларида рухсат этилади, 2 ва ундан ортиқ хонали хонадонларда эса обрешхона бўлимлари алоҳида хоналарга жойлаштирилади. (17-расм)



17-  
расм.  
А-

Санитар гигиеник хоналарнинг хажмий-тархий ечими: 1-хожатхона; ювиниш хонаси; 3-аралаш жиҳозланган санитар тугунлари; Б- Индустириал тайёрланган сантехник хоналар: 1-монолит железобетон санитар тугунлари кабинкалар; 2-панел уйлар учун ишланган санитар тугунлари.


Ваннахоналар фақат ювинишгагина эмас, балки кир ювишга ҳам мўлжалланган бўлади. Шунинг учун бу ерга ваннадан ташқари қўл ювиш жиҳози (раковина) ҳам ўрнатилади. Ваннахонада кир ювадиган машина, кийим ва сочиқ иладиган жиҳоз, ойна ва ифлос кийимлар учун қути жойлаштирилган бўлиши керак. Бу жиҳозларни жойлаштириш учун ваннахона маълум бир сатҳдаги майдонга эга бўлиши керак. Ванналарнинг ҳажмлари 1,55x0,75 дан

1,8x0,8 метргача бўлади. Ўтириб ювинадиган ваннанинг ҳажми 1,2x0,8 метрни, кўл ювадиган жиҳоз 0,55x0,45 метрни ташкил этади.(18-расм)

Ваннахона катта намлик хонаси ҳисобланади ва шунинг учун унинг поли, деворлари юқори қисмларида намликка чидамли материаллардан фойдаланиш керак. Полларига керамик қурилиш материалларидан деворлари учун глазур плиткалардан қоплаш керак. Ваннахонани шамоллатиш учун, албатта вентиляциядан фойдаланиш керак. Ваннахонага даҳлиздан, йўлакдан кириш мумкин, яшаш хоналаридан ёки ошхоналардан ваннахоналарга кириш маън этилади. Лекин ривожланган мамлакатларда ҳар бир ётоқхонанинг алоҳида ваннахонаси бор, бизда ҳам ота-оналар ётоқхона учун алоҳида ваннахона лойиҳаланмоқда. Ваннахоналарга табиий ёруғлик тушиши шарт эмас, лекин бизнинг иссиқ иқлимли республикамизда дарча орқали ваннахоналар шамоллатиб турилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ваннахона эшиклари, албатта ташқарига очилиши шарт.

Ҳожатхоналарнинг кенглиги 0,85 метрдан узунлиги эса 1,4 метрдан кам бўлмаслиги керак. Ҳожатхонага йўлак, даҳлиз ёки шлюздан кириш мумкин. Ҳожатхонага шлюз орқали кирилса жуда яхши бўлади, чунки бунда ҳар хил нохуш ҳидлар хонадонга тарқалмайди. Шунинг учун ҳожатхоналарга шамолни тортадиган вентиляция дарчаси ўрнатилиши шарт ҳисобланади. Санитар тугунлар учун табиий шамоллатиш йўли яшаш хоналаридан алоҳида бўлиши керак.


Марказий Осиё иссиқ иқлимида бу шарт-шароитларга риоя қилиниши жудаям зарур ҳисобланади. Чунки иссиқ шароитда ҳар хил нохуш ҳидлар тезроқ тарқалади. Шунинг учун эски уйларда, яъни канализацияси йук бўлган уйларда ҳожатхона ҳовлининг энг узоқ жойига жойлаштирилган.



**18-расм.** Сантехник жиҳозлари: а-ванна хонадаги санитар жиҳозларини умумий кўриниши; б-тўғри бўртли кичик ванна узунлиги 1500 мм; в-душ паддони; г- фаянс умивалниги е-фаянс унитази. д-тепага жойлашган бачоги билан.

Ҳозирги замонавий меъёр ва талабларга биноан ҳожатхоналарни иложи бўлса, албатта табиий ёритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хонадонлар икки қаватга жойлаштирилган бўлса, кўп хонали хонадонлар (беш ва ундан ортиқ) учун 2 та ҳожатхона ( ётоқхона ва даҳлиз яқинига) жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Даҳлиз олдига жойлаштирилган ҳожатхонада, албатта қўл ювадиган жиҳоз жойлаштирилиши керак, шунинг учун унинг сатҳи кенгроқ қилиб олинади. Ётоқхона яқинида жойлашган ҳожатхонани алоҳида қилмасдан ваннахона билан бирлаштириб юбориши мумкин. (19-расм)



**19-расм.** Замонавий сантехник жиҳозлари

*Йўлак ва шлюзлар.* Хонадонларнинг лойиҳа ечимига қараб уларда йўлаклар бўлиши ва бўлмаслиги мумкин, аммо кўпхонали хонадонларда улар жуда керакли элемент ҳисобланади. Чунки яшайдиган хоналар йўлакларга айланмаслиги учун, албатта йўлак ва шлюзлардан фойдаланилади. Йўлаклар 2 хил бўлади: яшаш хоналарига кириш учун ва ёрдамчи хоналар билан боғланиш учун. Яшаш хоналарига кирадиган йўлакларнинг кенглиги 1,2 метрдан кам

бўлмаслиги, ёрдамчи хоналарга кирадиган йўлакнинг кенглиги 0.95 метрдан кам бўлмаслиги керак.

Шлюзлар - бу кичкина хоначалар бўлиб, ошхона ёки ваннахона олдида жойлаштирилади, улар тутун ва ҳар хил ҳидларни сақлаш вазифасини ўтайди. Йўлак ва шлюз тепасига шкафлар ўрнатилса уйнинг ҳажмидан тўлиқ фойдаланилади ва анча қулайликлар яратилади. Хоналар ичига қурилган жовон ва шкафларни ишлатилиши кичкина ётоқхоналарни тўсиб қўйишига йўл қўймайди, қулайлик туғдиради. Қурилган жовон ва шкафларнинг кенглиги 0,6 метрдан кам бўлмаслиги керак.

Ётоқхоналарга кийим-кечак, кўрпа, ёстиқ сақлайдиган шкаф ёки тахмонлар бўлса бу анчагина қулайликлар яратади. Бундан ташқари шкаф, қурилмалар ошхона учун ҳам зарур элементлардир, чунки улар ошхона майдонининг тўсилиб қолишдан сақлайди ва уй бекасига қулайлик яратади. Ошхонада озиқ – овқатларни ва майда жихозларни сақлаш учун ер сатҳидан 1,8-2 метр юқорида жойлашган осма жовонлар ишлатилса жуда яхши бўлади.

*Қазноқхоналар.* Бу хоналар вақти-вақти билан ишлатиладиган кийим-кечак, асбоб-ускуна, челак, пол ювувчи материаллар ва қуруқ озиқ-овқат сақлашга хизмат қилади. Бу хона хонадонни ҳар хил нарсалар билан тўлиб кетишидан сақлайди. Паст қаватли уйларда бундай хоналар хонадонларни ўзларида, яъни ер остидаги қўшимча хоналарга жойлаштирилади. Кўп қаватли уйларда қазноқхона ер остига жойлаштирилиши эса кўп жойни банд қилади. Шунинг учун одатда кўп қаватли уйларда қазноқхона қурилмайди. Лекин вақт ўтиши билан уйларни лойиҳалашда қазноқхоналарни қулай жойлаштириш, албатта ҳисобга олиниши керак. Ўзбекистонда шкаф ва қазноқхоналарни айвонларга жойлаштириш кенг кўламда ишлатилади, лекин бу уларнинг майдонини қисқаришига олиб келиш билан бирга ҳаво совуғач яъни қиш пайтида эшикни айвон тарафга очишга мажбур бўлинади ва бирмунча ноқулайлик туғдиради. Шунинг учун қазноқхоналарни хонадон ичига жойлаштириш қулайдир.

### 3.4. Лифтсиз уйларнинг тархий элементлари

*Умумий фойдаланиладиган йўлақлар.* Йўлақли тархий тузилмага эга бўлган турар-жой бинолари кам хонали хонадонларда қўлланилади. Бу тузилмадаги уйлар иқтисодий томондан тежамли ҳисобланиб, зинапоялар сонини камайишига олиб келади. Йўлакнинг кенглиги 1,4 метрдан кам бўлмаслиги, кириш эшигидан эса энг узоқ жойлашган хонадоннинг узоқлик масофаси зинапоя лифт тугунидан 25 метрдан ошмаслиги, бу эса энг узун йўлақли уй - жой блокининг узунлиги 50 метрдан ошмаслигига олиб келади.

Йўлақларни ён тарафга жойлашган дарчалар орқали табиий ёруғлик билан ёритиш керак. Йўлақларнинг узунлиги кичикроқ бўлса, улар зинапоя, лифт тугуни орқали ёритилиши мумкин. Албатта йўлакни табиий шамоллатиш керак, энг яхши шамоллатишга ён томонга очиладиган деразаларни ўрнатиш орқали эришиш мумкин.

Умумий фойдаланиладиган йўлақларнинг поллари енгил ювиладиган ва бўёқлари ўчмайдиган бўлиши керак. Бу талабга керамик плиткалар қониқарли жавоб бера оладилар. Умумий бўлган йўлақларга ҳам худди зинапоялар тугунига қўйиладиган талаблар қўйилади, яъни ер қимирлашига қарши талаблар, ёнғинга қарши талаблар, шунинг учун уларни ёнмайдиган материаллардан қуриш ва улар тутун тўпламайдиган, ер қимирлашига чидамли бўлиб, улар аҳолини қийин, экстремал ҳолатларда тез уйдан чиқиб кетишларига /эвакуацияга/ хизмат қилиши керак.

*Галереялар.* Улар ҳам йўлақларга ўхшаб хонадон ва зинапоя, лифт тугунининг орасида алоқа хизматини ўтайди. Улар жанубий табиий иқлимий ҳудуддаги турар-жойларда қўлланилади. Галереяли тузилмаларда ҳам худди йўлақли тузилмаларга ўхшаб зинапоя тугунининг сони камроқ бўлади, лекин йўлақли тузилмадан фарқи шуки, бу ерда ҳар бир хонадоннинг деразаларини ҳар икки томонга қарама – қарши жойлаштириш имконияти борлиги туфайли яхши табиий /елвизакли/ шамоллатиш имкониятига эга. Галереяли уйларга ҳам худди йўлақли уйларга ўхшаш талаблар қўйилади. /яъни, уларнинг кенглиги 1,4 метрдан кам бўлмаслиги, кириш эшигидан энг узоқ жойлашган хонадоннинг




масофаси 25 метрдан ошиб кетмаслиги керак. Галереялар ер қимирлашига чидамли ёнмайдиган қурилмалардан ва темир бетон, баландлиги 1,2 метрдан кам бўлмаган темир тусиқлар билан тўсилиши керак.

*Хонадон ичига жойлаштирилган зинапоялар.* Бундай зинапоялар икки қаватли хонадонлар учун мўлжалланган бўлиб, уларнинг кенглиги 0.9 метрдан кам бўлмаслиги керак. Оғиш бурчаги эса 1:1,75 дан 1:1,5 зина сатхлари эса 28x16 сантиметрдан 27x17 сантиметргача бўлади. Бу хил зинапояларда бурчакдаги айланали зинапоялар ҳам ишлатилади, лекин булар мебел ва бошқа жиҳозларни олиб чиқишда, болалар ва қарияларнинг чиқиб тушишида ноқулайлик туғдиради. Зинапояларни даҳлиз, йўлакларда ёки умумий хонада жойлаштириш мумкин. Зинапоя умумий хонага жойлаштирилган бўлса, у хона ичини эстетик бойитишга ёрдам беради, аммо умумий хонани юриб ўтадиган хонага айлантириб анча ноқулайлик туғдириш мумкин. Зинапояларни ётоқхона ёки ошхонага жойлаштириш ман этилади. Хонадон ичидаги зинапояларнинг параметрлари қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$2h+a=60-64\text{см},$$

Бу ерда, а-қадам оралиғи ўлчами; h-зина поғонаси баландлигининг ўлчами; 60-64см-одам ўртача қадамнинг ўлчами (20-расм).

Зинапоя маршлари бўйича чиқиб турувчи конструкциянинг пастки қисмигача бўлган масофа 2м дан кам бўлмаслиги керак.



20-расм. Хонадон ичидаги зинапоя турлари: А - бир маршли зинапоялар; Б – зинапоя остидаги энг кам ўтиш жойининг баландлиги; В – икки маршли зинапоялар.

*Умумий фойдаланадиган зинапоялар* турар уй - жойнинг ташқи муҳит билан қулай ва яхши боғланиши учун хизмат қилади. Зинапоялар ёпиқ /зина тугунининг ичида/ ойнабанд деразалар билан бутунлай ўралган ёки ярим очик зинапоя ва очик ўралмаган бўлиши мумкин. Очик зинапоялар шу жойлашган хона орқали ёритилса, ёпиқ зинапоялар учун алоҳида деразалар ўрнатилиши керак. Ёруғлик тушадиган дарчаларнинг ўлчами ер ўлчамининг 1/15 қисмига тўғри келиши керак ва очиладиган деразалар билан таъминланиши керак. Зинапоя тугуни ва хонадонларга кирадиган эшиклар ёпиқ ҳолда яъни ойнасиз ва ойна /фрамуга/ зич ҳолда ёпилган бўлиш керак. Зинапояларнинг остки қисмидан унумли фойдаланиш учун унинг тагига ҳожатхона, шкаф ёки ҳар хил нарсаларни сақлайдиган жавонлар жойлаштирилиши мумкин.

Қурилиш ва лойиҳалаш нормалари бўйича шимол ва ўрта иқлим зоналарида фақат ёпиқ ҳолатдаги зинапоялар ишлатилиши мумкин, лекин амалиёт шуни кўрсатадики, бундай зинапоялар ишлатилган уйларнинг даҳлизлари қиш пайтида жуда совиб кетишини кузатилди, шунинг учун кириш эшиклари 2 қаватли қилиб ёки даҳлиз олдига кичкина даҳлиз /шлюз/ қурилиши керак. Шунинг учун жанубий ҳудудларда иситадиган ва ёпиқ зинапоялар ишлатилиши керак. Очик, умумий бўлган зинапоялар фақат 2 қаватли уйлар учун, кўп қаватли уйларда эса эвакуация қилиш учун мўлжалланган бўлади.

Тархий тузилмаси бўйича зинапоялар бир маршли, икки маршли, уч ва тўрт маршли бўлади. Зинапоялардаги зиналарнинг сони 18 тадан ошмаслиги керак. Маршларнинг қиялиги нисбати 1:1,75 дан 1:2 гача олинади. 1:2 нисбат кўпроқ амалиётда ишлатилади, чунки бундай зинапоялардан кўтарилиш ва тушиш анча қулай, бунда зинапояларнинг ўлчами 30 ва 15 сантиметрли ташкил этади. Ўзбекистон иқлим шароитида, иссиқ ёз пайтида зинапоялардан кўтарилиш анча қийин бўлганлиги туфайли ўрта ва баланд қаватли уйлар учун зинапоялар нисбати 1:2 қилиб олинади, қаватларнинг баландлиги 3 метр бўлганда 20 та зинача /18 та зинача +2 зинапоя майдончаси/ керак. Демак, бир маршли зинапоялар горизонтал ҳолатда  $18 \times 0,3 = 5,4$  метрли, икки маршли зинапоя  $9 \times 0,3 = 2,7$  ва уч маршли зинапоя  $6 \times 0,3 = 1,8$  метрли ташкил этади.


Маршнинг энг кичик кенглиги 1.05 метр қилиб қабул қилинган. Икки марш орасидаги масофа 30 см. дан кам бўлмаслиги керак. Зинапоя тугунининг ички ўлчами марш ва майдончанинг ўлчами, яъни қаватлардаги ва квадратлар орасидаги йиғиндидан иборат. Қаватлар орасидаги майдончанинг кенглиги маршнинг кенглигидан кичик бўлмаслиги, қаватлардаги эса 15-20 см. кенгрок бўлиши керак. Андозали (типовой) қурилма элементларининг сонини камайтириш мақсадида ҳамма майдончалар кенглиги бир хил қилиб (қаватдаги кенглик 4,2 м) олинади (21-расм).

Ишлатилиш жараёнида қулай бўлганликлари ва ишлаб чиқариш оддий ва арзон бўлганлиги учун 2 маршли зинапоялар кўпроқ ишлатилади.

Паст қаватли бинолар учун бир маршли зинапоялар ишлатилади, кўп қаватли /лифтлари билан/ бинолар учун 2 маршли зинапоялар билан бирга 3 маршли зинапоялар ҳам ишлатилади. Маршлар орасидаги бўшлиқни эса лифт шахтаси эгаллайди. Юқоридаги кўрсатмалар мажбурий ҳисобланмайди. Айрим ҳолларда умумий композицияга эришиш учун тежамкорлиги камрок бўлган ечимлар ҳам ишлатилиши мумкин. Тез-тез ер қимирлайдиган шароитда зинапоя тугунларини лойиҳалашда ер қимирлашига қаттиқ қаршилик кўрсатадиган қурилмалар ва 2 тарафлама ўрнатилган эшиклар бўлиши керак. Умумий бўлган зинапоялардан, югуриб чиқиладиган зинапояларни ишлатиш маън этилади.

*Эвакуация йўллари ва умумий зинапояларга қўйиладиган талаблар.*

Эвакуация йўллари иккига бўлинади, улардан биринчиси асосий, иккинчиси эса ҳалокат рўй берган вазиятдаги (авария) эвакуация йўллари дир. Асосий эвакуация йўлларига хонадон ташқарисидаги коммуникациялар-йўлаклар, зинапоя тугунлари, авария эвакуация йўлларига- ташқи очик хоналар-балконлар, лоджиялар, терассалар тегишлидир.



21-

**расм.** Лифтсиз уйларда зинапоя турлари: а-2 та 4 қаватли уй учун; б- юқоридан ёруғлик тушувчи 2 та 3 қаватли уй учун; в-йўлакли уй учун; г-чиқинди ўтказгичи бор 5 қаватли уй учун; д-бўйлама кўтариб турувчи қурилма олдидаги йиғма зинапоя; е-кўндаланг кўтариб турувчи қурилма олдидаги зинапоя.

Секция турар-жой бинолари учун зинапоя тугунларини ишлаб чиқишда секция қаватидаги хонадонларнинг жамланган умумий майдонини, электр таъминоти талабларини, қабул қилинадиган ечимларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, яшаш хавфсизлигини ҳисобга олиш тақозо этилади.

Асосий эвакуацион йўлаklar сифатида қуйидагиларни қабул қилиш тақозо этилади.

- ҳар бир қаватда ойна билан қопланган ёруғлик тушиш деразасига эга бўлган одатдаги зинапоя тугунлари – Л1;
- том ёпмасидаги очиладиган ёки ойна билан қопланган юқоридаги табиий ёруғлик билан ёритиладиган зинапоя тугунлари – Л2;

Л1 типдаги зинапоя тугуни баландлиги 28м гача бўлган турар-жой биноларида қўлланилади. Бунда дераза юзаси 1,2 м.кв. дан кам бўлмаслиги керак. Шамоллатиш ҳар қаватдаги деразаларни очиш йўли билан таъминланади.

Л2 типдаги зинапоя тугуни, қоидага кўра, баландлиги 9м дан юқори бўлмаган турар-жой биноларида қўлланади. Бундай турдаги зинапоя тугунининг баландлиги 12м гача бўлган турар-жой биноларига қўллашга ҳам рухсат берилади. Бундай зинапоя тугуни том ёпмасида ойна билан қопланган (ёки очик ҳолатдаги) юзаси 4м.кв.дан кам бўлмаган туйник ёки ёруғлик фонарининг мавжудлиги билан характеристикаланади.

Л2 типли зинапоя тугунларида эни 0,7м дан кам бўлмаган маршлар орасига ёруғлик ўтиш жойлари ёки ёруғлик шахтаси горизонтал кесимининг юзаси 2м.кв. дан кам бўлмаган зинапоянинг бутун баландлиги бўйича ўрнатилиши кўзда тутилади.

Ёнғин содир бўлган вақтда ҳосил бўладиган тутунни бартараф этиш учун том ёпмасидаги ойна билан қопланган ёруғлик тушадиган туйнукларда ёки ёруғлик тушадиган фонарларда очиладиган фрамуга, форточкаларни ўрнатишни кўзда тутиш тақозо этилади. Фрамугалар кўл орқали (бинонинг баландлиги 9м гача бўлганда) ва дистанцион мосламалар ёрдамида очилади (бинонинг баландлиги 12м гача бўлганда).

Л2 типдаги зинапоя тугуни, қоидага кўра секция тархининг марказига жойлаштирилади, бунда унинг ҳажмига икки-, уч- ва тўрт маршли зинапояларни жойлаштириш мумкин. Икки ва тўрт маршли зинапоялардан хонадонларга кириш жойларининг эшиклари иккита-қават ва оралик майдончаларга, уч маршли зинапояда эса битта зинапоя майдончасига ўрнатилиши мумкин.

Авария ҳолатидаги иккинчи эвакуацион чиқиш жойини (хавфсизлик зонаси) секцияли турар-жой биноларида иккинчи қаватдан бошлаб ҳар бир квартира учун жойлаштиришни кўзда тутиш тавсия этилади.

Узунлиги 1,6м дан кам бўлмаган ойна билан тўсилган ораликлар орасидаги ёки ойна билан тўсилган ва ёзги хона ён девори орасидаги ялпи девор кўринишидаги хавфсизлик зонасидан хонадонлар орқали балкон ва лоджия (жумладан ойна қопланган лоджия)га чиқиш авария ҳолатидаги чиқиш жойи деб ҳисобланади.

Кўшни секцияларга, ташқи (очик) зоналар, эҳтиёт чиқувлар (аварийный выход), тутун кирмайдиган зинапоялар қошидаги очик жойдан ўтиш учун ишлатиладиган ёзги хоналар (балконлар, лоджиялар) ойнакланмайди.

Хавфсизлик зонаси-ойналар билан тўсилган оралик туйнук ва ёзги хонанинг ён томони орасидаги ялпи девор (туйнуксиз девор) кўринишида бўлиб, ёнғин пайтида одамлар шу жойга келишлари керак.

Асосий зинапоя тугуни том ёпмаси усти (кровля)га элтадиган авария туйнуги ва нарвонини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирилади. Икки ёки ундан ортиқ сатҳларга эга бўлган хонадонлардаги зинапояларни хонадон ичидаги даҳлизга ёки йулакга жойлаштириш тавсия этилади, шунингдек, бундай зинапояларни умумий хонага ўрнатишга ҳам руҳсат берилади.

### **3.5. Кўп қаватли турар-жой биноларининг зинапоя-лифт тугунлари.**

Кўп қаватли турар-жой уйларида зинапоя тугунлари тутун қамалиб қолмайдиган бўлиши керак. Ҳозирги пайтда кўп қаватли уйларни қуриш заруриятга айланиб қолди. Бу биноларда ернинг ўрнини алмаштириш учун очик ёзги хоналардан фойдаланиляпти, шундай қилиб, бу уйлар ичкарасида қулайликлар барпо қилиняпти. Кўп қаватли биноларнинг камчиликларини камайтиришга вертикал ҳолда ва ер қимирлашига етарли қаршилик кўрсатадиган қурилмаларни ишлатилиш орқали эришиляпти, бундан ташқари

тоза ҳаво алмаштиришни тезлатиш, шаҳар шовқинини юқори қаватларга камроқ эшитилиши, бу уйларни яшашга қулайроқ қилиб мослаштиради.

Кўп қаватли турар-уй тархий тузилмасида зинапоя лифт тугуни катта аҳамиятга эга. У вертикал ва горизонтал коммуникациялар тизимида функционал муҳим бўғин бўлиб, инсонларнинг авария ҳолатида эвакуациясини таъминлайди.

Турар уйларда вестибюль ва қаватлардаги холлар ечими ёнғинга қарши талаблар билан узвий боғлиқ. Ҳозирги кунда, ёнғин вақтида кўп қаватли турар-уй яшовчиларини тез ва хавфсиз эвакуациясини таъминловчи қоидалар ўрнатилган. Кўп қаватли турар-жойнинг зинапоя-лифт тугуни қуйидагилардан иборат бўлиши керак: зинапоя, лифт, биринчи қаватда-вестибюль ва чиқинди йиғиш жойи, бошқа қаватларда эса эшиклар билан ажратилган лифт холлари, бу эшиклардан хонадонларга кириш мумкин бўлган йўлакларга, тутун йиғилмайдиган (ёки оддий) зинапояга, ҳамда чиқинди йиғиш жойига ўтиш мумкин. (22-расм)


Тўққиз қаватгача бўлган секцияли турар-уйларда ёнғинга қарши чоратадбирларни қўллаш талаб қилинмайди. Хонадонлар бир зинапояга (оддий) чиқиш жойидан ва секциядан секцияга ўтувчи балконлардан иборат бўлиши ёки қўндаланг ён томонли секцияларда ташқи зинапоялар бўлиши керак.

Тўққиз қаватдан юқори бўлган турар-жойларда зинапоя-лифт тугуни аҳамияти ошади ва зинапоя катаги тузилмаси ўзгаради. Ёнғинга қарши меъёрлар тутунга тўлмайдиган уч турли зинапоя тугунларини кўзда тутуди, турар-уйларда эса улардан фақат иккитаси ишлатилади.


Биринчи тур зинапоя тугунида ташқи муҳити орқали кириш-чиқиш жойига эга бўлиши, балконлар, лоджиялар, очиқ ўтиш жойлари, галереялардан иборат бўлади. Иккинчи тур зинапоя тугуни ёнғин вақтида ҳавони ҳайдовчи қурилмага эга бўлади (23-расм). Бу уйларда яшовчилар вертикал ҳаракат учун ҳар доим фақат лифтдан фойдаланишади, зина эса авария ҳолатида фойдаланиш учун мўлжалланган деб ҳисобланади. Биринчи тур зинапоя тугунининг ёнғин вақтида тутунга тўлмаслиги мақсадида, унинг турар-жойдаги барча



коммуникацион хоналардан тўлиқ изоляцияси (химояси) кўзда тутилган. У бевосита фақатгина ташқи муҳит билан боғланган бўлиши керак, биринчи қаватдаги ундан чиқиш эса тўғридан-тўғри кўчага олиб чиқиши керак, бу ундан хавфсиз фойдаланишни кўзда тутати.



**22-расм.** Тутун йиғилмайлиган зинапоя-лифт тугуни: а – секцияли уйларда; б – йўлакли уйларда; + – хавони ҳайдовчи қурилмани ифодалайди.



**23-расм.** Кўп қаватли уйларда фойдаланиладиган зинапоялар схемаси: а – балкон орқали ўтиладиган тугун йиғилмайдиган зинапоя (1-тип); б - ёнғин вақтида ҳавони ҳайдовчи қурилмаси бўлган балкон орқали ўтиладиган тугун йиғилмайдиган зинапоя: 1 – ёнмайдиган девор, 2 – ҳавони ҳайдайдиган канал (2-тип), + – ҳажмдаги ортиқча босимни ифодалайди.

Тўққиз қаватдан юқори бўлган секцияли уйларда, одатда, биринчи тур зинапоя туғуни ишлатилади, лекин иккинчи тур зинапоя туғуни балконга чиқишсиз, ҳавони сунъий ҳайдаш йўли билан рухсат этилади. Ёнғин вақтида бу эвакуация тизимига қўшимча сифатида, ўзаро балкон ёки лоджия билан боғланган у секциядан бу секцияга ўтиш имконияти кўзда тутилган бўлиши керак. Бурчакли секцияда ташқи эвакуацион зиналарга ўтиш мумкин, улар турар-уй кўндаланг ён томонли (четида) жойлашиб, бешинчи қават сатҳигача тушади.

*Лифтлар* вертикал алоқанинг энг осон воситаси бўлиб, 5 қаватдан юқори бўлган биноларга ўрнатилади. Лифтлар кабиналари шахта ичида, зинапоялар билан бирга ўрнатилади. Лекин лифт шахталари алоҳида хоналарда ҳам

бўлиши мумкин. Лифтларнинг борлиги бизни зинапояларни ўрнатишдан озод этмайди, чунки зинапоялар аҳолини эвакуация қилишда энг ишончли воситадир. 6 қаватдан 9 қаватгача бўлган уйларда ҳар бир зинапоя катаги аҳоли учун лифт 320 кг юк кўтарадиган, 9 қаватдан ортиқ биноларда эса аҳоли учун 500 кг. юк кўтарадиган қилиб ўрнатилади.



Хонадонларда шовқинга қарши, яшаш хоналари билан чегарадош деворларга лифт шахталари жойлаштирилмайди. Лифт эшиклари вестибюлга ва қаватдаги холларга очилади. **(24-расм)**

Лифтларнинг зарурий сони, уларнинг юк кўтармаси ва тезлиги – турар-жой қаватига ва секция ёки йўлакнинг ҳар бир қаватида жойлашган хонадонларнинг умумий майдони йиғиндиси билан аниқланувчи лифт юкламасига кўра қабул қилинади. Лифт эшиклари бир томонлама ёки бирига қарама-қарши жойлашиши керак. Лифт олдидаги бўш жой ўлчами лифт юк кўтармаси ва лифтнинг жойлашишига боғлиқ. Лифт олдидаги майдонча кенглиги 120 см дан кам эмас (юк кўтармаси 400-320 кг бўлган лифтлар учун) ва 160-210 см (юк кўтармаси 630-500 кг бўлган лифтлар учун) бўлиши керак.

*Чиқинди ўтказгичлар* беш қаватдан ортиқ бўлган турар уй - жойларда ўрнатилади ва чиқинди маҳсулотларини уйдан йўқотишга хизмат қилади. Ҳар бир хонадон учун чиқинди ўтказгич ўрнатиш тавсия этилмайди, чунки бу уларнинг сонини кўпайишига ва бадбўй ҳид тарқалишига олиб келади. чиқинди ўтказгичлар кўпинча зинапоя тугунининг зинапоялар оралиғидаги майдончага ўрнатилади.

Чиқинди 1-қават ёки ер ости қаватига жойлашган қабул қилиш камерасига ташланади, у ердан эса махсус машиналар орқали олиб кетилади. Чиқинди ўтказгичларни кабиналар билан ўраш маън қилинади, чунки бу ҳолатда уларни ишлатишни кузатиш қийин бўлиб қолади. Галереяли уйларда чиқинди ўтказгичларни ўрнатиш тавсия қилинмайди, чунки қишнинг совуқ пайтида улар яхлаб тиқилиб қолиши мумкин.





**24-расм.** Кўп қаватли турар-жой биноларида ишлатиладиган лифтлар:


*A* – 400 кг, 630 кг, 320 кг, 500 кг юк кўтарувчи йўловчи лифтлар;

*B* – лифт шахтаси бўйича қирқим.

**4-БОБ. ЛИФТСИЗ ТУРАР-ЖОЙ БИНОЛАРИ**

#### 4.1. Лифтсиз турар-жой биноларининг таснифи

Лифтсиз турар-жой бинолари ўзининг типологик хусусиятидан келиб чиқиб икки гуруҳга бўлинади ва ўзининг хажмий- тархий жиҳатидан биридан фарқланади. Буни лифтсиз турар уйларнинг типологик схемасида кўрамыз (25 расм).



25-расм. Лифтсиз уйларнинг типологик схемаси


Биринчи гуруҳга худуд билан тўғридан-тўғри боғланган хонадонли турар уйлар киради. Бундай уйларнинг ҳар бир хонадони ўз ер майдонига эга бўлиши мумкин. Уйлар қаватлари камроқ, қоида бўйича, бир, икки қаватли бўлади. Айрим ҳолларда, бу гуруҳ уйлари кўп қаватли ҳам бўлади (уч ва хатто тўрт қаватли).

Оммавий қурилишнинг замонавий амалиётида ҳудуд билан бевосита алоқага эга хонадонли уйларнинг икки туридан фойдаланилади. Бу бир хонадонли (якка тартибдаги уйлар) ва икки хонадонли турар уйлар, ҳовлиси билан ва қўшимча хўжалик қурилмаларига эга бўлиб, буларни ҳовлили уйлар деб номланади, ҳамда кўп хонадонли, блокли уйлар, бу блокларнинг ҳар бири ташқарига чиқишига эга бўлиб, турли хонали хонадонлардан ташкил топган. Блокли уйларни қуришда ҳар бир хонадон ўз ер майдонига эга бўлиши имконияти мавжуд бўлади. (26-расм.А,Б). Ўзбекистон турар-жойлар структурасида ҳовли асосий элемент эканлиги яққол кўриниб туради, буни ҳаттоки “қўрғонча уй” ўрнига “ҳовли” сўзининг қўлланилишидан бундай турдаги уйлар ҳовлили турар-жой деб юритилади.

Лифтсиз уйларнинг бошқа гуруҳига умумий коммуникация – зинапоя, галерея ва йўлаклар орқали хонадонлардан чиқиш йўлига эга, кўп хонадонли турар уйлар киради. Улар шахсий (индивидуал) хонадон олди ер участкасига эга эмас. Уларда яшовчи аҳолининг дам олиши ва хўжалик эҳтиёжлари учун, бу уйларда умумий фойдаланишга мўлжалланган яшил майдончалар ва махсус: хўжалик, спорт ва ўйин майдончалари кўзда тутилади (26-расм.И).

Бу гуруҳга кирувчи турар-жой бинолари ўрта қаватдан иборат бўлиб, 3 - 5 қават ташкил топади. Ўрта қаватли турар-жой бинолари ўзининг хажмий-тархий ечимига кўра секцияли, галереяли ва йўлаккли, бир секцияли ва аралаш хилдаги уйлар (секция-галереяли, секция йўлаккли) турларига бўлинади.

Бизнинг иқлим шароитда турар-жой биноларини лойиҳалашда асосий эътиборни ёзги мавсумга қаратиш, улардан фойдаланишда ташқи сиртларнинг қизиб кетишидан ҳимоялаш ва хоналар ичида ижобий микроиқлимни яратиш тақоза этилади.



**26-расм.** Лифтсиз уйларнинг асосий турлари. I. Худуд билан тўғридан тўғри боғланган кириш чиқиш жойига эга хонадон. А – қўрғонча уй (ўз ховлиси билан); а – бир хонадонли; б – икки хонадонли; Б – блокли уйлар; в – тўрт хонадонли уйлар; г – икки қаватга эга бўлган тўрт хонадонли уйлар; д – қаторли уй; е – атриумли уйлар; II. Умумий коммуникация орқали кириш чиқиш жойига эга хонадонлар. з – секцияли уйлар; и – галереяли уйлар; к – йўлакли уйлар.


#### 4.2. Кам қаватли турар-жой бинолари.

Кўп хонадонли уйлардан фарқли равишда, кам қаватли кўрғонча туридаги ҳовлили уйлар юқори гигиеник сифатларга эга, булар яшаш талабларига тўлиқроқ жавоб беради. Хонадонлар катта ёруғлик фронтига эга бўлиб – барча томондан ёки икки хонадонли уйларда уч томондан ёритилгани сабабли, уйлар яхши инсоляцияга эга ва барча хоналар яхши шамоллатилади. Уларни қуриш осонроқ, чунки кўп ҳолларда уйлар чегараланган йўналишга эга бўлиши мумкин. Ер участкасида бинонинг алоҳида жойлашуви яшаш шароитини яхшилайти. Хонадонлар шовқинли йўллар ва қўшни майдонлардан узоқроқ жойлаштирилган бўлади. Икки хонадонли уйларда хонадонларнинг қўшничилигига ноқулайлик туғдирмайди. Кириш эшиклари, айвончалар ва терассалар уйнинг турли томонидан жойлаштирилган бўлиб, бир-бири билан кесишмайди. Хонадонларнинг алоҳидалиги улар орасида қурилган хўжалик қурилмалари ёки ажратувчи деворларни қуришга имкон беради.

Кўрғонча туридаги ҳовлили уйлар ўзининг ер майдонига кўра икки хил бўлади, шаҳар ва қишлоқ уйлари. Шаҳар ва қишлоқ ҳовлили уйлари асосан 1ёки 2 қаватли қилиб қурилади. Улар ер майдонининг катта –кичиклигига қараб, ердан фойдаланиш характериға кўра ва архитектуравий-тархий ечими бўйича фарқланади. Шаҳардаги ҳовлили уйларнинг майдони катта бўлмайди (200-600 м.кв.), бу ерда аҳолини яшашдан мақсад ёз кунлари очик муҳит – ҳовлидан фойдаланишдир. Лекин қишлоқ уйларида аҳоли ўзининг шахсий томорқасига эга бўлиб, у ерда ишлайди. Қишлоқ ҳовлили уйларининг майдони 0,15 га гача бўлиши мумкин.

Ҳовлили уйнинг учта асосий тури мавжуд: алоҳида биноли уйлар – турар-уй ва ҳовлидаги хўжалик қурилмалари билан; хўжалик хоналари уй ичига ёки уйга улаб қурилган ҳовлили уйлар ва ички турар-уй ҳовлиси атрофида турар-уй ва хўжалик хоналари комплекси эга, ривожланган тузилишга эга ҳовлили уйлар (27-расм).






**27-расм.** Қўрғонча туридаги ҳовлили уйнинг жойлашуви: 1-яшаш хоналари; 2-хўжалик хоналари.

Қўрғонча туридаги ҳовлили уйни ташкил қилиш уй режасига яъни, биринчи навбатда, ундаги турар-уй ва хўжалик ҳудудларининг ўзаро жойлашувига таъсир кўрсатади. Хўжалик ҳудудида хўжалик қурилмалари ёки шахсий хўжалик юритиш учун зарур бўлган хоналар жойлашади. Ҳудуд (зона)ларга бўлишнинг учта принципиал схемасини кўрсатиш мумкин: хонадоннинг хўжалик ҳудуди уйнинг орқа томонида жойлашади; агар шахсий хўжалик минимал ўлчамда ёки умуман мавжуд бўлмаса, хўжалик ҳудуди ён томонда ёки кўча томонда жойлашиши мумкин. (28-расм).

Уйнинг яшаш қисми эса, яшаш хоналарининг кўчага нисбатан йўналишига кўра, ёруғлик томонларига кўра, асосий кириш эшигининг жойлашуви ва хонадоннинг хўжалик хоналари ҳолатига кўра, жойлаштирилади.




**28-расм.** Бир хонадонли уйнинг худудий схемаси: 1-хўжалик худуди; 2-яшаш худуди; 3-уйга кириш жойи; 4-ҳовлига чиқиш жойи.

*Бир хонадонли ўйлар хажмий-режавий характеристика бўйича бир ва икки қаватли ўйларга бўлинади. Уйнинг икки тури ҳам, ҳовлига чиқарилган хўжалик қурилмали ҳам ва шахсий хўжалик хоналари уй хажми билан бир бўлган кўринишда бўлиши мумкин.*


*Бир қаватли (сатҳли) ўйлар.* Бу турдаги ўйлар хонадонлари икки, уч, тўрт ва беш хонали бўлиши мумкин. Кўп сонли хоналарга эга турар ўйларни эса, яхшиси икки қаватли турар-жой хонадонларида жойлаштириш мавсадга мувофиқдир. **(29-расм)**

Қишлоқ аҳолиси 1қаватли ўйларни қуришга мойилроқ бўлади, чунки улар ер билан узвий боғланган бўладилар. Бундан ташқари бир қаватли ўйларнинг тархи оиланинг ўсишига мос бўлиб, кўпинча ўйларни қуришга қулайдир. Уй майдонини кенгайтириш учун шароит бўлса ҳам, бу жамоа хўжалиги учун ноқулайдир, чунки ўзлаштирилган ерни бошқа ерга алмаштиришда муаммолар туғилиши мумкин.



**29-расм.** Кўрғонча туридаги ҳовлили уй


Бир қаватли бир хонадонли уйларнинг ҳажмий-тархий ечимларининг кенг тарқалган усулларида бири уйга кириш қисми бинонинг тарз қисмида жойлашган бўлиб, хўжалик хоналари бинонинг ичкарасида яъни орқа тарафида жойлашади. Бундай жойлашиш усулида учта яшаш хонасидан иккита яшаш хонаси доимо кўчага қараган бўлади. Санитар тугунлар қоидага кўра ташқи деворларда жойлашиб, бунда хонадон ичи коммуникациялари минимал бўлади (30-расм).




**30-расм.** Уч хонали бир қаватли уйнинг хажмий-тархий тузилмаси: 1- умумий хона; 2-ётоқхоналар; 3-хўжалик ҳудуди; 4- санитар тугунлари.

*Икки қаватли уйлар.* Умумий майдони  $90\text{м}^2$  дан кўп бўлган бир хонадонли уйларни икки қаватли қилиб лойиҳалаш мақсадга мувофиқдир. Бундай уйлар коттедж типли уйлар деб номланади. Биринчи қаватда одатда тамбурли кириш йўлаги, умумий хона, ётоқхоналардан бири, ошхона, хўжалик хоналари жойлашади. Иккинчи қаватда одатда ётоқхоналар жойлашади. Ётоқхоналар сонига қараб, иккинчи қават қисман ёки тўлиқ банд қилинган бўлиши мумкин.

Икки қаватли(сатҳли) уйларнинг бир неча турлари мавжуд: мансардли уй, яъни 2-қавати тўлиқ эмас, пол сатҳи қўзғалувчи уй, бунда уйнинг бир қисми бир қаватли бўлади (31,32-расмлар).




**31-расм.** Турар уйларнинг икки сатҳли (қаватли) қилиб ечиш усули: а-мансардли уй; б-хонадоннинг бир қисми иккинчи қаватда жойлашган (чордоқсиз ёки чордоғ билан); с-хонадоннинг ҳамма қисми икки қаватда жойлашган (чордоқсиз ёки чордоғи билан); д-қияликда жойлашган уй; е-мансардли уйнинг қирқим қисмидан фрагмент.



**32-расм.** Ҳар хил сатхли беш хонали турар-жой хонадони.

Мансардли уйда юқори қават хоналари чордоқ чегарасида жойлашади. Том нишаби  $45^\circ$  дан кам бўлмаслиги керак. Том нишабининг бурчаги бундан кам бўлса, мансардли қаватни ўрнатиш мумкин эмас. Чордоқдан тўлиқ фойдаланиш учун, юқори қават хоналари шифти кесилган бурчакли бўлади. Кесилган

қисмлар деворлари баландлиги 1,6 м дан кам бўлмаслиги керак. Мураккаб шаклли томни ўрнатишда, нишаблар кесикли бўлганда, чердак фазосидан тўлиқ фойдаланилади – шифтлар горизонтал бўлиб, деворлар бир баландликка эга бўлади (33-расм).




**33-расм.** Мансард типдаги тўрт хонали турар-жой уйи гаражи билан. Архитектор И.Н.Шишков.

Иккинчи қавати тўлиқ бўлмаган уй томи бир нишабли ва икки нишабли бўлиши мумкин. Аралаш томли уйнинг биринчи қаватида кўпинча умумий хона жойлаштирилиб, у жуда баланд шифтли бўлади. 2 қаватли уйларда ҳовли билан тўғридан-тўғри боғланиш уларни икки ярусга жойлаштириш ҳисобига эришилади. Икки қаватли уйлар бир қаватли уйлардан афзаллиги билан фарқ



қилади, чунки улар ер сатҳини, том сатҳини, пойдевор ва цокол ҳамда уй ҳажмининг икки марта қисқаришига олиб келади ва шу билан уларнинг нархи арзонроқ бўлишига сабаб бўлади (34-расм).



**34-расм.** Беш хонали иккинчи қавати тўлиқ бўлмаган икки қаватли уй. Тарз, 2-қават тархи (чапдан), 1-қават тархи (ўнгдан).

2 қаватли турар-жой уйлари томорқали уйлاردан тубдан фарқ қилмайди, фарқи шундаки, бу уйларида фақат 2 қарама - қарши томонга ёруғлик (томорқали уйларида эса 3-4 томони очик ёруғликни хоҳлаган томондан) бериш мумкин. Хонадонга кириш асосан кўча томондан ташкил этилган бўлиб, йўлак билан умумий хона ва ошхонадан ҳовлига чиқишга қулай шароит яратилган бўлиши керак.





Ёзги хона /айвон/ асосан ҳовли томонга жойлашган бўлиб, умумий хона ва ошхона билан чамбарчас боғланган бўлиши шарт.

Бу уйлар кўча томондан "қизил чизикдан" 6 метр масофа ташлаб қурилади. Уй олдида панжарали гулхона, кириш ва чиқиш учун дарвоза ёки эшик ўрнатилади. Томорқанинг орқа томони эса тор хўжалик кўчасига қаратилган бўлиб, унинг хўжалик хоналари шу томонда жойлаштирилган бўлади.

Уй атрофига гулзорлар, ҳовузлар, ёзги ошхона, соябонлар ва дарахтлар ўтказилади. Ундан қолган ер сатҳи сабзавотлар ва мевали дарахтлар, узумзорлар учун ишлатилади. Гараж учун ҳам қулай жой танлаш зарур. У уй ичида ҳам бўлиши мумкин. Уйларни қулай жойлаштириш учун уларни бирлаштириш, яъни битта том тагида жойлаштириш мумкин.

Кам қаватли уйларни ҳар томондан ёруғликка эга бўлиши /ориентацияси/ кўп қаватли биноларга қараганда унча катта аҳамиятга эга эмас, чунки паст қаватли бинони дарахт ва буталар билан ўраб уларни қуёшдан сақлаш мумкин. Шунинг учун бинони ғарбга қараб қуриш мумкин. Бундай уйларда фақат ётоқхоналарни шимол томонга қаратишдан сақланиш лозим, у ерда яхши санитар-гигиена шароитини яратиш лозим. Ваннахона ва ҳожатхоналарни табиий ёритиш тавсия этилади, чунки бундай биноларда бунга имконият бор (35-расм).

Кир ювиш асосан ваннахонада бажарилади. Ваннахонанинг 2-қаватда жойлашиши ноқулайлик туғдиради. Шунинг учун энг қулайи ошхона энига махсус кир ювадиган хонага /кир ювиш машинаси, сув кетадиган жой, дазмоллаш ва кийимларнинг тахлайдиган жой, қуриши шкафини/ жойлаштиришдир.



**35-расм.** Юкори комфортли турар-жой биноси. Архитектор Р.Сахарова.  
 А- биринчи қават тархи; Б- иккинчи қават тархи; В- цоколь қават тархи.

*Икки хонадонли (жуфт) уй бир умумий деворга эга бўлган иккита бир хонадонли хонадонлар бирлашувидир. Бунда икки хонадонли уй ташқи деворлари периметри ҳар бир хонадон учун кичик бўлади, бу ташқи деворлар*


учун учун материалларни ва иситиш учун харажатларни камайтириб, иқтисодга олиб келади. Бундан ташқари, икки хонадонли уйларни қуриш ер майдони кенглигини камайтиришга имкон беради, бу ўз навбатида, кўчалар ва барча коммуникацияларнинг умумий узунлигини қисқартиради. Натижада, бир хонадонга тўғри келувчи, кўчалар ва муҳандислик коммуникациялари, худди шундай майдонли бир хонадонли уйлар қурилиши билан таққослаганда, тахминан 25-30% га қисқартиради.

Икки хонадонли уйларнинг тархий ечими принципи бир хонадонли уйларга ўхшашдир. Улар бир ва икки қаватли ҳам бўлиши мумкин. Бу уйларнинг фарқли хусусияти – бу ҳар бир хонадонда (улар орасидаги умумий) бир деворнинг яхлит бўлишидир. Икки хонадонли уйларда иккала хонадон санитар бўғинлари ва ошхоналарни блокировкалашга интилиш лозим (35-расм).

*Блокли уйлар.* Бу хилдаги турар - уй жойлардан шаҳар маҳаллаларида /кичик туманларда/ фойдаланилиб, кўп оилалиларга мўлжалланган. Бир қаватли блокли уйлар асосан қишлоқ жойларида ва туман марказларида фойдаланилган ҳозирда эса ўз самарадорлигини йўқотган. Ҳозирги пайтда қишлоқ жойларида яшовчи оилалар томорқадан унумли фойдаланилмаётгани туфайли блокли уйлар 2 қаватли қилиб қўрилмоқда. Ҳар бир хонадон учун /50-100 м<sup>2</sup>/ томорқа ажратилган, ёзнинг илиқ кунларида ўз вақтларини ўтказиш учун томорқада гулзорлар, ёзги соябонлар, ҳовузча, болалар ўйнаши учун қум яшиги ва ҳоказолардан иборат бўлиши мумкин (36-расм).

Ҳовлили биноларни қуришда асосан маҳаллий, қиммат бўлмаган қурилиш материалларидан фойдаланиш керак: хом ғишт, пишган ғишт, тахта, ганч, алебастр ва ҳоказолар. Аммо қишлоқ қурилишини индустриал ва механизация усули билан тез қуриш учун заводда тайёр бўладиган элементлар: блоклар, панеллар, темир-бетон ёпқичлар ва бошқаларларга ўтишга тўғри келди ва булар ҳовлили уйларнинг лойиҳалари характериға таъсир қилди. Шунинг учун заводда тайёр бўладиган элементларнинг ўлчовига қараб лойиҳалаш пайтида бино ўлчовлари шу элементлар ўлчовига қараб олинади.

Аммо маҳаллий қурилиш материаллари ҳали ҳам ўз қийматини йўқотгани йўқ ва шунинг учун меъмор олдиға уларни заводда тайёр бўладиган қурилиш материаллари билан аралаштириб ишлатиш вазифаси қўйилади.



36-расм. Қишлоқ уйларининг тархий ечими.

#### 4.3. Ўрта қаватли тузар - жой бинолари.

3-5 қаватгача бўлган уйлар ўрта қаватли тузар-жой бинолари турига киради. Бу хилдаги уйларда хонадонлар лифтсиз, фақат умумий зинапоя орқали боғланади. Уларнинг қурилмалари оддий бўлиб, заводда тайёрланган индустриал тайёр қурилмалардан фойдаланилади. Бу хилдаги тузар-жой қурилиши зич қурилиш бўлиб, шаҳар майдонидан фойдаланишда иқтисод қилиш имконини беради. Ҳамма замонавий қулайликларга эга бўлиб, қурилишда иқтисодий жиҳатидан тежамлидир. Ҳозирги вақтда бундай уйлар асосидаги тузар-жой қурилиши шаҳарларни ташкил этади. Секин аста бундай уйлар қишлоқларга ҳам тарқаяпти.

Кейинги пайтда катта тузар-жой даҳаларини ривожланиши натижасида Тошкентда ва бошқа Ўзбекистон шаҳарларида кенг миқёсдаги 4-5 қаватли тузар-жой бинолари қад кўтара бошлади, шундан сўнг темир-бетон

конструкция заводи кўринишида материал-техник қурилиш базаси ташкил этилди, яъни катта панелли уй қурилиши, уй қурилиш комбинатлари ишга туширилди. Бир қанча андозали ғишт, панел, синч-панелли бинолар сериялари ишлаб чиқарилди. Қурилиш жараёнида булардан кенг кўламда фойдаланилди.

#### Ўрта қаватли уйларнинг асосий қурилмалари /конструкциялар/

Ўрта қаватли турар-жой бинолари асосан 3 та конструктив қурилмадан иборат бўлади:

- ғишздан кўтариб турувчи девор ва тўсиб турадиган қурилма;
- катта панели кўтариб турувчи девор ва тўсиб турадиган қурилма;
- каркас-панелли ва каркас (синч) ғиштли қурилма.

Кўп ишлатиладиган бу ғиштли кўтариб турувчи девор қурилма бўлиб, қурилишни тўлиқ индустриаллаштириб бўлмайди, шунга қарамай у жуда кўп тарқалган. Бу қурилма яхши ўзлаштирилган бўлиб, ҳар хил ихчам лойиҳани ечишга, кучли ер қимирлашда ўзининг мустаҳкамлиги билан фарқ қилади. Беш қаватгача бўлган биноларни катта ғишт завод базалари Республикани ғишт билан таъминлаб тура олади. Шунинг учун пишиқ ғишздан бўлган қурилиш ҳозирги кунда кенг фойдаланилмоқда.

Тошкентда, Навоий, Фарғона, Самарқанд ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларда катта панелли қурилиш кенг кўламда қўлланилган. Катта заводлар қурилган жойларда панелли ва темир-бетон буюмлар уй қурилиши комбинати бўлса, тайёрлаш вақтини қисқартириши ва қурилиш нархининг камайиши, заводда тайёрлаш сифатини ошиши ўрта қаватли турар-жой биноларини қуришда анча қўл келади.

Замонавий катта панелли уйларнинг ҳам камчилиги бор. Ундаги энг катта камчилик иссиқ сақлаш ва товушни ўтказиш, ёзда уйларни қаттиқ исиб кетиши, қурилиш натижасида даҳалар жуда зерикарли, бир хил кўринишда бўлиб қолиши шулар жумласидандир.

Турар-жойларни лойиҳалаганда ҳар томонлама иқтисодий жиҳатдан унумли фойдаланиш лозим. Турар - жой биноларининг энергия тежамкорлик характеристикаларига қуйидагилар орқали эришилади:

- бино ҳажмининг кўп қирралилигини камайтириш йўли орқали ташқи деворларнинг сирти юзасини қисқартириш эвазига;
- хоналарнинг ёритилиши бўйича меъёрий кўрсаткичлар сақланган ҳолларда корпус энини ошириш эвазига;
- бинонинг узунлигини ошириш (шаҳарсозлик талабларини оптимизациялаш яъни мақбуллаштиришни ҳисобга олиш) эвазига;
- қаватдаги хонадонлар майдонини жамлаштиришни ошириш эвазига;
- турар-жой уйининг иссиқлик самарадорлигининг оширишга шарт шароит яратадиган тархий элементларни қўллаш орқали.

Турар-жой биноларида шовқинни пасайтиришга қуйидаги чоратадбирларни амалга ошириш йўли орқали эришилади:

- махсус шовқин ҳимояловчи планировкани магистрал кўчага ориентациялаш орқали: бунда хонадонлардаги ёрдамчи ва хўжалик хоналарини уч хонали хонадонларнинг умумий хоналарини ҳамда хонадон ташқарисидаги хоналари (зинапоя тугуни) кўзда тутилади;
- бино ташқи тўсиқ деворларига шовқин ҳимояловчи конструктив воситаларни ўрнатиш орқали;
- юқори товуш ҳимояловчи хоссаларга эга бўлган деразалар ва балкон эшикларни ўрнатиш орқали;
- шовқиндан ҳимояловчи техник воситалар, жумладан клапан-сўндирувчи мосламаларни қўллаш орқали (бунда хонадонда меъёрий ҳаво алмашинувини таъминлашни эътиборга ва ҳисобга олиш тақозо этилади.)

#### **4.4. Секцияли уйлар**

Секцияли турар-жой уйлари қаватлар, узунлиги ҳамда конфигурацияси бўйича фарқ қиладиган бир типли бир нечта блок-секциялардан ташкил топадиган бинодир.

Секция (бўлинма) деб бир гуруҳ хонадонларни зинапоя ёки лифт тугуни атрофидаги тўпلامга айтилади. Ҳар бир қаватда икки, уч ёки тўрт хонадон бирлашиб секцияни, яъни унинг йирик бир тўпلامي ташкил этилади. Секцияларнинг тархий ечими хонадонларлар сонига қаватлардаги зинапоя тугуни майдончасига чиқиладиган жойга боғлиқ бўлади. Кўп сонли аъзоларга эга бўлган оилаларни бир-, икки-, уч хонали (кичик ва ўрта катталиқдаги оилалар учун) хонадонли блоклаштирилган уйларга жойлаштиришни эътиборга олган ҳолда битта қаватга уч ёки тўртта блок секцияларни ишлаб чиқиш тавсия этилади.


Хонадонларнинг ориентацияси инсоляция талабларига жавоб бермоғи лозим, яъни бир-, икки-, уч хонали хонадонларнинг камида битта хонасига қуёш нурларининг тўғридан-тўғри тушишини таъминлаш тақозо этилади.

Бино ҳажмини рационал ечиш кўпинча минимал иссиқлик йўқотувчанликни таъминлаш орқали аниқланади. Бунга корпус энини катталаштириш, табиий ёруғлик тушишига эҳтиёж сезилмайдиган хоналарни ўрта қисмга жойлаштириш билан эришиш мумкин, бунда яшаш хонасининг энини ташқи деворларга бириктириш тақозо этилади.

Кам ва ўрта қаватли (2-5 қаватли) лифтсиз кўп секцияли уйларда асосан икки маршли зинапоялар қўлланилади, бу зинапоя маршлари секциянинг ўрта қисмига ёки ҳовли томонга яқин бўлган қисмга жойлаштиради (агар бу шимолий ориентацияга мос тушса) шундай йўл тутиш билан горизонтнинг қуёш нурлари кўпроқ тушадиган томонига яшаш хоналарини кўпроқ жойлаштиришга эришиш мумкин.

Яшаш секциялари асосан тўғри бурчакли модулли координацион тўр асосида лойиҳаланади, бу эса хонадон элементларининг (яшаш ва ёрдамчи хоналар, зинапоя маршлари) табиий шаклига, кўп даражада мос келади. Бироқ тархига кўра оддий бўлган блок-секцияларни ижодий уйғунлаштириш яшаш

комплексларининг композицион қурилиши (тузилиши) ва қиёфаси бўйича турли хил кўринишлардан биноларни яратишга олиб келади. Бунинг учун секцияларнинг учта асосий - бир қаторли оддий-қаторли /рядовой/, бурчакли /угловой/, чеккали /торцевой/ турлари қўлланилади. Энг кўп тарқалгани бу оддий секция бўлиб, у бир хил пайтда чеккали секция ўрнига ишлатилади.(37-расм).



**37-расм.** Секциялар схемаси.


Қаторли секция – бу секция, қоидага кўра тўғри бурчакли шаклга эга бўлиб у яшаш уйининг иккита бошқа қисмлари орасига жойлаштирилади. Секциянинг деворларидан бири қўшни қаторли секция билан блоклаштирилади. Кўндаланг ён томонли секция кўндаланг секция кўндаланг ташқи девор конструкциясини ўзгартириш билан қаторли секция тарҳини такрорлайди.

Секциялар икки, уч, тўрт хонадон учун лойиҳалаштирилган бўлади, хонадонларнинг сони ошиб кетса, уларга зинапоя майдонидан кириш




қийинлаша боради. Шунинг учун йўлакларни ишлатишга мажбур секция типдаги уйлар йўлакли типдаги уйларга айланиб қолади. Хонадонларнинг сонини зинапояни 4-катагига нисбатан кўпайтириш, вертикаль коммуникацияларни нархини камайтиришга интилишдан келиб чиқади, кўп хонали секциялар урушдан кейинги йилларда жуда кўп тарқалган бўлиб, турар уй-жой кризиси даврида кўп хонали хонадонларнинг қурилишига олиб келди. Асосий типларидан бири, 2 хонали хонадонлардир. Энг кўп тарқалгани эса 1 хонали хонадонлар бўлади. Натижада асосан секциялар уч хонадонлик /2-2-2 ва 2-1-2/ ва тўрт хонадонли /2-2-2-2, 1-1-2-2/ бўлиб шаклланди.

Тажриба шуни кўрсатдики, 2 хонадонли секцияларда елвизак қилиб шамоллатиш талаблари бутунлай қониқтирилади ва куёшга қаратиб жойланишида горизонтни икки қарама-қарши тарафига жойлашади, уч хонадонли секцияларда эса фақат 2 хонадонгина қониқарли ечилган бўлса, учинчи хонадон эса бир тарафга қараб қолади ва елвизак қилиб шамоллатиб бўлмайдиган бўлиб қолади. Тўрт хонадонли секцияларда эса ҳамма хонадоннинг ечими қониқарсиз бўлиб қолади. Шундай қилиб тўрт хонадонли секциялар Ўзбекистон шароитида қурилишга ноқулай деб ҳисобланса, уч хонадонли секцияларни эса айрим шароитлардагина қуришга рухсат этилади. Энг яхши ечимга фақат икки хонадонли секция эгадир. Энг чеккадаги уч хонадонли секцияларда икки хонадон бурчакли шамоллатиш ва ориентация билан таъминланиши мумкин бўлганлиги сабабли уларни уч хонадонли қилиб тарх ечимини ечиш мумкин, шунинг учун чеккадаги секциялар уч хонадонли қилиб лойиҳалашга рухсат берилади (38-расм).



**38-расм.** Секцияли уйларнинг тархий ечими: А-секцияларнинг турлари; Б-йўл қўйилиши мумкин бўлган ориентацияга эга икки хонадонли секциялар; а,б - чегараланмаган ориентация; в,г - қисман чегараланган ориентация.

Тузар уй-жойлар бир секцияли бўлса уларга тўртта хонадонни жойлаштириш мумкин, чунки уларнинг ҳар бири бурчакли шамоллатиш имкониятига эгадир, шунинг учун бу система мумкин бўлган тархий ечимларга олиб келади.(39-расм).




39-расм. Чегараланмаган ориентацияга эга тўрт хонадонли секция.

Бурчакли (бурилувчан) секциялар – мураккаб конфигурацияли уйларни шакллантириш учун қўлланади. Кўп ҳолларда 135 С° ёки 90 С° ли бурчакка бурилган бурчакли секциялар энг кўп учрайди. Бурчакли секциялар қаторли ҳамда чеккали секциялар сингари лойиҳаланади. Ҳар хил конфигурацияли, турли қаватли, хонадонларининг сони ва типи турлича бўлган секциялар битта серияга бирлаштирилади. Битта серия рамкасидаги секциялар бир типли конструктив ва тархий схемалар асосида ишлаб чиқилади. Масалан, агар юк кўтарувчи элементларнинг у ёки бу конструктив системаси қабул қилинган бўлса, у ҳолда бу система барча секцияларда қўлланмоғи шартдир. Бу эса қурилиш жараёнини мақбуллаштириш (оптималлаштириш) учун жуда муҳимдир. Секциялардаги ҳамма хонадонлар бир хил даражадаги комфортлилик (шинамлилик) эга бўлмоғи лозим, бунга ягона тархий усул ва бир хил муҳандислик жиҳозлари орқали эришиш мумкин (40-расм).

Қаторли секцияларда секциялараро деворларнинг йўналишини ўзгартириб бурчакли секция ҳосил қилиш мумкин. Кўпинча булар – бир бурчаги қийшиқ ассиметрик секциялардир. Уй бурчаги икки бурилувчан секциялар блокировкаси йўли билан ҳосил қилинади. Бу энг оддий усул бўлиб, унда қаторли секциянинг барча асосий элементлари – зинапоялар, санитар бўғинлар, ошхоналар сақланади, бу индустриал қурилишда муҳим аҳамиятга эга. Фақат қийшиқ девор бўйлаб жойлашган турар-уй хоналари шакли ўзгаради. Секциянинг бу қисмидаги том ёпма ва тўсиқ деворлар индивидуал монолит бетонларни қўллаган ҳолда амалга оширилади.

Бурчакли секцияларни ҳосил қилишнинг кўриб чиқилган усуллари – бу катта бурчак остида бурилган қаторли секциялар трансформациясидир. Кичик бурчакларда хоналарнинг жуда катта қийшайиши кузатилади ва бундай усуллар қўлланилмайди. 90° бурчак остида бурилган секциялар фақат бурчакли секцияларга оид бўлиб, мутлақо бошқача ҳажмий-тархий ечимга эга. Бундай бурилишда ички бурчакда зинапоя жойлаштирилади.




**40-расм.** Бурчакли секциялар: а – чекка секцияда қийшиқ бурчак билан;  
 б – секцияни ўрта қисмида бурилиш билан; в – секциянинг ички қисмида қийшиқ жойлашув билан; г – “Бурчакли” секция 90 С° ли бурилишда.

Бундай бурилишда ички бурчакда зинапоя жойлаштирилади. Бунда хонадонларга кириш зинапоя майдончасидан, ёки кўпинча, зинапоя тугуни

деворига бирлашувчи майдончадан иборат йўлакда жойлашади. Бундай секциялар одатда уч ёки тўрт хонадонли бўлади. Уч хонадонли секциялар чегараланмаган ориентацияга эга – иккита хона икки томонли, бири эса – бурчакли. Тўрт хонадонли секциялар бир томонли ёруғлик фронтдан иборат бўлган хонадонлар ҳисобига, қисман чегараланган ориентацияга (йўналишга) эга.

Лифтсиз уйларни лойиҳалаш ва қуриш амалиётида, айрим ҳолларда, мураккаб тархдан иборат бўлган турар-жойларни яратишда турли хил йўналишга эга бўлган секциялар қўлланилади. Улар орасида крестсимон, уч баргли ва ихтиёрий шаклдаги секциялар учрайди. (41-расм).




**41-расм.** Мураккаб секцияли турар-жой тархлари.

Бундай секциялар блокировкасида мураккаб конфигурацияли узлуксиз тузилмалар яратилиши ёки нуқтали уйларда қўлланилиши мумкин. Бурчакли секция ҳозирги пайтда кам ишлатилади, чунки яхши тархий режали

хонадонларни ташкил этиш қийин, иқтисодий тарафдан тежамкорлик кам ва қурилмаси қийин.

*Чеккали* (торец) секциялар уй чеккаларида жойлашади. Секция деворларидан бири қўшни қаторли секция билан блоклашган бўлиши керак. Бу секциялар турлича ечимга эга бўлади (42-расм).

Энг оддий ечим – бу чеккадаги ташқи девор конструкциясининг ўзгариши билан секцияларнинг қаторли қайтарилишидан ташкил топади. У яхлит девор (дераза туйнукларисиз) ёки дераза туйнуклари ўрнатилган бўлиши мумкин. Кўндаланг ён томонда лоджиялар ёки балконларни ҳам жойлаштириш мумкин.



**42-расм.** Чеккали секция: а – қаторли секция тархий ечими ўзгартирилмаган ҳолда; б - қаторли секция тархий ечими ўзгартирилган ҳолда.



Қаторли секциянинг чеккали қисми тархини ўзгартириш бўйича радикал ечимлар ҳам маълум. Секция габаритларини сақлаб ва хоналар сонини оширган ҳолда, фақат чеккали хонадон тархий ечимини ўзгартириш ҳам мумкин,

хонадонлар сонини оширган холда секциялар тархий ечимини ҳам ўзгартириш мумкин.

*Бир секцияли уйлар.* Ўрта қаватли бир секцияли уйлар вертикал коммуникациянинг фақат битта зинапоя тугунига ва бино тархида кичик ўлчамга эга бўлади. Турар-уй тархий ечимида турар-жой хоналарини горизонтнинг барча томонларига қараганлиги билан, ташқи деворлар периметрининг ошганлиги билан фарқланади, шунга кўра уй инсоляциянинг мақбул шароитларига эга бўлиб, хоналарда табиий шамоллатиш жуда яхши йўлга қўйилган бўлади. Бир бўлинмали ёки нуктали туркумда бир қаватда тўлиқ 4 хонадонни жойлаштириш мумкин. Қулайлиги шундаки унда кам ва ўрта хонали хонадонларни ҳам жойлаштириш мумкин. Шунинг учун бу турум универсалдир.

Ўрта қаватли бир секцияли уйлар паст қурилишларда ишлатилади, у кўп секцияли ва блокли уйлар билан шаҳарсозликдаги бадий қиёфанинг (силуэтнинг) турли – туманлигини таъминлаш учун, қурилишларда баландлик акцентини яратишда, айниқса мураккаб рельефли участкаларда, ҳамда юқори қаватли шаҳар қурилишларида қўлланилади. Кўп қаватли бир секцияли уйлардан фарқли равишда, ўрта қаватли уйлар тархий ечими оддий ва ҳар бир қаватда кам хонадонлар сонига эга. Кўп қаватли бир секцияли уйлар учун эса, лифт ўрнатиш зарурияти сабабли, ҳар бир қаватда кўпроқ хонадонлар жойлашуви характерлидир (43-расм). Аммо 3-5 қаватли уйларда булар ўзини кўринишини йўқотади, бино баландлигининг узунлигига нисбати /пропорция/си кубга яқинлашиб қолади. Шунинг учун бундай туркум ўрта қаватли уйларда ўз аҳамиятини йўқотади. Асосан бу туркум кўп қаватли уйлар қурилишида ишлатилади.





43-

**расм.** Ички ҳовлисига эга 42 хонадонли турар-жой биноси.

Кўп секцияли турар-жой бинолари асосий типларининг ҳажмий-тархий структураси. Бино ҳажмий-тархий структурасининг элементлари деб ҳисобланадиган секцияларнинг бир нечтасини блоклаштириш йўли орқали кўп секцияли турар-жой бинолари шакллантирилади. Секцияларни қаторли, бурчакли ҳамда охири ён томон(чеккали) билан тугайдиган ёки тугамайдиган тарзда лойиҳалаштирилади.

Қаторли секциялар (жумладан охири ён томон билан тугайдиган) секциялар ўз тархининг шакли бўйича тўғри чизиқли шаклда, чиқиб турувчи шаклда (уступа образный) ҳамда мураккаб шакл (жумладан эгри чизиқли шакл, Т-симон шакл)га эга бўлиши мумкин.

Бурчакли секциялар бинони ривожлантирилган ҳолатда лойиҳалаштириш имконини беради:

1. икки йўналишда (90 С, 135 С ли ва бошқа бурилиш

бурчакларига эга бўлган секциялар кўринишида)

лойиҳалаштирилади;

2. уч йўналишда (бурилиш бурчаклари 90 С, 120 С ва бошқа бурчакли секциялар кўринишида) лойиҳалаштирилади.

Тўртта йўналишли секциялар жуда кам учрайди.

Хонадонларнинг қуёш ёруғлиги тушиш томонларига қараб ориентациялаш ва уларнинг инсоляциясини таъминлаш бўйича кўп секцияли турар-жой бинолари қуйидаги ориентацияларда лойиҳаланади:

- универсал (чегараланмаган ҳолатдаги) ориентация;
- қисман чегараланган кенглик бўйича ориентация;
- чегараланган (меридионал) ориентация.

Агар секцияларни горизонт томонларига нисбатан исталган ҳолатда жойлаштиришда улардаги хонадонларда меъёрий инсоляция таъминланса у ҳолда бундай секциялар чегараланмаган ориентацияга эга бўлади.

Қоидага кўра, бундай секцияда бир хил даражали хонадонлар ҳар бир қаватда битта, иккита ёки учтани ташкил этиши мумкин.


Чегараланган ориентацияга эга бўлган секция, қоидага кўра ҳар бир қаватда тўртта ва ундан ортиқ бир хил даражали (ёки бир хил даражали ва кўп хил даражали) хонадонларга эга бўлади.

Курси- аравачаларда ҳаракатланадиган ногиронларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда турар-жой биноларида зинапоя тугунларидан чиқиш ва хонадонларга кириш жойларида пол сатҳининг ўзгартирилиши тавсия этилмайди. Зинапоя энини зинапоя марши ёни бўйлаб қия кўтариладиган йўлакчани ҳисобга олган ҳолда қабул қилиш тақозо этилади. Шунга боғлиқ равишда зинапоя маршининг энг минимал эни 1,2 метр ўлчамда қабул қилинади. Секцияли биноларнинг фақат биринчи қаватида хонадонлардан уй олди ҳовлисига тўғридан-тўғри чиқиш ва кириш эшикларини ўрнатиш мумкин. Хонадон олди майдонларини турар-жой биноси ичига киритиладиган муҳандислик коммуникациялари ўрнашган жой атрофига ёки

коммуникацияларнинг транзит ўтиш жойлари устига жойлаштириш тавсия этилмайди.


Хонадонлар сони бўйича ҳар бир қаватга икки-, уч-, тўрт хонали хонадонларга эга бўлган секцияларга жойлаштириш жуда кенг тарқалган. Кўп хонадонли турар-жой уйлари ҳажмларининг композицион қурилиши бир хил конфигурацияли қаватлар тарhini ёки ҳар хил конфигурацияли қаватлар тарhini такрорлаш эвазига шакллантирилади.

Турар-жой уйларини терраса билан лойиҳалаш улар ҳажмий-фазовий қурилишининг услубларидан бири деб ҳисобланади. Террасали турар-жой уйлари ясси рельефда лойиҳалангани сингари уларни мураккаб рельефда ҳам лойиҳалаштириш мумкин. Турар-жой уйини террасалаштириш бино ён томонлари ёки унинг fronti бўйича жойлашган хоналарнинг ўлчамларини қисқартириш, хонадондаги хоналар сонини, қаватдаги хонадонлар сонини ёки қўшма секцияларда қаватлар сонини қисқартириш эвазига эришилмайди (44-расм).



**44-расм.** Терраса типигади турар-жой бинолари (Австрия). Уй тарзи ва тархий ечими.

Хориж амалиётида турар-жой уйларининг юқори қаватларини пастки қаватларга нисбатан кенгайтириш ёки қисқартириш услуби кенг қўлланилади. Бунда пастки қаватларнинг маълум бир фазовий кенлик қисми ижтимоий хизмат кўрсатиш элементи ёки гараж сифатида хизмат қилади. (45-расм)




**45-расм.** Терасса типдаги 16 хонадонли 5 қаватли турар-жой биноси (МАрхИ).

#### **4.5. Галерея ва йулакчи уйлар.**

Бу система энг универсал ва иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлиб, битта уйда ҳар хил сифимдаги хонадонларни нисбатини бериш қобилиятига эга. Бу эса кўп қаватли уйлар қурилишида ишлатиш учун, яъни қандай галерея секциялар учун бўлса, шундай йўлак секциялар учун ҳам катта имкониятлар

туғдиради. Бу уйларда йўлак ва галереялар узунлигини қисқартириш ва иқтисод қилиш мақсадида уларни икки қаватли ҳам қилиб тарх тузилади. Икки қаватли хонадонлар якка тартибли ва кам қаватли блокли уйлар қурилишида жуда кенг тарқалган.


Галереяли туркум кам хонали хонадонларнинг қурилишида ишлатилади /1-2 хонали/ ва Ўзбекистон иқлим шароитига тўлиқ жавоб беради. Шунинг учун йўлакли тузар-жой бинолари андозали тузар-жой бинолари таркибига киритилган (46-расм).




**46-расм.** Галереяли уйларнинг схемаси: I - чизиқли: а – тўғри тўртбурчак-ли; б – галерея секцияли; в – қўзғалувчан; II – бириктирилган: г – бурчакли; д – крестсимон; е - уч баргли; ж – синган; III – фазовий: з – қўшалок уй; и – умумий галереяли; к – ички ҳовлиси билан.

Галереяли туркумга нисбатан йўлакли туркум анчагина арзонга тушади, чунки бу туркумда йўлакнинг икки томонига хонадон жойлаштириш мумкин. Корпуси кенгаяди, коммуникация тежамлашади. Ўзбекистон шароитида бу туркум ноқулай, чунки бунда хонадонлар бир томонга қараб қолади ҳамда елвизакли шамоллатиш йўқолади. Ўзбекистон иқлим шароитига тўлиқ жавоб бера олмагани учун ундан кам кўламда фойдаланилади.

Йўлакчи туркум бир қаватли уйларда ўз аҳамиятини йўқотади. Шунинг учун Ўзбекистон иқлим шароитда бундай уйлар тавсия этилмайди. Даҳалар қурилишида бир нечта тархий туркумлар тавсия этилади, лекин секцияли, галерея туркумлардан кўпроқ фойдаланилади, чунки булар демографик талабларга жавоб беради ҳамда кам хонали ва кўп хонали хонадонларни унумли ҳал қилиш осон бўлади (47-расм). Бундан ташқари аралаш туркумдаги лойиҳалар қурилишда даҳаларни ҳар бирини ўзига хос, ҳар хиллик ва гўзал ансамблларни ташкил этади (48-расм).



**47-расм.** Йўлакчи турар-жой уйларнинг схемаси: а – тўғри бурчакли қаторли уй; б – йўлакларда ёруғлик ва шамолллатишни таъминлаш учун қўзғалувчан уй; в – уч йўналишли уй.



48-расм. Аралаш типлардан ташкил топган турар-жой гурухи.

## **5-БОБ. КЎП ҚАВАТЛИ ТУРАР-ЖОЙ БИНОЛАРИ**

### **5.1. Кўп қаватли тура-жой биноларининг турлари**

Шаҳарлардаги яшаш ҳудудларининг танқислиги туфайли Ўзбекистон Республикаси вилоятлари марказлари, мамлакат пойтахти ва Қорақалпоғистон Республикаси шаҳарларида вақт ўтиши билан аҳолини урбанизациялашган (жамланган) ҳолда жойлаштирадиган тура-жой биноларининг асосий типларини кўп қаватли (лифтли) яшаш уйлари ташкил эта бошлайди. Бундай уйларнинг кенг кўламда қўлланиши яшаш ҳудудларидан ва инженерлик коммуникацияларидан етарли даражада самарали фойдаланиш имконини беради. Уйларнинг бундай типини яъни кўп қаватли тура-жой биноларининг архитектуравий режасининг турли – туман экани, ҳажмий – образли ва конструктив ечимлари бўйича, Марказий Осиё регионидан етарлича кенг тарқалган. Улар фойдаланиш учун иқтисодий тежамкор, ҳудуддан рациональ фойдаланишда самарадор ва турли сонли ва демографик таркибга эга бўлган оилаларнинг мамлакатнинг мураккаб иқлим ва сейсмик (7 – 9 балл) районларида яшашлари учун фазовий – режавий параметрлари бўйича меъёрий санитария – гигиеник ва комфорт шароитларни анча узоқ бўлган муддатга таъминлаб беради. Шу билан бир вақтнинг ўзида кўп қаватли яшаш уйларнинг қурилиши йирик шаҳарларда кўркам фазовий композицияларни яратиш ва ўсиб бораётган Республика аҳолисини жойлаштириш имконини беради.

Кўп қаватли тура-уйларнинг катта гуруҳини умумий типологик хусусият бирлаштиради – уларда асосий хонадондан ташқаридаги вертикал коммуникация вазифасини лифтлар бажаради. Лифт бўлгани билан зинапоя ўрнига ўтмайди, зинапоя вертикал йўналишда муҳим рол ўйнайди. Кўп қаватли тура-уй- жойларига 6 қаватдан 9 қаватгача бўлган уйлар қиради. 9-16 қаватли тура-уйлар баланд қаватли уйлар турига кириб, энг яхши иқтисодий кўрсаткичларга эга ҳвмда, уларда яшаш учун етарлича юқори қулай шароит яратиш мумкин. Бундай қаватли уйлар йирик ва йирикроқ шаҳарларда, ҳамда тура-уй фондининг юқори зичлиги иқтисодий жиҳатдан зарур бўлган ҳудудларда қурилади. Баланд қаватли тура-жой уйлари кейинги йилларда



Ўзбекистонда ҳам қуриган. Бу уйлар қурилишида ер майдонини тежаш жиҳатидан анча қулайдир. Кўп қаватли уйлардан фарқи шуки, бу уйларда камида 2 та лифт ўрнатилган бўлиши шарт (одам ташийдиган ва юк ташийдиган) бўлиб, бир секцияга ва блокка жуда баланд уйларда тез юрадиган лифтлар ўрнатилади.

Кўп қаватли уйларда зинапоя қурилишига катта аҳамият бериш лозим. Ёнғиндан, ер қимирлаш чидамлигига эътибор бериш керак, яъни зинапоя мустаҳкам ва чидамли материалдан қурилган бўлиб, димикмайдиган зинапоя бўлиши керак. Зинапоя майдонидан унинг икки томонига чиқадигани очиқ йўл бўлиши шарт. Меъёр бўйича зинапоя майдони иситилиши шарт эмас, лекин қулайлик бўлиши учун иложи бўлса иситиш керак. Зинапоялардан ташқари кўп қаватли турар-жойларда бошқа чиқиб кетиш йўлларини, яъни икки қўшни орасидаги балконлар ёки айвонлар орқали бир - биридан ўтадиган йўлни ҳам эътиборга олиш керак. Зинапоя-лифт тугунлари ҳақида юқоридаги бобларда батафсил ёзилган (3.5. бобга қаранг).

Кўп қаватли турар-уйларнинг хажмий – тархий тузилмасини характерловчи хусусиятлар – хонадонлар гуруҳининг режавий усуллари ва хонадондан ташқаридаги коммуникациялар тизими билан аниқланади: зинапоя-лифт бўғинлари, йўлаклар ёки галереялар. Бу хусусиятлар бўйича турар-уйлар учта катта гуруҳга бўлинади: кўп ва бир секцияли, йўлакли, галереяли ва аралаш тузилмалари – йўлакли-секцияли ва галерея-секцияли. Биринчи гуруҳ уйларида (секцияли) тарх асоси сифатида секция хизмат қилиб, зинапоя – лифт бўғини, холл ва йўлакнинг кичикроқ кесмаси (галерея) атрофида гуруҳланган хонадонлардан ташкил қилади. Иккинчи гуруҳни йўлакли ёки галереяли уйлар ташкил қилади, уларда хонадонлар йўлак ёки галерея бўйлаб жойлашади, йўлак ёки галереялар бир-биридан катта масофада жойлашган зинапоя-лифт бўғинлари орасидаги ягона коммуникацион йўл сифатида хизмат қилади. Учинчи гуруҳ тархи тузилмаси аралаш бўлган турар-уйларни ўз ичига олади, уларда қаватлар бўйлаб алмашувчи, йўлакли ва секцияли режавий тузилмалар бир хилда иштирок этади.

Кўп қаватли турар-жой бинолари қурилишида айниқса кўп тавсия этиладиганлари секцияли, галерея-секцияли туркумдир. Бу туркум универсал бўлиб, кўп хонали ва кам хонали хонадонларни тўлиқ ечишга, иқтисодий томондан ҳам ютиш мумкин. Кўп қаватли уйларнинг узунлиги кўп масофани эгаллаши билан бирга анчагина жойга ўз сояси билан халақит беради, шунинг учун узунлигини камайтиришга тўғри келади. Буларни этиборга олсак, битта секцияли уй кўпроқ тўғри келади. Бир-икки секцияли уйлар оптимал вариант ҳисобланади. Бу типдаги уйлар даҳаларни ҳар хил кўринишга олиб келади ва даҳаларда кам қаватли уйлар ва ўрта қаватли уйлар орасида жойлаштирилади.

Ердан боғлиқлиги узилиши туфайли бундай уйлардаги ёзги хоналарга катта эътибор бериш талаб этилади, яъни уларни майдони анча катта бўлиши шарт. Шахсий ёзги хоналардан ташқари умумий ёзги хоналар бўлиши керак. Уларнинг майдонларини кўпайтириб ҳар хил гуллар билан кўкаламзорлаштириш кичик боғчалар ҳосил қилиш керак, икки баландлик айвонлар, яъни улар икки қаватли баландликка эга бўлиб, ҳовлилар бўлиши мумкин. Уларнинг кўкаламзорлаштиришни афзаллиги шундан иборатки, улар хонадонни кўчадан тўсиб туради. Яна ҳар хил чанг ва товушлардан асраб туради. Текис том устидаги очиқ майдонлар умумий майдонларга айланиб қолиши мумкин, бундан ташқари шу уйда яшовчи кишиларнинг дам оладиган жойига айланади.


Текис томларни кўкаламзорлаштириш томларни ёзда исиб кетишдан сақлайди ва хонадонларнинг ҳавосини анча пасайтиради. Кўп қаватли уйларда келажак дастурида очиқ қаватлар ёки умумий фойдаланиш учун ҳар хил мақсадни кўзлаб, уйнинг бир тарафида очиқ ёзги айвонлар қолдириш кўзда тутилмоқда.

Кўп қаватли ва баланд қаватли уйларнинг қурилишида асосий талаб, ишлатиладиган материалларнинг оғирлиги ва қурилмаларни иложи борича камайтиришдан иборат. Бу айниқса зилзила тез-тез бўладиган жойда аҳамиятлидир. Шунинг учун кўп қаватли уйларда синч панелли қурилма, енгиллаштирилган панеллар ишлатилади. Темир бетонли ёки пўлатдан синч

бўлиши мумкин. Устун ва ригел ораси жуда кенгайиб кетмаслиги керак, бу баланд қаватли биноларда оралиқ катта бўлмаслиги учун қулайдир.

Келажакда кўп қаватли уйларни қуришда синч ҳажмий элементларидан фойдаланиш кўзда тутиляпти. Баланд қаватли уйларда эса пўлат синчли бўлиб, ҳажм элементи билан тўлдирилади. Бундай уйлар ўз афзаллиги билан ажралиб туради, яъни қурилиши енгиллашади. Заводда тайёр элементлар келтирилиб иш ҳам осонлашади.

Уларни ҳар хил усулда жойлаштириш мумкин, бунинг оқибатида меъморий кўриниш анча бойийди. Кейинги пайтда бундай уйларнинг кўпчилигини Сергели даҳаларида жуда кўп учратиш мумкин. Ҳозирги пайтда кўпгина уйлар қуйма темир-бетондан қуриляпти. Бундай уйларда фақат тўғри шакл эмас, балки бошқа хар-хил шаклларни ҳам ишлатиш мумкин, бу эса меъморий кўринишни бойитади ва бино жуда катта зилзилага бардош бера олади. (49-расм).



## **5.2. Кўп қаватли уйларда биринчи қават қисмини лойиҳалаш қоидалари**

Замонавий кўп қаватли турар уйлар таркибида жамоатга хизмат

кўрсатишга мўлжалланган хоналар мавжуд. Улар фақат шу уй яшовчиларига хизмат кўрсатиши (ёпиқ хизмат кўрсатиш) ёки шаҳарга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган жамоат ташкилотлари тизими қисми (очик хизмат кўрсатиш) бўлиши мумкин.

Шаҳар ҳолатининг уч тури фарқланади. Биринчи гуруҳга микроиқлим шароити яхши бўлган магистраллараро ҳудудлар киради. Уларга микрорайон боғлари яқинидаги, кўкаламзор пиёда йўлаклари атрофидаги ҳудудлар киради. Бундай шароитда, турар-уйларнинг биринчи қаватида хонадонларни жойлаштириш яшаш қулайлигига таъсир кўрсатмайди. Айрим ҳолларда, биринчи қаватда жойлашган хонадонлар уй олдидаги кичик ер майдончалари билан умумий хонадон ёки ошхонадан чиқиш эшиги орқали боғланадилар.

Транспорт ҳаракати чегараланган турар-жой бинолари кўчаларида жойлашган турар-уйларнинг биринчи қаватида, аҳолига “яқиндан” хизмат кўрсатиш хоналари жойлашиши мумкин. Уларнинг таркибига қуйидагилар киради: маиший хизмат уйлари (кир ювиш, кимёвий тозалаш, ижара, буюртмалар столи кабиларнинг қабул пунктлари), савдо (биринчи зарурият маҳсулотларини сотиш учун), фуқароларнинг жамоат фаолияти учун хоналар (ўз-ўзига хизмат кўрсатиш), болалар, тўғарак, сеvimли машғулотлар учун, спорт хоналари, ҳамда болалар боғчасидир. Шахсий автомобиллар гаражлари ертўлада жойлаштирилади.

Шаҳар ҳудудининг иккинчи гуруҳига шаҳар ва туман аҳамиятидаги кўчалар ва магистраллар киради. Бу кўчаларнинг қизил чизигида жойлашган турар-уйларнинг биринчи қавати яшаш учун ноқулай. Улар шаҳар хизмат турлари учун мўлжалланган нотурар-уй аҳамиятидаги хоналар учун ишлатилиши мумкин: савдо (турли дўконлар), маданий-маиший (кўргазма заллари, кутубхоналар), жамоат овқатланиш хоналари (ошхона, кафе), дорихоналар, алоқа бўлимлари ва бошқа идоралар учун ишлатилади. Бу уйларнинг биринчи қавати “яқиндан” хизмат кўрсатиш хоналари учун ҳам ишлатилади.

Шаҳар ҳудудининг учинчи гуруҳига шаҳарлар маркази ва режавий район марказлари ҳудудлари киради. Бу ҳудудларда жойлашган турар-уйларнинг биринчи қаватида, шаҳар хизмат кўрсатиш хоналари жойлашади. Булар савдо марказлари, йирик универсал дўконлар, транспорт ва бошқа агентликлар, маъмурий идоралар бўлиши мумкин. Иккинчи ва учинчи гуруҳ ҳудудида жойлашган турар-уйлар биринчи қаватининг ечими фақат хизмат кўрсатувчи идораларнинг функционал таркиби бўйича эмас, балки уларнинг масшаби ва хажмий тузилмаси бўйича фарқланади.


Турар-уйларнинг биринчи қаватида жойлашган идораларнинг функционал аҳамияти ва ўлчамига кўра, улар режаланади ва конструктив тизими қабул қилинади. Турар-уйларнинг биринчи қаватида кўпинча жойлаштирилувчи хизмат кўрсатувчи идоралар асосий хоналарининг жойлашув схемаларидан бир нечтасини санаб ўтиш мумкин.

Хизмат кўрсатиш хоналари одатда, баландлик бўйича бир ёки икки қаватни банд қилади, тархда эса улар учун уй остида жойлашган фазовий қисм (қурилган хона), ёки турар-уйнинг тарз қисмига қурилган хажм қўшилади (қўшимча қурилган хона).

### **5.3. Кўп ва бир секцияли уйлар**

Кўп секцияли уйлар бир неча секциялардан ташкил топган бўлиб, турар-жой уйида бир неча хонадон ва бир неча зинапоя лифт катакларидан иборат бўлади. Кўп секцияли уйларда хонадонларни секцияларга жойлаш ва уларнинг сони турар-уй тизимида ушбу секция ёруғлик томонлари бўйича қандай йўналганлигига боғлиқ. Секциялар чегараланмаган, қисман чегараланган ва чегараланган йўналишли (ориентация) бўлиши мумкин. Секцияларнинг биринчи икки турини кенглик (параллел) бўйлаб, учинчи турини – меридиан бўйлаб секциялар деб номланади, чунки уларнинг узунлик ўқи биринчи ҳолда - шарқдан ғарбга қараб, иккинчи ҳолда эса шимолдан жанубга қараб жойлашган бўлади. Турар-уйлар корпусининг узунлик ўқи кенглик ёки

мериэдиан бўйлаб жойлашса, бу номлар бу турар-уйларга нисбатан ҳам ишлатилади (50-расм).



**50-расм.** Қаторли секция. а – кенглик бўлиб жойлашган чегараланмаган йўналишли (ориентация) қаватда 2 та хонадонли секция; б – қисман чегараланган йўналишли қаватда 4 та хонадонли секция.







Чегараланмаган йўналишли оддий секцияда бино тарз қисмини ихтиёрий равишда шимолга қараши мумкин, шунинг учун, тархда барча хонадонлар горизонтининг икки томонига йўналган бўлади. Оддий секция нисбатан универсал, чунки турар-уйнинг ихтиёрий йўналишида иштирок

этади. Секциянинг иқтисодий кўрсаткичи – зинапоя лифт бўғинига тўғри келувчи хонадонларнинг умумий майдони йиғиндисига боғлиқ, бу секциялар одатда, уч, тўрт ва кўпинча беш хонали катта хонадонлардан ташкил топади.

Бурчакли секциялар учун зинапоя – лифт бўғинини жойлаштиришнинг иккита варианты характерлидир: секциянинг ички ёпиқ бурчагида ёки унинг марказий қисмида, оддий секция тузилишига ўхшаш. Тархдаги бурилиш йўлакка иккита хонадонларни носимметрик бирлаштириш билан ҳосил қилинади, бу хонадонлардан бири бурчакли ечим топади, иккинчиси эса йўлакка нисбатан, бурчак остида жойлашади.

Секциялардаги хонадонлар жойлашуви шундай ҳосил қилинади-ки, қўшни хонадонлардаги ошхона ва санитар бўғинлар бирлашиши керак. Бу талаб сантехник коммуникацияларни бирлаштиришнинг техник мақсадга мувофиқлиги ва санитар – техник қурилмаларни бегона хонадон турар хонаси деворига бирлаштиришдан қочиш зарурияти билан тушунтирилади (51-расм).

*Бир секцияли* турар-уйлар тархий ечими – кўп секцияли уйлар олдида кўпгина афзалликларга эга. Уларнинг ёруғлик юзаси, кўп секцияли уйларнинг оддий секциясига қараганда, анча кўп, бу эса бутун ёруғлик периметридан фойдаланиб, кўп сонли хонадонларни жойлаштиришга имкон беради. Бир секцияли турар-уйнинг иқтисодий ечими зарурияти – қиммат вертикал коммуникациялар бўғинига хонадонларнинг катта миқдордаги умумий майдони тўғри келиши, оқибатда шу турли уйларнинг қаватлари сонининг ошишини талаб қилади. Бир секцияли турар-уйларнинг кўп сонли тархий ечими шундай ҳосил қилинади-ки, хонадонлар йўналиши горизонтнинг икки ёки уч томонига йўналган бўлиб, бу уйларнинг гигиеник сифатини яхшилайдди. Бу уйлар тархи ечимига кичик ва катта хонадонлар киритилиши мумкин.




51-

расм. Бўйлама бурилишли секция. а - ўнг бурилишли секция; б - чап бурилишли секция; в - Z - шакли; г - Т - шакли, чеккали секция бўлиши ҳам мумкин; д - берк бурчақда жойлашган секция; е - зинапоя лифт тугуни туртиб чиққан бурчақли секция.



Бир секцияли уйлар учун турлича тархий ечимлардан фойдаланиш характерлидир: уч баргли шакл, квадрат, хочсимон, учбурчак, айлана ва кўпгина мураккаб шакллар. Бир секцияли турар-уйларнинг учбурчак шакли тархдан фойдаланиш – тархнинг йўналиши жануб томонга бўлган шароитда, барча хонадонлардаги яшаш хоналари инсоляциясини таъминлайди (52- расм).



**52-расм.** Мураккаб шакли турар-жой биноларининг тархий ечимлари.

а,б - Кёльн шаҳридаги (ФРГ) уйининг умумий кўриниши ва андозали тархи; в – Сержи-Пентуаз шаҳридаги (Франция) уйининг андозали тархи; г –Брикстон туманидаги (Лондон) уйининг андозали тархи

#### **5.4. Галереяли ва йўлакли уйлар.**

*Галереяли* турар-уйлар тархи ва хажмий қурилиши бўйича йўлакли турар-уй турини қайтаради. Фарқи шунда-ки, хонадон ташқарисидаги коммуникациялар, шунингдек зинапоя – лифт бўғинлари очик бўлади, демак, галереяли турар-уйлардан юмшоқ ёки иссиқ иқлимли жойларда фойдаланиш мумкин. Иккала турдаги турар-уйлар учун энг мақсадга мувофиқ конструктив усул – бу кўндаланг деворлар тизимидир.

Ўзбекистон иқлим шароитида турар-уйларда қулайликнинг гигиеник меъёрларига риоя қилиш зарурияти (температура режими, шамоллатиш ва бошқалар) кўп қаватли турар-уйни салбий иқлим ходисалари таъсиридан сақловчи тархий ечимнинг махсус усулларида фойдаланишга олиб келди.

Уларга қуйидаги турар-уй тархий ечим усуллари киради:

- терраса ва коммуникацион галереялар орқали шамоллатиш (галерея тузилмали турар-уйлар);
- аэрацион ҳовличалар, шахта ва чуқур пешайвонлар (лоджия) орқали шамоллатиш (секция тузилмали турар-уйлар).



Галереяларни бир, икки ёки уч қават оралаб жойлаштириш мумкин, бунда бир конструктив қадам чегарасида, умумий галереядан кирилувчи бир ёки икки икки қаватли хонадонлар ҳосил бўлади. Галерея сатҳида одатда умумий хоналар ва ошхона, галерея тагидаги ва юқорисидаги қаватларда эса – ётоқхоналар жойлаштирилади. Ошхона, санитар бўғинлар ва хатто ётоқхоналарни галерея орқали ёритиш мумкин, бу усул кўпинча икки ва бир сатҳли хонадонларда қўлланилади. Қаватлар бўйича хонадонларни биргаликда жойлаштиришнинг асосий усуллари – бир томонлама ёки икки томонламали йўлакли уй схемасини такрорлайди, улар орасида фарқлар ҳам бор, бу қурилишдаги иқлим шароитларига хос. Галереялар фақат хонадонларга кириш учунгина хизмат қилмасдан, ташқи муҳит билан алоқаси бўлганлиги сабабли, улар хонадонлар ва уйларни фаол шамоллатишга кўмак берадилар.

Турар-уйларни терраса ва коммуникацион галерея орқали шамоллатиш галерея тузилмали турар-уйларга хосдир. Галереяли турар-уйларнинг тархий ечимлари, жанубий ҳудуд иқлим шароитларига тўлиқ жавоб беради. Уларнинг

йўлаккли турар-уйлардан фарқи шунда-ки, галереяли уйларда хонадонларнинг ташқи муҳит билан узвий боғлиқлиги яққол кўзга ташланади.


Тошкент шаҳрида 16-қаватли экспериментал галереяли турар-уйда, ер билан алоқасини йўқотган уйни функционал ташкил қилиш тадқиқоти ўтказилган. Йўқолган алоқани тўлдириш учун ҳар 3 қаватда, уй марказида инсонлар дам олиши ва мулоқот қилиши учун майдончалар-кўкаламзорлаштирилган ҳовличалар – барпо этилган, улар ташқи муҳит билан иккита уч қаватли тешиқлар билан боғланган. Ҳар бир ҳовлича 24 та бир қаватли хонадонларни бирлаштиради (қаватларда 8 та хонадон), юқори қаватдаги хонадонларга кириш, ҳовличани ярим доира шаклида ўраб турган галереялар орқали амалга оширилади. Ошхона ва санитар бўғинлар галереяларга қараган, уларни шамоллатиш ҳовлича ва ташқи муҳитдаги температураларнинг катта фарқи сабабли таъминланади (ҳовлича тешиқлари йўналиши шимол ва жанубга қараган). Уйнинг ясси томида болалар учун бассейн ва солярий қурилган, стационар тупроқда экинлар экилган, соябонлар хосил қилинган (53-расм).

Аэрацион ҳовличалар, шахта ва пешайвонлар (лоджия) орқали хонадонларни шамоллатиш секция тузилмали турар-уйларда қўлланилади. Секция тузилмали турар-уй хонадонлари ичкарасида ҳаво ҳаракатини кучайтириш учун, ички ҳовличалар кўринишида кичикроқ очик фазолар кўзда тутилади, бунларга ошхона деразаси, санитар бўғинлар, зинапоя – лифт холлари ёки шахталар чиқади, ушбу хоналар туйнуклар ва вентилиацион тешиқлар билан боғланган бўлади. Ҳовлича ёки шахтада ҳаво циркуляцияси учун, биринчи қаватда уларни ташқи муҳит билан боғловчи тешиқлар ўрнатилади.



**53-расм.** Тошкент шаҳридаги хар уч қаватда ўз ховлисига эга 16 қаватли галереяли уй. Арх. О. Ойдинова. Бинонинг умумий кўриниши, тархи ва қирқими.


Тонгги совуқ ҳаво (оғирроқ) ҳовличаларга (шахталар) чўкиб, қайта ишланган, кундузи исиган ҳавони ердан кўтаради, юқорига кўтарилаётганда, кун давомида хонадонларда йиғилган ҳавони ўзи билан олиб чиқиб кетади. Шахтанинг горизонтал қирқими унинг баландлиги билан солиштирганда, қанчалик кичик бўлса, ҳаво ҳаракати шунчалик фаол бўлади (54-расм).



**54-расм.** Ховли шахта ва айвонлар билан шамоллатиш таъминланган кўп қаватли секцияли турар-жой уйларининг тархий ечими. а – Белград шахридаги турар-жой уйи; б – Тошкент шахридаги 9 қаватли турар-жой уйи; в – Тошкентдаги бир секцияли турар-жой уйи;

Турар-уйнинг узун тарзи бўйлаб жойлашган пешайвон (кенглиги 1,2 м), мўътадил иқлим шароитида қўлланилиши, ёзги иссиқ температура шароитида кун бўйи жуда исиб кетади, бу хонадонларнинг ҳам исишига олиб келади, шунинг учун, жанубий ҳудудларда, айниқса, турар-уйнинг ғарбий тарзларида пешайвонлар ўрнатиш тавсия қилинмайди (55-расм).

Бундай шароитда бинонинг тарз қисмига қуёшдан тўсувчи қурилмалардан фойдаланилади.



55-расм. Айвон орқали шамоллатиш таъминланган секцияли турар-жой уйи. А - айвон орқали кириш жойидан иборат тўрт хонадонли секция. Арх. В. Дмитриев. б – хонадонларлараро айвонга эга 2 сатхли хонадонлардан иборат турар-жой секцияси.


Шамоллатиш ҳал бўлади, булардан ташқари хонадонлар икки тарафга қараган бўлади. Бу билан ориентация масаласи ҳам ҳал бўлади. Бу хилдаги уйларнинг қурилишида ҳеч қандай қаршилик йўқ. Йўлакли уйларда хонадонларни 3- қаватга жойлаштириш мумкин, бунда иқтисодий томондан анча ютиш мумкин. Аммо бу туркум фақат кўп хонали хонадонлар учун қулайдир. Йўлакли уйларда хонадонни 2 қаватга жойлаштириш анча йўлакни қисқартиртиришга олиб келади.

Йўлакли турар-уйлар иқтисодий афзалликларга эга, чунки уларда катта масофада жойлашган (80 м гача) қимматбаҳо лифтлар ва зинапоя катаклари харажатлари камаяди. Йўлакли турар-уйларнинг конструктив асоси сифатида кўтариб турувчи тизим хизмат қилади, у кўндаланг жойлашган ригелли кўндаланг девор ёки устунлардан ташкил топган. Кўтариб турувчи конструктив

унсурлар ораси кенг кадамли бўлганда, бу жойга хонадон ичидаги бир маршли зинапоя бемалол жойлашади. Майда кадамларда хонадон ичидаги зинапоя конструктив ўлчамга мос шаклда бўлиши керак. Бўйлама кўтарма деворлардан ҳам шу йўсинда фойдаланиш мумкин.

Йўлакли уй тархий ечими асоси сифатида горизонтал коммуникациялар хизмат қилади, булар хонадонларга олиб боровчи йўлаклардир. Йўлаклар сони ва уй қирқимидаги жойлашуви бўйича, кўп сонли вариантлар маълум (марказда ёки бир, икки, уч ва хатто тўрт қават оралаб, уй қирқими ўқи билан бирга жойлашган).

Юқорида кўрсатилган туркумдан ташқари йўлакли ва галереяли хонадонлар лойиҳаси ҳам қўлланилади. Бундай шароитда икки қаватга бир хонадан жойлаштирилади. Бир қаватга жойлашган йўлакли хонадонларга нисбатан бундай хонадонларда елвизак масаласи осон ечилади, ҳамда туғрима - тўғри шамоллатиш ҳал бўлади, булардан ташқари хонадонлар икки тарафга қараган бўлади. Бу билан ориентация масаласи ҳам ҳал бўлади. Бу хилдаги уйларнинг қурилишида ҳеч қандай қаршилик йўқ. Аммо бу туркум фақат кўп хонали хонадонлар учун қулайдир. Йўлакли уйларда хонадонни 2 қаватга жойлаштириш анча йўлакни қисқартиришга ва иқтисодий жиҳатдан тежамкорликка олиб келади (56-расм).



**56-расм.** Дельфт шаҳридаги йўлакли турар-жой биноси. Архитекторлар Вандер-Броек ва Бакема.

## II-ҚИСМ. ЖАМОАТ БИНОЛАРИ

### Кириш

Жамоат бинолари ва жамоат функциялари сўнгги чорак аср давомида мураккаб эволюцион жараёнларни бошдан кечирдилар. Уларнинг ривожланиш динамикаси бир қатор омиллар, шу жумладан иқтисодий омиллар билан белгиланган. Жамоат бинолари ва иншоотлар қурилиши қуйидаги йўналишлар бўйича ривожланган эди: алоҳида жойлаштирилган ноёб жамоат бинолари қурилиши; кўп қаватли турар-жой биноларига ёндош (уларнинг ичида) хизмат кўрсатиш блокларининг қурилиши; мавжуд бинолар реконструкцияси (бунда объектнинг ташқи қиёфаси минимал ўзгартирилган ҳолда амалга ошириладиган функциялар ва конструкция трансформацияси кўзда тутилар эди).

XX ва XXI асрлар чегарасида қарор топган ижтимоий муносабатлар мувофиқ ҳажмлар, иншоотлар, жамоат бинолари қурилишини тақозо қилдилар. Асрлар чегарасидаги поливалент ишбилармонликка ўтиш бюро ва офисларнинг универсал биноларини биринчи ўринга олиб чиқди. 2000-йилларнинг бошида йирик савдо марказлар пайдо бўлди, сўнгги йилларда ижтимоий аҳамиятга эга объектларни лойиҳалаш ва қуриш тенденцияси кузатилмоқда. Шаҳарларнинг узлуксиз ва барқарор ривожланиши, нафақат тарихий-маданий мерос объектларини, балки тарихий қарор топган муҳитни сақлаб қолиниши янги иқтисодий муносабатлар билан биргаликда янги типологик тузилмалар ривожланиши учун туртки бўлиб хизмат қилди. Жамоат бинолари ва иншоотларини меъморий лойиҳаланишининг таҳлилига кўра, тарихий марказлар реконструкцияси ҳам жуда муҳим ва алоҳида ҳал қилинадиган муаммолар сирасига киритилди.

Ушбу муаммони ҳал қилиш учун унинг таркибига қуйидаги принциплар киради:

- мавзеларнинг тарихий қарор топган режавий тузилмасини сақлаб қолиш;
- ҳар бир мавзени яқунланган объект ва яхлит тузилма бирлиги сифатида талқин қилиш;



- мавжуд объектларни янги функциялар учун реконструкция қилишда шаҳарсозлик каркаси асосини ташкил қилувчи биноларни сақлаб қолиш;
- композицияни очик ва ёпик бўшлиқлар мужассамлиги асосида тузиш;
- бинолар қаватлилигини чеклаш, аттик қаватни чуқурлаштириш;
- иморатлар қурилишининг модуллаш (ўзгартириш) ва ягона масштабда бажариш;
- ички ҳажмларни ягона принцип – ер ости сатҳ бўйлаб савдо кўчаси билан бирлаштирилган атриумлар асосида ташкил қилиш;
- ер усти транспорти фақат савдо муассасалари ва умумий овқатланиш корхоналарига ер остида хизмат кўрсатишда қўлланилади;
- бинолар ўз моҳиятига кўра кўп функцияли комплекслар бўлиб, уларнинг таркибидаги турар-жой майдонлари тахминан 20% ни ташкил этади.

Ушбу методга асосланган ҳолда ташкил этилган тарихий марказ ҳудуднинг комплекс функционал зоналаниши ҳисобига мувозанатлашган универсал, ўзини ўзи таъминловчи автоном тизимга айланади. Бу тизим, турли функционал блокларга эга объект каби, давр тақозоси ва талабларига мувофиқ турли шароитларга осон мослашувчи муайян ўзгарувчан тузилмадир. Бундай тузилманинг бутун шаҳарга нисбатан ва келгусидаги коммуникативлиги айнан унинг универсалликка асосланган ҳолда амалга оширилади. Бирон бир, ҳаттоки, энг долзарб ҳисобланган функцияга кўпроқ эътибор берилиши шаҳарга хизмат кўрсатиш тизимига салбий таъсир ўтказилишига олиб келади. Таъкидлаш зарурки, у ёки бу ижтимоий функцияга бўлган эҳтиёж доим ҳам кучли бўлмайди, лекин, яхлитлик ва тўлақонли фаолият бузилишига йўл қўймаслик мақсадида у умумий тузилмада мавжуд бўлиши лозим. Объектларнинг қўшни бино ва иншоотлар функциялари, конструкцияси ва шаклини инобатга олмасдан туриб жойлаштирилиши, ушбу таркибий қисмларнинг жамоат марказидаги мутаносиблигига риоя қилмаслик (нуқтали, яъни алоҳида жойлаштириш принципи) – тарихий ядро ва умуман шаҳарнинг бузилишига сабаб бўлади. Ижтимоий функцияларнинг барчаси – диний, таълим, томоша, молиявий-кредит, ахборот таъминоти, маиший ва транспорт

хизмат кўрсатиш, бошқарув, реабилитация, овқатланиш, савдо-сотиқ – ушбу янгилашни жараёнини акс эттирадилар. Айнан шундай ўзаро таъсир ва ўзаро боғлиқлик шаҳар фаолияти тўлақонли бўлишини, яъни мероснинг ўз моҳиятига кўра тарихий-маданий қийматга эга эканлигини ва аҳоли, маъмурият, инвесторни қониқтирадиган функционаллик даражасини таъминлаб беради. Жамоат биноларининг архитектураси турли омилларга боғлиқ ҳолда шаклланади, унинг тури эса бино архитектураси ривожланишини белгилаб берувчи дастлабки шарт ҳисобланади. Жамоат биносининг меъморий типологияси иқтисодий, экологик ва ижтимоий-маданий омиллар билан бир қаторда, аниқроғи, улар асосида меъморий асарнинг бадиий қиёфасини шакллантиради. Охири йилларда объектларнинг типологик қатори маълум даражада ўзгарди: биноларнинг янги типлари пайдо бўлди; кўп функциялилик одатий ҳол сифатида қабул қилинди; иншоотларда универсал фойдаланиш учун мўлжалланган ҳажмлар лойиҳалаш татбиқ этилди. Биноларнинг қарор топган меъморий типологиясининг ижтимоий ўзгаришларга бўлган муносабати доимий долзарблик касб этди.

*Типология* – турли бино ва иншоотлар архитектурасининг шаклланиш принциплари тўғрисидаги фан. У комплекс, бир-бирига бўйсунувчи талаб ва параметрларни очиқ беради, бино ва иншоотлар типларининг таснифланиши ва номенклатурасини яратиб беради. Барча жамоат бинолари ва иншоотларининг архитектурасига универсал омиллар: ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий, экологик, шаҳарсозлик, функционал, композицион, ҳажмли-режали, конструктив, меъморий-бадиий омиллар таъсир кўрсатади. Жамият ривожланишининг, хусусан, чуқур ижтимоий аҳамиятга эга архитектуранинг ривожланишининг турли даврларида юқорида қайд этилган омилларнинг ўша давр учун хос бўлган турлари устувор мавқега эга бўлган. Бу омилларнинг етакчи роли тўғрисидаги баҳс-мунозаралар ана шу таркибий қисмларнинг ўзаро таъсири ва оқилона мужассамлиги бинонинг тугалланган типини шакллантиришини исботлаб берди. Ҳар хил функциялар, конструкциялар ва шаклларнинг ягона меъморий асарда бирлаштирилиши тўғрисидаги фикр

Витрувий қаламига мансуб “Фойдалилик. Мустаҳкамлик. Гўзаллик” триадасида келтирилган.

## **1-БОБ. ЖАМОАТ БИНОЛАРИНИНГ ГУРУҲЛАРИ.**

### **ЖАМОАТ БИНОЛАРИНИНГ ТИПОЛОГИК ЕЧИМЛАРИ ВА ШАКЛЛАНТИРУВЧИ АСОСИЙ ОМИЛЛАР**

#### **1.1. Жамоат бинолари ва иншоотларининг классификацияси**

Жамоат вазифалари учун мўлжалланган бино ва хоналар қуйидаги гуруҳларга ажратилади.

##### **1. Таълим-тарбия вазифалари учун мўлжалланган бино ва хоналар.**

1.1. Таълим ва кадрларни тайёрлашга ихтисослашган муассасалар:

- мактабгача таълим муассасалари;
- умумтаълим муассасалари: мактаб, гимназия, лицей, коллежлар;
- касб-ҳунар (бошланғич, ўрта, олий ва диплом олди) таълим муассасалари.

1.2. Мактабдан ташқари таълим муассасалари (мактаб ўқувчилари ва ёшлар учун).

1.3. Ихтисослаштирилган муассасалар (аэроклуб, автомактаб, мудофаа таълим муассасалари ва ш.к.).

##### **2. Соғлиқни сақлаш ва аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш бинолари ва хоналари.**

2.1. Соғлиқни сақлаш муассасалари:

- стационар бўлинмалар даволаш муассасалари, тиббий марказлар ва ш.к.
- амбулатория-поликлиника ва тиббий-соғломлаштириш муассасалари;
- дорихоналар, сут ошхоналари, қон қуйиш станциялари ва бошқалар;
- тиббий-реабилитация ва коррекция муассасалари (шу жумладан болалар учун ҳам).

2.2. Аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасалари:

- стационари бўлмаган муассасалар;
- стационари бор муассасалар, шу жумладан болалар учун васийлик муассасалари.

### **3. Аҳолига сервис хизматларини кўрсатиш бинолари ва хоналари.**

3.1. Чакана ва майда улгуржи савдо корхоналари.

3.2. Умумий овқатланиш корхоналари.

3.3. Аҳолига маиший ва коммунал хизмат кўрсатувчи ноишлаб чиқариш корхоналари:

- аҳолига бевосита хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган коммунал хўжалик муассасалари;

- фуқаролик маросимлари муассасалари.

3.4. Аҳолига бевосита хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган алоқа муассасалари ва корхоналари.

3.5. Аҳолига бевосита хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган транспорт муассасалари:

- транспортнинг барча турлари учун вокзаллари;

- йўловчиларга (шу жумладан туристларга ҳам) хизмат кўрсатиш муассасалари.

3.6. Санитария-маиший вазифалар учун мўлжалланган иншоот, бино ва хоналар.

3.7. Ветеринария муассасалари.

**4. Аҳолининг маданий-ҳордиқ чиқариш фаолияти ва диний маросимлар ўтказиш учун мўлжалланган иншоотлар, бинолар ва хоналар.**

4.1. Жисмоний тарбия, спорт ва жисмоний тарбия-ҳордиқ чиқариш муассасалари.

4.2. Маданий-маърифий муассасалар ва диний ташкилотлар:

- кутубхоналар ва ўқиш заллари;

- музей ва кўргазмалар;

- диний ташкилотлар ва аҳоли учун диний муассасалар.

4.3. Томоша ва ҳордиқ чиқариш-кўнгиш очар муассасалар:

- томоша муассасалари;

- клублар ва ҳордиқ чиқариш-кўнгиш очар муассасалар;

- дельфинарий, аквапарк, аттракционлар комплекслари ва шу кабилар.

## **5. Вақтинчалик истиқомат қилиш бинолари ва хоналари.**

5.1. Меҳмонхоналар, мотеллар ва бошқалар.

5.2. Санаторий, пансионат, дам олиш уйлари, туризм муассасалари, болалар ва ёшлар учун йил бўйи ишлайдиган лагерлар ва шу кабилар.

5.3. Ўқув муассасаларининг ётоқхоналар ва интернатларнинг ётоқхона корпуслари.

Ушбу рўйхатга жамоат биноларининг қуйидаги гуруҳларини киритиш лозим.

## **6. Илмий-тадқиқот муассасалари, лойиҳа ташкилотлари ва бошқармалари.**

6.1. ИТИ ва лойиҳа ташкилотларининг бинолари.

6.2. Архивлар ва ахборот марказларининг бинолари.

6.3. Бошқарув муассасаларининг бинолари:

- вазирликлар, идоралар, элчихоналар ва консулхоналарнинг бинолари;

- вилоят, шаҳар, туман ва посёлка маъмуриятларининг бинолари;

- ишлаб чиқариш корхоналари маъмуриятининг бинолари.

6.4. Ишбилармонлик марказларининг бинолари:

- бюро ва офислар;

- нотариал идоралар ва юридик маслаҳатхоналар;

- ижодий устахоналар ва ателье бинолари.

## **7. Кредит-молия муассасаларининг бинолари.**

7.1. Банк бинолари ва комплекслари:

- марказий (эмиссия) банклар;

- тижорат банклари;

- омонат кассалари.

7.2. Ҳисоб-китоб-касса марказлари.

7.3. Ғазначилик бинолари.

7.4. Биржаларнинг бинолари.

## **8. Кўп функцияли бинолар ва комплекслар.**



Савдо, меҳмонхона, спорт,  
ишбилармонлик, томоша,

кредит-молия каби турли функционал вазифалар учун мўлжалланган  
жамоат бинолари

## 1.2. Жамоат биноларининг типологик белгиларини шакллантирувчи омиллар

Жамоат бинолари ва иншоотлари архитектураси ижтимоий-иқтисодий, шаҳарсозлик, экологик, санитария, функционал, ҳажмли-режали, конструктив, композицион-бадий омилларнинг ўзаро ва биргаликдаги таъсири остида шаклланади. Биноларнинг турли типлари учун муайян даврнинг бир қатор шароитларига боғлиқ ҳолда у ёки бу омилнинг таъсири аҳамиятлироқ ва устувор бўлиб қолади. Уларни изчиллик билан кўриб чиқамиз.

**Ижтимоий-иқтисодий омиллар.**

Цивилизация ривожланишидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар биноларни меъморий лойиҳаланишига қанчалик тез таъсир қилишини тарих яққол намойиш қилиб берган. Муайян давр ва воқеликлар жамоат биносининг у ёки бу турига бўлган эҳтиёжни, шунингдек ҳар бир тур ичидаги муайян тарихий давр ва иқтисодий тузилма учун мос бўлган аниқ ўзига хос хусусиятлар йўналишини белгилаб беради. Алоҳида турлар ўртасидаги аниқ чегараларнинг йўқолиб бориши, полифункционаллик, универсаллик, бино турини шакллантирувчи омилларнинг ўзаро боғлиқлиги ва бир бирига қўшилиб кетиши ҳозирги кун учун хос ҳисобланади. Архитектура ва шаҳарсозликка менежмент методларининг татбиқ этилиши шаҳар ривожланиши манфаатларига зид келиши мумкин. Шаҳарсозлик йўналишидаги лойиҳалаш ўз моҳиятига кўра ижтимоий акция бўлиб, жамоавий бирдамликни ифодалайди. Шаҳарсозлик комплексларини, бир нечта бинолардан таркиб топган кўп функционал ансамблларнинг ташкил этилиши ўрнига индивидуал объектларни жойлаштириш амалиёти татбиқ этилмоқда. Биноларни лойиҳалаштиришга бу каби ёндошиш натижасида шаклланиб улгурган шаҳар қабул қила олиши мумкин бўлган миқдордан кўпроқ доминанталар яратилишига олиб келади. Бу ерда шаҳарсозлик бошқарувида аҳамиятли мавқега эга йирик инвесторлар ва банклар томонидан “доминанто-полислар” қуришга бўлган талаб ва буюртмалар ҳажми кун сайин ортиб бориши кузатилади.

Бу муаммонинг бошқа жиҳати сифатида шаҳарсозлик сиёсатида икки томонлама ечимга эга функцияларнинг ажратилишини эътироф этиш мумкин. Бу ҳолатни ҳаётнинг реал воқеликларини иқтисодий концепциялар асосида ажратилиши ва турмушнинг барча соҳаларини қамраб олган меҳнат тақсимотининг иқтисодий тоифаланиши натижалари билан изоҳлаш мумкин. Шаҳарсозлик нуқтаи назарида бу ҳолат икки тенденция сифатида акс эттирилади:

- функция кооперацияси ва ихтисослашуви шаҳарнинг жамоат марказида жойлашган кўп қаватли комплекс бўлишини талаб қилади;

- функциянинг қисмларга ажратилиши шаҳар марказидан узоқда жойлашган кам қаватли жамоат бинолари қурилиши тақозо қилади.

Бироқ, функционал зоналаш назарияси эркин ва алоҳида турувчи, кенг ҳудудлар билан ўралган ва тегишли энергия йўқотишлари мавжуд бўлган бинолар қурилиши ғоясини илгари суради. Ушбу назариянинг яққол ва кундалик исботи сифатида тижорат зоналардаги автотураргоҳларни келтириш мумкин – бу иншоотлар, худди бизнес-марказлар сингари тунда умуман бўм-бўш бўладилар. Худди шундай ҳолатни турар-жой зоналарида кундуз соатларида кузатиш мумкин. Кўп энергия сарфлайдиган ва “катта энергия йўқотишли”, яъни саноат-тижорат зоналаридаги энергияни беҳуда сарфлайдиган улкан юзали ясси томлар очик дам олиш жойлари сифатида фойдаланилмайди. Муаммонинг ечими экологик лойиҳалаш ва кўп функцияли универсал биноларни қуриш, бино фасадларини йўналишга қараб ассиметрик жойлаштириш, саноат-тижорат биноларининг ясси томларида турар-жой хоналарини қуриш билан боғлиқ. Бу каби ёндошувлар минтақавий иқлим шароитлари, қурилишнинг маҳаллий хусусиятлари, узоқ муддат хизмат қиладиган маҳаллий материаллардан фойдаланиш кўламини кенгайтирилишига асосланадилар. Шундай қилиб, янги минтақавий сифат ривожланиши зарур. Экологик қурилиш, биринчи навбатда, минтақавий фарқланишларга эга ва уларни ҳисобга олган ҳолдагина бино ва умуман шаҳарнинг янги индивидуал турини яратиш мумкин.

### **Шаҳарсозлик омиллари**

Шаҳарсозлик омиллари жамоат биноларини шаҳарнинг режали тузилмасидаги жойлашувини белгилаб берадилар.

Шаҳар ҳудуди функционал фойдаланишига қараб *истиқомат, ишлаб чиқариш ва ландшафт-рекреация* зоналарига бўлинади. Истиқомат ҳудуди уй-жой фондини, жамоат бинолари ва иншоотларини, шу жумладан илмий-тадқиқот институтлари ва уларнинг комплексларини, шунингдек санитария-ҳимоя зоналарини ташкил этишни талаб этмайдиган алоҳида коммунал ва саноат объектларини жойлаштириш, шаҳар ичидаги қатнов йўллари, кўчалар,



майдонлар, парк ва боғлар, бульвар ва умумий фойдаланишдаги жойлар учун мўлжалланади

Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги истиқомат ҳудудларининг режали тузилмасини жамоат марказлари, турар-жой иморатлари, кўча-йўл тармоғи, умумий фойдаланишдаги кўкаламзорлаштирилган ҳудудларнинг ўзаро боғланишини ва, шу билан бирга, умуман, аҳоли пунктининг майдони ва ҳудудининг табиий шароитларига боғлиқ бўлган режали тузилмасини инобатга олган ҳолда лойиҳалаштириш лозим. Шаҳарларда ўз таркибида умумшаҳар маркази, режалаштирилган ҳудудлар (зоналар) марказлари, турар-жой ва саноат зоналари, дам олиш зоналари, кундалик эҳтиёжлар учун савдо-маиший марказлари, шунингдек шаҳар яқинида жойлаштирилиши мумкин бўлган ихтисослаштирилган (тиббий, ўқув, спорт ва бошқа) марказлар мавжуд бўлган жамоат марказлари тизимини шакллантириш лозим. Жамоат марказларининг сони, таркиби ва жойлаштирилиши шаҳарнинг катталиги, унинг жойлашув тизимида тутган ўрни ва ҳудуднинг функционал-режали ташкил этилишини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади. Йирик ва жуда йирик шаҳарлар, шунингдек тузилмаси қисмларга ажратилган шаҳарларнинг умумшаҳар жамоат маркази, одатда, шаҳар миқёсидаги кичик марказлар билан тўлдирилади. Кичик шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларида ягона жамоат маркази шакллантирилиб, турар-жой иморатлари зонасида жойлаштириладиган кундалик фойдаланишдаги объектлари билан тўлдирилади.

Умумшаҳар марказида, унинг ўлчамлари ва режалаштирилишига боғлиқ равишда, умумшаҳар ядросини ташкил этувчи ўзаро боғланган жамоат ҳудудлар (бош кўчалар, майдонлар, пиёда зоналари) тизимларини ташкил этиш лозим. Тарихий шаҳарларда умумшаҳар маркази ядросини тарихий иморатлар қурилган ҳудудда тўлиқ ёки қисман шакллантиришга қарор топган тарихий муҳитни сақлаб қолишни таъминлаш шартига риоя қилинганида йўл қўйилади. Турар-жой иморатларини қуриш ва аҳолига маданий-маиший тизимини шакллантиришнинг шаҳарсозлик концепцияси ишлаб чиқилган бўлиб, унга мувофиқ ҳар бир шаҳарсозлик тузилмаси учун муайян хизмат кўрсатиш

босқичи мос келиши керак: шаҳарга – эпизодик хизмат кўрсатиш, турар-жой туманига – даврий хизмат кўрсатиш, микротуманга – кундалик хизмат кўрсатиш.

### **1. Микротуман маркази – кундалик хизмат кўрсатиш – микротуман даражаси – биринчи босқич.**

*Микротуман* – турар-жой бинолари қурилмасининг тузилмавий элементи, одатда 10-60 гектар, лекин 80 гектардан кўп бўлмаган майдонда жойлашади. Микротуман магисталь йўллар ва кўчалар билан қисмларга ажратилмайди. Микротуман доирасида кундалик маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва муассасалари жойлашган бўлиб, уларнинг хизмат кўрсатиш радиуси 500 метрдан ошмайди (мактаб ва мактабгача таълим муассасалари бундан истисно); чегаралари, одатда, магистраль ёки турар-жой кўчалари, пиёда йўллари, табиий тўсиқлар билан белгиланади. Микротуман маркази таркибига қуйидаги жамоат бинолари киради:

- мактабгача таълим муассасалари;
- мактаб;
- озиқ-овқат (сут, нон ва нон маҳсулотлари) дўконлари;
- савдо ва умумий овқатланиш корхоналари;
- алоқа бўлими;
- банк филиали;
- поликлиника.

### **2. Турар-жой туманининг маркази – даврий хизмат кўрсатиш – турар-жой ёки режалаштирилган туман даражаси – иккинчи босқич.**

*Турар-жой тумани* – шаҳарнинг аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудининг тузилмавий элементи, одатда, 80-250 гектар майдонни эгаллайди ва унинг доирасида хизмат кўрсатиш радиуси 1500 метрдан ошмайдиган муассаса ва корхоналар, шунингдек шаҳар аҳамиятига эга объектларнинг бир қисми жойлаштирилади; табиий ва сунъий тўсиқлар, магистраль кўчалар ва умумшаҳар аҳамиятига эга йўллар билан чегараланди. Турар-жой тумани маркази таркибига қуйидагилар киради:

- ихтисослаштирилган мактаблар;
- банк бўлинмалари;
- почта муассасалари;
- кутубхоналар;
- катта бўлмаган спорт иншоотлари;
- клублар;
- кинотеатрлар;
- универсал заллар;
- кафе.

**3. Умумшаҳар маркази – эпизодик хизмат кўрсатиш – шаҳар миқёси – учинчи босқич. Таркибига қуйидагилар киради:**

- театрлар;
- музейлар;
- киномарказлар;
- кўргазма заллари;
- йирик спорт иншоотлари;
- йирик савдо марказлари.

Аҳолига хизмат кўрсатишнинг босқичли схемасига касалхона ва йирик илмий марказлар киритилмайди, сабаби, уларнинг аксарият қисми аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудларда эмас, балки шаҳарнинг ландшафт-рекреация зонасида жойлаштирилади. Шаҳар ва қишлоқ ҳудудларидаги хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналарини истиқомат қилиш жойлари ва ишхоналарга яқинлаштириб жойлаштириш ва одатда, жамоат марказларини жамоат йўловчи транспорт тармоғи билан боғланишини кўзда тутиш лозим. Аҳолига хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналари сони ва сиғимларини ҳисоблашда белгиланган тартибда амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ ёки лойиҳалаш топшириғига кўра ишлаб чиқилган ижтимоий нормативларга риоя қилиш. Жойлашув тизимларининг шаҳар-марказларидаги хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналарининг сони, таркиби ва сиғимини белгилашда бошқа шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларидан келувчи аҳоли ҳам ҳисобга

олиниши зарур. Тарихий шаҳарларда эса, ушбу ҳудудларга ташриф буюрувчи туристлар оқими ҳам инобатга олиниши керак. Қишлоқ аҳоли пунктларидаги хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналарини қишлоқ аҳолисини энг зарур хизматлар билан 30 дақиқапи пиёда юриш радиусида таъминланишини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш зарур. Хизмат кўрсатишнинг юқорироқ даражаси учун мўлжалланган объектлар билан таъминлаш қишлоқ аҳоли пунктларининг гуруҳлари учун кўзда тутилиши лозим. Хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун стационар бинолардан ташқари кўчма воситалар ва мавсумий фойдаланиладиган иншоотлар ва улар учун алоҳида майдончалар ҳам назарда тутилади.

Турар-жой иморатлари қурилган ҳудудда жойлаштирилган муассасалар ва корхоналар томонидан аҳолига хизмат кўрсатиш радиуслари, одатда, куйидаги жадвалда кўрсатилган кўрсаткичлардан кўп бўлмасликлари керак:

Хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналари	Хизмат кўрсатиш радиуси, м
Мактабгача таълим муассалари:	
шаҳарларда	300
қишлоқ аҳоли пунктлари ва кичик шаҳарларда	500
Умумтаълим мактаблари	750
Жисмони тарбия-соғломлаштириш машғулотлар учун хоналар	500
Турар-жой туманларининг жисмоний тарбия-спорт марказлари	1500
Поликлиникалар ва уларнинг шаҳарлардаги филиаллари	1000
Сут ошхонасининг тарқатиш пунктлари	500
Шаҳарлардаги дорихоналар	500

Маҳаллий аҳамиятга эга савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари шаҳарларда	500-800
қишлоқ аҳоли пунктларида	2000
Алоқа бўлинмалари ва омонат банкининг филиаллари	500

Ушбу қисқача таҳлилдан қуйидаги хулосани чиқариш мумкин: турар-жой иморатлари шаҳарнинг асосий “тўқимасини” ташкил қилиб, фон вазифасини бажарадилар, жамоат бинолари эса микротуман, турар-жой тумани, шаҳарнинг жамоат марказини шакллантириб, ўзига хос “каркас” вазифасини ўтаб, шаҳарсозлик доминанталарини ташкил қиладилар. Шунинг учун ҳам, уларнинг чуқур-фазовий, ҳажмий ва фронтал композициясига қўйиладиган эстетик талаблар анча юқори бўлади. Реконструктив чоралар ижтимоий аҳамиятга эга кундалик ва даврий хизмат кўрсатиш объектларининг микротуман ва турар-жой ҳудудларида ташкил этилган тармоқларини сақлаб қолиш ва тўлдиришга қаратилиши лозим. Кундалик эҳтиёжлар бўйича энг асосий корхонлар сифатида қуйидагилар қайд этилган: нархлари мўътадил бўлган универсам туридаги универсал озиқ-овқат дўкони, умумий овқатланиш корхоналари – кафе, емакхоналар, ошхона, диетик ошхоналар, кулинария дўконлари; маиший хизмат кўрсатиш корхоналар – кир ювиш ва кимёвий тозалаш корхоналарининг қабул пунктлари, ўзига ўзи хизмат кўрсатиш кир ювиш корхоналар, пойафзал, металл буюмлар, чарм-галантерея ва шу кабиларни таъмирлаш бўйича кичик устахоналар, кийим-кечак, бош кийим ва трикотаж маҳсулотларини тикиш ва таъмирлаш ательеси, сартарошхона, фотоателье, хизмат кўрсатиш бюроси ва ҳ.к.

### **Жамоат биноларини жойлаштиришга бўлган санитария талаблари**

Яшаш муҳити ва одам соғлиғига таъсир ўтказувчи манбалар ҳисобланувчи корхоналарни, уларнинг ўзига хос технологик жараёнларига эга бўлган алоҳида бинолари ва иншоотларини турар-жой иморатлари жойлашган ҳудуддан санитария-ҳимоя зоналари билан ажратиш лозим. *Санитария-ҳимоя зонаси*

(СХЗ) – саноат майдончалари чегаралари ва турар-жой иморатлари, ландшафт-рекреация зонаси, дам олиш ва курорт зоналари ўртасидаги ҳудуд.

Санитария қоидалари корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг санитария классификациясига боғлиқ равишда санитария-ҳимоя зоналарининг ўлчамларига, уларни ташкил қилиш ва ободонлаштирилишига, ушбу ўлчамларни қайта кўриб чиқишга бўлган талабларни белгилаб берадилар. Спорт иншоотлари, парклар, таълим муассасалари, умумий фойдаланишдаги даволаш-соғломлаштириш муассасаларини СХЗ ҳудудида жойлаштиришга йўл қўйилмайди. СХЗ лар ичида ёнғин деполари, ҳаммомлар, кир ювиш корхоналари, гаражлар, автомобиль ва мотоциклларни якка тартибда сақлаш учун тураргоҳлар, конструкторлик бюрolari, ўқув муассасалари, поликлиникалар, бошқарув бинолари, ёқилғи қуйиш станциялари, поликлиника, дўконлар, ушбу корхоналарга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ илмий-тадқиқот лабораториялар, корхона ходимлари учун спорт-соғломлаштириш иншоотларини жойлаштириш мумкин. СХЗ имкон қадар кўкаламзорлаштирилиши лозим. Турар-жой иморатлари жойлашган ҳудудлар ва қуйида санаб ўтилган санитария-техник иншоотлар, транспорт инфратузилмаси иншоотлари, коммунал соҳа объектлари, спорт иншоотлари ва садо корхоналари ўртасида эни 50 метрдан кам бўлмаган санитария-ҳимоя зонаси ташкил қилинган бўлиши зарур:

- спорт ўйинларининг ўтказишга мўлжалланган ва 100 тагача ўринли трибуналари бўлган очик турдаги жисмония тарбия-соғломлаштириш иншоотлари;

- савдо комплекслари, майда улгуржи бозорлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари бозорлари;

- камида икки постга эга автомобил ювиш жойлари (автомобилларга қўшимча хизмат кўрсатишсиз);

- бир сменада 500 кг гача кир ювиш қувватига эга кир ювиш корхоналари;

- маиший техника, соат, пойафзал таъмирлаш устахоналари (алоҳида жойлаштирилган);

- “Тез ёрдам” хизмати кичик станциялари;
- автоматик телефон станциялари;
- савдо ва умумий овқатланиш корхоналари (стационар ва вақтинча);
- кичик кимёвий тозалаш ва кир ювиш корхоналари;
- алоҳида жойлаштирилган ёпиқ жисмоний-тарбия-соғломлаштириш комплекслари, спорт клублар, очик спорт майдончалари.

## **2-БОБ. БИНОЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ, ҲАЖМИЙ-РЕЖАЛИ, КОМПОЗИЦИОН ВА КОНСТРУКТИВ СХЕМАЛАРИ. ҚУРИЛИШ СТАНДАРТЛАШТИРИЛИШИ ВА УНИФИКАЦИЯСИ**

### **2.1. Бино ва иншоотнинг типологик ташкил этувчилари: функцияси, конструкцияси, шакли**

Жамоат биноларининг функционал, композицион ва конструктив схемаларини кўриб чиқишдан аввал миллий архитектура назариячилари томонидан “функция”, “конструкция” ва “шакл” деган тушунчаларга берилган таърифлар тўғрисида тўхталиб ўтамиз. Мисол учун, академик А.В.Иконников архитектура объектинининг функцияси ва шаклини қуйидагича таърифлаган: “... *Функция* – архитектура орқали ҳал қилинадиган амалий ва ахборот тусга эга турли вазифалар комплекси”; “... архитектура объектининг шакли унинг муҳит ва маданият контекстида ташкил этилиши ва мавжуд бўлиши усулини ифодалайди”. Кейинчалик меъморий шакл тушунчасини кенгайтирган: “Технологияни премети шаклга татбиқ этишнинг учта тактикасини ажратиш мумкин. Биринчисида ишлаб чиқариш жараёнининг характери унинг ғояси манбалари қаторига киради. Технологик шаклнинг иккинчи концепцияси бошқа воситалар орқали татбиқ этилган идеал технологиянинг образли ифодаланишига асосланади. Учинчи концепция архитектура тилидан жараён изларини истисно қилишдан иборат бўлиб, объектнинг вазифаси, унинг материали ва амалга ошириш усули қандай бўлишидан қатъий назар шаклнинг универсаллик принципига асосланади”.

Функционализм назариячилари функция шаклнинг тузилмавий ва бадиий жиҳатларига яқка ўзи таъсир ўтказа олади деб ҳисоблар эдилар. Амалиётда тасдиқланганки, меъморий объект шакллари иншоот мазмунидан келиб чиққанидагина яшай олади, лекин механик тарзда эмас, диалектикага асосланган бўлиши, яъни шакл бир вақтнинг ўзида мазмунни ҳам шакллантириши лозим. функция, конструкция ва шакл ўртасидаги ўзаро боғлиқлик улар бир-бирларини ва умуман бинонинг мавжуд бўлишини шартлаб ва мувофиқ шароитларни белгилаб берадилар. Меъморий шаклнинг унинг ичида рўй бераётган жараёнларга таъсири етарлича кузатилган. Мисол тариқасида бошқа ижтимоий функцияларга мослаб реконструкция қилинган жуда кўп объектларни келтириш мумкин. Мослаштирилган бино, гарчи аввалига бошқа фазовий объект қулай бўлиб кўринган бўлсада, вақт ўтиши билан етарлича қулай бўлиб қолади. Ҳаракатларнинг муайян универсаллиги



мазмунан турлича бўлган жараёнлар параметрлари бўйича ўхшаш бўлган бўшлиқларда амалга оширилиши учун имконият яратиб беради. Бу, ўз навбатида, исталган архитектура объекти бир қатор жараёнлар бир хилда кечиши учун яроқли бўлишини таъминлайди. Шундай қилиб, сўз архитектуранинг кўп функционалиги тўғрисида юритилиши зарур. Сўнгги йиллардаги тадқиқотлар шуни кўрсатаптиларки, кўп функционалик архитектура объектининг мазмун-моҳиятида келиб чиқади. Бирон функция учун яратилган бўшлиқ ушбу функцияга нисбатан доимо керагидан ортиқ ҳисобланади.

Функционал потенциал – ўз ичига кўп маъноли тушунчаларнинг тармоқланган иерархиясини олган умумлаштирувчи атамадир [20]. Уни ташкил этувчилар орасидан *”долзарб функциялар”* гуруҳини, яъни истъеъмолчи тасаввурида объект шаклининг қимматли характеристикалари билан боғлиқ функцияларни ажратиш мумкин. Долзарб функциялар таркибида *“сабабли функциялар”* гуруҳи бўлиб, улар объектнинг бирламчи вазифасини белгилаб берадилар. *“Сабабли функциялар”* *“ишчи функциялар”*, яъни архитектура объекти қурилганидан кейин унда беихтиёр жамланадиган жиҳатлар намоён бўладиган функциялар келиб чиқишига сабаб бўладилар. Ишчи функциялар объект мавжуд бўлишининг *устувор* ва ҳар бир даври учун мувофиқ тарзда белгиланадиган *биргаликдаги* функцияларга бўлинади. Архитектура объектлари фаолиятининг функционал хусусиятларини кўриб чиқишда сабабли функциядан келиб чикувчи жараён доим ҳам қабул қилинган тахминга мувофиқ кечмаслигини ҳисобга олиш зарур. Икки: идеал ва реал функцияларни ажратиш лозим.. биринчисининг талабларига кўра объект шаклланади, иккинчиси бўйича эса фаолият кўрсатади. Лойиҳачи ана шу фарқланишни имкон қадар камайтиришга ҳаракат қилади, лекин, идеал функция ўрта статистик истъеъмолчи учун ҳисобланган бўлсада, реал фойдаланувчининг истак-хоҳишларини олдиндан аниқлаш қийин.

Меъморий интерпретациялар асосида шакл ва функция ўртасидаги ўзаро боғлиқликларнинг ўзига хос жиҳатлар билан шартланадиган бир қатор

ходисалар ётади. Бу таркибий қисмлар билан шлаш учун уларни умумий махражга келтириш лозим. Буни амалга ошириш учун “*функционал шакл*” (конструкция, функция), “*конструктив функция*” (шакл, конструкция) ва “*шаклли конструкция*” (функция, шакл) тушунчаларини киритиб ҳар бир таркибий қисмни уч хил элементдан ташкил топган бутунлик кўринишида қабул қиламиз. *Функционал шакл* (конструкция, функция) билан архитектуравий шакл (конструкция, функция)ни ташкил қилувчи ва ўзларида объектнинг функционал хусусиятларини жамлаган элементлар мужассамлиги белгиланади. *Конструктив функция* (шакл, конструкция) – архитектура объекти функциялари (шакли, конструкцияси)ни ташкил қилувчи ва ўзларида объектнинг конструктив хусусиятларини жамлаган элементлар мужассамлиги. Шаклли конструкция (функция, шакл) – архитектуравий конструкция (функция, шакл)ни ташкил қилувчи ва ўзларида объектнинг конструктив хусусиятларини жамлаган элементлар мужассамлиги. Ушбу бобнинг кейинги бўлимларида бу тушунчалар қандай ва нималар белгиланишини кўриб чиқамиз.

## 2.2. Функционал зоналаш, хоналарни гуруҳларга ажратиш схемаси

Юқорида қайд этилганидек, жамоат биносининг барча функцияларини “устувор” ва “биргаликдаги” тоифаларига ажратиш мумкин

Жамоат биносидаги барча функционал жараёнларни, унинг устувор функцияси қандай бўлишидан қатъий назар, қуйидагиларга бўлиш мумкин:

- умумий;
- ўзига хос;
- ёрдамчи.

Бинонинг функционал вазифаси	Бинодаги функционал жараёнлар	Бинодаги функционал устуворликлар
Жамоат хоналари	Умумий жараёнлар	Бош хоналар
Турар-жой хоналари	Ёрдамчи жараёнлар	Биргаликдаги хоналар

Ишлаб хоналари	чиқариш	Махсус жараёнлар	Коммуникациялар
	<i>Функционал функция</i>	<i>Функционал конструкция</i>	<i>Функционал шакл</i>

*Функционал зоналаш* – иншоотни функцияларининг умумийлиги бўйича бир турдаги хоналардан иборат гуруҳлардан иборат зоналарга бўлиш [2].

*Функционал блоклар* – функциялари бўйича умумий бўлган хоналар гуруҳи.

Функционал зоналашнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- *горизонтал функционал зоналаш* – барча функционал блоклар бир сатҳда жойлашиб, ўзаро горизонтал коммуникациялар билан боғланадилар;

- *вертикал функционал зоналаш* – барча функционал блоклар ҳар хил сатҳларда жойлашиб, ўзаро вериткал коммуникациялар билан боғланадилар;

- *горизонтал-вертикал функционал зоналаш* - юқорида келтирилган икки турларнинг мужассамлигига асосланади ва амалиётда энг кўп тарқалган тур ҳисобланади.


Функционал зоналашнинг асосий вазифаси – хоналар (ёки хоналар гуруҳлари) ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни уларнинг аниқ чегараларини сақлаган ҳолда аниқлаш. Бу масала хоналарни муайян тарзда гуруҳлаш ёрдамида ечилади. Бунда хоналарни гуруҳлашнинг жамоат биносининг ички ҳажми ташкил қилинишига таъсир кўрсатувчи қуйидаги асосий схемаларини белгилаш мумкин:

- ячейкали схема;
- йўлакли схема;
- анфиладали;
- залли схема;
- атриумли схема;
- павильонли схема;
- аралаш (комбинациялашган) схема.


Ушбу схемаларнинг ҳар бирида батафсил тўхтатилиб ўтамыз.

Хоналарни гуруҳлашнинг *ячейкали схемаси* функционал жараёнлар алоҳида кечадиган мустақил фазовий ячейкалардан иборат қисмлардан ташкил топган. Ячейкалар уларни ташқи муҳит билан боғловчи умумий коммуникацияга эга. Хоналарни гуруҳлашнинг *йўлакли схемаси* ягона функционал жараённинг қисмларини ўз ичига олади, бу қисмлар умумий чизиқли коммуникация – йўлак билан боғланадилар. Хоналарни гуруҳлашнинг *анфиладали схемаси* бир-бирининг кетида жойлашган ва ўзаро умумий ўтиш йўли билан боғланган қатор хоналардан иборат. Хоналарни гуруҳлашнинг *залли схемаси* қисмларга ажратилмаган катта майдонларни талаб этувчи функциялар учун ягона бўшлиқни ташкил этишга асосланган.


Хоналарни гуруҳлашнинг *атриумли схемаси* ёпиқ ички ҳовли – *атриум* атрофида жойлашган ва унга чиқадиган хоналардан иборат. Хоналарни гуруҳлашнинг павильонли схемаси хоналар ёки уларнинг гуруҳларини алоҳида ҳажмлар – ягона композицион ечим воситасида ўзаро боғланган павильонларда тақсимланишига асосланади. Ушбу схемалар мужассамликда ва биргаликда қўлланилишида *комбинациялашган*: йўлакли-ҳалқали, анфилада-ҳалқали ва шу каби схемалар яратилади. Хоналарни гуруҳлашнинг юқорида келтирилган схемалари жамоат биноси ёки иншоотининг турли композицион схемаларини яратиш учун асос бўлиб хизмат қилиб, улар воситасида жамоат биносининг ҳажмий-режали тузилмаси шакллантирилади.




Йўлак




Зал




Анфилада




Ячейка




Йўлка-халқасимон



Павильон



**Ячейка-зали**



**Анфилада-ҳалқали**

### **2.3. Бинонинг ҳажмий-режали тузилмаси**

*Бинонинг ҳажмий-режали тузилмаси* – бу бош ва ёрдамчи хоналарни, уларнинг танланган ўлчамлари ва шакллари ягона бутун композицияга бирлаштириш тизимидир. Композицион схемаларнинг қуйидаги асосий турлари мавжуд:

*Ихчам* схема хоналар гуруҳланишининг зали, атриумли ва комбинациялашган схемалари асосида тузилади.

*Чизиқли* схема таркибига хоналар гуруҳланишининг йўлакли, галереяли ва анифадали схемалари киради.

Ажратилган схема хоналар гуруҳланишининг павильонли схемаси асосида ташкил этилади.

### **2.4. Бинонинг конструктив тузилмаси**

*Бинонинг конструктив тузилмаси* – бинода аниқ вазифаларни бажарувчи ўзаро боғланган конструктив элементлар (пойдевор, девор, ораёпма, том ва бошқ.) жамланмаси.


Конструкциялар бинода икки вазифани бажарадилар: улар бинога тушадиган барча юкларни (конструкцияларнинг ўзини, ускуналар ва одамлар оғирлигини) ва ташқи таъсирларни (шамол, сейсмик тебранишлар ва бошқ.) деформациясиз ва бузилишларсиз кўтариши, шунингдек хоналарни совуқдан, жазирамадан, ёғинлардан, шовқин ва бошқа куч билан боғлиқ бўлмаган ноқулай таъсирлардан ҳимоя қилишлари лозим. Шундай қилиб, бинолар конструкцияси *кўтариб турувчи* ва *тўсувчи* функцияларни бажаради.

Бунда ушбу функцияларнинг бирлашиши ёки конструкцияларнинг кўтариб турувчи ва тўсувчи тоифаларга ажратилиши бўлиши мумкин.

Жамоат бинолари учун турли конструктив схемалар қўлланилади: темир бетон ёки пўлат вертикал ва горизонтал боғловчи элементли тўлиқ каркастан иборат схемалар, кўтариб турувчи бўйлама ёки кўндаланг деворли тўлиқ бўлмаган каркасли схемалар.


Тўсувчи конструкция	Кўтариб турувчи конструкция	Қоплама тури
Деворлар	Боғловчи	Ясси қоплама
Осма панеллар	Ромли	Фазовий қоплама
Монолит тўсиқлар	Қайишқоқ (эгиловчан) қаватли	Таркибли қоплама
<i>Конструктив функция</i>	<i>Конструктив конструкция</i>	<i>Конструктив шакл</i>

Тарихдан маълумки, архитектура доимо техника ва технологиялар ривожланишига боғлиқ бўлиб келган. “Замонавий техника бизнинг архитектурага чуқур таъсир кўрсатди. Замонавий техника ва технологияларсиз осмонўпар бинолар, Баухаузнинг ғоявий йўналишлари, геодезик гумбаз, оммавий тарзда ишлаб чиқариладиган элементлардан йиғилган бинолар бўлмас эди”. Бироқ, таъкидлаш зарурки, изланишлар давом этмокда, шу сабабдан замонавий шароитлардаги конструктив схемалар ва элементларнинг ранг-баранглиги, шунингдек турли илғор, доимий равишда такомиллашиб бораётган технологияларнинг мавжудлиги жамоат биноларининг архитектуравий конструкцияларини алоҳида мавзу сифатида кўрилиши тақозо этади.



**Санта-Крус-де-Тенерифе шаҳридаги аудиториум, Испания, архитектор С.Калатрава, 1997-2003**

**Аир шаҳридаги концерт зали, Япония, архитектор Ф.Маки, 1993-1994**



Бу ўринда таъкидлаш лозимки, бугунги кунда аксарият ҳолларда кўп қатламли осма панелли каркасли тизимлар, шунингдек аралаш тизимларнинг турли – анъанавий ва енгил юқори самарали материаллар жамланмасидан таркиб топган вариантлари энг кенг тарқалган конструкциялар ҳисобланади.



Масалан, кўтариб турувчи кўндаланг ғишт деворлар осма ташқи деворлар, йиғма каркас – монолит ораёпмалар билан бирга қўлланилиши мумкин. Ундан ташқари, юқори самарадорликка эга энергия тежовчи тизимлар: шамолатилладиган фасадлар, тузилмали ойна, алюминий қотишмалари ва пластикдан иборат витраж элементлари ҳам кенг қўлланилмоқда. Янги қурилиш ва пардозлаш материалларининг кўплаб пайдо бўлиши фасад ва умуман бино кифаси учун янгидан-янги ечимлардан фойдаланиш имкониятини бермоқда.

Айтиш лозимки, айнан ноёб ва ғайри оддий конструкция бинонинг композицион ечимларини белгилайди ва унинг яқуний шаклланишига ҳал қилувчи таъсир ўтказди. Шу муносабат билан жамоат биноларининг том қопламаси конструкциялари алоҳида эътиборга лойиқ масала сифатида кўрилиши лозим. Арklar, қобиклар, гумбазлар, пневматик қопламалар фақат шу бинога ёки жамоат биноларининг маълум турига хос бўлган бадиий образ яратилиши учун имкон яратадилар.

## **2.5. Биноларнинг муҳандислик ускуналари**

Меъморий лойиҳалаштириш – бино ёки иншоотнинг ишчи лойиҳасини яратиб берадиган ягон комплексли жараённинг фақат бир қисмидир. Ишчи лойиҳалаштириш ўз таркибига объектнинг муҳандислик ускуналарига бағишланган бир қатор ёндош бўлимларни олган.

Жамоат биноти қуйидагилар билан таъминланиши лозим: иситиш тизимлари, ҳавони шамоллатиш ва ўзгартириш тизимлари, сув таъминоти ва сувни чиқариш тизимлари, газ таъминоти, электр ускуналари ва электр энергияси таъминоти, шаҳар телефон алоқаси, радио ва телевидение тармоқлари, кўриқлаш ва ёнғиндан сақлаш сигнализацияси, локал компьютер тармоқлари.

## **2.6. Экологик лойиҳалаштириш – бинонинг ҳажмий-режали тузилмасини шакллантиришнинг замонавий усули**

Экотизимни шакллантирувчи ва замонавий бинолар учун энг муҳим ва тузилма яратувчи ҳисобланган бир нечта жиҳатларни белгилаймиз:

- бино йўналиниши ва конфигурациясини белгилаш мақсадида лойиҳалаш худудининг иқлимий шароитларининг таҳлили;

- хоналарнинг, хусусан, ҳар бир иш жойининг табиий ёритилганлиги;

- хоналарнинг табиий шамоллатилиши;

- энергия тежамкорлиги: иқлимий шароитлардан келиб чиққан ҳолда, иситиш ва, аксинча, совутиш нутқай назаридан тежамкор режалаштириш;

- бинода микроиқлим шакллантириш мақсадида ўсимликлардан фойдаланиш имкониятлари;

- динамик адаптация принципида қурилган энерго фаол бинолар.

Қуйида санаб ўтилган жиҳатларнинг ҳар бири устида тўхталиб ўтамыз.

Хоналарнинг чуқурлиги билан шартланган табиий ёритилганлик муаммоси айниқса атриумли биноларда долзарб ҳисобланади. Анъанавий режали тузилмага эга маъмурий биноларни лойиҳалаштириш амалиётида шаклланган хоналар ёритилишининг ҳисоблаш усуллари атриумли иншоотлар учун тўғри келмайди. Йўлакли схемага эга бинолар учун қўлланиладиган анъанавий усуллар қуёш нурлари хоналарга тўғридан-тўғри тушишига ва хона ичида акс этишига мўлжалланган. Атриумли биноларда эса нурлар ишчи хоналарга етиб боргунча турли йўналишларда кўп маротаба акс этадилар.

Шу нуқтаи назарда атриумли бўшлиқлардан ишчи хоналарни қўшимча табиий ёритилиши ва, аксинча, кўз дам олиши учун фойдаланилади. Агар, атриумли схемада қабул қилинган ҳажмий-режали ечим ишчи хоналарни фақат табиий ёритилишини тақозо этса, “атриумга қуёш нурларини тутувчи ва тарқатувчи шаклини бериш ва унинг атрофида тегишли бўшлиқни яратиш керак” Бунда, Р.Саксон бўйича, атриумга туташадиган хоналар энини кичрайтириш ёки баландлигини ошириш лозим (табиий ёритилганлик талаб этилган даражага эга бўлишига қадар). Хоналарнинг баландлиги ва деразалар тури одатдагича бўлганида кенглиги 12 метрдан ошмайдиган хоналарни ташкил қилиш мумкин. Қават баландлигини ошириб ва айрим акс эттирувчи махсус қурилмаларни қуриш орқали бу параметрларни катталаштириш мумкин. Қават баландлигини 2,7 метрдан 3,6 метргача катталаштириб хоналарнинг

қониқарли ҳисобланган ёритилишини 9 метрга кўпайтиришни таъминлаш имконияти яратилади. Чуқур бўлмаган хоналар периметр бўйлаб ташкил этилган оралиқлар ёрдамида осон ёритилиб, қўшимча ёритиш воситаларини талаб қилмайдилар. Бу ҳолатларда, агар қаватлар баландлиги кичиклаштирилса, атриум ҳажми катталаштирилади. Қаватлар баландлигини оширилиши атриумнинг белгиланган баландлигида уларнинг сони камайтирилишига, шунингдек вентиляция каналларини жойлаштириш учун қаватлараро бўшлиқнинг катталанишига олиб келади. Агар функционал нуқтаи назардан чуқур хоналарни ташкил қилиш талаб этилса, у ҳолда ушбу бўшлиқларнинг атриум билан боғланишларини диққат билан ўрганиб чиқиш зарур бўлади. Агар кундузида табиий ёритиш талаб этилса, мўътадил иқлим кенгликларида ҳам ҳароратни мувофиқлаштириш катта муаммога айланиши мумкин. Атриумдан ўзига хос иситиш қурилмаси сифатида фойдаланиш йўли билан бинони совутиш учун харажатларни камайтириш, иситишни эса анча соддалаштириш мумкин.

Муқобил стратегия сифатида қисман табиий ёруғлик билан, қисман сунъий ёритгичлар билан ёритиладиган тузилмадан фойдаланиш қўлланилади. Бунда, оптимал иқтисодий самарага эришиш учун табиий ва сунъий ёруғликлар махсус мувофиқлаштириш тизими билан ўзаро боғланиши зарур. Интергал ёритилишга мўлжалланиб лойиҳалаштирилган биноларда қоронғи тушишига ёки булутли ҳавога қараб сунъий ёруғлик манбалари бинонинг энг чуқур ва қоронғи қисмларидан бошлаб аста-секин ишга туширилиши лозим. Бино тузилмасининг энергия тежамкорлиги нуқтаи назарида асосий жиҳатларидан бири сифатида ҳисобланган экотехник концепциясини атриумли бинолар мисолида кўриб чиқамиз. Атриумли биноларни лойиҳалаштирувчилар қулайлик даражасини ҳам камайтирадиган, ҳам яхшилайдиган оранжерея эффекти ва аэродинамик тортиш кучи эффекти каби икки ҳодиса билан тўқнаш келадилар. Р.Саксон бўйича оранжерея эффектнинг моҳияти шундан иборатки, қуёш нурунинг қисқа тўлқинли таркибий қисми ойнадан ўтиб, интерьерни иситади. Иссиқликнинг ичкаридан ташқарига нурланиши

тўлқинлари узунроқ бўлиб, ойна томонидан ушлаб қолинади. Шундай қилиб, қуёш иссиқлиги ичкарида сақланиб қолиб қишда самарали ва ёзда, аксинча, салбий эффектни беради. Бу ҳодиса атриумли бўшлиқларни икки йўналишда фойдаланишни белгилаб берди: биноларни иситишга мўлжалланган атриум ва биноларни совутишга мўлжалланган атриум. Биринчи йўналиш қишда атриум ичини фойдаланилган ҳаво ҳисобига иситишга ва ёзда табиий шамоллатиш йўли билан совутишга асосланган. Иккинчи йўналиш атриумдан ҳаво алмашинувини таъминлаб берувчи ҳаво резервуари сифатида фойдаланишни кўзда тутди. Ҳавонинг тортиш кучи турли баландликлардаги ҳаво босимлар ўртасидаги фарқланиш орқали ҳосил бўлади, натижада иссиқ ҳаво атриумнинг ёпиқ ҳажми ичида доим пастдан юқорига ҳаракатланади. Ана шу тортиш кучини вентиляцияни таъминлаш учун ишлатиш мумкин, шу сабабдан ҳам атриумни ветлияцион канал сифатида ҳам талқин этадилар. Конструктив усуллар ҳам, ўз моҳиятига кўра бинонинг йўналтирилиши ва ён-атрофдаги табиий объектлардан чиққан қуёш нурларини акс этиш каби шаҳарсозлик ечимларини ҳал қилиш билан бирга, жамоат биноларининг энергетик ва экологик самарадорлигини оширишга, шунингдек уларнинг тежамкорлигига йўналтирилган усуллар сирасига киради. “Динамик адаптация принципларидан фойдаланувчи кинематик усуллар ... қуёш энергиясини ушлаб қолиниши ва жамланишини яхшилаш имконини берувчи энергофаол биноларнинг Қуёш айланишини кузатиш режимида айланиши ёки бошқа циклик ҳаракатланишлар; тўсиқларни энергофаоллик ва энергетик тежамкорликни оширувчи турли кўринишларга ўзгартирилиши; Қуёш ҳаракатланишини кузатувчи коллекторнинг ва бурилувчи панелли коллекторларни татбиқ этилиши; бурилувчи қайтариш экранларининг қўлланилиши алоҳида ўрин тутадилар”.

## **2.7. Қурилиш стандартизацияси ва унификацияси**

Биноларнинг қурилиши индустриал методлар билан, яъни индустриал опалубкада тайёрланган йиғма элементлар ёки монолит конструкциялар қурилиш майдончасида олиб борилади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда

лойихалаштиришда бинолар ва уларнинг элементлари параметрлари максимал даражада унификациялашган бўлиши лозим.

*Унификация* – бинолар ва уларнинг элементлари параметрлари миқдорини улар орасидаги функционаллик нуқтаи назардан асосланмаган фарқланишларни илмий асосланган йўл билан қисқартирилиши. Унификация бир типдаги буюмларни – блок, ораёпма плиталари, йиғма кашаклар, шунингдек дераза ва эшик блоклари, дераза токчалари тахталари ва шу кабиларни турли вазифалар учун мўлжалланган биноларда қўллаш имконини беради.

Буюмларни геометрик ўлчамлари унификациясининг асоси бўлиб қурилишдаги ўлчамларнинг модулли координацияси хизмат қилади. *Модуль* - ўлчамлар координацияси мақсадида қабул қилинган шартли бирлик. Асосий модуль қилиб 100 мм га тенг узунлик қабул қилинган бўлиб, бинонинг барча ўлчамлари шу модулни катталик миқдорларида белгиланади. Йириклаштирилган модуль асосий модулни бутун сонга кўпайтирилган катталига тенг бўлиб, йириклаштирилган модулларнинг 300 мм, 600 мм, 1200 мм, 1500 мм, 3000 мм ва 6000 мм га тенг амалиётда қўлланиши учун қулай қатори белгиланган. Йириклаштирилган модуллар асосий меъморий-режали параметрларнинг – ораёпмалар оралиқлари, деворлараро қадамлар, қаватлар баландлиги, оралиқлар катталиги ва шу кабиларнинг ўлчамларини белгилашда ишлатилади. Кенг миқёсда қўллаш учун энг такомил ва иқтисодий нуқтаи назардан самарали бўлган конструктив элементларни танлаш мақсадида уларнинг турларига қараб гуруҳлаш, яъни *типиклаштириши* усулидан фойдаланилади.

Бино ва иншоотлар элементларини унификациялаштириш, стандартлаштириш ва тикилаштириш асосида каталог, давлат стандартлари, режалаштириш элементларининг нормаллари каби бир қатор ҳужжатлар тузилади.

### **3-БОБ. БИНОЛАРНИНГ ТУЗИЛМАВИЙ ТУГУНЛАРИ.**

#### **БИНОЛАРНИНГ АСОСИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ.**

##### **3.1. Жамоат бинолари ва иншоотларини лойиҳалаштиришда қўлланиладиган атамалар ва таърифлар.**

*Ер усти қавати* – хоналар полининг белгиси ернинг режалаштириш белгисидан паст бўлмаган қават.

*Чордоқ* – том ёпмалари (ташқи деворлар) ва юқори қаватнинг ораёпмалари ўртасидаги бўшлиқ.

*Болхона қавати (мансарда)* – чордоқ бўшлиғидаги қават, унинг фасади қия (ёки синиқ шаклдаги) том юзасидан (қисман ёки тўлиқ) иборат бўлади, бунда том текислиги ва фасаднинг кесишиш чизиғи мансарда қаватидаги пол сатҳидан 1,5 метрдан катта бўлмаслиги зарур.

*Ертўла қавати* – хоналаридаги пол сатҳининг белгиси ернинг режалаштириш белгисидан хоналар баландлигининг ярмисидан каттароқ чуқурликда жойлашган қават.

*Пойнеш (цоколь) қавати* – хоналаридаги пол сатҳининг белгиси ернинг режалаштириш белгисидан хоналар баландлигининг ярмисидан камроқ чуқурликда жойлашган қават.

Техник қават – муҳандислик ускуналарини жойлаштириш ва коммуникациялар ётқизиш учун мўлжалланган қават. Унинг баландлиги 1,8 метрдан кам бўлмаслиги лозим. Техник қават бинонинг пастки (техник ертўла), юқори (техник чордоқ) ўрта қисми қисмида жойлаштирилиши мумкин.

##### **3.2. Бинонинг тузилмавий тугунлари**

Юқорида қайд этилганидек, жамоат биноси ичидаги барча жараёнларни, уларнинг тури қандай бўлишидан қатъий назар, умумий кўринишда *умумий, ўзига хос* ва *ёрдамчи* жараёнларга ажратиш мумкин. Ушбу жараёнлар нормал кечиши учун жамоат биносида муайян *тузилмавий тугунлар* мавжуд бўлиши

лозим. Ҳар бир жамоат биноси қуйидаги тузилмавий тугунлардан ташкил топган:

- бинога кириш хоналари гуруҳи: тамбурлар, вестибюллар, гардеробхоналар;
  - асосий хоналар гуруҳи: турли функционал вазифалар учун мўлжалланган заллар, аудитория ва синфлар;
  - ёрдамчи ва қўшимча хоналар гуруҳи, санитария блоклари;
  - техник хоналар гуруҳи: қозонхоналар, вентиляция камералари, насослар, сув ўлчагичлар учун хоналар, лифтларнинг машиналар бўлинмалари;
  - горизонтал коммуникациялар: юқорида санаб ўтилган хоналар гуруҳларини ягона каркасга бирлаштирувчи галерея, фойе, холл ва йўлаклар;
  - вертикал коммуникациялар: зинапоя, пандус, лифт, эскалаторлар.

### **3.3. Бинога кириш хоналари гуруҳи**

Бинога кириш хоналари гуруҳини таҳлил қилишдан аввал қурилиш климотологияси талаблари билан қисқача танишиб чиқиш лозим.

Мамлакатнинг бутун ҳудуди географик кенглигига боғлиқ равишда тўртта: I, II, III ва IV иқлимий минтақага бўлинади [46], ушбу минтақалар, ўз навбатида, энг совуқ ойнинг ўртача ҳароратига қараб А, Б, Г ва Д кичик ҳудудларга ажратилган. Ана шу кўрсаткичлар иншоотларни лойиҳалаштиришни белгилаб беради.

*Тамбур* – бинога, зинапоя катаги ёки бошқа хоналарга совуқ ҳаво, тутун ва ҳидларнинг киришидан ҳимоя қиладиган эшиклар ўртасидаги ўтиш бўшлиғи. Бинога киришдаги тамбурнинг мақсади – бинонинг ички бўшлиғини кўчадаги совуқ ҳаводан ҳимоя қилишдан иборат. У ўзига хос буфер вазифасини бажаради. Тамбурнинг минимал чуқурлиги 1500 мм ни ташкил этиши керак. Тамбурнинг минимал кенглигини белгилаш учун бинога кириш эшигининг энига ҳар бир томондан 150 мм дан қўшиш лозим. Бинога кириш жойидаги полнинг белгиси бинога кириш олдидаги тротуарнинг режавий белгисидан камида 150 мм га баландроқ бўлиши лозим. *Вестибюллар* жамоат биноларининг асосий тақсимловчи хоналаридир. Уларга горизонтал ва

вертикал коммуникациялар туташиб кетади. Одамлар оқими айнан вестибюлда шаклланади, шунинг учун вестибюль таркибида бир қатор ёрдамчи хоналар бўлиб, уларнинг вазифаси – жамоат биносининг мураккаб тузилмасида одамга йўналишларни кўрсатиб беришдан иборат. Масалан, бионинг функционал вазифасига қараб маълумотлар бюроси, операторлар хонаси, савдо шохобчалари ва ҳк. Вестибюлларнинг талқини турлича бўлиши мумкин, лекин уларнинг асосий вазифаси одамларга тўғри йўналишларни кўрсатиш ҳисобланади. Гардеробхоналар устки кийим-бошни жойлаштириш учун лойиҳалаштирилади, бунда битта ўрин учун қуйидагича майдонлар ажратилиши кўзда тутилади:

консоль туридаги илгичлар учун – 0,08 м<sup>2</sup>;

оддий ва осма илгичлар учун – 0,1 м<sup>2</sup>.

Гардероб чуқурлиги 6 метрдан кам бўлмаслиги лозим.

Кийим-бош бериш учун мўлжалланган тўсиқ (барьер) эни 0,6-0,7 метрга тенг бўлиб, ҳаракатланишлар оммавий тусга эга бинолардаги тахминий узунлиги – 30 ўрин учун 1 погонли метр, ҳаракатланишлар оммавий эмас, лекин мунтазам бўлган бинолар учун – 50-60 ўрин учун 1 погонли метр қилиб белгиланади. Устки кийим-бош гардероблари учун минимал масофалар қуйидагича қабул қилинади:

- барьер олдидаги бўшлиқ – 3-4 метр;

- барьердан илгичларгача – 0,8-1,0 метр;

- илгичлар ўқлари орасидаги масофа: ўзига ўзи хизмат кўрсатишда – 1,6 м; гардеробчилар хизмат кўрсатганида – 1,2 м;

- илгичларнинг чекка қатори ва девор ёки пардевор ўртасидаги масофа: ўзига ўзи хизмат кўрсатишда – 1,3 м; гардеробчилар хизмат кўрсатганида – 0,9 м;

- консолли-бурилувчи илгичларнинг туртиб чиққан қисмлари ёки кийим-бош сақланадиган шкафлар орасидаги масофа, шунингдек шу каби илгичлар ва шкафларнинг туртиб чиққан қисмлари орасидаги масофа: ўзига ўзи хизмат кўрсатишда – 1,0 м; гардеробчилар хизмат кўрсатганида – 0,6 м. Вестибюлнинг



режавий ечимига боғлиқ равишда гардебхоналар жойлаштиришининг турлича схемалари қўлланилади:

- ён томонли (бир ёки икки тарафлама);
- ичкарига чуқурлаштирилган;
- периметр бўйича;
- оролли шаклда.

Схемани танлашда, биринчи навбатда, гардеробхонадан чиқиб келаётган одамлар оқими кесишмаслиги назарда тутилади. Гардеробхоналари бўлган вестибюлларнинг майдони илгичдаги бир ўринга 0,18-0,28 м<sup>2</sup> ҳисобидан қабул қилинади. Бунда гардеробдаги ўринлар сони бионинг сиғимига қараб белгиланади.

### **3.4. Ёрдамчи хоналар**

Жамоат биноларининг *ёрдамчи* хоналари сирасига қуйидагилар киради:

- ходимлар гардероблари;
- хўжалик омборхоналари;
- тозалаш инвентарлари сақланадиган хоналар;
- санитария блоклари;
- душхоналар;
- аёллар учун шахсий гигиена хоналари.

Жамоат биноларидаги санитария блокларини ҳар бир қаватда, одамлар доим бўладиган энг узоқ жойлардан 75 метрдан кўп бўлмаган масофада жойлаштириш лозим. Режавий элементларнинг тик йўналишлари санитария бўлмалари ва душхоналарнинг эргономика меъёрлари бўйича талаб этилган минимал ўлчамларини белгилаб берадилар. Масалан, ҳожатхонанинг минимал кенглиги – 800-850 мм, минимал чуқурлиги – 1200 мм (эшиги ташқарига очилганида), қўл ювгичли тамбур-шлюз (жамоат биноси санитария бўлмасининг мажбурий элементи) минимал кенглиги – 850 мм. Душ кабинасининг кенглиги – 900 мм, чуқурлиги – 1650-1900 мм. Ишловчилар орасида таянч-ҳаракатланиш аппарати яхши ишламайдиган ногиронлар бўлса улар учун алоҳида кабиналар кўзда тутилиши лозим. Ходимларнинг

гардеробхоналарида душхоналар ташкил этилиши керак. Биноларда тозалаш инвентарини сақлаш, ювиш ва қуриштириш учун иссиқ ва совуқ таъминоти тизимига уланган ва, одатда, ҳожатхоналарга туташ бўлган хоналар кўзда тутилиши лозим. Бундай хоналарнинг майдонлари қаватнинг ҳар  $100 \text{ м}^2$  учун  $0,8 \text{ м}^2$  ҳисобидан, лекин  $4 \text{ м}^2$  дан кам бўлмаган ҳолда белгиланади. Қават майдони  $400 \text{ м}^2$  дан кам бўлса, иккита туташ қават учун битта хона ташкил қилинишига йўл қўйилади. Саноат корхоналарини лойиҳалаштиришда соғломлаштириш ва тиббиёт пунктлари, аёллар учун шахсий гигиена хоналари, ҳаммомлар (сауналар), идоровий меъёрлар бўйича эса – инголяторий, фотарий, қўл ва оёқ ванналари учун хоналар, шунингдек иш вақтида дам олиш ва психологик юкни камайтириш учун махсус хоналар жамоат бинолари учун қабул қилинган меъёрлар бўйича ташкил қилиниши керак


Ҳаммом-саунани лойиҳалаштиришда унинг таркибига қуйидаги хоналарни киритиш лозим: ечиниш-кийиниш хонаси, қуруқ иссиқ камераси, душхона, санитария блоки, совуқ сувли бассейн, уқалаш хонаси, дам олиш хонаси, бошқарув пульти жойлаштирилган хона. Қуруқ иссиқли ҳаммомларни ташқи деворга туташ қилиб биринчи ёки цоколь қаватида, ташқарига мустақил чиқиш эшиги билан жойлаштиришга йўл қўйилади. Иш вақтида дам олиш ва психологик юкни камайтириш учун махсус хоналар, одатда, уй кийим-боши сақланадиган гардероб ва соғломлаштириш пункти ёнида жойлаштирилади. Дам олиш ва психологик юкни камайтириш хоналарида, агар зарурий талаб ва асосланишлар бўлса, тонусни яхшилайдиган турли ичимликларни тайёрлаш ва истеъмол қилиш учун қурилмалар, шунингдек жисмоний тарбия билан шуғулланиш учун жойлар кўзда тутилиши мумкин. Ертўла қаватларида муҳандислик хизматларининг хоналари, омборхоналар, дўконлар, радиоузел, кинофотолабораториялар, ижарага бериш пункти, тир, спорт заллари, китоб сақланадиган ва архив хоналарини жойлаштиришга йўл қўйилади. Бу каби хоналарни табиий ёритилганликсиз лойиҳалаштиришга рухсат берилади. Ундан ташқари, мажлислар зали, маъруза аудиториялари ва кулуарлар, маиший хизмат кўрсатиш салонлари, спорт ва спорт-томоша заллари ва

автотураргоҳларни ҳам табиий ёритишсиз лойиҳалаштириш мумкин. Барча жамоат бинолари *ногиронлар* ва *аҳолининг кам ҳаракатланувчи*, шу жумладан аравачаларда ҳаракатланувчи гуруҳларининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда қурилиши зарур.


Маиший хоналардаги қаторларнинг ўқлари орасидаги масофалар ва ўтиш йўлларининг кенглиги қуйидаги жадвал бўйича қабул қилиш зарур [41]:

Номланиши	Кўрсаткич, м
<i>Режадаги ўлчамлари</i>	
Кабиналар:	
ёпик душхоналар	1,8x0,9 (1,8x1,8)
Очиқ ва икки томонида кириш-чиқиш йўллари душхоналар, ярим душлар	0,9x0,9 (1,2x0,9)
аёлларнинг шахсий гигиенаси	1,8x1,2 (1,8x2,6)
ҳожатхоналар	1,2x0,8 (1,8x1,65)
Гардеробхоналардаги ўтириш жойлари	0,3x0,8 (0,6x0,8)
Ичимлик сув таъминоти қурилмаси	0,5x0,7
<i>Баландлик бўйича ўлчамлар</i>	
Ажратувчи пардеворлар:	
пардеворнинг юқори қисмигача	1,8
полдан пардеворнинг пастки қисмигача	0,2
Гардеробхонадаги кўча ва уй кийим-боши учун шкафлар	1,65
<i>Санитария асбоблари ўқлари ўртасидаги масофа</i>	
Бир кишилиқ қўл ювгичлар	0,65
Қўл ва оёқ ванналари, писсуарлар	0,7
<i>Қаторлар орасидаги ўтиш йўлларининг кенглиги</i>	


Ёпиқ душ кабиналари, гуруҳли қўл ювгичлар	1,2 (1,8)
Очиқ душ кабиналари ва ҳожатхоналар, писсуарлар	1,5 (1,8)
Бир кишилиқ қўл ювгичлар	1,8
Қўл ва оёқ ванналари, аёллар шахсий гигиенаси кабиналари, фотарий кабиналари	2,0
Гардероб хоналардаги кийим-бош сақланадиган шкафлар, қатордаги бўлинмалар сони:	
18 тагача бўлса	1,4
18 дан 36 тагача бўлса	2,0
Қавс ичидаги кўрсаткичлар таянч-ҳаракатланиш аппаратида бузилишлари бор ногиронлар учун келтирилган	



при прямалнейшем движении




при дифференцированной организации движения




при сезонном изменении организации движения


Тамбуры




глубинное размещение гардероба



боковое размещение гардероба








периметральное размещение гардероба





островное размещение гардероба



**Жамоат биноси**  
**вестибюлида**  
**гардеробнинг**  
**жойлаштирилиши**  
Жамоат биносидаги  
кириш жойи  
жойидаги хоналар  
гуруҳларини ташкил  
этиш намуналари




**Жамоат биноларининг ёрдамчи хоналари**  
**(ўлчамлар сантиметрда берилган)**



**Эркактар учун санитария блоклари**



**Аёллар учун санитария блоклари**



**Аёллар учун шахсий гигиена кабинаси**

**Жамоат биноларининг ёрдамчи хоналари**

(ўлчамлар сантиметрда берилган)

## 4-БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ

*Мактабгача таълим муассасаларига* қуйидагилар киради:

- болалар боғчаси;
- *умумривожлантириш* турига мансуб ва болалар ривожланишининг битта ёки бир нечта йўналишлари (бадий-эстетик, жисмоний ва бошқ.) устувор бўлган болалар боғчаси;
- тарбияланувчиларнинг жисмоний ва психологик четланишларини тuzатиш (коррекциялаш)га ихтисослаштирилган *компенсацияловчи* турдаги болалар боғчаси;
- *назорат ва соғломлаштириш* турига мансуб ва санитария-гигиеник, профилактика ва соғломлаштириш тадбирлар ва муолажалар устувор бўлган болалар боғчаси;
- *комбинацияланган* турдаги болалар боғчаси (унинг таркибига турли бирикмалар кўринишидаги умумривожлантириш, компенсацияловчи ва соғломлаштириш гуруҳлари кириши мумкин);
- *болани ривожлантириш маркази* – барча тарбияланувчиларни жисмоний ва психологик ривожлантириш, коррекция ва соғломлаштириш йўналишида фаолият кўрсатадиган болалар боғчаси.

### **4.1. Мактабгача таълим муассасаларининг ер участкалари**

Мактабгача таълим муассасалари микротуманларнинг марказида жойлаштирилган бўлиб, фойдаланиш радиуси 300 метрдан кўп бўлмаган кундалик хизмат кўрсатиш муассасалари турига мансуб ҳисобланади. Уларга бўлган эҳтиёж микротуман аҳолисининг демографик таркибига боғлиқ равишда бажарилган ҳисоб-китоблар билан аниқланади. Мактабгача таълим муассасаларининг биноларидан “қизил линия”гача масофа 25 метрдан кам бўлмаслиги лозим. Мактабгача таълим муассасаларининг ер участкалари чегарасидан ойналари ва кириш йўллари бўлган турар-жой бинолари деворларигача масофа 10 метрдан, ойнаси ва кириш йўллари бўлмаса – 5 метрдан кам бўлмаслиги керак .

Ер участкаларининг майдони битта болага 30-40 м<sup>2</sup> ҳисобидан қабул қилинади. Мактабгача таълим муассасаларининг ер участкалари қуйидаги функционал гуруҳларни ўз ичига олади: гуруҳларнинг майдончалари, бадантарбия майдончаси, резавор мевалар томорқаси, хўжалик майдончаси, дарахт ва гул экилган майдончалар.

#### 4.2. Ҳажмий-режали ечим

Мактабгача таълим муассасаларининг бинолари турли сигимларда лойиҳалаштирилади: 1 тадан 12 та гуруҳгача ёки мувофиқ тарзда 25 тадан 220 та жойгача. Бинонинг максимал баландлиги – 2 қават (алоҳида шароитларда 3 қаватли бино қуришга йўл қўйилади).

Мактабгача таълим муассасаларининг барча хоналари учта катта гуруҳга бўлинади:

болалар гуруҳларининг ҳар бири учун хоналар – *гуруҳ ячейкалари* (асосий гуруҳ хонаси ва ётоқхона);

*умумий хоналар* – мусиқий ва гимнастика машғулотлари учун зал;

*тиббий, хизмат-маиший хоналар, овқат тайёрланадиган блок, кир ювиш хонаси.*


Мактабгача таълим муассасалари майдонларини битта болага м<sup>2</sup> ҳисобидан қуйидаги жадвалга мувофиқ қабул қилиш тавсия этилади.

Хонанинг номланиши	Умумий турдаги МТМ лари	Ихтисослаштирилган МТМ лари
Ечиниш-кийиниш хонаси	0,9	1,2
Гуруҳ хонаси, дам олиш зонаси билан	4,3	5,7
Ҳожатхона	0,8	1,0
Буфет	0,15	0,2
Махсус машғулотлар ўтказиладиган хона	-	1,6
Муסיқа машғулотлари	2,0	4,0



Ўтказиладиган хона		
Гимнастика машғулоти ўтказиладиган хона	4,0	5,0

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ СХЕМАСИ



### СХЕМА-1

1 – кичик ёшдаги болалар учун гуруҳ ячейкалари; 2 – мактабгача ёшдаги болаар учун гуруҳ ячейкалари; 3 – аралаш ёшдаги болалар учун гуруҳ ячейкалари; 4 – гуруҳ ҳоналари (биринчи синф болалари учун); 5 – мусиқа машғулоти учун хона; 6 – бадантарбия машғулоти ўтказиладиган хона; 7 – бассейн; 8 – махсус машғулоти ўтказиладиган хона; 9 – тиббий хона;

10 – маъмурий-хўжалик хонаси; 11 – овқат тайёрланадиган блок; 12 – кир ювиш хонаси.

Гуруҳлардаги тарбияланувчилар сони: 2 ойдан 1 ёшгача – 10 та бола; 1 ёшдан 3 ёшгача – 15 та бола; 3 ёшдан 7 ёшгача – 20 та бола.

Деразаларнинг энг мақбул йўналтирилиши – Ж., Ж. – Ш., Ш.

Турли ёш гуруҳларининг гуруҳ ячейкалари алоҳида жойлаштирилиши лозим. Бунда МТМ лари биноларида вертикал-горизонтал функционал зоналаштириш кенг қўлланилади: мактабгача ёшдаги болаларнинг гуруҳлари иккинчи қаватда, кичик ёшдаги болаларнинг гуруҳлари биринчи қаватда жойлаштирилади. Иккинчи ёки учинчи қаватда жойлашган мактабгача ёшдаги болалар гуруҳларининг ечиниш-кийиниш хоналари 1-қаватда жойлаштирилиши мумкин. Ҳар бир гуруҳ ячейкаларида камида иккитадан чиқиш йўллари бўлиши керак. Кичик ёшдаги болаларнинг иккита гуруҳи ёки мактабгача ёшдаги болаларнинг тўртта гуруҳли учун битта умумий чиқиш йўли бўлишига рухсат этилади. Мусиқа ва гимнастика машғулотлари учун мўлжалланган заллар, одатда, 1-қаватда жойлаштирилади, зарурат туғилганида иккала зал бирлаштирилади. Залларга қўшимча қилиб инвентарь сақланадиган хоналар ҳам кўзда тутилиши лозим. Бугунги кунда мактабгача таълим муассасаларидаги хоналар жойлаштирилишида қуйидаги янги тенденцияларни кузатиш мумкин:

- мактабгача ёшдаги болалари учун гуруҳ хоналарининг бошланғич синф хоналари билан бирлаштирилиши;

- мактабгача ёшдаги болалар гуруҳи учун қисқа муддат машғулот ўтказиладиган турар-жойлар қошидаги хоналарнинг (ҳар бир бола учун 4 м<sup>2</sup> ҳисобида) жойлаштирилиши;

Гуруҳида 10 та боладан кўп бўлмаган оилавий болалар боғчалари икки томонида ҳам чиқиш йўллари бўлган, 2-қаватдан юқорида бўлмаган ва оловбардошликнинг камида II даражасига эга бинолардаги хонадонларда жойлаштирилади. Бунда хонадонлар авария чиқиш йўллари билан таъминланиши ва бино яқинида болалар майдончаларини ташкил қилиш кўзда

тутилиши керак. Бу каби муассасалардаги хоналар таркиби қуйидагилардан иборат бўлиши зарур: ечиниш-кийиниш хонаси, дам олиш зонаси бўлган болалар ўйнаши учун хона, ҳожатхона, буфет хонаси, ходимлар учун санитария блоки. Ихтисослашган МТМ ларда 3x7 м ўлчамли ваннаси бўлган бассейн лойиҳалаштирилади. Бассейн хоналари таркибига қуйидагилар киради:

- ванна хонаси;
- ечиниш-кийиниш хонаси;
- душхона;
- ҳожатхона;
- мураббий хонаси;
- тиббиёт ҳамшира хонаси;
- техник хоналар.

Мактабгача ёшдаги болалар учун таълим муассасаларининг тиббиёт хоналари қуйидагилардан иборат бўлиши зарур:

- тиббиёт хонаси;
- муолажалар хонаси;
- изолятор (қабухона, палата ва ҳожатхона).

Тиббиёт хонаси йўлакдан алоҳида кириш эшигига эга бўлиб, изолятор палаталарининг бири билан ёндош бўлиши керак. Изолятор палаталари 1-2 кишилиқ, майдони 4-6 м<sup>2</sup> қилиб, алоҳида, босиб ўтилмайдиган тарзда лойиҳалаштирилади.

*Хизмат-маиший хоналар* таркибига қуйидагилар киради:

- мудир хонаси;
- хўжалиқ мудирининг хонаси;
- ходимлар учун душхоналари ва санитария бўлмалари бўлган гардероб хонаси;

- методик хона;
- хўжалиқ омборлари;

Ходимлар учун алоҳида кириш эшиги кўзда тутилиши лозим.

Мактабгача ёшдаги болалар учун таълим муассасаларининг биноларида хомашё ёки ярим фабрикатларда ишловчи *овқат тайёрланадиган блок* лойиҳаштирилади. Унинг таркибига қуйидагилар киради:

- ошхона, тарқатиш бўлмаси билан;
- ошхона идиш-товоқларини ювиш хонаси;
- курук озик-овқат маҳсулотлари сақланадиган омборхона;
- юклаш хонаси;
- ходимлар хонаси;
- ходимлар учун душхона ва санитария бўлмаси.

*Композицион ечим* мактабгача таълим муассасалари хоналари жойлаштирилишининг *зичлаштирилган, блокли* ва *павильон* кўринишидаги учта асосий турини белгилаб беради.

*Зичлаштирилган (марказлаштирилган)* тур – муассаса сиғими кичик бўлганида қўлланилади, ундаги барча функционал хоналар битта бинода жойлаштирилиши кўзда тутилади.

*Блокли* турга мансуб биноларда турли функционал гуруҳлар турли блокларда жойлаштирилади. Сиғими 140 ўриндан 220 ўрингача бўлган МТМ ларини лойиҳалаштиришда қўлланилади.

Павильон кўринишидаги МТМ лойиҳалари, асосан, жанубий худудларда қўлланилади. Бунда ҳар бир гуруҳ учун алоҳида бино лойиҳаштирилади.

## **5-БОБ. МАКТАБ БИНОЛАРИ**

### **5.1. Мактаблар классификацияси**

Вазифасига боғлиқ равишда мактаблар қуйидагича ажратилади:

- умумтаълим мактаблар ва мактаб-интернатлар;
- болаларни такомил тайёрлашга мўлжалланган ихтисослашган мактаблар ва мактаб-интернатлар;
- соғломлаштириш ва санатория-боғ кўринишидаги мактаблар;
- жисмоний ва ақлий ривожланиши суст болалар учун махсус мактаблар.

Умумтаълим мактаблар таркибига бошлангич, асосий, ўрта умумтаълим мактаблари; айрим предметларни чуқур ўргатишга ихтисослашган ўрта умумтаълим мактаблари; гимназия ва лицейлар киради.

Таълим даражаси бўйича умумтаълим мактабларида ўқитишнинг учта босқичи қўлланилади:

- ўқитишнинг I босқичида 1-4 синф ўқувчилари таҳсил оладилар;
- ўқитишнинг II босқичида 5-9 синф ўқувчилари таҳсил оладилар;
- ўқитишнинг III босқичида 9-11 синф ўқувчилари таҳсил оладилар.

Санитария меъёрларига мувофиқ янгидан қурилаётган шаҳар мактабларининг сифими 1000 ўриндан ошмаслиги, ўқувчилари сони кам бўлган қишлоқ мактабларида эса ўқитишнинг I босқичи учун – 80 ўриндан, ўқитишнинг I ва II босқичлари учун – 250 ўриндан, ўқитишнинг II ва III босқичлари учун – 500 ўриндан ошмаслиги лозим.

## **5.2. Мактаблар участкалари**

Умумтаълим мактаблари микротуманда шундай жойлаштирилиши керакки, яшаш жойидан мактабгача масофа 500 метрдан кўп бўлмаслиги лозим. Мактаб биноси “қизил линия”дан камида 25 метр узоқликда жойлашиши зарур. Мактаб қошидаги участкалар хўжалик, бадантарбия-соғломлаштириш, ўқув-тажриба, дам олиш функционал зоналарига бўлинади. Бадантарбия-соғломлаштириш зонасига алоҳида талаблар қўйилади: тўп ва турли спорт снарядларини улоқтиришга мўлжалланган спорт майдончалари бино деразаларидан камида 25 метр узоқликда жойлаштирилиши ва периметри бўйича баландлиги 2,5-3 метр бўлган тўсиқлар билан ўралиши лозим; қолган майдончалар ва бино деразалари орасидаги масофа 10 метрдан кам бўлмаслиги керак. Участкалар шундай лойиҳалаштирилиши керакки, уларнинг ҳудудига ўт ўчириш машиналари кириши ва ҳалқа бўйлаб айланиш имконияти таъминланган бўлиши лозим.

## **5.3. Ҳажмий-режали ечим**

Умумтаълим муассасаси биносининг баландлиги 3 қаватдан ошмаслиги зарур. Шаҳардаги иморатлар зич қурилган шароитларда таълим

муассасаларини 4 қаватли бўлишига йўл қўйилади. Умумтаълим муассасаларини аввал қурилган 4-5 қаватли биноларда жойлаштирилишида тўртинчи ва бешинчи қаватларни ўқувчилар кам қатнайдиган ўқув хоналари учун ажратиш лозим. Ҳар бир синфнинг тўлдирилиши 25 та ўқувчидан ошмаслиги зарур.

Мактаблардаги барча хоналар иккита асосий гуруҳга бўлинади:

### 1. Ўқув хоналари:

- 1-4 синфлар (ўқитишнинг I босқичи) учун ўқув хоналари;
- 5-9 синфлар (ўқитишнинг I ва III босқичлари) учун ўқув ва лаборатория хоналари;
- меҳнат ва касб-хунар йўналиши бўйича ўқитиш учун хоналар.

### 2. Умуммактаб хоналари:

- мажлислар зали ва жисмоний тарбия машғулотлари ўтказиладиган зал;
- овқат тайёрланадиган блок;
- устахоналар;
- маъмурий-хўжалик хоналар;
- кутубхона ва бошқа хоналар.

Таъкидлаш зарурки, мактаб биноларини лойиҳалаштиришда ўқув ва умуммактаб хоналари алоҳида ишлашини таъминлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, сабаби умуммактаб хоналари ўқув машғулотлари ўтказилмаётган вақтда микротуман учун ишлаши мумкин.

Асосий ўқув хоналарининг майдонлари битта ўқувчига тўғри келадиган м<sup>2</sup> ҳисобидан қабул қилиниши лозим.

Хонанинг номланиши	Битта ўқувчига тўғри келадиган майдон, м <sup>2</sup>
Синф хоналари, ўқув кабинетлари	2,5-3,5
Табиий фанлар бўйича лабораториялар, чизмачилик ва расм кабинетлари	2,4

Информатика ва ҳисоблаш техникаси кабинети	6,0
Лингафон кабинети	2,4
Меҳнат таълими устахоналари	6,0
Мактаб-интернатлардаги ётоқхоналар	4,0


Бунда синфлардаги ўқувчилар сони 25 тага тенг бўлиши лозим.

*1-4 синфлар учун ўқув секциялари* бошқа ёшдаги гуруҳ ўқувчилари учун мўлжалланган хоналар ва кабинетлардан ажратилган ҳолда, алоҳида блок кўринишида лойиҳалаштирилади. Ушбу блок таркибига синф хоналаридан ташқари меҳнат таълими устахонаси, узайтирилган кун гуруҳлари учун универсал хона, рекреация хонаси ва санитария блоки киритилади.

*5-9 синфлар учун ўқув секциялари* ўқув кабинетлари ва лабораториялар базасида шакллантирилади.

Ўқув хоналари қуйидагилардан иборат: ишчи зона (тахсил олаётганлар учун ўқув столларининг жойлашуви), ўқитувчининг ишчи зонаси, кўргазмали ўқув қўлланмалари ва ўқитишнинг техник воситалари (ЎТВ)ни жойлаштириш учун қўшимча зона, ўқувчилар яқка тартибда шуғулланиши учун махсус зона.

Умумтаълим мактабларининг асосий синф хоналари учун ёруғлик бўйича талаб қилинган томонлар жануб ва жануби-шарқ ҳисоланади. Рассомлик, чизмачилик ва расм кабинетлари учун ёруғлик бўйича тавсия этилган томон – шимол.



## СХЕМА-2

### Умумтаълим ўрта мактабдаги хоналарнинг асосий гуруҳлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик схемаси

А – 1-4 синфлар учун ўқув секциялари; Б – 5-9 синфлар учун ўқув секциялари; В – меҳнат таълими учун хоналар гуруҳи; Г – узайтирилган кун гуруҳларини ташкил қилиш учун хоналар гуруҳи; 1 – вестибюль-гардероб; 2 – ЎТВ кабинети; кутубхона; 4 – ўқитувчилар хонаси; 5 – лабораториялар; 6 – Бошланғич ҳарбий тайёргарлик кабинети; 7 – спорт зали; 8 – емакхона; 9 – мажлислар зали-киноаудитория; 10 – ашула ва мусиқа синфи; 11 – маъмурият;




12 – техник марказ; 13 – дам олиш зонаси; 14 – спорт зонаси; 15 – ўқув-тажриба зонаси; 16 – хўжалик зонаси.

Айрим предметларни чуқур ўқитишга ихтисослашган муассасалар, гимназия ва лицейларда *лекция аудиторияси* кўзда тутилиши лозим. Ушбу аудиториянинг ўлчамлари ўқувчилар ёши бўйича 3 та синфдан ортиқ бўлмаган сифимга боғлиқ равишда, ҳар бир ўрин учун 1 м<sup>2</sup> ҳисобидан белгиланади. Замонавий умумтаълим муассасаларидаги рекреацияни зал кўринишидаги вариантда лойиҳалаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мактаб биноларининг композицияси қуйидаги асосий турларда ифодаланади.



Мактаб биносининг *павильон кўринишидаги тури* ўқувчилар ёшини ҳисобга олиб туриб бирлаштиришнинг максимал даражаси таъминланишига имконият яратади. Бунда блокларни функционал вазифалар бўйича ажратишга, гигиеник талабларни максимал тарзда ҳисобга олишга эришилади. Павильон кўринишидаги схема иқлими иссиқ ҳудудлар учун қўлланилади.

Мактаб биносининг *марказлашган-блокли тури* амалиётда кенг қўлланиладиган намунавий лойиҳаларга асосланади.

Мактаб биносининг *периметрли тури* ёпиқ ҳовли атрофида шакллантирилади. Умумтаълим муассасасининг *ривожланган марказли* лойиҳаси йирик мактаблар қурилишида қўлланилади, бу турдаги ўқув муассасаларининг лойиҳаси ўқувчиларнинг дарсдан ташқари фаолиятини оқилона ташкил қилиш имкониятини беради. Ички ҳажми йирик бўлган *компакт (ихчам) турга* мансуб ўқув муассасалари. Мактаб биноларининг ўта компакт (ихчам) ва режалаштирилиши ўзгарувчан бўлган тури майдонлардан самарали фойдаланишни таъминлаб, анъанавий турдаги мактаб биноларидаги ячейкали структурани ўзгартириш имкониятини беради. Умуман олганда, мактаб биноларининг композицион ривожланишида учта асосий йўналишни ажратиш мумкин: марказлаштирилган, марказлаштирилмаган, ривожланган марказли тизим.



**Ўқув кабинетларини режалаштириш вариантлари**



**Умумфойдаланишдаги ИНТЕРНЕТ-маркази хонасидаги компьютерларни жойлаштириш схемаси**

**5.4. Ихтисослаштирилган мактаблар**

Ихтисослаштирилган мактабларнинг намунаси сифатида болалар санъат мактабларини кўриб чиқамиз:

Бу мактаблар, одатда, 4 та бўлинмадан иборат бўлади:

- тайёрлов;
- мусиқа; хореография;
- тасвирий санъат бўлинмаси.

Тайёрлов бўлинмаси болалар санъат мактабининг бошқа бўлинмаларидан алоҳида фаолият кўрсатиши ва таркибида қуйидаги хоналар бўлиши лозим: мусиқа синфи, расм ва пластик материаллардан буюмлар ясаш синфи, омборхона, мусиқа асбоблари ва бадий фонд сақланадиган хона, универсал зал, душхоналар, санитария блоклари.

*Мусиқа бўлинмаси* шундай режалаштирилиши керакки, вазифалари бўйича бир хил хоналар функционал, акустик, товуш изоляцияси ва конструктив талаблардан келиб чиққан ҳолда алоҳида секцияларга жамланиб, вертикал ва горизонтал бўйича бошқа хоналардан ажратилиши лозим. Якка тартибда мусиқа билан шуғулланишга мўлжалланган хоналарни мусиқа асбоблари ва қўл ювгич жойлаштириладиган тамбур-шлюзлар билан лойиҳалаштириш керак. Мусиқа синфларининг деворларини нопараллель (четланиши 2-12<sup>0</sup>) қилиб, тегишли акустик жиҳозланиши билан бирга бажариш тавсия этилади [30].


*Хореография бўлинмаси* таркибига ритмика ва рақс машғулоти учун хона, классик, сахна ҳамда халқ рақслари, шунингдек замонавий рақслар учун заллар, назарий фанлар синфи, либослар устахонаси, ечиниш-кийиниш хонаси, душхоналар, санитария бўлмалари киради. Тасвирий санъат бўлинмаси таркибига расм, рассомлик, композиция ва ҳайкалтарошлик устахоналари киради. Рассомлик ва расм устахоналарининг ҳар бири, одатда, юқори қаватларда жойлаштирилади ва қуйидаги зоналардан иборат бўлади:

- ўқитувчи зонаси;
- натюрмотлар зонаси;
- ўқувчилар зонаси;
- мольбертлар сақланадиган зона.

Ҳайкалтарошлик устахонаси қуйи қаватда жойлаштирилади.


Устахоналарнинг баландлиги чиқиб турувчи конструкцияларнинг пастки қисмидан ҳисоблаганда 3,6-3,9 метр, эни 6 метр, узунлиги 9 метр қилиб қабул қилинади. Жисмоний ва ақлий ривожланиши заиф болалар учун махсус мактаб-интернатларни лойиҳалаштиришда даволаш муассасалари билан тезкор боғланишни таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ундан ташқари, бу

каби муассасаларни имкон қадар тинч ва кўкаламзор ҳудудларга жойлаштириш керак. Ана шу икки асосий талабга йирик маъмурий марказ билан яхши алоқага эга шаҳар яқинидаги зона жавоб беради. Махсус мактабларни лойиҳалаштиришда даволашнинг ўзига хос цикллари, таълим-тарбия ва турмуш тарзининг шарт-шароитлари албатта ҳисобга олинади. Масалан, таянч-ҳаракатланиш аппарати шикастланган болалар учун ихтисослаштирилган мактабларда пандуслар кўзда тутилиши лозим; синф хоналарининг параметрлари аниқ талаблардан келиб чиққан ҳолда ўзгартирилиши мумкин. Бундай мактаб биноларининг баландлиги 2 қаватдан ошмаслиги лозим.




### Расм, рассомлик ва ҳайкалтарошлик устахоналари:

- 1 – расм ва рассомлик устахонаси; 2 – ҳайкалтарошлик устахонаси; 3 – омбор;  
4 – гипс сақланадиган хона; 5 – лой, чиқиндилар сақланадиган хона



Торли чолғу асбоблари, фортепьяно, пуфлаб чалинадиган ва халқ чолғу асболари каби мутахассисликлар бўйича якка тартибда машғулотлар ўтказиш учун мўлжалланган хоналар:


1, 2 – якка тартибда машғулот ўтказиш учун хоналар; 3 – ёрдамчи хоналар.



Санъат мактабининг хореография бўлинмаси. Универсал зал:

1 – бирлаштирилган даврий машғулотлар учун мўлжалланган универсал хона;  
2 – душхоналари ва санитария блоклари мавжуд ечиниш-кийиниш хонаси





150 ўринли лекция аудиториясининг функционал-габаратли схемалари (ўлчамлар сантиметрда берилган)

## 5.5. Ўқув комплексларининг турлари

Ўқув комплекси таълим бериш даражаси, шакли ва кооперацияси бир хил ёки турлича бўлган бир нечта ўқув муассасаси биноларининг функционал, меъморий, ташкилий ёки ҳудудий бирлашмасидан ташкил топади. Ўқув комплекси турли шаклларда тузилиши мумкин. Ўқув муассасаларининг функционал вазифалари ёки хизмат кўрсатиш тизимларининг ўхшашлиги асосида бирлаштирилиши энг оқилона ва истиқболли шакл ҳисобланади.

Ўқув комплексида барча профессионал ўқув муассасалари учун мажбурий ҳисобланган ҳамда ҳар бир ўқув комплексининг ўзагини ташкил этувчи ва шакллантирувчи ўқитиш, амалиёт ва хизмат кўрсатиш каби функциялар бирлаштирилиши лозим. Ўқув комплекслари ўз таркибида турлича мужассамликдаги ўқув муассасаларига эга монофункционал ўқув комплекслари (1-гуруҳ) ва таркибида ўқув муассасаларидан ташқари илмий муассасалар ва ишлаб чиқариш корхоналари бўлган полифункционал ўқув комплекслари (2-гуруҳ), шунингдек хизмат кўрсатиш корхоналари (3-гуруҳ) шаклида бўлиши мумкин. Бевосита назарий ўқитиш билан боғлиқ барча хоналар (синфлар, кабинетлар, лабораториялар, лекция аудиториялари, кутубхона) мажмуаси ўқув *комплексини* ташкил этади. Амалиёт атамаси ўз таркибига касб-хунарга ўргатиш ва амалий машғулотларни ўтказиш учун мўлжалланган барча хона ва қурилмаларни (тренажерлар, ўқув-ишлаб чиқариш лабораториялар ва устахоналар, полигонлар, цех ва участкалар) олади. Ушбу комплекс таркибига қуйидагилар киритилиши лозим: маданият соҳасида – концерт заллари ва консерваторияларнинг аудиториялари, ўқув театрлари; тиббиёт соҳасида – клиникалар; педагогика соҳасида – болалар боғчалари, мактаблар ва бошқа асосий ўқув муассасалари, ўқувчиларга хизмат кўрсатиш функцияси йирик ўқув комплекслари қошидаги хоналарда, яъни овқатланиш, маиший ва тиббий хизмат кўрсатиш, маданият ва дам олиш хоналарида амалга оширилади. Ётоқхоналар ҳам ушбу гуруҳ таркибига киради. Кўп функцияли тармоқ ўқув комплекси – ўқув муассасалари томонидан ўқитиш функциясининг ягоналиги



асосида шакллантириладиган бино ва иншоотлар мажмуаси. Бундай комплекс бир тармоққа тааллуқли бўлсада, лекин таълим даражаси турлича бўлган ўқув ҳамда малака ошириш муассасаларини бирлаштиради. Бу каби комплекслар бирлаштирилувчи муассасаларнинг мансублигига боғлиқ равишда идораларнинг ўқув комплексларига ва йирик корхонлар, ишлаб чиқариш бирлашмаларининг ўқув комплексларига ажратилиши зарур. Идоравий ўқув комплекслари муайян ҳудуд (вилоят, шаҳар, туман)да жойлашган корхоналар, муассасалар гуруҳи учун тегишли ихтисос бўйича мутахассисларни тайёрловчи ўқув муассасаларидан шакллантирилади. Бу каби комплексларга қуйидагилар киради:

- танланган ихтисос бўйича узлуксиз таълим олиш ва энг иқтидорли ўқувчиларни танлаб олиш имкониятини берувчи болалар мусиқа мактаби, мусиқа билим юрти ва консерваториядан иборат маданият соҳасига мансуб ўқув комплекси;

- ўқув-педагогика комплекси, бунда педагогика олий ўқув юрти базасида мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, касб-хунар коллежлари бирлаштирилади; ОЎЮ ва кўрсатилган ўқув муассасаларининг бирлаштирилиши бўлғуси педагог учун барча ёшдаги тарбияланувчи ва ўқувчиларга таълим бериш ва уларни ўқитиш жараёнини тўлиқ кузатиш ва ўрганиш имкониятини беради;

- савдо-маиший хизмат кўрсатиш ўқув комплекси, бунда ўқув комбинати, касб-хунар билим юрти ва савдо техникуми каби муассасаларни бирлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади;

- агросаноат ўқув комплекси, бунда ўқув хўжалигининг умумий базасида (ер ва техника) ўқув комбинати, касб-хунар билим юрти, техникум ва ОЎЮ кафедраси бирлаштирилади. Бирлаштирилган ўқув комплексларидаги ўқув ва жамоат биноларининг тахминий таркиби қуйидаги жадвал бўйича қабул қилинади:

Комплекслар таркиби	Биргаликда фойдаланишда бўлган зоналар	Биргаликда фойдаланишда бўлган хоналар гуруҳи
<b>1. Таълим даражаси бир хил бўлган ўқув комплекслари</b>		
Касб-ҳунар билим юртлари комплекси	Ишлаб чиқариш, жисмоний тарбия-спорт, хўжалик	Ўқув-ишлаб чиқариш хоналари (бир тармоқнинг), ўқув-спорт хоналари, техник марказ, лекция аудиторияси, мажлислар зали, тўғарақлар учун хоналар, кутубхона, тиббий пункт, ошхона, кўшимча ва хизмат кўрсатиш хоналари
Ўрта махсус ўқув муассасалари	Шу каби	Шу каби
Ўқув комбинатлари комплекси (саноат ҳудуди ёки халқ хўжалик тармоғининг)	Ишлаб чиқариш, хўжалик	Емакхона, кутубхона, ўқитишнинг техник воситалари учун хона, мажлислар зали, маъмурий-хўжалик ва техник-санитария хоналари
ОЎЮ комплекси	Спорт, хўжалик, турар-жой, айрим ҳолларда – илмий, ишлаб чиқариш	Бино ва иншоотлар: спорт, маданият, овқатланиш, тиббий хизмат кўрсатиш, илмий ва техник марказлар, ҳисоблаш маркази, ётоқхона, дам олиш базалари
<b>2. Таълим даражаси турлича бўлган ўқув комплекслари</b>		
Умумтаълим мактаби + касб-ҳунар коллежи	Спорт, дам олиш, кўкаламзорлаштириш	Ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари, спорт хоналари, заллари, аудиториялар, техник

		марказ
Касб-ҳунар коллежи + ўқув комбинати + мактаблараро ўқув- ишлаб чиқариш комплекслари	Ишлаб чиқариш, хўжалик	Ўқув-ишлаб чиқариш хоналари, кутубхона, тиббиё пункт, ошхона, қўшимча ва хизмат кўрсатиш хоналари
Касб-ҳунар коллежи + ўрта махсус ўқув муассасаси	Барча зоналар	Шу каби
Касб-ҳунар коллежи + ўрта махсус ўқув муассасаси + олий ўқув юрти	Шу каби	Ўқувчиларга хизмат кўрсатувчи барча хоналар: техник ва хўжалик хонлар, спорт ва мажлислар зали
Корхонанинг ўқув маркази (ўқув комбинати + техникум филиали + ОЎЮ нинг ўқув- маслаҳат пункти)	Шу каби	Шу каби
Олий ўқув юрти + малака ошириш институти (факультети)	Ўқув, дам олиш	Талабалар ва тингловчиларга хизмат кўрсатиш хоналари
<b>3. Ҷамоат муассасалари билан бирлаштирилган таълим муассасалари</b>		
Касб-ҳунар коллежи + қишлоқдаги туман маданият маркази	Спорт	Мажлислар зали, тўғараклар учун хонлара, ўқув-спорт хоналари, овқатланиш хоналари
Олий ўқув юрти + шаҳарнинг маданий-	Спорт, маданий, дам олиш,	Шу каби

спорт маркази	кўкаламзорлаштирилган, хўжалик	
Хизмат кўрсатиш тармоғининг ўқув муассасаси	Хўжалик, дам олиш, кўкаламзорлаштирилган	Ишлаб чиқариш амалиёти учун хоналар

Полифункционал ўқув комплекси – таркибига ўқув муассасаси бошқа муассасалар билан (масалан, ўқув-маданий, ўқув-даволаш, ўқув-ишлаб чиқариш, ўқув-илмий комплекслар шу кабилар билан) тенг ҳуқуқда ва ўзаро боғлиқ равишда киритилган жамоат бинолари комплекси.

Масалан, савдо-хизмат кўрсатиш муассасалари билан бирлаштирилган ўқув муассасалари полифункционал комплексни шакллантириб, аҳолига хизмат кўрсатиш бир вақтнинг ўзида ходимлар учун ишлаб чиқариш ҳисобланади. Таркибига маданият ўқув муассасалари киритилган маданият марказлари аҳоли томонидан фойдаланиладиган хоналар таркибини (ўқув театри, концерт зали, кўргазма заллари) сезиларли даражада кенгайтиради, ўқувчилар эса, ўз навбатида, аҳолига хизмат кўрсатишда иштирок этадилар. Кўп тармоқли касалхона нафақат аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш билан шуғулланади, балки тиббиёт институти ёки шифокорлар малакасини ошириш институти, ўрта тиббий ходимларни тайёрлаш маркази, турли илмий тадқиқотлар ўтказиш базаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ўқув комплекси шаҳарсозлик объекти сифатида шаҳарда ўқув зонасини шакллантиради, яъни шаҳарнинг ихтисослаштирилган маркази ҳисобланади. Ўқув муассасалари бирлаштирилишининг турли шакллари уларнинг асосий функциялари ҳисобланган ўқитишга, таълим беришга боғлиқ равишда кўриш ва ўрганиш лозим. Айтиш лозимки, мамлакатимизда бу каби комплексларни ўзлаштириш аста-секин амалга оширилмоқда ва уларнинг якуний шаклга эга бўлмаган турли вариантлари мавжуд. Шунинг учун ҳам ушбу бўлимда уларни лойиҳалаштириш бўйича принципиал ёндошувлар баён этилган.

## **6-БОБ. МЕҲМОНХОНА БИНОЛАРИ**

Инсониятнинг илмий-техник тараққиёт томонидан белгилаб берилган бугунги ҳаёт тарзининг суръати илм-фан, бизнес, ҳордиқ чиқариш ва маданият каби соҳалардаги интеграцион жараёнлар янада кучайишини тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, белгиланган мақсадларга энг самарали равишда етишиш учун имкон қадар қулай яшаш шароитлари яратилишини талаб қилади. Бугунги кунда бу функцияни турли қулайликлар ва сиғимга эга, турли вазифалар учун мўлжалланган меҳмонхона комплекслари бажармоқда. Хизмат кўрсатиш даражаси юқори бўлган янги меҳмонхоналардаги репрезентатив ва маиший хоналар ҳажмининг ортиши – улар таркибининг сифатий ўзгариши – одатий ҳолат сифатида қабул қилинмоқда, натижада, аксарият меҳмонхоналар кўп функцияли конгломератларга айланиб бормоқда.

Бу каби конгломерат таркибига кирувчи умумфойдаланиш учун мўлжалланган турли хоналар конгресс, мажлис ва шунга ўхшаш оммавий тадбирларни ўтказиш учун зарур бўлган барча шароитлари яратилган тўплам сифатида қабул қилинган. Ушбу тўплам таркибига қуйидагилар киради: конференц-заллар ёки универсал турдаги заллар ва улар атрофида шаклланувчи умумий фойдаланиш учун мўлжалланган хоналар, шунингдек ресторан ва барлар, кўнгил очар характерга эга хоналар, қўшиб қурилган ва очиқ бассейнлар, дам олиш, кўнгил очар, савдо, маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи муассасалар учун кўплаб хоналар ва, албатта, бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, ахборот соҳасида хизмат кўрсатишга мўлжалланган алоҳида мажмуалар . Бу каби конгломератни ўз ичига олган меҳмонхоналарнинг намунаси сифатида “конгресс-отель” ёки “конференц-отель”, шунингдек ишбилармон кишилар учун мўлжалланган “бизнес-отель” деб номланувчи меҳмонхоналарни келтириш мумкин. Улардаги жамоат қисмининг ўзига хос хусусиятларидан бири, бу мажлислар, симпозиумлар ва конференциялар ўтказиладиган заллар, алоқа бўлимлари ва банк, телетайп,

телекс ва компьютер хоналари, шунингдек бассейн, сауна, кегельбан каби хордиқ чиқариш ва кўнгил очар хоналарнинг мавжудлигидир. Мамлакатимиздан меҳмонхоналар фонди бир турда эмас. Турли даврларда қурилган меҳмонхоналар архитектураси, сиғими, қаватлилиги, жиҳозланиши ва ускуналари, хоналар фондининг таркиби ва сифати, хоналар тўплами ва майдони бўйича фарқланади.

### **6.1. Меҳмонхоналар классификацияси**

Меҳмонхона бинолари бир нечта асосий кўрсаткичлар бўйича тоифаланди:

*Сиғими бўйича:*

- кам сиғимли – ўринлар сони 100 тагача;
- ўртача сиғимли – ўринлар сони 100 дан 500 гача;
- катта сиғимли – ўринлар сони 500 дан 2000 гача.

*Қаватлилиги бўйича:*

- кам қаватли – 1-2 қават;
- ўртача қаватли – 3-5 қават;
- юқори қаватли – 6-9 қават;
- кўп қаватли – 10-40 қават;
- осмонўпар – 40 ва ундан кўп қаватли.

*Вазифаси бўйича* (меҳмонхона бинолари учун асосий типологик белги – уларнинг вазифаси):

- умумий;
- конференц-отель, конгресс-отель;
- сайёҳлар учун мўлжалланган;
- курорт;
- кемпинглар.

*Қулайликлар даражаси бўйича:* меҳмонхоналарнинг Россияда қабул қилинган разрядлари халқаро стандартлар бўйича юлдузлар сонига мос келади:

олий А - \*\*\*\*\*;

олий Б - \*\*\*\*;



І - \*\*\*;

II - \*\*;

III - \*.

Халқаро амалиётда меҳмонхоналар қулайлик даражасига боғлиқ равишда бир нечта қурилиш разрядларига ажратилади. Уларнинг сони турли мамлакатларда 3 дан 7 гача ўзгариши мумкин. Испанияда қулайлик даражаси юлдузчалар билан белгиланади; Грецияда – ҳарфлар билан; Австрияда – класслар билан; Польша ва Болгарияда – тоифалар билан ва ҳк. Бу каби бўлинишлар учун асосий мезон сифатида номерлар фондининг сифатий таркиби хизмат қилади: бир, икки ўринли ва сиғими кўпроқ бўлган номерлар – бир хонали, шунингдек кўп хонали люкс номерлар ва апартаментларнинг фойзда ифодаланган ўзаро нисбати. Номерлар фондининг сифати шунингдек апартаментлардаги номернинг пардозланиши, мебеллар билан жиҳозланиши ва техник ускуналаниши билан ҳам тавсифланади .


Ушбу даража белгиланишининг иккита асосий усули мавжуд бўлиб, биринчисида статистик кўрсаткичлар, яъни ваннахонаси ва санитария бўлмаси бўлган номерларнинг аниқ белгиланган нисбати, умумий фойдаланиш учун мўлжалланган хоналарнинг функционал таркиби (бассейн, сауна ва шу кабиларнинг бор ёки йўқлиги) бўйича белгиланади; иккинчисида – материал базанинг сифатига эмас, балки динамик омилларга, яъни сервис хизматининг сифатига қараб белгиланади [26].



Ни́жний Но́вгород шаҳридаги  
“Октя́брьская” меҳмонхонаси.  
Архитекторлар А.Харитонов,  
В.Коваленко, А.Гельфонд,


конструкторлар Н.Лепорская,  
Г.Кутузов, 1987  
1-қават режаси, Намунавий қават  
режаси






**1 хонадан иборат**

**1 кишилик номер**



**2 хонадан иборат**

**2 кишилик номер**



**3 хонадан иборат 2 кишилик номер**

**Меҳмонхона номерларининг режалаш вариантлари  
(ўлчамлар миллиметрда берилган)**

## **6.2. Меҳмонхона биноларининг функционал блоклари**

Меҳмонхоналарнинг барча хоналари функционал вазифаларига боғлиқ холда 9 та функционал гуруҳга бўлинади:

- қабулхона-вестибюль гуруҳи;
- турар-жой-ётоқ хоналари (номерлар) ва уларга қўшилган хоналар гуруҳи;
- овқатланиш хоналари гуруҳи;
- савдо ва маиший хизмат кўрсатиш гуруҳи;
- туристик-соғломлаштириш вазифалари учун мўлжалланган хоналар гуруҳи;

- дам олиш ва анжуманлар ўтказилиши билан боғлиқ туризм гуруҳи;
- маъмурият ва бошқарув хоналари гуруҳи;
- ёрдамчи ва хўжалик вазифалар учун мўлжалланган хоналар гуруҳи;
- коммунал (муҳандислик) таъминот ва вертикал транспорт гуруҳи.

1. *Қабулхона-вестибюль гуруҳи* таркибига қуйидагилар киради:

- қабул хизмати ва дам олиш зоналари жойлашган вестибюль;
- портъе ва маъмурлар хонаси;
- хужжатлар сақланадиган хона;
- гардероб;
- сақлаш камераси;
- багажларни тушириш ва саралаш хонаси;
- навбатчи ходимлар учун дам олиш хонаси;
- валюта айирбошлаш пункти бўлган банк бўлинмаси;
- почта бўлинмаси, телефонлар, телетайп;
- ҳожатхона;
- бар пештахтаси;
- турли вазифалар учун мўлжалланган киосклар;
- дўконлар.

2. Турар-жой хоналари гуруҳи – ётоқ хоналари (меҳмонхона номерлари) ва уларга қўшилган хоналар гуруҳи.

Меҳмонхона разрядига боғлиқ ҳолда номерлар 1 ёки 2 кишилиқ, 3 кишилиқ – ота-она ва бола учун мўлжалланган оилавий номер кўринишида; бир, икки ва уч хонали қилиб режалаштирилиши мумкин. Бир хонали меҳмонхона номери ётоқ хонаси, эни камида 1,4 м бўлган ва шкаф ўрнатилган йўлак, санитария бўлмаси ва ёзги хона: балкон, лоджия, очиқ айвондан иборат бўлади. Икки хонали номерда ётоқ хонасидан ташқари меҳмонхона, у хонали номерда эса – меҳмонхона ва кабинет ҳам режалаштирилади, бунда йўлакдан фақат меҳмонхонага кириш мумкин бўлади. Олий ва биринчи разрядли меҳмонхоналардаги икки киши учун мўлжалланган 2 хонали ва 3 хонали номерларда ётоқ хонаси ёнида таркибида унитаз ва қўл ювгич ва ванна, қўл ювгич, унитаз, биде мавжуд бўлган иккита санитария бўлмаси лойиҳалаштирилади.

Номерлар ёнида қўшимча хоналар: кўрпа-тўшак сақланадиган хона, навбатчи ходимларнинг хоналари, дазмоллаш хонаси, қаватлар бўйича холлар жойлаштирилади.

Қуйидаги жадвалда меҳмонхона разрядига боғлиқ равишда номерларнинг майдонлари келтирилган, м<sup>2</sup>:

Хоналар/ўринлар сони	Олий А	Олий Б	I	II	III
1 / 1	14	12-14	12-14	12	10
1 / 2	18	14-18	14-18	14	14
2 / 2	24	24	24	24	-
3 / 2	40	40	40	-	-
1 / 3 (оилавий)	-	20-24	20-24	18	18

Меҳмонхона бинолари турар-жой қаватлари учун режавий тузилмаларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- йўлакчи;
- галереяли;
- икки йўлакчи;
- йўлакчи-ҳалқали;
- минорали;
- узелли;
- атриумли.


3. *Овқатланиш хоналари гуруҳи* қуйидагилардан иборат:

- ресторан;
- европа таомлари ресторани – олий разрядли меҳмонхоналар учун;
- миллий таомлар ресторани – олий разрядли меҳмонхоналар учун;
- кафе;
- экспресс-кафе, кафетерий;
- қаватдаги буфет;
- нонушталар зали, “шведча стол”.

4. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш хоналари гуруҳи таркибига қуйидаги савдо хоналари киради: газета ва журналлар, сувенирлар, тамаки маҳсулотлари, парфюмерия, гул, дори-дармон, қандолат маҳсулотлари сотиладиган дўконлар ёки киосклар.

Маиший хизмат кўрсатиш хоналарига қуйидагилар киради:

- саргарошхона;
- спорт анжомларини таъмирлаш хоналари;
- ҳар бир қаватдаги дазмоллаш хоналари;
- пойафзал таъмирлаш устахонаси;
- прокат пунктлари;
- фотолабораториялар;
- тиббий пункт.



### Меҳмонхонадаги тураар-жой ва нотураар-жой хоналар жойлашувининг вариантлари

1 – қўшилган; 2 – қўшилган-бирлаштирилган; 3 – бирлаштирилган;  
4 – павильонли

5. *Туристтик-соғломлаштириш вазифалар учун мўлжалланган хоналар гуруҳи:*

- методик кабинет;
- инструкторлар хонаси;
- прокат ва сақлаш пунктлари;
- реабилитация марказлари;
- тренажёрлар зали;
- психологик зўриқишдан холи қилиш кабинети;
- сузиш бассейни.

6. *Дам олиш ва анжуманлар ўтказилиши билан боғлиқ туризм учун мўлжалланган хоналар гуруҳи:*

- кинозал;
- зал қошидаги ишчи хоналар;
- кутубхона, қироатхонаси билан;
- гардероб, ҳожатхона, касса жойлашган вестибюль;
- бильярдхона;
- видеосалонлар;
- дам олиш учун холл;
- артистлар учун пардозхона.

7. *Маъмурият ва бошқарув* хоналари гуруҳи:

- кабулхона;
- директор, директор ўринбосари, ҳуқуқшунос кабинетлари;
- бухгалтерия, касса ва бош бухгалтер кабинети;
- архив;
- кадрлар бўлими;
- ҳисоблаш техникаси учун хона.

8. *Ёрдамчи ва хўжалик* хоналари гуруҳи:

- алоқа узели;
- катта ходима хонаси;
- кўрпа-тўшак сақланадиган хона;
- омборлар;
- устахоналар.

9. *Коммунал (муҳандислик) таъминот ва вертикал транспорт* учун хоналар гуруҳи:

- қозонхона ёки иссиқлик пункти;
- ҳавони тозалаш тизимлари учун хона;
- ҳаво алмаштириш (вентиляция) камералари – оқимли ва сўриб олувчи;
- сув тортувчи насослар хонаси;
- қозонларнинг бойлерлари жойлашган хона;
- лифтлар;
- лифт машиналари жойлашган хона.

Муҳандислик таъминоти хоналари техник ертўлаларда ва техник чордоқларда, ертўла ва цоколь қаватларда жойлашади.

Юқорида кўрсатилган хоналарнинг мавжудлиги ва уларнинг ўлчамлари меҳмонхона разряди ва лойиҳалаш топшириғига боғлиқ бўлади.

### **6.3. Меҳмонхона биноларининг ҳажмий-режали ечими**

Дунёнинг барча мамлакатларида замонавий меҳмонхона комплекси ёки биносининг муайян стереотипи шаклланган бўлиб, аксарият ҳолларда уларнинг таркибида қуйида санаб ўтилган хоналар тўплами мавжуд бўлади: вестибюль-холл, ресторан, кафе, миждозларга тунда ва кундузи хизмат кўрсатиладиган барлар, буфетлар, мажлислар зали, маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ва қулайлик даражаси бўйича меҳмонхона тоифасига боғлиқ равишда санитария блоклари учун зарур бўлган турли ускуналарга эга турар-жой номерлари. Меҳмонхона хоналари функционал вазифаларига қараб *турар-жой, жамоат ва хизмат-хўжалик* қисмларга бирлаштирилади. Бунда турар-жой ва жамоат қисмлари асосий ҳисобланади. Бу қисмларнинг турлича ўзаро жойлашуви ва ечимлари ҳисобига меҳмонхоналарнинг турлича ҳажмий-фазовий тузилмалари яратилади. Тузилмаларнинг асосийларини кўриб чиқамиз:

- меҳмонхонанинг турар-жой ва жамоат қисмлари битта бинода жойлашган;

- меҳмонхонанинг турар-жой ва жамоат қисмлари турли, лекин ўзаро боғлиқ бўлган корпуслардан жойлашган;

- меҳмонхонанинг турар-жой ва жамоат қисмлари мустақил ва ўзаро боғланмаган биноларда жойлашган.

Биринчи вариант қўлланилганида умумий фойдаланишдаги хоналар пастки қаватларда, турар-жой хоналари эса – юқори қаватларда жойлаштирилади. Пастки қаватлардаги жамоат хоналарининг майдони, одатда, турар-жой қисмининг майдонидан каттароқ бўлиб, юқорисида меҳмонхонанинг турар-жой қисми жойлашган ўзига хос стилобат ҳосил қилади. Қурилиш амалиётида кенг қўлланиладиган бу каби усул иморат майдонини сезиларли даражада қисқартириш имкониятини яратади. Турар-жой ва жамоат

қисмларининг турли корпусларда жойлашувида уларнинг қаватлилиги ва ҳажмий-фазовий ечимлари ўртасидаги фарқланиш юзага келади. Бу каби композицион ечим, лекин қурилиш учун аввалги вариантга қараганда кўпроқ майдон ажратилишини талаб қилади ва қўлланиши учун доим ҳам имконият бўлмаслиги мумкин. Учинчи, яъни павильон кўринишидаги вариант хоналарнинг барча гуруҳлари учун ечимларнинг эркин танланиши учун имконият яратади ва меҳмонхонанинг функционал ва конструктив нуктаи назарда аниқ бўлинишини таъминлайди, лекин бошқа вариантларга қараган анча катта майдон ажратилишини талаб қилади. Шу сабабдан ушбу усулда қуриладиган меҳмонхоналар, асосан, шаҳар ташқарисидаги бўш ҳудудларда жойлаштирилади. Амалиётда меҳмонхоналар ва меҳмонхоналар комплекслари учун ҳажмий-фазовий ечимларнинг турли комбинациялари қўлланилади.

Меҳмонхона корпуслари учун номерлар жойлашуви турлича бўлган йўлаклар (минимал кенглиги – 1,6-1,8 м) мавжуд режавий схемалар қўлланилади:

- *икки томонида номерлари жойлашган битта йўлак*ли турар-жой қаватининг режаси;

- *номерлар йўлакнинг бир томонида жойлашган* турар-жой қаватининг режаси; бу усул номерлар муайян йўналишга қаратилиши лозим бўлган ҳолларда қўлланилади;

- периметр бўйича ёпиқ йўлакка эга бўлган турар-жой қаватининг режаси;

- *иккита йўлак*ли турар-жой қаватининг режаси, бунда йўлаklar ўртасида вертикал коммуникациялар ва табиий ёритилишга эга бўлмаган хизмат хоналари жойлаштирилади; номерлар йўлакларнинг ташқи томонларида жойлаштирилади;

- *марказий қисмида лифтли ёки зина-лифт узели мавжуд* секцияли тузилмага эга бўлган турар-жой қаватининг режаси; ҳар бир секция икки томонида номерлар жойлашган ва периметри бўйича ёпиқ йўлакка эга бўлиши мумкин;



- режавий тузилмаларнинг турлича комбинациялари асосида шаклланган турар-жой қавати.

Режанинг геометрик шакли ҳам турлича бўлиши мумкин :

- *тўғри тўртбурчакли*: қаватлар сони ва узунлиги турлича бўлган меҳмонхона биноларида қўлланилади. Бунда турар-жой қаватларининг йўлакчи ёки галереяли тузилмалари ва вертикал коммуникациялар ҳамда номерларга хизмат кўрсатувчи навбатчи ходимлар учун мўлжалланган хоналар жойлашишининг турлича вариантларидан фойдаланилади; режанинг бу каби шакли асосида пластина ёки параллелолипед шаклидаги ихчам хажмлар яратилади.

- режанинг ихчам шакли (айлана, эллипс, квадрат, учбурчакка ўхшаш) минора туридаги меҳмонхона биноларини қуришда фойдаланилади; вертикал коммуникациялар узели, одатда, бинонинг марказий қисмида жойлаштирилади; қаватлардаги йўлаклар сиқилган; ихчамлиги (компакт бўлгани) туфайли қаватдаги номерлар сони 10 дан 27 тагача чекланади;

- турар-жой қисмининг *мураккаблаштирилган* режаси: режанинг “учбарг”, “хоч”, V-, L-, Z- ва Г-симон шакллари, эгри чизиқ ва еллиптик кўринишидаги композициялар; одатда, номерларгача масофани қисқартириш учун зина-лифт узели бинонинг марказий қисмида жойлаштирилади.

Жамоат хоналарининг мураккаб тизимини гуруҳланиши турли *атриум* бўшлиқлар асосида амалга оширилиши мумкин. Режанинг атриумли шакли битта қаватда жойлаштирилган номерлар сонини ошириш имкониятини беради. Бунда атриумнинг ораёпмалари замонавий фазовий конструкциялардан фойдаланиб, одатда, ёруғ ўтказадиган шаффоф материалларни қўллаган ҳолда бажарилади. Қишки боғ сифатида бир қисми фаол кўкаламзорлаштирилган атриум ҳовли ўрта асрларга хос карвонсарой метаморфозасини эмас, балки композицион-бадий ечимлари ландшафт архитектураси воситалари ёрдамида амалга оширилувчи боғ-патиони эслатади.

#### **6.4. Меҳмонхона биноларининг конструктив ечимлари**

Меҳмонхонанинг турар-жой қисми, одатда, турар-жой биноларига хос бўлган конструктив тизимлар ва параметрлар асосида лойиҳалаштирилади; бинонинг жамоат қисмини конструктив тизими жамоат биноларига хос конструктив параметрлардан фойдаланган ҳолда бажарилади. Турар-жой номерининг конструктив ўлчамлари, одатда, мавжуд конструктив тизимлардан фойдаланишга асосланган лойиҳавий ечимга эга меҳмонхона схемаси учун асосий модуль бўлиб хизмат қилади. Меҳмонхоналарни қуришда қўлланиладиган кўтариб турувчи конструкциялар йирик панелли, каркасли, монолит бетонли, ҳажмли блоклардан, маҳаллий қурилиш материалларидан (ғишт, табиий тош ва ҳк.) бажарилиши мумкин. Бинонинг конструктив схемаси ишлатилаётган қурилиш материалларининг турига мувофиқ бўлиши зарур.

Меҳмонхонанинг ғиштин бинолари, одатда, 9-10 қават баландликда қилиб қурилади. Бундай ҳолатларда, асосан, 4,8; 5,4; 6,0: 6,3 ва ундан каттароқ қадамли *кўндаланг кўтариб турувчи деворлар* қўлланилади. Йирик панелли биноларнинг баландлиги 25 қаватгача бўлиши мумкин, бунда кўндаланг деворлар қадами, одатда, катта бўлмайди, чунки кўндаланг деворлар қадами катта (6,3 ва ундан катта) бўлса, у ҳолда номерлараро товуш изоляциясини бажариш мураккаблашади. Осмон ўпар меҳмонхона бинолари, одатда, монолит вариантларда бажарилиб, бунда *каркасли конструкциялардан* фойдаланилади. Бугунги кунда қурилаётган осмон ўпар биноларнинг аксариятида вентиляция қилинадиган кўп қатламли осма фасадлар қўлланилади. Бинонинг жамоат қисмини қуришда аксарият ҳолларда *каркасли конструкциялар* ишлатилади. Каркасли биноларнинг кўпчилиги – кўп қаватли. Каркас колонналарининг қадами 4,8 дан 7,2 метргача қилиб, ҳар 60 см дан кейинги градацияда қабул қилинади. Ҳозирги кунда *каркассиз, монолит бетон конструкцияли* биноларни қуриш кенг тарқалиб, ривожланиб бормоқда. Бу каби бинолар конструктив турига қараб *монолит* ва *йиғма-монолит* конструкцияларга ажратилади: йиғма-монолит конструкцияларда ички кўтариб турувчи деворлар монолит қилиб, ташқи деворлар ва ораёпмалар эса – турли вариантларда бажарилади; монолит конструкцияларда барча деворлар ва ораёпмалар – монолит темир бетондан

базарилади. Ташқи деворлар ўрнида йиғма бетон панеллар, ёғоч каркасли асбоцемент панеллар, виброғиштли панеллар ёки донали материаллар (ғишт ва табиий тош), витражлар (пўлат, алюминий, ёғоч ёки бошқа боғланишлар билан) қўлланиши мумкин. Монолит иморат бунёд этишнинг каркассиз тизимлари кўп қаватли меҳмонхона бинолари қурилишида қўлланилади. Бундай тизим мураккаб геологик шароитларда рационал моноблок бинолар қуриш имкониятини беради. Меъморий-фазовий ечимларнинг кенг имкониятлари ораёпмаларни қаттиқлик ядролари бўйича кўтаришда қўл келади ва ораёпмаларни режадаги кўринишини ўзгартиришга, меҳмонхона биносининг турар-жой қисмидаги жамоат хоналари жойлаштирилиши бўйича ечимларни осон ҳал қилишга ёрдам беради. Бунда умумий фойдаланишдаги хоналар биносининг исталган қаватида жойлаштирилиши мумкин бўлиб, бу мақсадда қаватларнинг энг мақбуллари танланади. Ҳажмли блоклардан қурилган меҳмонхоналарнинг ҳам вариантлари мавжуд бўлсада, аксарият ҳолларда, турли конструктив ечимларнинг афзал жиҳатларини мужассамлаштирган комбинацияланган лойиҳалар бўйича меҳмонхона биноларини қуриш кенг тарқалгани. Бунда металл ва йиғма темир-бетон, монолит ва йиғма монолит, каркасли тизим ва схемалар, қаттиқлик ядролари ёки қирраларининг енгил блоклар билан бирга, соябонсимон тузилмалар ва ораёпмаларнинг вантали осмалар билан бирга қўлланилишини учратиш мумкин.








## **7-БОБ. БАНК БИНОЛАРИ ВА КОМПЛЕКСЛАРИ**

### **7.1. Банк бинолари шаклланишининг тарихий шарт-шароитлари**

Банк биносининг типологик шаклланиши банк иши риволанишидаги асрлар давомида рўй берган тарихий ўзгаришларга тўғридан-тўғри боғлиқдир. Маълумки, банклар пайдо бўлишига қадимдан мавжуд бўлиб келган пул-товар муносабатлар сабаб бўлган. Антик ва феодал даврларда банк – тўловларни амалга оширишда воситачи, пулни алмаштириш, яъни саррофлик функцияларини бажарган. У даврнинг типологик банки – сарроф растаси ёки

дўкони (итал. *Banko* – дўкон, раста). Бобил ва Юнонистонда банк операциялари билан коҳинлар корпорацияси шуғулланган, пул сақлашнинг энг ишончли жойи сифатида ибодатхоналардан фойдаланилган, яъни банк функцияларини ибодатхоналар бажарган. Маълумки, Дельфадаги Апполон, Эфесдаги Артемида ибодатхоналарида, шунингдек Афинадаги бир нечта йирик ибодатхоналарида омонат қабул қилиш ва қарз бериш ишлари юритилган. Шундай қилиб, банк биноси бошқа функционал вазифалар учун мўлжалланган жамоат бинолари асосида шаклланган ва банк қурилишидаги архитектурага уларнинг таъсири кучли бўлган.

Қадимги банк иши Рим империяси емирилишидан кейин батамом тугатилган, лекин, таъкидлаш зарурки, айнан Рим империяси даврида бу фаолият ўзининг энг юксак чўққисига кўтарилган эди. Ўрта асрларда банк ишининг ижтимоий ўзгаришларга бўлган реакцияси кучайиб боришини кузатиш мумкин эди. Бу каби муносабатлар йиллар ўтиб янада ривожланди ва ҳозирги кунларга қадар сақланиб келмоқда. Ҳар бир асрлар алмашинуви, ҳар бир ўзгаришлар даври банкларга бўлган эҳтиёжни аввалига кескин ошириб юборган, кейин эса кучли пасайиш рўй берган. Ўрта асрларда банк иши яна ривожалана бошлади, банкларга бўлган эҳтиёж яна кучайиб кетди. Нафақат хусусий банклар кўпайди, балки шаҳар маъмурияти назорати остида фаолият кўрсатадиган банклар ҳам пайдо бўла бошлади. Бу банклар капитализм даврида акционерлик корхоналар шаклидаги банкирлик фирмаларига айланди. Бу даврда банк биноси маъмурий биноларга бўлган типологик талабларга жавоб берувчи биноларга айланди. Айнан ўша даврда банк пул маблағларини сақлаш, кредит бериш, пул билан боғлиқ ҳисоб-китобларни амалга ошириш, векселлар ҳисобини юритиш, пул ва қимматли қоғозлар эмиссияси, олтин ва хорижий валюта билан боғлиқ операциялар каби функциялар билан шуғулланувчи муассаса сифатида тўлиқ шаклланди. Ниҳоят, аниқ функционал вазифага эга бўлган янги турдаги жамоат биносига – банк биносига бўлган эҳтиёж пайдо бўлди. Универсал турдаги тижорат банки эса, ўша даврда Европадаги банкларнинг асосий тури сифатида эътироф этилган.



### **Люксембургдаги банк биноси, архит. Р.Мейер, 1989-1993**

Банк биноси жамоат биносининг алоҳида тури сифатида XIX асрнинг иккинчи ярмида шаклланди. Бу даврга келиб банк биносининг асосий функционал блоклари аниқланди :

- операциялар блоки;
- ҳисоб-китоб-касса блоки;
- қимматбаҳо буюмлар ва пул сақлаш блоки;
- қўриқлаш блоки;
- контора хоналари блоки.

Шунингдек, банк биносининг типологик аломати, яъни унинг очик ва ёпиқ бир бутун икки функцияси ҳам белгиланди. Таъкидлаш лозимки, мана шу хусусият, одатда, банк биносининг ҳажмий-режали ечимида алоҳида аҳамият

касб этади. Бир томондан, банк биноси ўзининг ташқи кўриниши билан имкон қадар кўп мижозларни жалб қила билиши керак бўлса, иккинчи томондан эса, қимматбаҳо буюмлар ва пул сақланадиган муассаса сифатида жуда мустаҳкам ва ишончли, бегоналар киришига йўл қўймайдиган бинога эга бўлиши лозим. Функционал блокларнинг ҳар бири аниқ тарихий ва иқтисодий хусусиятларга боғлиқ равишда ривожланган ва такомиллашиб борган. Банк бинолари қурилишининг қуйидаги асосий босқичлари XX аср учун хосдир:


- Биринчи Жаҳон урушидан сўнг Ғарбий Европа мамлакатларида банк биноларига бўлган талаб сезиларли даражада ортиши;

- 1930-йилларда, иқтисодий инқироздан кейин, АҚШ ва Канадада банк биноларига бўлган талабнинг кучайиши;



- Иккинчи Жаҳон урушидан кейин халқ демократияси мамлакатларида банк биноларига бўлган эҳтиёжнинг ортиши;

- 1960-йилларда колониализм тизимнинг тугатилиши Ғарбий Европада банк биноларига бўлган талабнинг ўзгариши;

- 1980-йилларнинг охири ва 1990-йиллар бошида мамлакатда рўй берган ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар натижасида банк биноларига бўлган эҳтиёжнинг кескин ортиши.




2



1

3



4

## Германиядаги юқори қаватли банк бинолари

1-Франкфуртдаги Майна тижорат банки, арх. Н.Фостер, 1997; 2- Ганновердаги Шимолий германия банки, арх. Бенниш, 2002; 3- Дрезден банки, арх. АВВ бюроси, 1994; 4- Немес банки, арх. АВВ бюроси, 1995;

## 7.2. Банк биноларининг классификацияси

Банк биноларининг классификацияси, биринчи навбатда, банк тури ва унингшаҳар тузилмасидаги жойи билан белгиланади.

Турига қараб банклар қуйидагича тоифаланиди:

*Функциялари ва бажариладиган операциялар бўйича:*

- марказий;
- тижорат банклари;
- омонат банклари;
- махсус банклар;

*Мулкчилик шакли бўйича:*

- давлат банклари;
- акционерлик банклари;
- акционерлар иштирокисиз ташкил этилган банклар;
- кооператив банклар.

*Бошқарув даражаси бўйича:*

- маҳаллий;
- шаҳар банклари;
- туман банклари;

*Ходимлар ва операция жойлар сони бўйича:*

- кичик;
- ўрта;
- йирик;
- ўта йирик.

*Шаҳар тузилмасидаги ўрни бўйича:*



- шаҳар марказида – банкнинг ҳудудий бошқармаси (штаб-квартира);
- шаҳар туманида – банк бўлими – банк агентлиги;
- микротуманда, қишлоқ жойда – банк филиали.

### **7.3. Банк бинолари ер участкалари**

Банк бинолари учун ер участкаларининг майдони ходимлар сонига боғлиқ ҳолда 0,4-0,6 гектар қилиб қабул қилинади. Банк ҳудуди баландлиги 2,5 м бўлган тўсиқ билан ўралиши зарур. Участкада ходимлар ва мижозларнинг



автомашиналари учун тўхташ жойи кўздатутилиши лозим (100 та иш жой учун 20 тўхташ жойи, хар бир операцион жой учун 5 та тўхташ жойи). Участкага инкассаторлар машинаси кириши учун қулай кириш йўли ташкил этилган бўлиши керак .



**Нижний Новгород шаҳридаги “Гарантия” банкнинг биноси, Россия, архитекторлар Е.Пестов, А.Харитонов, Н.Пестова, 1999**

#### **7.4. Ҳажмий-режали ечим**

Банк биносидаги қават баландлиги – 3,3 м (осма шифтлар учун – 2,8 м, осма шипнинг пастки қисмигача).

Банк хоналари кириш зоналари бўйича қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1-гуруҳ – мижозлар ва банк ходимлари кириши мумкин бўлган хоналар;

2-гуруҳ – банк ходимлари кириши мумкин бўлган хоналар;

3-гуруҳ – банк ходимларининг чекланган контингенти кириши мумкин бўлган хоналар.

1-гуруҳга мижозлар учун мўлжалланган хоналар киради: ахборот-маълумотнома, операцион ва касса заллари, кредит бўлими, аҳолидан омонат қабул қилиш бўлими, банк раҳбарияти бўлими.

2-гуруҳга бошқа бўлимларнинг хоналари, банкка тегишли ахборотни ишлаш ва сақлаш билан боғлиқ бўлган хоналар ва алоқа аппаратураси учун хоналар киради.

3-гуруҳга – касса, қўриқлаш блоки ва хавфсизлик хизмати хоналари киради.

Бу гуруҳларни бир-биридан режали ва конструктив тарзда, бузишга қарши муайян даражадаги мустаҳамликка эга деворлар билан ажратиш лозим.

### **7.5. Банк биносининг функционал блоклари**

Банк биноси нормал фаолият юритиши учун унинг таркибида қуйидаги *функционал блоklar* бўлиши лозим:

- ҳисоб юритиш-операциялар блоки;
- касса блоки;
- қўриқлаш блоки;
- офис хоналари блоки;
- ҳисоблаш маркази;
- ёрдамчи хоналар.

Банк бинолари учун турли функционал, режавий ва типологик схемалар мавжуд. Уларнинг ҳар бирида бир томондан – мижоз учун, иккинчи томондан эса – банк ходими учун яратилган энг қулай шароитлар асос бўлиб хизмат қилади

*1. Ҳисоб юритиш-операциялар блоки таркибига қуйидагилар киради:*

- ахборот-маълумотнома зали;
- операциялар зали;
- бухгалтерия хонаси;
- операциялар зали қошидаги электрон-ҳисоблаш техникаси учун хона.

*Ахборот-маълумотнома зали* банк биносида вестибюль функциясини бажаради, унингвазифаси – банк биносида мижозларни саралашдан иборат, бу ерда турли визуал ахборот ва чақирувчи табло жойлаштрилади. Банкнинг асосий хонаси, яъни операциялар залибаръервоситасида майдони деярли бир хил бўлган икки: *мижозлар зонаси* ва *ҳисоб юритиш-операцион ходимлар зонасига* ажратилади. Операциялар залининг майдони баръер ёнидаги ходимлар зонасида жойлашадиган битта ҳисоб юритиш-операцион ходимга 12 м<sup>2</sup>дан тўғри келадиган қилиб белгиланади. Баръер полдан 115 см баландликдаги горизонтал панелга эга бўлиши лозим. Операциялар зали, одатда, жисмоний ва юридик шахслар учун алоҳида қилиб лойиҳаштирилади. Ҳисоб юритиш-операциялар хоналарининг майдони бир ходим учун 6 м<sup>2</sup> тўғри келадиган қилиб қабул қилинади. Операциялар блоки қошида ҳисоблаш техникаси учун алоҳида хоналар лойиҳалаштирилади.

*2. Касса блоки таркибига қуйидагилар киради:*

- касса зали;
- касса узели.

*Касса зали* мижозлар зонаси ва *мижозлар пулни қайта ҳисоблаши* учун мўлжалланган зонага бўлинади. Функционал вазифаларига кўра касса узели такрибига кирувчи *касса кабиналари (операцион кассалар)*нинг fronti мижозлар зонасига қаратилади. Мижозлар зонасининг майдони битта операцион касса учун 12 м<sup>2</sup> дан қилиб, мижозлар пулни қайта ҳисоблаши учун мўлжалланган зоналар майдони эса – битта операцион касса учун 4 м<sup>2</sup> дан қилиб қабул қилинади.

*Касса узели* таркибига қуйидагилар киради:

- операцион кассалар;

- кассирларнинг хоналари;
- қимматбаҳо буюмлар сақланадиган блок;
- инкассация хоналари.

*Операцион кассаларнинг* майдони, одатда, 6 м<sup>2</sup> га тенг қилиб лойиҳалаштирилади. Операцион касса кабинасининг эшиги кенглиги 1400 мм дан кам бўлмаган касса орти майдонига чиқиши керак. Ҳар бир касса ёнида *мижоз пулни қайта санаши учун хона* кўзда тутилган бўлиши зарур.

Қимматбаҳо буюмлар сақланадиган блок қуйидагилардан иборат:

- қимматбаҳо буюмлар сақланадиган хона (омбор);
- индивидуал сейфлар жойлашган хона.

Қимматбаҳо буюмлар сақланадиган хонанинг тўсувчи конструкциялар (деворлари, поли ва шипи) қобиғи қалинлиги 300 мм дан кам бўлмаган яхлит фибробетондан бажарилиши лозим. Бунда ёндош хоналар ўртасидаги деворлар ва ушбу қобиқ оралиғида омбор олди хонасидан кўриш мумкин бўлган эни 800 мм дан кам бўлмаган *кўрик йўлаги* бўлиши лозим. Қобиқнинг юқори юзаси ва ораёпма ўртасида 250 мм дан кам бўлмаган зазор (оралиқ) қолдирилиши лозим. Инкассация машиналарини *юклаш-тушириш боксининг* ўлчамлари – 10х6х3,5 м. Бевосита бокс ёнида қимматбаҳо буюмларни инкассация машиналаридан ушбу буюмлар сақланадиган омборга тушириш-юклаш хонаси жойлаштирилади. Касса узелининг барча хоналари жуда ихчам (компакт) ва бошқа хоналардан функционал ажратилган бўлиши лозим, бунда касса узели хоналарнинг қуйидагича ўзаро боғлиқлиги таъминланиши керак:

- қимматбаҳо буюмлар олиб келинганида касса узелига кириш инкассация машиналарини юклаш-тушириш боксида амалга оширилиши лозим;

- боксдан кириш инкассация машиналаридан қимматбаҳо буюмларни қайта юклаш хонасида бажарилиши ва бу хона қимматбаҳо буюмлар омбори билан боғланган бўлиши шарт;

- қимматбаҳо буюмлар сақланадиган омборга кириш фақат омбор олди хонасидан амалга оширилиши керак;

- пул маблағларини қайта санаш хонаси омбор олди хонаси ва операцион кассалар билан яқиндан боғланган бўлиши лозим.

*3. Қўриқлаш блоки таркибига қуйидагилар киради:*

- назорат маркази хонаси;
- қўриқчилар хонаси;
- қурол ўқлаш ва тозалаш хонаси;
- қурол сақланадиган хона.

*4. Офис хоналари блоки таркибига бўлимлар ва банк раҳбарияти учун мўлжалланган хоналар киради.*

Тажриба шуни кўрсатаптики мамлакатимиздаги офислар – ихтиёрий режалаштирилган америкача офис-парк ёки йўлакчи схема бўйича ташкил этилган анаъанавий европача офислар эмас, балки хоналари анфилада тизимида ўзаро бирлаштирилган, яъни маълум даражада бир-биридан ажратилиб қуришга асосланган офислардир:

а) бўлимлардаги хоналар:

- кредит бўлими;
- аҳолидан омонат қабул қилиш бўлими;
- юридик бўлим;
- қимматли қоғозлар бўлими;
- аудит бўлими;
- валюта бўлими;
- карточкалар билан ишлаш бўлими;
- иқтисодий бўлим;
- хўжалик бўлими;
- пенсия бўлими.


Б) банк раҳбарияти хоналари:

- қабулхона;
- банк бошқарувчисининг кабинети;
- унинг ўринбосарлари кабинетлари.

*5. Ёрдамчи хоналар:*


- архив;
- бланклар сақланадиган хона;
- хизмат кўрсатувчи ходимлар хонаси;
- дам олиш хонаси;
- хўжалик анжомлари сақланадиган омборлар;
- санитария блоклари;
- техник ва муҳандислик хоналари.

Ёрдамчи хоналар ҳар бир блок қошида танланган режалаштириш схемасига боғлиқ равишда жойлаштирилади. Банк биносининг бадий образи ижтимоий омиллар, банк жойлашган ҳудуддаги мавжуд шаҳарсозлик вазияти, ҳажмли-фазовий ва конструктив ечимларга боғлиқ ҳолда шакллантирилади. Мамлакатимиздаги замонавий банк қурилишида банк биноси ташқи кўринишининг иккита йўналишини кузатиш мумкин: анъанавий, тарихий меросга мурожаат қилиш ва муайян меъморий услуб аломатлари бўлмаган рационал йўналиш, яъни банк офис ёки бизнес-марказ сифатида қабул қилинади. Одатда, биринчи йўналиш қўлланилганида салобатли ва ҳашамдор қиёфага эга биногавдаланади, иккинчи йўналишда эса – соддароқ, халқ оммасига яқинроқ бўлган банк бинолари тасаввур қилинади.



**Универсал типдаги банк хоналарининг функционал зоналаштириши схемаси:**

А – операциончилар зонаси; Б – mijozлар зонаси; 1 – ахборот-маълумотнома зали; 2 – операциялар зали; 3 – касса зали; 4 – операцион кассалар; 5 – mijozлар пулни қайта ҳисоблаши учун мўлжалланган кабиналар; 6 – касса ортидаги майдон; 7 – омбор олди хонаси №1; 8 – қимматбаҳо буюмлар сақланадиган омбор; 9 – омбор олди хонаси №2; 10 – индивидуал сейфлар омбори; 11 – пулларни қайта юклаш хонаси; 12 – пулларни қайта ҳисоблаш хонаси; 13 – пулларни қабул қилиш-топшириш хонаси; 14 – Инкассация машиналарини юклаш-тушириш бокси; 15 – кассир хонаси; 16 – инкассатор хонаси; 17 – кўриқчилар хонаси; 18 – қурол сақланадиган хона; 19 – қурол ўқлаш ва тозалаш хонаси; 20 – офислар.



**Қимматбаҳо буюмларни сақлаш блоки:**

1 – омбор олди хонаси; 2 – қимматбаҳо буюмлар сақланадиган омбор



## 8-БОБ. СПОРТ ИНШООТЛАРИ

### 8.1. Спорт иншоотларининг классификацияси

Спорт иншоотлари қуйидаги турларга бўлинади:

- очик ва ёпик;
- ёзги ва қишки;
- ҳажмли ва ясси;
- универсал ва ихтисослаштирилган.

*Асосий вазифасига кўра:*

- ўқув машғулоти ва машқлар учун;
- намоёишлар учун;
- жисмоний тарбия-соғломлаштириш учун;
- болалар спорти учун ихтисослаштирилган иншоотларига ажратилади.

Шаҳарсозлик аломати бўйича аҳоли яшайдиган ҳудудда аҳолига хизмат кўрсатишнинг босқичма-босқич принципига мувофиқ спорт иншоотлари *умумшаҳар, туманлараро, микротуман иншоотларига* ажратилади. Ундан ташқари, саноат, шаҳар атрофи ва кўкаламзорлаштирилган зоналардаги спорт иншоотлари ҳам бўлиши мумкин.

Текис *очик* спорт иншоотлари қаторига қуйидагилар киради:

- спорт иншоотининг марказий ядроси (асоси);
- стадион;
- спорт ўйинлари учун майдончалар:
- бадминтон учун 15x8 м;
- баскетбол учун 28x16 м;
- волейбол учун 24x15 м;
- городки учун 30x15 м;
- теннис учун 40x20 м;
- енгил атлетика ва конькида югуриш учун йўлакчалар.



*Спорт иншоотининг марказий ядроси* – атрофи енгил атлетика йўлакчаси билан ўралган спорт ўйинлари учун майдон. Югуриш йўлакчаси секторларида

ёки унинг тўғри участкаларининг ташқи периметридан ташқарида сакраш ва спорт снарядларини улоқтириш секторлари жойлаштирилади.


*Стадион* – ўқув машғулотлари, машқлар ва спорт мусобақаларини ўтказиш каби мураккаб функцияларга эга спорт комплекси; унинг таркибига қуйидагилар киради: томошабинлар учун ўринлари бўлган спорт ядроси, спорт ўйинлари учун майдончалар, ҳар хил спорт турлари учун ёрдамчи ҳудудлар ва хоналарга эга очик ва ёпик спорт иншоотлари. Очик спорт иншоотларини лойиҳалашда спорт ядроси ва стадиони майдони, шунингдек спорт ўйинлари учун мўлжалланган майдончаларнинг бўйлама ўқи жанубдан шимолга йўналтирилишига қатъий риоя қилиш зарур.

*Ёпик спорт иншоотлари:*


- спорт заллари (томошабинлар учун ўринларсиз) ва спорт корпуслари;
- ёпик теннис кортлари;
- ёпик бассейнлар;
- яхмалаклар;
- спорт саройлари;
- ёпик стадионлар;
- тирлар.






Ниж  
ний  
Новг  
ород  
шахр  
идаги  
(Росс  
ия)  
“Дин  
амо”  
стади



они Ўқув-методик маркази, архитекторлар  
А.Харитонов, Е.Пестов, А.Гельфонд,  
констр. Н.Лепорская, 1990.



2-қават режаси.



## **Спорт ядроси:**

1 – футбол майдони; 2 – узунлиги 400 метрга тенг енгил атлетика югуриш йўлкаси; 3 – узунлиги 100 метрга тенг енгил атлетика югуриш йўлкаси; 4 – ядро, босқон, диск ва найза улоқтириш учун енгил атлетика сектори; 5 – баландликка сакраш сектори; 6 – узунликка ва лангар билан баландликка сакраш сектори; 7 – конькида югуриш учун узунлиги 400 метрга тенг музлик йўлак.

## **8.2. Ёпиқ спорт иншоотларининг ҳажмий-режали ечими**

Спорт иншоотлари таркибига хоналарнинг учта гуруҳи киради:

- спортчилар учун хоналар;
- томошабинлар учун хоналар;
- ёрдамчи хоналар.

Спорт залларини иккинчи қаватдан баландроқда жойлаштираш мақсадга мувофиқдир. Биринчи қаватда, одатда, оғир атлетика, енгил атлетика, футбол, спорт гимнастикаси заллари жойлашади. Пол юзаси силлиқ, горизонтал ва сирғанчиқмас бўлиши лозим. Тўп билан ўйналадиган спорт ўйинлари учун мўлжалланган залларда деразалар ва чироқларни тўп зарбасидан шикастланишини олдини олувчи мустаҳкам конструкциялар кўзда тутилиши зарур. Ушбу конструкцияларнинг полдан 1,8 метр баландликкача бўлган қисмида туртиб чиққан жойлар ва ботиқликлар, дераза ўринлари ва ўйиқлари бўлмаслиги керак. Спорт залининг спорт ускуналари олиб кириладиган эшиклари, шунингдек ускуналар сақланадиган инвентарь хоналарига ўтиш йўллари эни 1,8 метрдан кам бўлмаслиги лозим. Инвентарь хоналарига ўтиш йўллари тўлдирмасликка йўл қўйилади. Енгил атлетика ёки футбол бўйича ўқув-машқ машғулотларини ўтказиш учун мўлжалланган заллар қошида, шунингдек битта бинода учта ва ундан ортиқ бошқа вазифалар учун мўлжалланган спорт заллари мавжуд бўлганида яқка тартибда жисмоний машғулотлар билан шуғулланиш учун 12х6х4 м ўлчамли умумий хона кўзда тутилиши зарур.

Спортнинг ҳар хил турлари учун спорт залларининг параметрлари қуйидаги жадвал бўйича қабул қилиш тавсия этилади.

Спорт тури	Узунлиги, м	Эни, м	Баландлиги, м
Акробатика	36	18	6
Бадминтон	15	8	7
Баскетбол	28	16	7
Бокс (ринг ўлчамлари бхб)	18	12	4
Оғир атлетика	18	9	4
Теннис	36	18	8
Кураш	24	14	4
Қиличбозлик	22	14	4
Волейбол	24	15	8
Бадий гимнастика	22	15	7

Таъкидлаш зарурки, спорт залининг баландлиги туртиб чиққан конструкцияларнинг энг пастки қисмигача меъёрланади.

Спортчилар учун ечиниш-кийиниш хоналари спорт заллари билан бевосита ёки йўлак орқали боғланган бўлиши зарур.

Спорт зали қошидаги ечиниш-кийиниш блоки таркибига қуйидагилар киради:

- кийим алмаштириш хонаси – бир спортчи учун 2 м<sup>2</sup>;
- кийимларни сақлаш учун гардероб – бир спортчи учун 0,7-0,78 м<sup>2</sup>;
- душхоналар – 7 та спортчи учун битта душ;
- санитария блоклари – бир сменада шуғулланувчи 30 та аёл учун битта унитаз; бир сменада шуғулланувчи 50 та эркак учун 1 та унитаз ва 1 та писсуар;
- тамбур-шлюз, оёқ ваннаси билан – бир сменада шуғулланувчи 20 спортчи учун 1 та ванна, битта ванна ўлчамлари 1x0,85 м<sup>2</sup>.

Душхоналар бевосита ечиниш-кийиниш хоналари билан, мураббийлар душхоналари эса – мураббийлар хонаси билан боғланиши лозим.

Инструкторлар ва мураббийлар хоналари бир ўрин учун 2,5 м<sup>2</sup> ҳисобидан лойиҳаштирилади, лекин бу хоналарнинг майдони 9 м<sup>2</sup> дан кам бўлмаслиги керак.

Спорт корпус таркибида битта ёки бир нечта зал, ёрдамчи хоналар, баъзида эса бассейн бўлиши мумкин.

Ёпиқ бассейнлар таркибига қуйидагилар киради:

- сузиш учун ҳовузлар, ўлчамлари:

50x24x1,8-2,3 м;

25x24x1,2-1,8 м;

- ечиниш-кийиниш хонаси, душхоналари ва санитария блоклари билан;

- мураббийлар хоналари, душхона ва санитария блоклари билан;

- техник хоналар.

Ёпиқ ва очик бассейнлар ҳовузлирининг периметрлари бўйича кенглиги 1,5-2,0 метрдан кам бўлмаган йўлакча кўзда тутилиши лозим. Бу йўлакчанинг трамплинлар ва сакраш миноралари жойлашган ердаги кенглиги, ушбу қурилмалар ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда, 4 метрдан кам бўлмаган қилиб белгиланади. Бассейнда шуғулланувчилар учун душхоналар ўтиш йўлларида жойлаштирилиши зарур, санитария узеллари ечиниш-кийиниш хоналари билан бевосита боғланиши ва шундай жойлаштирилиши керакки, душхоналардан ўтмасдан туриб, ҳовузларга ўтиш мумкин бўлмаслиги лозим. Сунъий муз билан қопланган яхмалаклар ва конькида югуриш йўлаклари таркибига музли юза ҳосил қилиш учун зарур бўлган барча муҳандислик ва техник хоналар мажмуаси (фреонли қурилмалари учун компрессор хоналари, сувни ёмғир канализациясига чиқариб ташлаш каналлари ва ҳк.) кириши лозим. Иссиқлик ўтказадиган материаллардан тайёрланган қувурлар билан яхлит тарзда бажарилган совитувчи плита конструкциясини ҳисоблашда муз ҳолатини парвариш қилувчи машиналардан тушадиган вақтинча юкламалар ҳисобга олинishi зарур.

Ёпиқ яхмалаклар заллари спорт залларига қўйилган талабларга тўлиқ жавоб бериши лозим. Очик яхмалакларда қуйидагилар кўзда тутилиши керак:

исиниш учун вестибюль, кийим алмаштириш кабиналари – исиниш ва дам олиш жойлари, прокат хоналари, қуритиш хоналари, ўқув синфлари, маъмурият хоналари.

### **8.3. Иншоотларда ва томошабинлар учун қурилмалардаги ёнғин хавфсизлиги бўйича талаблар**

Мусобақаларни томошабинлар иштирокида ўтказишга мўлжалланган иншоотларда трибуналар – томошабинлар ўтирадиган жойлар бўлиши кўзда тутилади. Трибуналар қиялиги – 1:1,5 дан ортиқ бўлмаслиги керак. Агар бинода томошабинлар эвакуацияси учун қўшимча хавфсизлик шароитлари кўзда тутилган бўлса, трибуналарни 1:1,25 қияликда лойиҳалаштиришга йўл қўйилади. Томошабинлар ўтирадиган ўринлар кўндаланг ўтиш йўллари билан ажратилиши лозим.

Трибунанинг бир қаторидаги ўринлар сони:

- икки томондан тўлдирилганида – 50 тадан кўп эмас;
- бир томондан тўлдирилганида – 25 тадан кўп эмас.

Томошабинларнинг трибуналардан эвакуация қилиниши бир хил қадамда жойлаштирилган люклар орқали амалга оширилиши зарур. Эвакуация чиқиш йўллари кенглиги спорт залларидаги чиқиш йўллари кенглигининг йиғиндисидан кам бўлмаслиги лозим.

Эвакуация йўлининг кенглиги:

- горизонтал ўтиш йўллари, пандус ва зинапоялар учун – 1 метрдан;
- ёпиқ спорт иншоотларидаги эшиклар ва люклар учун – 1,2 метрдан;
- очик спорт иншоотларидаги люклар учун – 1,5 метрдан кам бўлмаслиги зарур.

Энг узокда жойлашган томошабин ўрнидан чиқишгача бўлган максимал эвакуацион масофа – 32 метр.

Томошабинларни эвакуация қилиш йўллари кенглиги ер участкасидаги кенглиги 500 томошабинга 1 метр ҳисобидан қабул қилиниши керак.



## 9-БОБ. ТОМОШАЛАР КЎРСАТИШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН БИНОЛАР

Маълумки, санъат ва маданиятнинг жамият ҳаётидаги роли беқиёс ва айнан шу жиҳат меъморий лойиҳаларни яратишда маданий ҳордиқ чиқариш ва оммавий томошаларни намоёиш этиш учун мўлжалланган бинолар, муассасалар ва мажмуалар доимо алоҳида ўринга эга бўлганини шартлаб беради. Турли даврларда иншоотларнинг турли шакллари ва кўринишлари – қадимги ибодатхоналар ва императорларнинг саройлари, ижодий устахоналар ва академиялар, хусусий коллекциялар ва турфа йўналишли кўргазмалар, театр, концерт заллари, очиқ ареналар ва, ниҳоят, шаҳар ёки қишлоқ муҳити ва табиий ландшафтининг оддий элементлари – санъат марказлари вазифасини бажариб келганлар. Санъатнинг кундалик фаолиятини таъминлаш билан бир қаторда, санъатда янги йўللар, услублар ва йўналишларни излаш, уларни тарғиб қилиш ва синтетик умумлаштириш асосида ўзаро бойитиш имкониятлари санъат марказлари ривожланишининг энг муҳим жиҳатларидан бири сифатида эътироф этилади. Бугунги кунда, яъни маданий ҳаёт серқирра ва кўп йўналишларга эга бўлган ҳамда ўзининг доимий изланишлари ва нобарқарорлик ҳолати билан ажралиб турувчи даврда санъат марказларининг барча турлари, шу жумладан комплексли шакл ва кўринишларининг мавжуд бўлиши ўта долзарб ҳисобланади. Уларни яратиш ва келгусида ривожлантиришга фақат ўтмиш ва ҳозирги давр тажрибасини ўрганиш, англаб етиш ва тизимлаштириш йўли орқали эришиш мумкин.



Томоша кўрсатувчи иншоотлар қаторига кинотеатрлар, концерт заллари, клублар театрлар, цирк, музей ва кўргазмалар киради. Томоша кўрсатишга мўлжалланган биноларнинг турли меъморий-режали ечимлари бўлсада, уларни ягона композицион асос – бино ядросида бош залнинг мавжудлиги – бирлаштиради. Бу турдаги биноларнинг аҳамияти ва мавқеи меъморий образни нафақат тасаввурнинг муайян шакли, балки шаҳарсозлик масалаларини ечимини топиш учун зарур бўлган объектнинг ноёблигини белгилашдек ўта муҳим жиҳатга узвий боғлиқ эканлигини шартлаб беради.

Томоша кўрсатишга мўлжалланган бинолар учун ер участкасини танлашда хоналарда зарур акустик шароитларни таъминлашни мураккаблаштирувчи шовқинли ва вибрацион фонларимавжуд ҳудудларни истисно қилиш лозим. Томоша кўрсатишга мўлжалланган бинолар учун ер участкаларининг майдонлари тасдиқланган меъёрларга мувофиқ белгиланади: кинотеатрлар учун – залдаги битта ўрин учун 5 м<sup>2</sup>, концерт заллари ва цирklar учун – сифмига боғлиқ ҳолда 0,7-1,5 гектар, театр бинолари учун – 1,2-1,7 гектар. Томоша биносининг бош кириш эшиги олдида майдоннинг, шунингдек юк тушириш майдончалари ва хўжалик ҳовлисининг мавжудлиги ер участкасининг режавий ташкил этилишидаги ўзига хос хусусият ҳисобланади.




Юқорида санаб ўтилган томошалар кўрсатишга мўлжалланган биноларнинг ҳар бир турини лойиҳалаштиришда ҳажмий-режали, функционал ечимларни, ва шу билан бирга, бадийликни таъминлашга қаратилган асосий вазифа ҳисобланувчи томошабинлар комплекси ва қолган хоналарнинг оқилона ва энг мақбул мужассамлигининг танлашдан иборатдир. Масалан, кинотеатр хоналари учта гуруҳга бўлинади:

- томошабинлар комплекси;
- киноаппаратлар хонаси;
- хизмат-хўжалик хоналари.

Театрларнинг хоналари томошабинлар ва сахна қисмларидан, цирklarники – томошабинлар ва ишлаб чиқариш хоналаридан, клублардаги хоналар эса – томошабинлар ва клуб фаолиятини юритиш билан боғлиқ хоналар гуруҳидан иборат. Томоша кўрсатишга мўлжалланган биноларнинг ҳар бир тури учун хос бўлган хусусиятлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.



Москвадаги (Россия) Халқаро мусиқа  
уйи, архитекторлар Ю.Гнедовский,  
В.Красильникова, Д.Солопов,  
М.Гаврилова, С.Гнедовский,  
2000-2002



## 9.1. Кинотеатр бинолари

Кинотеатрлар *йил бўйи фаолият кўрсатувчи* (битта залли, кўп залли) ва *мавсумий* (ёзги очик ва ёзги ёпиқ) бўлиши мумкин.

Кинотеатрнинг асосий хонаси – томошабинларга фильм кўриш учун қулай шароитларни таъминлаб берувчи томоша залидир. Залнинг шакли – тўғри тўртбурчакли, трапециясимон ёки ярим айлана. Кинотеатрлар таркибида кафе ва клуб фаолиятини юритиш ҳамда болалар билан ишлаш учун мўлжалланган универсал заллар мавжуд бўлган комплекс шаклида ҳам лойиҳалаштирилиши мумкин. Бугунги кунда, яъни кинога бўлган қизиқишнинг янгича кўриниши қайд этилаётган даврда, кинотеатр бинолари худди бошқа жамоат бинолари каби, биринчи навбатда, юқори даражада *технологик жиҳозланганлик* ва *универсаллик* каби хусусиятларга эга бўлиши лозим. Томоша залининг бош фасадга нисбатан жойлашуви – кинотеатрларни композицияси бўйича таснифлашнинг умумий аломатидир. *Чуқур*, яъни томоша зали бинонинг чуқур ичкарасида жойлашган композицион ечимда залнинг бўйлама ўқи фасад текислигига перпендикуляр, *фронтал* композицион ечимда эса – параллель бўлади. Бу композицион ечимлар томоша залининг биринчи ёки иккинчи қаватда жойлашишига қараб *горизонтал* ва *вертикал* ечимларга ажратилади. Таъкидлаш зарурки, бундай классификация умумлаштирилган бўлиб, турлича ифодаланган композицион ечимларни тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

### **Томоша зали ва киноэкран параметрларига бўлган талаблар**

Кинопленка параметрларига боғлиқ равишда проекциялашнинг тўртта тури мавжуд бўлиб, киноэкран пропорциялари (баландликнинг узунликка нисбати) айнан проекциялаш турларига қараб белгиланади:

- оддий экран (0) 1 : 1,37;
- кенг экранли (к) 1 : 2,35;
- кенг форматли (ф) 1 : 2,2;

Кинофильмларни намоиш қилишда томоша залларидаги томошабинлар учун ўринларни қуйидаги расмда келтирилган зона чегарасида лойиҳалаштириш тавсия этилади, бунда:

- Д – киноэкрандан сўнгги қатордаги кресло суянчиғигача масофа (томоша залининг ўқи бўйича);

- Г – киноэкрандан биринчи қатордаги кресло суянчиғигача масофа (томоша залининг ўқи бўйича),  $0,36 Д$  га тенг;

- К – киноэкран (хорда бўйича эгри чизиқли)ишчи майдонининг кенглиги;

- Б – экран ишчи майдонинг баландлиги.

Экран ишчи майдонининг кенглигини (Ш) қуйидагича қабул қилиш тавсия этилади:

-  $K_{\phi} = 0,6 Д$ ;

-  $K_k = 0,43 Д$ ;

-  $K_{\text{каш}} = 0,34 Д$ ;

-  $K_o = 0,25 Д$ ;

Экрандан биринчи қатордаги кресло суянчиқларигача бўлган масофа (Г) экран кенглигига (К) боғлиқ равишда қуйидагича қабул қилиш тавсия этилади:

-  $G_{\phi} - 0,6K_{\phi}$  дан кам эмас;

-  $G_k - 0,84K_k$  дан кам эмас;

-  $G_o - 1,44K_o$  дан кам эмас.

Кино проекция ускуналарини ўрнатишда томоша залининг параметрлари расмда кўрсатилган, бу ерда:

- П – проекцион масофа,  $0,85Д$  дан кам эмас;

-  $\phi$  – кинопроектор оптик ўқининг киноэкран марказидаги нормалдан оғиш бурчаги;

-  $\phi_r - 7^0$  дан катта эмас (клуб ва театрларда  $9^0$  дан кам бўлмаслиги йўл қўйилади);

-  $\phi_b - 8^0$  дан катта эмас;



-  $\phi_n - 3^0$  дан катта эмас.

К – проекцион нурнинг юқори қисмидан шипнинг энг яқин юзаларигача бўлган масофа – 0,6 метрдан кам бўлмаслиги лозим;

Л – проекцион нурнинг пастки қисмидан томошабинлар ўрни зонасидаги полгача бўлган масофа – 1,9 метрдан кам бўлмаслиги лозим;

Т – экран орти бўшлиқнинг чуқурлиги: кенг экран бўлганида – 0,9 метр, кенг форматли экран бўлганида – 1,5 метр;

Р – экран чеккасидан деворгача масофа: ясси экран учун – 0,985 метрдан, эгри чизикли экран учун – 0,1К дан кам бўлмаслиги керак.



Кинопроекторлар  
зонаси

## Томоша зали ва киноэкран параметрлари

Ҳисобланган кузатув нуқтаси учун кўринишни яратишда ушбу нуқтага йўналтирилган кўриш нурини олдинда ўтирган томошабин кўзлари сатҳидан баландроқ бўлишини 0,14 метр (реконструкция қилинганида – 0,12 м) қилиб қабул қилиш тавсия этилади. Ўтирган томошабин кўзи сатҳининг полдан баландлиги 1,2 метр қилиб қабул қилинади.

Кинотеатрдаги томошабинлар комплекси хоналарининг майдони залдаги битта ўрин учун қуйидаги жадвал бўйича қабул қилинади.


Хонанинг номланиши	Майдони, м <sup>2</sup>
Томоша зали (шу жумладан эстрада ва балкон)	0,9
Касса вестибюли	0,07
Фойе ва буфет	0,55
Санитария блоклари	0,05

Санитария блокларидаги асбоблар сони қуйидагича қабул қилинади:


- 150 та эркак учун 1 та унитаз ва 2 та писсуар;
- 50 та аёл учун 1 та унитаз;
- 4 та унитазга 1 та қўл ювгич, лекин биттадан кам эмас.

Эркаклар ва аёллар сони барча томошабинлар сонининг 50% га тенг қилиб қабул қилинади.


Ёнғин хавфсизлиги талабаларига кўра кинотеатр томоша залидан томошабинлар эвакуацияси бир маромда жойлаштирилган мустақил чиқиш эшиклари орқали икки дақиқа ичида амалга оширилиши лозим. Бунда эвакуация йўллари (эшиklar, йўлаклар ва зинапоялар) умумий кенглиги қуйидагича қабул қилиш лозим:



А



Б



В

Оловбардошлик даражаси II бўлган биноларда – 100 киши учун камида 0,6 метр;

Оловбардошлик даражаси III-IV бўлган биноларда – 100 киши учун камида 1,0 метр;

Оловбардошлик даражаси V бўлган биноларда – 100 киши учун камида 2,0 метр.

Кресло суянчиқлари орасидаги масофа, м	Қаторда узлуксиз ўрнатилган ўринлар сони		Қаторлараро ўтиш йўлининг кенглиги, м
	Бир томонлама эвакуация	Икки томонлама эвакуация	
0,85	12	25	0,4
0,9	20	40	0,45
0,9	25	50	0,5
1,0	30	60	0,55

### Киноаппаратлар ўрнатилган хоналар режаси:

А – кенг форматли кинотеатр учун; Б – кенг экранли кинотеатр учун; В – мавсумий кинотеатр учун; 1 – киномеханик хонаси; 2 – аппаратлар хонаси; 3 – кинопроектор хонаси; 4 – плёнкани қайта ўраш хонаси; 5 – устахона; 6 – йўлак.

### Киноаппаратлар комплекси

Киноаппарат хоналари таркибига қуйидагилар кириди:



- кинопроектор хонаси (одатда, учта кинопроектор жойлаштирилади) ва ёрдамчи хоналар;

- кинопроекторларни совутиш агрегати жойлашган хона;

- киномеханик хонаси.

Киноаппарат хоналари мажмуасида бевосита кўчага олиб чиқувчи алоҳида эвакуация йўли кўзда тутилиши лозим.

## **9.2. Театр бинолари**

Театр биноси, юқорида кайд этилганидек, ўз структураси бўйича сахна ва томошабинлар учун мўлжалланган қисмларга бўлинади. Биринчи қисм таркибига сахнага хизмат кўрсатувчи барча хона ва иншоотлар, иккинчи қисм таркибига эса – томоша зали, фойе, кулуарлар (театр залининг ён томонидаги ёрдамчи хоналари ва йўлаклари), томошабинларни тақсимловчи ва касса вестибюллари ҳамда томошабинларга хизмат кўрсатувчи хоналар мажмуаси киради. Театр биносининг сахна қисми театр биноси умумий ҳажмининг тахминан 60-70% ни, томошабинларга хизмат кўрсатувчи қисми эса – 40-30% ни ташкил қилади. Бу каби бўлиниш театр биносининг моҳияти ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш имкониятини беради. Шунинг учун ҳам театр биносини унинг структурасини қуйидаги схема бўйича табақалаштирган (дифференциялаштирган) ҳолда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқроқ бўлади:

- томошабинлар учун мўлжалланган комплекс хоналари;

- томошаларни намойиш этиш комплекси хоналари (томоша зали, сахна; сахнани технологик таъминлаш хоналари);

- сахнага хизмат кўратиш хоналари (ижодий ва техник ходимлар учун; омборхоналар):

- маъмурий-хўжалик хоналар;

- ишлаб чиқариш хоналари.

### **Томошаларни намойиш этиш комплекси хоналари**

Театр биносининг функционал-режали ечимининг асосий мақсади – томошабинлар спектаклни томоша қилиши ва ўзлаштириши ҳамда ижодий

жамоа спектаклни тайёрлаши ва намойиш этиши учун қулайликлар комплексини яратишдан иборатдир.

Томоша залининг сифимини, театр тури ва вазифаларига боғлиқ ҳолда, қуйидагича қабул қилиш тавсия этилади:

драматик театр – 500-800 ўринли;

муסיқа-драматик театр – 500-1000 ўринли;

мусиқали комедия театри – 800-1200 ўринли;

опера ва балет театри – 1200-1500 ўринли.

Театрларнинг бошқа сифимлари лойиҳалаш топшириғи билан белгиланади.


Томоша залининг майдони бир ўрин учун 0,7 м<sup>2</sup> ҳисобидан қабул қилинади. Томоша залининг майдони (балкон, ложа ва ярусларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда) сахна, сахна олди ёки оркестр ўрасининг тўсувчи конструкциялари чегараси билан белгиланади.

Театр тарихида театр томошаларини ташкил этишнинг иккита тизими шаклланган: *очиқ* ва *чуқур*. Антик даврларда шаклланган биринчи тизимда томошабинлар ва сахнадаги воқеаларни ягона залда бирлаштирилади. Бунда томошабинлар сахнанинг уч томонида жойлашадилар. Ренессанс ва барокко даврларида шаклланган иккинчи тизимда сахнадаги воқеалар томоша залидан портал рамаси билан ажратилади. Бугунги кунда сахнадаги воқеаларни намойиш этишнинг янги шакллари яратишга қаратилган изланишлар натижасида тезкор трансформацияларни бажариш техникасига асосланган кўплаб услублар қўлланилмоқда.

### **Портал ёки чуқур сахна**

Чуқур сахнада намойиш этилаётган спектакль томошабин томонидан айнан томоша сифатида қабул қилинади, сахнадаги воқеалар бошқа муҳитда, томоша залидан ажратилган “бошқа дунёда” кечади. Портал сахна ва томоша зали ўлчамлари ва шаклини белгиловчи параметр сифатида ўйин майдончасининг ўлчамлари хизмат қилади. Амалиёт шуни кўрсатдики, драматик спектаклларнинг фаол кўринишлари кенглиги 8 метрдан 14 метргача, чуқурлиги 5 метрдан 10 метргача бўлган майдончада рўй беради. Балет


иштирокидаги мусикали театрларда ўйин майдончасининг ўлчамлари 12x12 метрдан кам бўлмаслиги зарур. Драматик театрдаги портал кенглиги 10-14 метрга, опера ва балет театрда эса – 14-16 метрга тенг бўлади.



**Томошабинлар комплексидаги хоналар ўзаро боғланишининг умумий функционал-режали схемаси:**


1 – касса вестибюли; 2 – кириш вестибюли; 3, 4 – касса ва навбатчи маъмур кабиналари; 5 – тақсимловчи вестибюль; 6 – кийим алмаштириш хонаси; 7 – гардеробхона; 8 – гардеробчилар хонаси; 9 – бош маъмур хонаси ва афишалар сақланадиган хона; 10 – билет тарқатувчилар хонаси; 11 – болалар хонаси; 12 – фойе, кулуарлар; 13 – фойе қошидаги кичик омбор; 14 – буфет; 15 – идиш-

товоқ ювиш хонаси, таом тайёрлаш хонаси; 16 – омбор, тара сақланадиган хона; 17 – музей экспозициялари сақланадиган хона; 18 – фондлар сақланадиган хона; 19 – ходимлар хонаси; 20 – санитария блоклари; 21 – тамаки чекиш хонаси; 22 – томоша зали; 23 – клуб хоналари; I – боғланишлар; II – боғланишларнинг вариантлари; III – блоклар; IV – кириш; V – эҳтимолий кириш; VI – эҳтимолий хона (боғланишлар).




**Томошабинлар комплекси тузилишининг намуналари:**

а – кулуарларсиз фойе; б – кулуарлари бор ва улардан залга кириш ташкил қилинган фойе; 1 – томоша зали; 2 – фойе; 3 – кулуарлар.




**Колосникли чуқур сахна турларининг схемалари:**

а – ён сахна майдончалари билан; б – олд сахнаси катталаштирилган; в – томоша зали ёки сахнада деворларидаги ўйин дерезалари билан; г – залдаги ўйин балконлари ва галереялари билан; д, е – марказий сахнага трансформацияланадиган колосникли чуқур сахна.



**Иккита чўнтакли ва арьерсаҳнаси бўлган колосникли чуқур сахна тузилишининг схемалари**



**Колосникли чуқур сахна, чўнтаклар ва арьерсаҳна тузилишининг асосий схемалари (механик ускуналаш вариантлари шартли равишда кўрсатилган):**

*a-г* – битта чўнтакли арьерсаҳна; *ж-и* – иккита чўнтакли; *к-л* – арьерсаҳнали чўнтаксиз; *м* – чўнтаксиз ва арьерсаҳна

Саҳна кенглиги актёрлар ўйнайдиган майдон ёки порталҳамда кулисаларнинг ён томонларини безаклашда қўлланиладиган махсус қурилмалар, ҳажмли декорациялар, актёрлар турадиган, чироқ жиҳозлари ўрнатиладиган жойлар кенлигидан ташкил топади. Одатда, сахна кенглиги портал тешиги кенлигидан камида 2 бараварга каттароқ бўлиши лозим. Саҳна чуқурлиги, одатда, портал кенлигидан 1,5 мартага каттароқ бўлади.

Саҳна остидаги планшетда режадаги ўлчамлари саҳна ўлчамларига тенг бўлган трюм кўзда тутилади. Трюмнинг туртиб чиққан конструкцияларнинг пастки қисмларигача бўлган баландлиги камида 2,2 метр қилиб олинади. Қоплама планшет ускуналари, ўйиб ўрнатиладиган айланувчи доира, ҳалқали доира қўлланилганида, шунингдек бу каби ускуналар бўлмаганида трюм бир қаватли қилиб лойиҳалаштирилади. Барабанли айлана, кўтарувчи-тушурувчи майдончалар ва шунга ўхшаш саҳна ускуналарини лойиҳалаштиришда трюм қаватларининг сони лойиҳада белгиланади. *Саҳна олди* залга бўртиб чиққан қилиб, тўғри чизикли ёки томошабинлар ўриндиқлари зонасига айланиб туташадиган тарзда лойиҳалаштирилади. Саҳна олдининг ён қанотлари (калиперлари) томоша залининг кўндаланг ўтиш йўллари билан кесишгунча давом эттирилиши мумкин. Саҳна олдининг узунлиги қурилиш портали кенглигидан кам бўлмаган қилиб лойиҳалаштирилади. Ён қанотлар бўлмаган ҳолларда саҳна олдидан томошабинлар ўтирадиган биринчи қаторгача залдаги ўтиш йўлларига олиб боровчи камида иккита зина ёки пандус лойиҳалаштирилади. Шунингдек, саҳна олди периметри бўйича яхлит зина кўзда тутилиши ҳам мумкин. Саҳна пардаси туширилган ҳолатларда ҳам саҳна олдига чиқиш учун имконият яратилишини таъминлаш тавсия этилади..

Пол сатҳидан туртиб чиққан конструкцияларнинг пастки қисмларигача баландлик 2,1-2,4 метр қилиб қабул қилинади. Оркестрнинг битта артисти учун майдон – камида 1,3 м<sup>2</sup>. Лойиҳалаштиришда оркестр ўраси ўрнини ёпиш ва ўра тўсиғи ҳамда полини ўзгартириш имкониятларини кўзда тутиш тавсия этилади. Саҳна олдининг оркестр ўраси устига осилиб туриши драматик ва мусиқали-драматик театрларда ўра кенглигининг 1/3 қисмини, мусиқали комедия ҳамда опера ва балет театрларида 1/4 қисмини ташкил этади. Оркестр ўраси ўрнининг ён томонларида (томоша зали деворларидан ҳисоблаганда) эни камида 1,2 метрни ташкил қилувчи саҳна олди участкалари қолдирилади. Саҳна олди оркестр ўраси устидан осилиб турганида оркестр ўрасида саҳна томонга пасайиб кетувчи зинапоясимон пол лойиҳалаштирилиши мумкин. Томоша залининг тузилиши саҳна билан узвий боғлиқдир. Мисол учун, саҳнада рўй




бераётган воқеаларни портал кенглиги билан чегараланган ўринлар зонасида бемалол кўриш, эшитиш ва англаш мумкин. Драматик театрда томошабин актёр мимикасини сахна “қизил линияси”дан 25 метр узоқликдан тушуна олади. Опера театрида бу масофа 32 метрни ташкил қилади. Ундан ташқари, яхши кўриш ва эшитишнинг энг қулай горизонтал ва вертикал бурчаклари ҳам меъёрланади. Томоша залининг иккита асосий тури мавжуд – *ярусли* ва *амфитеатр*.

Томоша залининг ҳажми драматик театрда битта томошабин ўрни учун 4-6 м<sup>3</sup>, опера театрида – 6-8 м<sup>3</sup> қилиб ҳисобланади. Залдаги томошабинларнинг ўринлари битта томошабин учун 0,7-0,8 м<sup>2</sup> ҳисобидан лойиҳаланади.

Битта залда жанри ва сахнавий ечимлари турлича бўлган спектакллар, жамоат тадбирлари, кинофильмлар, концертлар ва шу каби томошаларни намоиш қилишда зарур бўлган шарт-шароитларни таъминлаш учун сахна ва томоша залининг трансформацияси қўлланилади. Театрларда *режали* ва *фазовий* трансформациялар, шунингдек уларнинг турлича комбинациялари қўлланилиши мумкин. Сахна ва залда меъморий-режали ечимларнинг турли вариантларини режали трансформация ёрдамида яратган ҳолда турли тадбирларни ўтказишда зал ва сахнанинг асосий параметрлари – ҳажми ва шакли ўзгартирилмайди. Фазовий трансформация эса радикал восита ҳисобланиб, у ёрдамида залларнинг нафақат шакли ва ҳажмини, шунингдек сонини ҳам ўзгартириш мумкин. Натижада, ҳар бир ўтказиладиган тадбир учун зарур ҳажм ва шаклга эга залга эга бўлиш ҳамда иншоотдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари яратилади. Сахна қошида технологик таъминот хоналари: ён томондаги деворларни ёритиш ложалари: зал тепасига олиб чиқиладиган софитлар сақланадиган хоналар (томоша зали тепасида), чироқ проекторлари, чироқ аппаратлари хоналари (томоша залининг орқа девори ортида): фронтал ёритиш чироқлари учун хона (фронтал ёритиш ложаси), овоз аппаратураси ўрнатилган хона, дикторлар ва таржимонлар кабиналари, овоз оператори ложаси (томоша залининг орқа девори ортида ёки



томоша зали тарафдан шу девор ёнида); рирпроекция хонаси (саҳна ёки арьерсаҳна ортида); тиристор хонаси (саҳна яқинида).



**Новосибирск шаҳридаги Ёш томошабинлар театри, Россия, архитекторлар  
А.Сабилов, М.Стародубов, 1966-1971**

Ён тарафдаги ёритиш ложалари залнинг бўйлама ўқига нисбатан  $55^{\circ}$  ва  $65^{\circ}$  градусли бурчаклар билан чегараланган ва чўққиси авансахнанинг олдинги чегарасидаги зонада жойлаштирилади. Ёритиш ложаси ўрнининг кенглиги 1,8 метрдан кам бўлмаслиги лозим. Томоша залининг ҳар бир томонидаги ёритиш ложаларининг сони иккитадан кам бўлмаслиги керак. Пастки ёритиш ложаси полидан сахна планшети сатҳигача бўлган масофа камида 2,5 метр, устма-уст жойлашган ложалар поллари сатҳларининг ўртасидаги маофа 2,5 метрдан кам бўлмаслиги лозим. Ложалар чуқурлиги камида 2 метр қилиб лойиҳаланади. Баландлиги ва кенглиги 2 метрдан кам бўлмаган кўчма софит хонаси томоша зали тепасида шундай жойлаштирилиши лозимки, ёритиш асбобларининг оптик ўқлари горизонтал текисликка  $50^{\circ}$  дан  $60^{\circ}$  гача бурчаклар ўртасида, чўққиси авансахна (оркестр ўраси баръери)нинг олд чегарасидан сахна томонга 1 метр масофада;  $9^{\circ}$  дан  $15-20^{\circ}$  гача бурчаклар ўртасида, чўққиси ўйин портали юқори қисмида “қизил линия”дан сахна ичига 1 метр масофадаги сатҳдатушадиган нурлар билан чегараланган зонада бўлиши керак.

Сахнага хизмат кўрсатувчи хоналар.

*Сахнага хизмат кўрсатувчи хоналар* сирасига қуйидагилар киради:


- сахнага чиқишни кутиш учун хоналар;
- артистларнинг пардозхоналари (гримхоналари);
- репетиция хоналари;
- омборхоналар.

*Сахнага чиқишни кутиш учун хоналар* бир вақтнинг ўзида тезда кийим алмаштириш ва гримни алмаштириш ёки тузатиш, сахнага чиқишлар орлиғида дам олиш ёки сўнгги тайёргарликни кўриш, биринчи ёрдам кўрсатиш, ижрочиларнинг костюмерлар ва реквизиторлар билан тезкор боғланиши учун ҳам хизмат қилади. Амалиётда бу каби хоналарнинг иккита тури мавжуд бўлиб, биринчиси – ўлчамлари нисбатан кичик бўлсада, қулайлик даражаси

юқорирок – драматик ва мусиқали драма театрлари учун, иккинчиси – сахнага чиқиш олдида сўнги тайёргарлик кўришга мўлжалланган ва мувофиқ ускуналарга эга қўшимча зонаси бўлган мусиқали комедия театрлари учун мўлжалланган хоналардан иборат бўлади. Иккинчи турдаги хоналар ёш томошабин театрлари, пантомима ва интенсив ҳаракатлар билан боғлиқ бошқа театрлар учун ҳам тавсия этилади. Сахнага чиқиш учун хона майдони бир вақтда йиғиладиган артистлар сонидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Драматик ва мусиқали драма театрларида ҳар бир хонада битта артист учун камида 1,7 м<sup>2</sup>, мусиқали комедия театрларида – 1,8 м<sup>2</sup>, опера ва балет театрларида – 19 м<sup>2</sup> қилиб белгиланади.


Артистларнинг пардозхоналари (гримхоналари) сахна ёки репетиция костюмини кийиш, гримни қўйиш ва олиш, гигиеник амалиётларни бажариш, дам олиш, репетиция ишидаги алоҳида босқичларни бажариш, махсус тренингларни ўтказиш ва матн ҳамда бошқа материаллар билан ишлаш учун мўлжалланган. Хоналардаги артистлар сонига қараб пардозхоналар индивидуал – битта ижрочи учун, 2 тадан 6 тагача кишидан иборат гуруҳлар учунва 6 тадан кўп артистни сиғдирадиган – умумий (ёки оммавий) бўлиши мумкин. Вазифаси (жанри) турлича бўлган театр бинолари учун пардозхоналарнинг учта асосий тури лойиҳалаштирилади: драматик, мусиқали драма актёрлари, мусиқали театр хонандалари ва балет артистлари учун пардозхоналар. Саҳналаштириш (постановка)да қўлланиладиган анжомлар учун омборлар сахнада ўрнатиш учун тайёр сахна безаклари ва анжомлари сақланадиган – *навбатчи омбор*; муайян театр мавсумидаги репертуар учун мўлжалланган барча безак ва анжомлар сақланадиган – *жорий мавсум омбори*; кам қўйиладиган ёки репертуардан олинган спектакллар учун тайёрланган ва қайта ишлатишга мўлжалланган безак ва анжомлар сақланадиган – *захира омборларга* ажратилади. Алоҳида сақлаш принципига кўра омборхоналар 8 та асосий турга бўлинадилар: ҳажмли ва станок декорациялари; мебель, бутафория ва реквизит; костюмлар; пойафзал; электр аппаратура ва электр реквизит; овоз техникаси аппаратураси; юмшоқ ва манзарали декорациялар;

париклар ва бошқа пастижёр буюмлар сақланадиган омборлар. С-1-С-5 сахналар учун репетиция залларининг ўлчамлари, вазифалари ва сони куйида келтирилган жадвалга мувофиқ қабул қилиш тавсия этилади.



**Кичик заллар схемаларининг намуналари:**

а – томошабинлар ўринларининг кўчма секциялари асосида бажариладиган зал трансформацияси; б – сахнаси трансформация қилинмайдиган заллар; в – креслолари айланадиган заллар.



### Саҳна турлари:

1 – чуқур портал; 2 – чуқур уч порталли; 3 – чуқур порталсиз; 4 – панорамали;  
5 – ҳалқасимон; 6 – уч томонли; 7 – марказий.

### 9.3. Цирк бинолари

Циркнинг томоша зали диаметри 13 метрга тенг манеж, амфитеатр, қубба, эстрада, оркестр хонаси, ёритиш ложалари ва кўприкчалардан иборат. Қубба марказида, манежнинг қоқ тепасида 20 метр баландликда ҳалқа ўрнатилган бўлиб, гимнастик аппаратуриани осиш ва маҳкамлаш учун колосникли панжара монтаж қилинади. Томошабинлар ўринлари жойлаштирилган амфитеатр манежни узлуксиз ҳалқа шаклида ўраб туради. Амфитеатр нишаблиги манеж ҳар бир жойдан аниқ кўриниши шарти билан белгиланади ва томошалар учун мўлжалланган иншоотлар орасида қиялиги энг

катта ҳисобланади Манеж поли ва амфитеатрнинг биринчи қатори бир сатҳда жойлашган. *Оркестр учун хона* бош ўтиш йўли тепасининг артистлар ўтиш йўли карама-қаршисидаги томонида эстрада кўринишида лойиҳалаштирилади.

Оркестр учун хона тепасида *ёритиш ложаси* жойлаштирилади. Бу артистларнинг манежга чиқиш йўлига йўналтириш билан изоҳланади.

Ҳалқасимон *ёритиш кўприкчаси* манеж ва кубба ости ёритилишини таъминловчи прожекторлар ўрнатилиши учун хизмат қилади. Цирк томошалари технологияларининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлгани сабабли ишлаб чиқариш хоналарининг жойлаштирилишида бир қатор талабларга риоя қилиш лозим. Ҳайвонлар сақланадиган хоналар табиий ёритилади, улар фақат манеж поли сатҳида жойлаштирилиши мумкин. Циркнинг меъморий композицияси иккита асосий йўналишдаги тузилмага эга: томошалар намоиш этиладиган асосий ҳажм ва бош кириш йўли томонидан унга ёндош қилиб қурилган ишлаб чиқариш хоналари блоки; ягона ихчам ҳажмли ечим.

#### **9.4. Клуб бинолари**

Клуб бинолари *томоша кўрсатиладиган* ва *клуб фаолияти юритиладиган* қисмларга бўлинади.

Клубларнинг томоша намоиш этиладиган қисмига қуйидагилар киради:

- эстрада ёки сахна ва унга хизмат кўрсатувчи хоналари мавжуд кўп мақсадли томоша зали (битта томошабин учун  $0,65 \text{ м}^2$ );

- фойе – битта томошабин учун  $0,4 \text{ м}^2$  ҳисобидан, рақс заллари билан;  $0,6 \text{ м}^2$  – рақс залларисиз;

- ўйин майдончаси;

- киноаппарат хонаси;

- ҳажмли декорациялар сақланадиган омборлар;

- артистлар хоналари.

Клублардаги томоша залларининг асосий ўзига хос хусусиятлари:

- универсаллик, трансформацияларни бажариш имкониятлари;

- клуб зали сифими кам бўлганида ҳам лекция ва мажлисларни ўтказиш учун табиий ёритилиши лозим (клуб хоналари таркибида махсус лекция зали бўлмаган ҳолларда), бунда зални қоронғилаштириш тез амалга оширилиши зарур;

- клуб зали сифими кам бўлсада, горизонтал полга ва йиғиладиган эстрадага эга бўлиши лозим.

Ўринларнинг ён чегаралари порталдан чиқувчи  $30^{\circ}$  градусли горизонтал бурчак чегараларида белгиланади; ўринларнинг орқа чегараси саҳна “қизил линияси” (парда линияси)дан 27 метрдан узоқ бўлмаслиги зарур. Клуб фойеси табиий ёритилганликка эга бўлиб, шунингдек универсаллик талабларига жавоб бериши, яъни: турли кўргазмалар, рақс кечаларини ўтказишда фойдаланилиши, вестибюль функцияларини бажаришилозим. Клублардаги ўйин майдончаси икки турда бўлиши кўзда тутилади: томоша зали билан бирлаштирилган эстрада ёки залдан портал девор билан ажратилган саҳна.

Клуб фаолияти юритиладиган хоналар таркибига қуйидагилар киради:

- лекцияклублар архите зали ёки аудиторияси;
- кутубхона;
- турли тўғарақлар хоналари;
- меҳмонхоналар;
- спорт зали;
- рақс зали;
- дам олиш хоналари.

Кўп функционаллик, икки қисмга бўлинганлик, мослашувчан тарзда режалаштирилганлик, иккала қисмининг алоҳида фаолият кўрсата олиши клублар архитектурасининг ўзига хос типологик жиҳатларидан биридир. Ана шу ўзига хос хусусиятлар клубларни жамиятнинг ижтимоий ҳаётида доимо зарур ва талаб этилган ҳамда оммабоп жамоат бинолари сифатида эътироф этилишига хизмат қиладилар. Кўп функцияли бино сифатида замонавий клубга қуйидаги типологик жиҳатлар хос:

- ижтимоий нуқтаи назардан бу бинолар, биринчи навбатда, одамларнинг ўзаро мулоқот қиладиган жойи ҳисобланадилар;

- функционал дастурда, клуб фаолияти билан боғлиқ хоналардан ташқари, офис, савдо дўконлари, ахборот маркази, ресторанлар ҳам бўлиши лозим;

- ички ва ташқи коммуникацияларга алоҳида эътибор берилиши лозим;

- композицион жиҳатдан иккита ёндошув якқол кўзга ташланади: комплекснинг кўп функцияли элементлари автоном тарзда мавжуд бўлишини таъминловчи ривожланган кўп ҳажмли композиция; барча хоналарни жойлаштиришдаги якқол вертикал зоналашнинг устуворлиги;

- аксарият ҳолларда сфера, параллелолипед, пирамида каби “тоза” геометрик шаклларга мурожаат қилиниши;


- ташқи композиция режалаштириш тузилмаси орқали ифодаланиши;

- бўшлиқлардан самарали фойдаланиш;

- бадиий образнинг юқори даражадаги ифодалиликни ва рамзийликни таъминлаб бериши.

Бугунги кунда клуб биноларининг янги тури – ишбилармонлар клуби – шаклланмоқда. Ишбилармонлар клуби маданий ҳордиқ чиқариш маскани сифатида ўзининг икки асосий: ишбилармонлар учун дам олиш ва ўзаро мулоқот муҳитини яратиш функцияларини мужассамлаштириш натижасида шаклланади. Шундай қилиб, бу турдаги клуб биноларининг таркибида, томошаларни намойиш қилиш ва анъанавий клуб фаолиятидан ташқари, ишбилармонлик билан боғлиқ фаолият учун хоналар зонаси ҳам кўзда тутилади. Бундай зоналарда офис хоналари гуруҳи, музокаралар учун алоҳида хоналар, мажлислар зали, шунингдек универсал вазифали бир қатор хоналар лойиҳалаштирилади.






### Ёзги театрлар схемалари:

I – ёзги театр-концерт зали (саҳналар тури: а – чуқур, алоҳида жойлаштирилган; б – уч томонли – панорамали, очик; в – чуқур – уч томонли, ёпик, томошабинлар ўринлари трансформация қилинадиган; г – чуқур – орқа томони трансформация қилинадиган); II – табиий ва тарихий-меъморий театр (саҳна турлари: а – фронтал чўзилган; б – ҳалқасимон, айланувчи амфитеатр билан; в – уч томонли – ҳалқасимон; г – комбинациялашган, ён-атроф билан кенг фронт бўйича туташган; д – табиий ёки меъморий фонли панорамали); III – иншоот кооперацияси (а – очик амфитеатр, йил бўйи ишлайдиган театр билан; б – шаҳардаги зал томидаги очик амфитеатр; в – очик амфитетар, ёпик рақс зали

билан; г – бир нечта амфитеатрлар; 1 – сахна майдончаси; 2 – бошқа турдаги иншоот)



**Руан шаҳридаги “Ле Зенит” концерт зали, Франция, архитектор Б.Чуми, 2001**

## **10-БОБ. МУЗЕЙ ВА КЎРГАЗМА БИНОЛАРИ**

### **10.1. Умумий ҳолатлар**

*Экспонатларни сақлаш ва таширф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш музейлар фаолиятининг асосини ташкил қилиб, хоналар тузилмаси, таркиби ва майдонини белгилаб беради. Музейларни лойиҳалашда иккита асосий технологик оқим – таширф буюрувчилар маршрути ва экспонатлар ҳамда*

ходимлар ҳаракатланиши йўллари – масимал ажратиш принципи амалга оширилиши лозим .

Музей фаолияти йўналишини бинонинг мураккаб ҳажмий-режали тузилмаси белгилаб берди. Хоналарнинг ўзаро боғлиқлиги ташриф буюрувчилар ва музей ходимлари оқимларининг интенсивлиги ва мунтазамлиги билан тавсифланади ва қуйидаги асосий вариантларда берилиши мумкин: хоналар ва интенсив оқимлар ўртасидаги доимий боғлиқлик улар ўзаро яқин ва қулай, йўлларнинг бошқа оқимлар билан кесишишини истисно қилган ҳолда жойлашишини талаб қилади: бу, биринчи навбатда, вестибюль-экспозиция заллари гуруҳи ва экспозиция заллари гуруҳи ичидаги боғланишларга тааллуқлидир;

- хоналарнинг интенсив оқимлар билан кам сонли боғлиқлар, бунда асосий мақсад бошқа интенсив оқимлар билан кесишишга йўл қўймасликдан иборат бўлиб, хоналарга қулай тарзда кириш-чиқиш имкониятлари ҳам қўзда тутилади;

- хоналар ва кам сонли ҳаракатланишлар ўртасидаги доимий боғлиқлик, бунда улар қулай ва яқин жойлашишини талаб қилинади; оқимларнинг кесишиши муҳим аҳамиятга эмас; бу каби боғланиш фондлар сақланадиган хона, фотолаборатория ва устахоналар, экспозиция заллари, дам олиш жойлари, маъмурият хоналари ўртасида бўлиши керак;

- кам сонли ва эпизодик ҳаракатланишлар исталган хоналар гуруҳлари ўртасида юзага келиши мумкин, лекин улар асосий хоналарнинг ўзаро жойлашувига таъсир ўтказмайди.



**Франкфурт шаҳридаги Бадий ҳунармандчилик музейи, Германия, архитектор Р.Мейер, 1979-1984**

## **10.2. Шаҳарсозлик ечими**

Музей бинолари учун жойлашувнинг шаҳарсозлик вазиятига боғлиқ равишда урта асосий турини ажратиш мумкин:

- *парк зонасида* – орол кўринишидаги эркин жойлашув;
- *қурилган бинолар реконструкция қилинаётган* зонадаги жойлашув;
- шаҳарнинг *маданий маркази таркибидаги* жойлашув.


Музей шаҳар ташқи муҳитидан максимал тарзда ажратилган бўлиб, яшил ўсимликлар билан ҳимояланган, ҳавони филтрлаш ва тозалаш тизими билан жиҳозланган бўлиши лозим. Музей шаҳардаги иморатлар ўртасида жойлаштирилса, у ҳолда унинг участкаси аниқ ажратилиши зарур. Музей биноси орол кўринишида жойлаштирилганида, унинг чегараларини шартли равишда кўрсатишга йўл қўйилади. Музей участкасига ёндош шаҳар ёки парк худуди ҳам, гарчи, расман музейга тегишли бўлмасада, агар музейнинг ташқи

қиёфасига мос тушса ва узвийяхлитликни ташкил этадиган бўлса, музейга тааллуқли бўлиши мумкин. Музей участкаси келгусида музей кенгайтирилиши учун имконият бериши лозим. Музей участкасининг майдони коллекциялар ўлчами ва турига боғлиқ тарзда белгиланади. Музей участкаси қуйидаги функционал зоналарга бўлинади: кириш, экспозиция, рекреация, хўжалик. Барча зоналар, айниқса, биринчи учта зона аниқ бўлинишга эга бўлмасликлари мумкин.

*Кириш зонаси.* Музейга кириш зонаси “қизил линия”дан камида 15 метр масофада жойлашиб, баъзида очик жойдаги экспонатлар ўрнатилган ҳолда, психологик тайёргарлик зонасини ташкил қилиши лозим. Музейга яқинлашишда бу зонада психологик нуқтаи назардан ваэкспозиция билан танишиш учун диққат йўналишини ўзгартириш мақсадида ташриф буюрувчиларга зарур бўлган пауза яратилади. Кириш зонасини ободонлаштиришда кичик меъморий шакллар, ахборот ва реклама воситалари, айрим ҳолларда эса – йирик ва предметли экспонатлар ишлатилади. Кириш зонаси яқинида экскурсия автобуслари ва автомашиналар тураргоҳи ташкил қилинади. Кириш зонаси, бино жойлашуви ва унинг теварагига боғлиқ равишда, ҳашамдор ва тантанавор ёки, аксинча, оддийроқ қилиб ташкил қилиниши мумкин. Муайян шаҳарсозлик шароитларида жамоат маркази майдонининг бир қисми музейга кириш зонаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Автомобиль тураргоҳлари 100 та ташриф буюрувчи учун 10-15 ўрин ҳисобидан ташкил қилинади.

*Экспозиция зонаси* функционал ва композицион нуқтаи назардан энг муҳим аҳамиятга эга. Экспозиция музей участкасида бино яқинида жойлашиши ёки томошабинларни жалб қилиш мақсадида кўча билан боғланган бўлиши ҳам мумкин. Бу зона рельефнинг табиий имкониятларива ободонлаштириш элементларидан фойдаланиб ташкил этилган хушманзарали режавий тузилмаси билан ажралиб туради. Экспозиция, аксарият ҳолларда, бино яқинида, ички ҳовлилар ва биринчи қаватнинг қурилмалари бўлмаган қисми – галерея, ўтиш йўллари ва шу кабиларда жойлаштирилади. Экспозиция, музейнинг таъсир

зонасига ён-атрофдаги майдонларни киритиш мақсадида, музей ёнига, томошабинлар йиғиладиган жойларга олиб чиқилган ҳолда, кўча ёки майдон билан боғланиши мумкин. Очиқ экспозиция учун ривожланган цоколли қаватлар қопламалари, махсус подиумлар ва майдончалар ажратилади. Баъзида, экспонатларни турли ракурслардан кўриш учун, экспозиция рельеф бўйича турли, жумладан чуқурлаштирилган сатҳларда ҳам жойлаштирилади. Экспонатлари чимли очиқ майдончаларда, дарахтлар гуруҳи ичида жойлаштирилган хушманзарали режавий тузилмалар кенг тарқалган. Бундай жойлаштиришда томошабинлар муайян манзарага эга йўналиш бўйича ҳаракатланадилар.



### Музейнинг функционал-режавий тузилмаси:

1 – вестибюль ва гардероб; 2 – ахборот-маълумотнома бўлими; 3 – экскурсовод хонаси; 4 – тиббий пункт; 5 – чекиш хонаси; 6 – ҳожатхона; 7 – киосклар; 8 – дам олиш хонаси; 9 – буфет; 10 – болалар учун ўйин хонаси; 11 – лекция зали; 12 – оммавий тадбирлар зонаси; 13 – даврий кўرғазмалар зонаси; 14 –

аудитория; 15 – кутубхона; 16 – фойе; 17 – дирекция; 18 – мажлислар зали; 19 – илмий ходимлар кабинетлари; 20 – хизмат вестибюли; 21 – маиший хоналар; 22 – ходимлар емакхонаси, ёрдамчи хоналари билан; 23 – фото ва бошқа лабораториялар ва устахонлар; 24 – экспонатларни қабул қилиш, консервация қилиш, тайёрлаш; 25 – техник хоналар; 26 – сейф.

*Рекреация зонаси* экспозицияларни кўргандан кейин дам олиш учун мўлжалланган бўлиб, кириш зонаси (агар у шаҳарда етарлича ажратилган бўлса) билан бирлаштирилиши, шунингдек очиқ экспозиция билан қўшилиб кетиши мумкин.

*Хўжалик зонаси* музей учун зарур бўлган иссиқлик пункти, трансформатор подстанцияси каби муҳандислик хизматларини, шунингдек омборлар ва гаражларни жойлаштириш учун мўлжалланган. Таъкидлаш лозимки, замонавий тенденцияларга кўра, ривожланган хўжалик зонасини рад этиш кузатилмоқда: техник хоналар имкон қадар бинонинг ертўла ва цоколли қаватларига жойлаштирилаётганини кўриш мумкин. Хўжалик зонасини музей ва кўргазма экспонатларини қабул қилиш ва жўнатиш учун мўлжаллангантомондан жойлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### **10.3. Музейлар фаолиятининг асосий турлари**

Музейлар фаолиятининг асосий турлари қуйидагилардан иборат: коллекцияларни жамлаш, шакллантириш ва сақлаш, илмий тадқиқот ишлари, маданий-маърифий фаолият. Коллекцияларни жамлаш, шакллантириш ва сақлаш. Музей функционал дастурни ўзига хос воситалар ёрдамида бажаради. Ашёвий ёдгорлик – йўналишлари бўйича турли бўлган музейлар фаолиятининг асоси ҳисобланади. Фондларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва жамлаш музейнинг ихтисослашувига асосланган ҳолдабажарилади. Экспонатлар аҳамиятига қараб музей фондлари асосий ва илмий-ёрдамчи фондларга бўлинади.

*Илмий-тадқиқот фаолияти* бир нечта изчил кетма-кетликка эга фазалардан иборат. Биринчи босқич – материални аниқлаш ва уни тоифалаш, келгусида илмий нуқтаи назарда ишланиши ва маданий-маърифий мақсадларда фойдаланиши имкониятларини белгилаш, фондлар ва экспозицияга қабул

қилинган материаллар ва экспонатларни жойлаштириш. Музей тўпламидаги материал ва экспонатларнинг илмий классификацияси каталоглар ва бошқа илмий-ёрдамчи ҳужжатларни тузишда ақс эттирилади. Экспозиция ташкил этилиши ва илмий мақолаларни тайёрланиши музей материалларининг илмий ишланишидаги якуний фаза ҳисобланади. Илмий ишларни ўтказиш учун музей ходимлари ва фондларнинг мутахассислари учун фонд коллекцияларидаги барча материаллардан фойдаланиш имконияти таъминланиши зарур. Музей фаолияти асосини *доимий экспозиция* ташкил этади. Экспозиция, асосан, дастлабки илмий ишловдан ўтган ақс экспонатлардан шаклланади. Экспозицияга бўлган ақсий талаблар:

- меъморий режали тузилиши ва илмий концепциянинг ягоналигини таъминлаш;
- ташриф буюрувчилар учун қулай шароитлар: ҳаракатланишнинг пухта ўйланган жадвали, экспонатларни яқка тартибда ва экскурсион гуруҳлар таркибида томоша қилиш имкониятлари, томошабинларларнинг турли тоифалари манфаатларини ҳисобга олиш;
- намоиш этиладиган материални музейнинг тузилмаси ва тематик-экспозицион режасига мувофиқ ифодали тақдим этиш шакли;
- экспонатлар сақланишини таъминлаш: ёритилишнинг, ҳарорат ва намликнинг зарур даражасига, коллекцияни қўриқлаш чораларига қатъий риоя қилиш.

Музейнинг меъморий ҳажми экспозиция заллари ва очик экспозициядан ташкил топади. Хоналар таркибида ташриф буюрувчиларга музей коллекциялари ва бино ҳақида ақборот-маълумотлар тақдим этиладиган кириш залини лойиҳалаштириш мақсадга мувофиқ.

*Кўрғазмаларни ўтказиш билан боғлиқ фаолият* музейнинг замонавий ҳаётда иштирок этишининг шаклларида бири ҳисобланиб, кўрғазмалар музейнинг ўз фонди ҳамда бошқа музейларнинг фонди ёрдамида ташкил қилинади. Бундай тадбирлар музейнинг экспозиция имкониятларини ошириб, ташриф буюрувчиларнинг янги тоифаларини жалб қилишга ёрдам беради.



Кўргазма ўтказишнинг иккита асосий шаклидан фойдаланилади: музей ичида ва кўчма кўргазмалар – бунда махсус кўргазма заллари ва транспорт воситалари бўлиши талаб этилади. Кўргазма залларига қўйиладиган асосий талаблар:

- вестибюлга яқинлик, бошқа хоналар орқали ўтмасдан, бемалол кириш имконияти;
- фазовий ва бадиий ечимларнинг нейтраллиги;
- осон ва тез трансформация (ўзгартириш) имконияти.

Заллар қошида кўргазма ускуналарини ва инвентарь сақлаш учун хоналарни кўзда тутилиши, фонд сақланадиган хоналарда кўчма кўргазмалар учун махсус хоналарни (имкон қадар чиқиш эшигига яқин жойда) лойиҳалаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади [28].

*Маданий-маърифий ишлар* сирасига кўргазмалар, экскурсияларни ташкил этиш, лекциялар, учрашувлар, конференциялар, кечалар, суҳбатларни ўтказиш, кинофильмларни намойиш қилиш, тўғарақлар фаолиятини юритиш кабилар киради. Бу, ўз навбатида, музей тузилмасига кинолекцион зал, тўғарақлар учун хоналар, шунингдек универсал майдонлар киритилишини шартлаб беради.

Маданиятлараро мулоқот томонга умумий бурилиш рўй бераётган, музей бинолари эса универсал санъат марказларига айланиб бораётган ҳозирги шароитларда музейлар учун таркибида бошқа функционал вазифалар учун мўлжалланган биноларга хос бўлган хоналарнинг бўлиши табиий ҳолдек қабул қилинмоқда. Масалан, баъзи музейларда ўқув устахоналари, томоша заллари, медиатекалар лойиҳалаштирилаяпти. *Коллекцияларни сақлаш* экспозиция заллари ва музей фондларида экспонатларни сақлаш бўйича тадбирлардан иборат. Сақлаш экспонатларнинг турлари бўйича ташкил қилинади. Экспонатлар консервацияси ва реставрацияси ишнинг асосий қисми ҳисобланади. Музейнинг катталиги ва аҳамиятига боғлиқ тарзда битта реставрация устахонаси ёки устахоналар ва лаборатория комплекси кўзда тутилиши мумкин. Бир нечта музейларга тегишли фондлар марказлаштирилган шароитлар учун фондлар сақланадиган махсус омборлар, устахоналар ва лабораторияларнинг базавий марказини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир

#### 10.4. Ҳажмий-режали ечим

Музей бинолари 1-3 қаватли (одатда, 2 қаватли) қилиб лойиҳалаштирилиб, бунда горизонтал функционал зоналаш афзалроқ ҳисобланади. Вертикал функционал зоналаш қўлланилганида экспозиция, одатда, босқичли шаклда жойлаштирилади. Коммуникацияларга, яъни зинапоялар, пандуслар, йўлаклар ва галереяларга алоҳида эътибор берилади – улар ички ҳажмни шакллантиришда ва экспонатларни томоша қилишнинг давоми ёки дам олиш жойлари сифатида ҳаракатланиш тартибини белгилашда фаол қатнашиши лозим. Музейнинг юқорида қайд этилган фаолият турларини ва музей биносидаги барча функционал жараёнларни ташкил этишга қуйидаги асосий функционал блоклар мос келади:

- музейга кириш зонасидаги хоналар гуруҳи;
- экспозиция қисми;
- кино ва лекция зали;
- маъмурий, ишчи ва ёрдамчи хоналар, кутубхона;
- лаборатория ва устахоналар;
- фондлар сақланадиган хоналар;
- техник хоналар.

Ушбу функционал блокларни вазифалари бўйича асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатиш хоналарига ажратиш.

Бажарадиган вазифалари бўйича хона тури	Музейнинг функционал зоналари	
	А – ташриф буюрувчилар зонаси	Б – хизмат кўрсатиш зонаси
Асосий	Доимий экспозиция, муваққат кўргазмалар	Фондлар сақланадиган хоналар
Ёрдамчи	Кино ва лекция зали, тўғарак хонаси, дам олиш зонаси, ахборот-маълумотнома	Ходимлар учун ишчи хоналар, лабораториялар, устахоналар, кутубхона

	хоналари	
Хизмат кўрсатувчи	Вестибюль, гардеробхона, буфет, киоск, чекиш хонаси, санитария бўлмалари	Хизмат ветибюли, хўжалик омборлари, инвентарь сақланадиган хоналар, санитария блоклари, техник хоналар

Хоналар ташриф буюрувчилар ёки музей ходимлари фойдаланишига қараб иккита асосий функционал зоналарга бўлинади: А – ташриф буюрувчилар зонаси (очик); Б – хизмат кўрсатиш зонаси (ёпиқ). Майдонлар хоналарнинг асосий гуруҳлари ўртасида музейнинг ихтисослашуви, унинг катталиги ва аҳамиятига боғлиқ равишда тақсимланади. Хоналарнинг ўзаро нисбатлари тахминан қуйидагича қабул қилинади :

- экспозиция заллари – 45-55%;
- фондлар сақланадиган хоналар – 20-25%
- ёрдамчи ва хизмат кўрсатиш хоналари – 35%.

#### **10.5. Бинонинг функционал блоклари ва уларни лойиҳалашга қўйилган талаблар.**

##### **Музейга кириш зонасидаги хоналар гуруҳи**

Вестибюль музейнинг меъморий тузилмаси бошланадиган муҳим коммуникацион узел ҳисобланиб, айнан шу ерда томоша маршрутлари бошланади ва якунланади. Ташриф буюрувчилар мана шу ерда музей тўғрисидаги биринчи таассуротларга эга бўладилар. Таъкидлаш лозимки, музей биноси ёки комплексининг кириш гуруҳи бир вақтнинг ўзида ҳам оммавий (режали экскурсиялар), ҳам яқка тартибдаги ташрифлар учун хизмат кўрсатишга мўлжалланган бўлиши лозим. Шу сабабдан вестибюль функционал ва режавий жиҳатдан ўз таркибида қуйидагиларга эга бўлиши зарур: гардеробхона, экскурсия гуруҳлари ва яқка тартибда ташриф буюрувчилар тўпланадиган жой, ахборот хизматлари кўрсатиладиган хона, дам олиш ва назорат хоналари, чипта сотиладиган кассалар, буфет ва каталог, китоб, эсдалик

совғалари сотиладиган савдо шаҳобчалари, санитария блоклари. Вестибюлда навбатчи экскурсводлар учун алоҳида хонани назарда тутиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Вестибюлдан экспозиция заллари, кўрғазма ва кино залларига, маъмурият хоналари ва тўғарак хоналарига қулай ўтиш йўллари ташкил этилиши лозим. Музейларда, одатда, ташриф буюрувчиларга мўлжалланган бош вестибюлдан ташқари ходимлар учун ҳам хизмат ветибюли лойиҳалаштирилади. Вестибюль гуруҳининг ўлчамлари музейнинг бир вақтнинг ўзида қанча ташриф буюрувчи сиғдира олишига (уларнинг максимал сонига) боғлиқ қабул қилинади. Одатда, бу кўрсаткич бир кундаги ташриф буюрувчиларнинг 1/5 қисмини ташкил қилади. Агар вестибюль бир вақтнинг ўзида фаолиятнинг бошқа турлари учун ҳам хизмат қилса, ундаги хоналар майдони ҳам катталаштирилиши лозим.


Вестибюль ва гардероб майдони қуйидагича қабул қилинади, м<sup>2</sup>:

битта ташриф буюрувчи учун гардероб майдони	- 0,08
битта сумка ёки портфель сақлаш учун	- 0,04
битта ташриф буюрувчи учун вестибюль майдони	- 0,2-0,4

*Гардероб*, одатда, бинога киришнинг бош эшиги сатҳида, вестибюль ва заллар, коммуникация узеллари, зинапоялар, лифтлар (экспозиция кўп қаватли тузилмага эга бўлган ҳолатларда) ўртасидаги боғлиқликни бузмайдиган тарзда жойлаштирилади.

Назорат хонаси вестибюлни иккита: назоратгача ва назоратдан кейингизоналарга ажратади. Назоратгача бўлган зонада гардероб, кассалар, ахборот хизматлари, киоск ёки дўконлари, чекиш хоналари ва санитария блоклари бўлган тақсимловчи гардероб, назоратдан кейинги зонада эса – музейнинг асосий хоналари: кўрғазма ва экспозиция заллари, фондлар сақланадиган хоналар, лабораториялар ва устахоналарга кириш йўллари жойлаштирилади. Катта бўлмаган музейларда касса, киоск ва назорат бирлаштирилишлари мумкин. Вестибюлда, шунингдек, қўриқлаш постлари, жумладан ўт ўчириш постлари ҳам лоҳилаштирилади. Йирик музейларда тиббий пунктлар кўзда тутилади. Ташриф буюрувчилар ва музей ходимларига

хизмат кўрсатишга мўлжалланган буфет бино вестибюли билан энг қисқа боғланишга ва юк тушириб олиш учун қулай майдончага эга бўлиши керак. Буфет хоналари таркибига овқатланиш зали (таом тарқатиш пештахтаси билан), ёрдамчи хона ва идиш-товуқ ювиш хонаси кириши лозим.



**Музейларда ташриф буюрувчилар ҳаракатланиши жадваллари (А-И)  
(В.И.Ревякин бўйича)**

Музей биносининг экспозиция қисми

*Экспозиция заллари* – бинонинг меъморий композицияси ва бадий кўринишини шакллантирувчи музейнинг асосий хоналар мажмуаси

ҳисобланади. Залларнинг меъморий-ҳажмий тузилмаси – уларнинг ўлчамлари, шакли, ўзаро ва бошқа хоналар билан боғланганлик тизими – экспозиция мақсади ва спецификаси билан белгиланади. Экспозиция заллари учун умумий талаблар В.И.Ревякин томонидан қуйидагича таърифланади:

- залларнинг фазовий-режали ва бадиий ечимлари экспозициялар тематик тузилишига мос бўлиши лозим;
- бутун музей бўйлаб маршрутни ва танлаб туриб етакчи бўлимларни томоша қилиш имконияти;
- экспозициялар тўлдирилиши ва янгиланиши муносабати билан заллар тузилмасига ўзгартишлар киритиш имконияти;
- очиқ экспозиция билан боғлиқлик;
- экспозиция заллари тузилмасига махсус дам олиш зоналари ва экспозицияларни тайёрлаш ва инвентарь сақлаш учун хоналарини киритиш.

Экспозиция заллари фондлар сақланадиган хоналар ва устахоналар билан функционал ва технологик жиҳатдан боғланган бўлишлари зарур. Агар улар бинонинг турли қаватларида жойлашган бўлсалар, у ҳолда экспонатларни кўчириш учун юк лифтлари ёки юк кўтаргичлар кўзда тутилиши лозим. Экспозициянинг иккинчи ва учинчи қаватларда, марказий кириш зали атрофида жойлаштирилиши музей бинолари учун энг кўп тарқалган композиция тури ҳисобланади. Экспозицияни учинчи қаватдан юқорида жойлаштирилиши доим ҳам мақсадга мувофиқ эмас (кўп қаватли комплекслар қурилишида аввалдан лойиҳада кўзда тутилмаган ҳолатлар бундан истисно). Бадиий музейларнинг заллари, табиий ёритилишини назарда тутган ҳолда, ёруғлик тушадиган деразалари шимол томонга қаратиб лойиҳаланади; бадиий графика экспонатларини намойиш қилиш шартларига кўра, улар учун махсус заллар ажратилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Битта ташриф буюрувчи учун *экспозиция майдони* 3-4 м<sup>2</sup> ни ташкил қилади. Катта бўлмаган музейларда (экспозиция майдони 500 м<sup>2</sup> гача) экспозиция майдонларида учрашувлар, кинофильмлар намойиши, шунингдек муваққат кўрғазмалар ўтказилишини

назарда тутиш лозим. Залларни лойиҳалаштиришда дераза ва эшик ўринларини, қайта режалаштириш ва экспозицияларни ташкил қилишни мураккаблаштирувчи муқим конструктив таянчлар ва ораёпмалар сонини имкон қадар қисқартириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу талабларга риоя қилиш учун бинонинг умумий схемасини, қаватлилигини, пол ва шип сатҳларини, ҳажмлар ва майдонлар пластикасини танлаш, ёруғлик ва ранглар уйғунлиги ҳамда композицион ечимларга урғу бериш каби меъморий усул ва воситаларнинг барчасидан фойдаланиш лозим. Қатор жойлаштириладиган экспозиция залларининг баландлиги 4-5 метр, катта заллар баландлиги 6-8 метр, экспозиция қаторининг баландлиги эсаполдан 0,8-0,9 метр масофада 1,50-1,70 метрқилиб қабул қилинади. Экспозиция қаторининг узунлиги 20-50 метрдан ошмаслиги зарур. Экспозиция қаторидаги майдоннинг экспонатлар билан тўлдирилиши 50-60% га тенг қилиб қабул қилинади. Томошабин ва экспонат ўртасидаги масофа, одатда, экспонат баландлигининг икки баробарига тенг бўлади. Экспозицион ҳажмни томошабинлар қабул оладиган яхлитлиги 24 метр билан чекланади.

Экспонатларни томоша қилиш *маршрутининг* мажбурий, эркин ёки уларнинг бирлаштирилган варианты қўлланилиши мумкин. Барча бўлимларга муайян кетма-кетликда кириш билан бажариладиган мажбурий варианты кўпроқ дидактик тусга эга экспозициялар учун хосдир. Бадиий музейларда бундай вариант камдан-кам қўлланилади. Экспонатларни томоша қилиш кетма-кетлигини чапдан ўнгга, экспозиция кўп сатҳли қилиб тузилган ҳолларда эса – юқоридан пастга қилиб ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Экспонатларни кўриш маршрути ва ёритиш тизими композицион схемаларни тузишда асосий омиллар бўлиб хизмат қилиши мумкин. Экспозиция ташкил қилишнинг илмий, таркибий ва функционал-технологик масалаларини бирлаштириш учун коллекция тури ва унинг натурадаги индивидуал мужассамлигига мос бўлган музейнинг ягона бадиий концепциясини ишлаб чиқиш талаб этилади. Экспозицияни кўп қаватли бинонинг турли қаватларида жойлаштирилганида маршрутни юқоридан пастга қараб ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Заллар ичида экспозицияни кўриш чапдан ўнгга қилиб ташкил қилинади. Экспозицияни кўриш жадвалини тузишда марказий жойлар етакчи экспонатларни жойлаштириш учун ажратилиши лозим. Бундай экспонатлар ёритиш, ранг, фон каби бадий безаш воситалари ёрдамида бошқа экспонатлардан ажратилади. Полни йирик экспонатлар ва витриналар билан юкланиши 20-30%ни, бош ўтиш йўлининг кенглиги – 2-3 метрни, иккинчи даражали ўтиш йўлининг кенглиги – 1,5-2,0 метрни ташкил қилади. Етакчи экспонатлар олдида 10-15 метрлик бўшлиқ қолдириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

*Кўрғазма заллари (муваққат кўрғазмалар заллари)* – замонавий музейнинг ажралмас қисми.. Кўрғазмада намоёиш этиладиган экспозиция мавзуси чегараланиб, бу экспозициялар, асосан, ахборот тусига эга бўладилар. Шунинг учун ҳам, агар музейларнинг доимий экспозицияси 7-10 йилда бир марта ўзгартирилса, кўрғазмалар экспозицияси ҳар 1-2 ойда ўзгариб туради. Экспозициянинг тез-тез ўзгартирилиши, унга нисбатан талабларнинг ўзгариб туриши кўрғазма заллари экспозиция залларига қараганда мослашувчанроқ (универсал) бўлиши талаб қилади. Кўрғазмалар зали турли конструкциялар ва ускуналар ўрнатилиши учун мослашган бўлиши лозим. Кўрғазма зали имкон қадар вестибюлга яқин жойлашган ёки мустақил кириш йўлига эга бўлиши керак. Кўрғазма заллари қошида экспозицияни ташкил қилишда ишлатиладиган ускуналарни сақлаш учун махсус хона, экспонатларни вақтинча сақлаш ва турли тайёргарлик ишлари учун алоҳида хоналар ажратилиши мақсадга мувофиқдир. Музейнинг ҳажмий тузилмаси унга таъсир кўрсатувчи кўпгина омиллар сабабли турлича бўлиши мумкин. Лекин, бу масалани ҳал қилишдаги энг замонавий ва мақбул ечим – мослашувчан режавий тузилмага ва тезкор ўзгартириш имониятларига эга универсал майдондан фойдаланишдир. Музей заллари ташқи муҳит учун очиқ бўлиб, табиат билан идеал боғланиши (галерея усули) ёки диққат-эътибор фақат экспозиция объектига қаратилишини таъминлаш мақсадида ташқи муҳитдан ажратилган бўлиши мумкин.

### **Кино ва лекция зали**



Кино ва лекция зали таркибидаги хоналар блоки қуйидагилардан иборат: кино ва лекция зали, эстрада ва унинг қошидаги хона, киноаппаратлар хонаси, кинозал қошидаги фойе (у вестибюль билан бирлаштирилиши мумкин). Экспозициянинг иш режимидан мустақил равишда фойдаланиш мақсадида кино ва лекциялар залини вестибюлга яқин қилиб жойлаштириш лозим. Кино ва лекциялар зали тематик кинофильмлар намойиши, семинарлар ва мактаб ўқувчилари ҳамда катта ёшдагилар учун конференциялар ўтказиш учун хизмат қилади. Залда, кинопроекция қурилмаларидан ташқари, экспонатларни намойиш қилиш учун кичикроқ сахна, доска ва картиналар, кўргазмали қўлланмаларни осиб учун мослама, диапозитив ва видеофильмларни намойиш қилиш учун шароитлар яратилган бўлиши зарур.

### **Маъмурий, ишчи, ёрдамчи хоналар, кутубхона**

Бу хоналар гуруҳи доимий экспозиция зонасидан алоҳида жойлаштирилиши ва алоҳида хизмат кириш эшиги ва вестибюлга эга бўлиши лозим.

*Тўғараклар ва студия хоналари* турли машғулотларни ўтказиш учун мўлжалланган бўлиб, уларда турли гуруҳлар ишлаши учун тезкор ўзгартишларни бажариш имкониятлари кўзда тутилиши лозим. Музей тўғараклари ва студияларининг иши музей фондлари материаллари ва музей лабораториялари технологияларини ўрганишга асосланган. Бу ҳолат тўғарак хоналари айнан музей фондлари ва лабораториялари ёнида жойлашишини шартламайди, аксинча, бу хоналарда одамлар кўп йиғилиши, шу сабабдан шовқин даражаси ортгани сабабли, уларни имкон қадар алоҳида жойлаштириш лозим.

*Ишчи хоналар* – бу музей маъмурияти ва ходимлар учун ажратилган кабинет ва хоналар бўлиб, улар, аксарият ҳолларда, бош ва хизмат кириш эшиклари ёнида жойлаштирилади. Илмий ходимларнинг ишчи хоналари бир жойда жамланиши ёки асосий иш олиб борилаётган бўлимлар ёнига жойлаштирилиши мумкин.

Музейнинг *илмий кутубхонасида* нафақат жорий илмий адабиётлар, балки коллекциялар таркибига кирувчи нодир нашрлар ҳам сақланади. Кутубхона, асосан, музей ходимларига хизмат кўрсатади. Илмий ишларни юритиш учун кутубхона ёнида махсус хоналар ажратилади. Илмий ишлар учун мўлжалланган хоналар майдони битта илмий ходим учун 4,5 м<sup>2</sup> ва бўлим ёки сектор раҳбари учун 9 м<sup>2</sup> қилиб қабул қилинади.

Кутубхона ўз фондларини музей спецификасига мувофиқ шакллантиради, музей ходимлари ва ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатади. Айтиш лозимки, замонавий музейлардаги илмий кутубхоналарнинг функциялари қуйидаги икки параметр:

- ахборот сақлашнинг замонавий воситалари илмий кутубхонада компьютер заллари бўлишини, жумладан Интернет тармоғидан эркин фойдаланиш имкониятлари мавжудлиги;
- илмий кутубхона ўзининг алоҳида қисмларида ташриф буюрувчилар фойдаланилишига ҳам мўлжалланганлиги ҳисобига сезиларли даражада кенгайган.

### **.Лаборатория ва устахоналар**

Лабораториялар ва устахоналар музейнинг нормал фаолиятини таъминлаш учун мўлжалланган. Уларнинг таркиби экспозициянинг тури ва тусига боғлиқ равишда турлича бўлиши мумкин. Музейларда, одатда, реставрация устахонаси, модель ва макет устахоналари, таксидермика лабораторияси, дурадгорлик ва чилангарлик устахоналари, фотолаборатория мавжуд бўлиб, энг мураккаб ва масъулиятли ишлар фондлар сақланадиган хоналар билан қулай боғланган реставрация ишлари бўйича устахона-лабораторияда бажарилади.

Бадий устахона ёруғ ва кенг бўлиб, дерезалари шимол томонда бўлиши зарур. Бу устахона музейнинг ёпиқ зонасида жойлаштирилиб, экспозиция заллари, фотолаборатория, ва, айниқса, асосий устахона билан боғланган бўлиши керак. Асосий устахонада экспозицияларни ва фондлар сақланадиган хоналарни жиҳозлаш бўйича муқовалаш, дурадгорлик, чилангарлик, электртехник, бўёқчилик ва шу каби барча жорий ишлар бажарилади.

## 10.6. Конструктив ечим

Янги конструкцияларни ривожланиши музейларнинг меъморий ечимлари тўғрисидаги тасаввурларни анча кенгайтириши асносида замонавий музейлар архитектурасида турли фазовий тузилмаларнинг мураккаб шакллари, худди анъанавий содда шакллар каби, муҳим ва аҳамиятли ўринга эга бўлмоқдалар.

Музей биносининг конструктив ечими икки йўналишда, яъни фақат функционал эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган ва объектнинг меъморий-композицион ечимидаги муҳим элемент сифатидаталқин қилиниши мумкин. Биринчи ҳолатда конструктив ечим комплекснинг, биринчи навбатда, катта ўлчамли бўшлиқлар (атриумлар, экспозиция ва концерт заллари) қулай фаолият юритишини таъминлашга, шунингдек фондлар сақланадиган хоналар комплексининг ишончли ва мақсадга мувофиқ тарзда ташкил қилинишига қаратилади. Иншоот интерьерида эркин, бир-бири билан узвий кетма-кетликда алмашилиб борадиган бўшлиқларни ташкил қилиш учун каркасли схемадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу, модернизмга хос бўлган ечим архитектурани минимал харажатлар билан ҳал қилиш имкониятини яратиш билан бирга бошқа ечимлардан (масалан, турли осма панеллардан, ўзига хос безакларни қўллаш ва ҳк.) фойдаланиш учун ҳам вариантларни тақдим этади. Фермалардан фойдаланиш аста-секин фазовий қопламаларни қўллаш билан алмаштирилади. Иккита улкан рамалар (бир қават учун) асосида бажарилган ораёпма қаватлараро бўшлиқни ёрдамчи хоналар ва омборхоналарни жойлаштириш учун хизмат қилади. Катта оралиқли фазовий конструкцияларнинг ишлатилиши таянчсиз бўшлиқларни ёпишда иш беради, бунда улар бинога ҳам интерьер, ҳам ташқи қиёфа нуқтаи назарида ўзига хос ифодалилиқ ва маъно берадилар. XX асрда фазовий қопламаларнинг барча турларидан фойдаланилган: бир томонлама ва икки томонлама эгриликка эга қобиклар (гипарлар кўринишидаги), кубба ва гумбазларнинг барча турлари, бурма ва қат-қат қопламалар, пневматик ва ҳаво кўтарувчи қобиклар, шунингдек мураккаб йиғма конструкциялар. Бугунги кундаги амалиётда

томоша заллари бўшлиқларини ёпиш мақсадида фазовий шакллар кўп қўлланилади.

### **10.7. Кўргазмалар**

Кўргазмалар коммуникатив алоқалар, тажриба алмашиш учун хизмат қиладилар. Кўргазмаларнинг асосий вазифаси ва ўзига хослиги у ёки бу соҳада эришилган янги ютуқ ва натижаларни аниқлаш ва намойиш қилишдан иборатдир.

Режалаштириш тузилмаси бўйича кўргазма экспозицияси тузилишининг қуйидаги турларини ажратиш мумкин:

- мунтазам ўқ бўйича;
- радиал-ҳалқасимон;
- эркин-манзарали.


Кўргазма павильонларининг ўлчами, одатда, катта бўлмайди, экспонатлар сақланадиган хоналар майдони намойиш этилаётган материал хусусиятларига боғлиқ тарзда белгиланади. Кўргазмалар экспозициянинг доимий ўзгариб туриши билан музейлардан фарқланади. Кўргазма экспозициясини кўришга бўлган талаблар музейнинг экспозиция ва кўргазма залларига қўйилган талаблар каби белгиланган. Кўргазмалардаги хўжалик хоналари блоки музейлардагига қараганда кўпроқ ривожланган, бу блок таркибига экспозиция монтажини бажариш учун йирик устахоналар (масалан: дурадгорлик, чилангарлик) киради.

Фазовий тузилмаси бўйича кўргазма залларининг қуйидаги турларини ажратиш мумкин:

- марказлашган бинолар, улар режанинг ихчамлиги ва функционал жиҳатдан эркин универсал бўшлиққа эга бўлгани билан ажралиб турадилар;
- марказлашмаган бинолар, улар кўргазманинг мавзу бўйича бўлимларга табақаловчиалоҳида блоклардан иборат бўлади.

Кўргазмаларнинг ҳажмий-режали ечими кўргазма тематикаси ўзгаришига қараб павильон ва экспозициялар тезкор ўзгартирилишини, барча павильонлар,

жумладан алоҳида танланган павильонлар майдони янги ёки алмаштирилаётган экспонатлар ўлчамига боғлиқ равишда ўзгартирилишини таъминлаши лозим. Кўрғазмаларда, одатда, ташриф буюрувчиларнинг қарама-қарши оқимлари тўқнашишини истисно қилувчи ҳаракатланиш жадвали жорий этилади. Павильон баландлиги белгиланмайди, хизмат кўрсатувчи хоналар баландлиги – 3,3 метргача бўлиши мумкин. Кўрғазма бирон йўналишдаги ютуқ ва натижаларни намойиш этиш воситаси сифатида турли соҳага оид янгиликларни тақдим этади. Павильон ҳам кўрғазма экспонати сифатида талқин этилиши мумкин – бунда кўрғазманинг ички ва ташқи қиёфаси ечимини ягона меъморий асар яратишга ўхшатса бўлади.



**Ивата шаҳридаги Маданият маркази, Япония, архитектор К.Курокава, 1999**

## **11-БОБ . УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ БИНОЛАРИ**

### **11.1. Умумий овқатланиш корхоналари классификацияси**

Умумий овқатланиш корхоналари:

- овқатланиш корхоналари учун махсус мўлжалланган алоҳида биноларида (сиғими 100 ва ундан кўп бўлган);

- жамоат ва савдо марказлари, бозор комплекслари ва вокзаллар таркибида;

- турар-жой ва жамоат бинолари таркибида ёки уларга қўшиб қурилган, шу жумладан ер остидаги махсус мажмуалар таркибида лойиҳалаштирилиши мумкин.

Овқатланиш корхоналари хом ашёни қайта ишлаш ва маҳсулот тайёрлаш бўйича тўлиқ технологик циклга эга корхоналар ёки маҳсулот тайёрлашнинг сўнгги босқичини бажаришга ихтисослашган корхоналар бўлиши мумкин. Биринчи корхоналар қаторига хом ашёни тўлиқ қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ва маҳсулот тайёрлашнинг сўнгги босқичини бажарувчи бошқа овқатланиш корхоналарига хизмат кўрсатиш ҳамда кулинария дўконларини ўз маҳсулоти билан таъминлашга ихтисослашган ресторан ва ошхоналар киради. Иккинчи корхоналар сирасига ярим фабрикатлар ва тайёрланишнинг юқори даражасига эга маҳсулотлардан таомлар тайёрлайдиган кафе, емакхона, тезкор хизмат кўрсатиш корхоналари киради. Умумий овқатланиш корхоналарининг кўрилаётган барча турлари шакли ва хизмат кўрсатиш усулларига кўра иккита асосий гуруҳга, яъни хўрандаларга хизмат кўрсатишни *официантлар орқали* амалга оширувчи ва *ўзига ўзи хизмат кўрсатиши принципа*гаасосан фаолият юритувчи корхоналарга бўлинади. Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда аксарият овқатланиш корхоналари, мувофиқ ижтимоий-иқтисодий асосланишларга ва ички ҳажм, интерьернинг бадий-композицион ечимларига, техник жиҳозланиши ҳамда ишлаш режимига асосланган ҳолда, ўзларининг асосий функцияларини ҳордиқ чиқариш ва кўнгилочар функциялар билан бирлаштириш имкониятига эга бўлишлари мумкин.

Ўринлар сони 300 тадан кўп бўлган ва умумшаҳар аҳамиятига эга умумий овқатланиш корхоналарни жойлаштириш бўйича шаҳарсозликка оид ўзига хос жиҳатларни, шунингдек аҳолининг меҳнат ва маданий-маиший алоқаларини,

хўрандалар контингенти, жумладан курорт зоналар учун ўринлар сонини мавсумий оширилишини ҳисобга олиб туриб, махсус дастур-топшириқлар бўйича лойиҳалаштириш тавсия этилади.

### **11.2. Умумий овқатланиш корхоналарини жойлаштиришга қўйилган талаблар**

Овқатланиш корхоналарининг ер участкаси иккита аниқ зонага бўлинади: *хўррандалар учун* зона (хўррандалар дам олиши ва ёзги мавсум вақтида очик ҳавода овқатланиш учун қўшимча ўринларни ташкил этилиши ҳам назарда тутилади) ва *хўжалик* зонаси. Бунда хўжалик ҳовлиси юк автомобиллари учун кириш йўллари ҳамда бинонинг омборхоналарига ёндош бўлган юк тушириш майдончасига, шунингдек чиқинди йиғиладиган майдончага ва ходимлар дам оладиган зонага, хусусий автотранспорт турадиган жойларга эга бўлиши керак. Қишлоқ жойлардаги овқатланиш корхоналарининг хўжалик ҳовлисида қаттиқ ёқилғи сақланадиган зона (омбор) ҳам кўзда тутилиши лозим. Турар-жой бинолари таркибидаги ёки уларга қўшиб қурилган умумий овқатланиш корхоналарининг хўжалик зонаси ва юк тушириш майдончаларини ушбу биноларнинг дераза ва эшиклари бўлмаган қисқа ён томонларида жойлаштириш керак. Участкада автомобиллар турадиган жойлар бўлиши ҳам кўзда тутилиши лозим. Автомобиллар турадиган жойлар ва умумий овқатланиш корхонаси жойлашган бино ўртасидаги масофа 150 метрдан ошмаслиги керак.

### **11.3. Ҳажмий-режали ечим**

Корхона (бино) тузилмасидаги барча асосий функционал гуруҳлар аниқ зоналаниши ва ишлаб чиқариш йўлаклари воситасида қулай функционал ўзаро боғланишга (одамлар ва юклар оқими йўналиши бундан истисно) эга бўлиши керак.

Бунда қуйидаги ишлаб чиқариш цикли амалга оширилади: ярим фабрикат ва хом ашёни қабул қилиш, иссиқлик билан қайта ишлаш ва таомларни безаш, маҳсулотни сотиш ва хўрандаларга хизмат кўрсатиш.

Бу циклга қуйидаги хоналар гуруҳлари мувофиқ келади:

*1. Хўрандалар учун хоналар:*

- гардеробли вестибюль;
- қўл ювиш хоналари, ҳожатхоналар;
- овқатланиш заллари;
- буфет;
- уйга олиб кетиладиган тушликлар ва ярим фабрикатлар сотиладиган хона.

*2. Ишлаб чиқариш хоналари:*

- ишлаб чиқариш цехлари: иссиқ таомлар тайёрлаш цехи (ошхона); совук цех: гўшт ва балиқ цехлари; кандолат цехи; сабзавот цехи; гумма (сомса) пишириш цехи;
- тайёр таомлар тарқатиш участкаси;
- идиш-товоқ ювиш участкалари;
- нон кесиш хонаси.

*3. Маҳсулотларни қабул қилиш ва сақлаш хоналари:*

- юкларни тушириб олиш хоналари;
- обмборхоналар: куруқ маҳсулотлар омбори; сабзавотлар омбори; инвентарь ва тара сақланадиган омбор;
- совутиладиган камералар.

*4. Маъмурий-маиший хоналар:*

- идоравий хоналар;
- директор ва бухгалтер кабинетлари;
- ходимлар хонаси;
- тиббий хона;
- ходимлар учун гардероб, душхоналар ва санитария блоклари.

Барча турдаги умумий овқатланиш корхоналари биноларининг ҳажмий-режали ечимларига қуйидаги умумий талаблар қўйилади:

- савдо ва савдо билан боғлиқ бўлмаган хоналарнинг бир-бирига нисбатан оқилона жойлаштириш; бу хоналарнинг ўзаро жойлаштирилиши улар ўртасидаги узвий боғлиқликни таъминлаши, хўрандалар оқимининг ходимлар



йўллари, тоза ва ювилмаган идиш-товоқ, ярим фабрикатлар, хом ашё ва чиқиндиларни ташиш йўллари билан кесишишини истисно қилиши лозим;

- технологик зарурат туғилган ҳолатларда ўзгартириш (трансформация)ни амалга ошириш имконияти мавжуд бўлиши керак;

- бир нечта умумий овқатланиш корхоналари комплекс корхонанинг битта биносида бирлаштирилганида, хизмат кўрсатиш хоналарининг умумий майдонини қисқартириш мақсадида, улардан биргаликда фойдаланиш имкониятини таъминлаш зарур.

Умумий овқатланиш корхоналари биноларининг ҳажмий-режали ва конструктив ечимлари хўрандаларга хизмат кўрсатишнинг турли шакллари (ўзига ўзи хизмат кўрсатиш ва официантлар ёрдамида хизмат кўрсатиш ва ҳк.) ташкил қилиш ва таом тайёрлашнинг сўнгги босқичига ихтисослашган овқатланиш корхоналарига ярим фабрикатлар ва совутилган тайёр маҳсулотларни марказлашган ва комплекс тарзда етказиб бериш бўйича илғор технологияларни татбиқ этишимкониятларини таъминлаши лозим. Бунда тайёр ва ярим фабрикат маҳсулотларни юклаш-тушириш ва шу каби мураккаб ишларни механизациялаштириш ва автоматлаштириш максимал даражада бўлишига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Умумий овқатланиш корхоналарининг техник жиҳозланиши юқори самарадорликка эга замонавий технологик ускуналар, яъни хорижий ва маҳаллий модулли ускуналар, функционал ҳажмлар, кўчма стеллажлар ва ярим фабрикатлар ҳамда тайёр маҳсулотларни етказиб бериш учун контейнерлар ва шу кабиларни лойиҳаларда кенг жорий этилишига асосланиши керак.

Конструктив ечим қурилиш амалга ошириладиган муайян ҳудуддаги мавжуд индустриал база ва қурилиш материаллар турлари ҳамда захирасига, лойиҳалаштирилаётган объектнинг тури, вазифаси, қаватлар сонива жойлаштирилиши (алоҳида жойлаштирилиши ёки мавжуд турар-жой ва жамоат бинолари таркибида ёки уларга қўшиб қурилиши)га асосланган ҳолдатанланади. Овқатланиш корхоналарининг биноларини лойиҳалаштириш турли конструктив тизимлар ва материалларга (тўлиқ йиғиладиган темир-бетон


тизимлар, каркас-панелли ва йирик панелли конструкциялар, монолит темир-бетон, ғишт, маҳаллий қурилиш материаллари, енгил металл конструкциялар, шу жумладан катта оралиқли конструкциялар, кўп қатламли фасад панеллари қўлланилган елимланган ёғоч конструкциялар, структурали шиша, аралаш конструктив тизимлар ва материаллар) асосланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

### **Хўррандалар учун хоналар**

Хўррандалар учун хоналар, одатда, биринчи қаватда, бош кириш жойи ёки ён фасадлар томонида жойлаштирилади. Сабаби, айнан шу хоналар бинонинг ҳажмий-фазовий композициясини шакллайди ва унинг бадиий кўринишига таъсир қилади.

Қават баландлигини 3,3 метр қилиб, агар савдо залининг сиғими катта бўлса – 4,2 метр қилиб қабул қилиш лозим.

Овқатланиш заллари ва уларга хизмат кўрсатувчи иссиқ ва совуқ таом цехларини, шунингдек ошхона идиш-товоқхоналарини ювиш хонасини, қоидага кўра, бир сатҳда жойлаштириш керак.



Умумий овқатланиш корхонларининг композицион (А) ва технологик (Б) схемалари

Хўрандаларга хизмат кўрсатишни шакли ва умумий овқатланиш корхонасининг тавсифи овқатланиш залларини лойиҳалаштиришдаги принципиал омиллардан ҳисобланади. Ўзига ўзи хизмат кўрсатиш корхоналари (ошхона, емакхона, тезкор хизмат кўрсатишга ихтисослашган кафелар), одатда, овқатланишдаги утилитар (тор доирадаги) эҳтиёжларни қондиришга хизмат қиладилар; хизмат кўрсатиш официантлар ёрдамида амалга ошириладиган овқатланиш корхоналари (ресторан, бар, разрядли кафелар)да хўррандалар томонидан танланган сўров ва эҳтиёжлар қондирилади ҳамда уларни дам олиши учун ҳам муайян шароитлар яратилиб берилади. Хўрандаларга хизмат кўрсатиш официант орқали, буфетчи ёки бармен орқали ёхуд таом тарқатиш пештахталари ва расталари орқали ўзига ўзи хизмат кўрсатиш принципага асосланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Ўзига ўзи хизмат кўрсатиш корхоналаридаги овқатланиш заллари таркибига *таомни олиш* ва *таомни тановул қилиш* зоналари киради. Таомлар ассортименти чекланган ёки таомларнинг комплекс тўпламларини таклиф қиладиган тезкор хизмат кўрсатиш корхоналарида хизмат кўрсатиш бармен орқали амалга оширилиши мумкин, яъни таомни олиш зонаси таом тарқатиш пештахтаси ёнида шаклланади. Таомлар ассортименти кенгайтирилган корхоналарда (ошхона, кафе ва ҳк.) таом олиш зонаси таркибида патнис ва овқатланиш анжомлари, газаклар, биринчи ва иккинчи таомлар учун модуллаштирилган ускуналарнинг элементлари ва шу кабилар учун мўлжалланган пештахталар жойлаштирилган таом тарқатиш линияси бўйлаб шаклланади.

Ўзига ўзи хизмат кўрсатишда таом тарқатиш линиялари (зоналари) ишлаб чиқариш хоналар гуруҳи (иссиқ таом тайёрлаш цехи) ва овқатланиш зали

Ўртасида боғловчи бўғин вазифасини бажарадилар, улар иссиқ цех билан функционал боғланишга эга бўлиб, овқатланиш зали майдонида жойлаштириладилар. Иссиқ цех ва зал орасида жойлаштириладиган таом тарқатиш линиялари устида, агар улар орасида тўсиқ бўлмаса, ёнмайдиган ёки қийин ёнадиган материалдан тайёрланган ва баландлиги шифтгача бўлган экран ўрнатилиши кўзда тутилади. Бу экраннинг пастки қисми полдан 2 метр баландликда бўлиши лозим. Таом тарқатиш линиялари овқатланиш залидан тўсиқлар, декоратив ораёпмалар ва экранлар, гулдонлар воситасида ажратилиши лозим.

Технологик тарқатиш линиясидан чегараловчи экраннинг тўсиғигача бўлган масофа: хўрандалар бир қатор бўлиб ўтганида 0,9 м; хўрандалар икки қатор бўлиб ўтганида 1,2 м бўлиши керак; технологик тарқатиш линияси орқасидаги ишчи зона кенглиги 1 метр қилиб қабул қилинади. Тарқатиш линиясига кираётган ва ундан чиқиб кетаётган хўрандалар оқими кесишмаслиги зарур.

Ресторан ва кафелар залларида учта зонани ажратиш мумкин: кириш, овқатланиш зали ва эстрада-рақсга тушиш.

Овқатланиш залининг (таом тарқатиш зонасини ҳисобга олмаганда) майдони залдаги битта ўрин ҳисобидан қуйидаги жадвалда берилган кўрсаткичларга асосан қабул қилинади [43]:

Ресторанларда	1,8
Умумий фойдаланишдаги ва олий ўқув муассасаларидаги ошхоналарда	1,6
Кафе, газакхона ва пивоходаларда	1,4
Кафе-автомат, тезкор хизмат кўрсатиш корхоналари ва алкоғолсиз ичимликлар барларида	1,2
Болалар соғломлаштириш масканлари (ёзги) ва юқори синф ўқувчиларининг соғломлаштириш масканаларида	1,0
Санаторий туридаги болалар соғломлаштириш масканаларида	1,4

Мактаблар ва мактаб-интернатларда:	0,75
залдаги ўринлар сони 80 тагача бўлганида	0,7
залдаги ўринлар сони 80 тадан кўп бўлганида	
Касб-ҳунар коллежларида	0,8
Ўрта махсус таълим муассасаларида	1,3
Санаторийлар, санаторий-профилакторийларда, дам олиш масканлари (пансионатлар)дам олиш базалари, ёшлар лагерлари, туристик базаларда:	
ўзига ўзи хизмат кўрсатишда	1,8
официантлар хизмат кўрсатганида	1,4

### **Ишлаб чиқариш хоналари**

Ишлаб чиқариш жараёни узлуксизлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш хоналари гуруҳини ягона функционал зонада жойлаштириш зарур. Ишлаб чиқариш цехлари, одатда, алоҳидахоналарда жойлаштирилади. Шу билан бирга, ўринлар сони 50 тагача бўлган ва ярим фабрикатларда ишлайдиган корхоналарда ишлаб чиқариш цехларини – иссиқ ва совуқ таомларни тайёрлаш, таом тайёрлашнинг сўнгги босқичи амалга ошириладиган цехларни битта хонада, *цехларга ажратмаган ҳолда* жойлаштиришга йўл қўйилади. Бундай жойлаштириш технологик жараён ўзгарганида зарур ўзгартишлар ва трансформация учун кенг имкониятлар яратади. Цехларнинг бино структурасидаги жойлашуви маҳсулотларга ишлов бериш кетма-кетлигини ва функционал боғлиқликлар давомийлиги минимал бўлишини, технологик ҳамда транспорт оқимлари ўзаро кесишмаслигини таъминлайди. Ишлаб чиқариш цехлари омборхоналар, шунингдек таом тарқатиш зоналари ва овқатланиш зали идиш-товоқларини ювиш хоналари билан энг яқин боғлиқликда бўлиши зарур. Иссиқ цехлар ва идиш-товоқ ювиладиган хоналар баландлигини уларга ёндош бўлган овқатланиш залларининг баландлигидан паст қилиб ва 3,6 метрдан баланд қилиб лойиҳалаштириш тавсия этилмайди (оммавий қурилиш объектлари учун).

Официантлар хизмат кўрсатадиган корхоналардаги таом тарқатиш хонасининг жойлаштирилиши иссиқ ва совуқ цехлар, нон кесиш хонаси, сервиз хонаси, идиш-товоқ ювиш хонаси ва буфет билан технологик ва эшик ораликлари орқали бевосита боғлиқликни таъминлаши зарур. Агар кўрсатилган хоналар таом тарқатиш зонасининг бир томонида жойлашган бўлса, таом тарқатиш хонасининг эни камида 2 метр, таом тарқатиш зонасининг икки ва ундан кўп томонида жойлашган бўлса – 3 метр қилиб лойиҳалаштирилади. Хўрандаларга хизмат кўрсатиш официантлар томонидан кўрсатилганида залдаги ҳар бир ўрин учун таомларни бериш fronti: иссиқ таомлар тайёрланадиган цехлар учун – камида 0,03 метр; совуқ таомлар тайёрланадиган цехлар учун – камида 0,015 метр ва буфетлар учун – камида 0,01 метр қилиб қабул қилинади. Овқатланиш зали, ошхона идиш-товоқлари, ярим фабрикалар тараларини битта хонада ювилишига йўл қўйилиши мумкин; бунда ювиш жойлари баландлиги 1,6 метрдан кам бўлмаган тўсиқлар билан ажратилиши лозим. Залдан ва таом тарқатиш конвейеридан ювиш хонасига кириш эркин ва қулай тарзда ташкил қилиниши зарур. Хизмат кўрсатувчи ходимлар йўли хўрандаларнинг асосий оқими билан кесишмаслиги керак.

### **Маҳсулотларни қабул қилиш ва сақлаш хоналари**

Маҳсулотларни қабул қилиш хоналари (юк тушириб олиш хоналари)ни ва сақлаш хоналари (совутиладиган ва совутилмайдиган омборлар)ни юк ташиш лифтлари ва бошқа ишлаб чиқариш хоналари билан йўлак орқали бевосита боғланган функционал зона сифатида лойиҳалаштириш лозим. Юк тушириб олиш хонаси олдида баландлиги 1,1-1,2 метр, эни 3 метр ва ҳисобланган узуликка эга бўлган юк тушириш платформаси жойлаштирилади. Платформалар юк автомобилнинг орқа ва ўнг бортларидан туширилишига мўлжалланиб лойиҳаланади. Юк тушириш майдончалари ва платформалари устида баландлиги 3,6 метрдан кам бўлмаган бостирма кўзда тутилиши керак. Бу бостирма майдончани бутунлай, автомобиль кузовининг камида 1 метрини ёпадиган бўлиши зарур. Омборхоналарни ертўлада, цоколь қаватда ёки 1-қаватнинг хўжалик зонаси ва юк тушириш майдончаси томонида жойлаштириш

мақсадга мувофиқдир. Бунда ишлаб чиқариш хоналари билан энг қисқа боғланишлар таъминланиши зарур. Ишлаб чиқариш хоналари, омборхоналар ва маиший хоналардаги вентляция блокларининг туртиб чиққан қисмларини энг пастки қисмларигача бўлган баландлик 2,5 метр қилиб қабул қилинади.

Маҳсулотлар сақланадиган хоналар юк тушириш майдончалари билан бевосита боғланиб, ўтиш йўлларида жойлашмаган бўлиши керак. Уларни ювиш ва санитария узеллари, шунингдек, траплари мавжуд ишлаб чиқариш хоналари остига жойлаштиришга йўл қўйилмайди. Омборхоналарни лойиҳалаштиришда сабзовотлар юк тушириш майдончасидан айланиб ўтиб, бевосита сабзовотлар омборхонасига туширилишини таъминлаш зарур. Совутиш камераларини ягона блок кўринишида, баландлиги 1,6-1,9 метр бўлган тамбур орқали кирадиган қилиб жойлаштириш лозим. Совутиладиган камераларнинг режадаги ўлчамлари 2,2x2,4 метрдан, баландлиги эса – 2,7 метрдан кам бўлмаслиги керак. Уларни қозонхона, бойлер, душхоналар ва ҳарорати ҳамда намлиги юқори бўлган бошқа хоналар ёнида, остида ва устида жойлаштиришга йўл қўйилмайди. Совутиш камералари овқатланиш залидаги ўринлар сони 300 дан ортиқ бўлган умумий овқатланиш корхоналари учун лойиҳалаштирилади. Сизими камроқ ресторан, кафе ва ошхоналарда катта совутгичлар қўлланилади.

Овқат чиқиндилари учун совутиш камераси биринчи қаватда, чиқиш тамбури ташқарига ва йўлакка қаратилган ҳолда лойиҳалаштирилади. Қишлоқ жойларда бундай совутиш камераси хўжалик зонасида ҳам жойлаштирилиши мумкин. Маъмурий-маиший хоналарни бошқа хоналардан алоҳида қилиб жойлаштириш лозим, бунда бошқа функционал вазифали хоналар билан қулай боғлиқликни таъминлашга эътибор қаратиш керак.

Ходимлар учун кириш йўлини хўрандалар кириш йўлидан, шунингдек юк тушириш зонасидан алоҳида қилиб лойиҳалаштириш зарур. Ходимлар учун зинапоялар хўрандаларни эвакуация қилишда фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилади.

#### **11.4. Композицион схемалар**



Умумий овқатланиш корхоналари учун қуйидаги композицион ечимлар мавжуд:

- марказий;
- фронтал;
- чуқур (ичкари);
- бурчакли.

Хизмат кўрсатишнинг *марказлаштирилган* схемасида хоналар бино марказида, овқатланиш заллари эса улар атрофида периметр бўйлаб жойлаштирилади. Бундай схема бир нечта овқатланиш залларига эга корхоналарда қўлланилади.

*Фронтал* схемада савдо заллари бинонинг бўйлама ўқи бўйича, савдо билан боғлиқ бўлмаган хоналарга параллель тарзда жойлаштирилади.

*Чуқур (ичкари)* схемада савдо билан боғлиқ бўлмаган хоналар савдо хоналари орқасида, бинонинг ичкарасида жойлаштирилади. Бундай схема катта бўлмаган умумий овқатланиш корхоналарида қўлланилади. Бурчакли схемада савдо билан боғлиқ бўлмаган хоналар режанинг бурчакларидан бирида жойлаштирилиб, овқатланиш залига икки томондан қўшилади. Бунда иккита вариант қўлланилиши мумкин: овқатланиш зали ташқи ёки ички бурчакда жойлаштирилади.

## 1. Назорат учун саволлар

2. Турар-жой уйларида умумий хона билан мехмонхонани фарқи нимада?
3. Ўзбекистонда уй-жой қурилишида нималар ҳисобга олинади?
4. Аҳолини жойлаштириш усулига қараб, уй-жойлар неча гуруҳга бўлинади?
5. Йирик шаҳарларда уйлар қуришда энг асосий нарса нимадан иборат?
6. Инсоляция деб нимага айтилади?
7. Хонадонлар қандай бўлақларга бўлинади?
8. Умумий хонанинг майдони ва пропоцияси нима?
9. Ётоқхоналарнинг ориентацияси қандай бўлади?
10. Хонадон учун мўлжалланган зинапояларнинг оғиш бурчаги қандай нисбатда бўлгани энг яхши?
11. Турар уй- жойларнинг асосий элементи нималардан иборат?
12. Уй-жойлар архитектурасига таъсир этувчи омиллар?
13. Қуёшга қарши қурилмалар неча хил бўлади?
14. Умумий хонанинг вазифаси нимадан иборат?
15. Хонадонлардаги ётоқхоналарнинг пропорцияси қандай бўлгани маъқул?
16. Шлюз деб нимага айтилади?
17. Хонадонлар учун энг яхши ориентация қайси ҳисобланади?
18. Якка тартибдаги уйлар неча хил бўлади?
19. Турар-жойларда йўлақларнинг эни неча метргача бўлиши керак?
20. Тамбур функцияси нимадан иборат?
21. Шлюз қаерда ишлатилади?
22. Шлюзлар ўлчами қандай?
23. Дахлизнинг функцияси нимадан иборат?
23. Умумий яшаш хоналарининг қўшимча ёритилиши қандай амалга

- оширилади?
24. Бинонинг вертикал боғланиш жойи нимадан иборат?
  25. Бинонинг горизонтал боғланиш жойи нимадан иборат?
  26. Лойиҳалашда қандай архитектуравий бадиий кўрсаткичлар муҳим рол ўйнайди?
  27. Биноларни лойиҳалашда энг асосий кўрсаткичлар нималардан иборат?
  28. Функционал жойлаштириш деганда нимани тушунасиш?
  29. Ўзбекистон нечанчи климатик қурилиш ҳудудига қарайди?
  30. Қандай қутб йўналишида горизонтал қуёшдан сақлиғичлар ишлатилади?
  31. Техник қаватлар нечанчи қаватда жойлашади?
  32. Жануб томонга қандай қуёшдан сақлағич ўрнатилади?
  33. Жануби ғарб томонга қандай қуёшдан сақлағич ўрнатилгани маъқул?
  34. Ошхоналар қайси томонга қараб қурилиши лозим?
  35. Энг кичик ошхоналарнинг сатҳи?
  36. Энг кичик ётоқхоналарнинг сатҳи?
  37. Уй жойлар яшаш жойига қараб неча гуруҳга бўлинади?
  38. Секция нимадан иборат?
  39. Турар-жойлар қурилиш жойини танлашда нималар ҳисобга олинади?
  40. Эвакуация деганда нимани тушунасиш?
  41. Хонадон деганда нимани тушунасиш?
  42. Тархий тузилмасига кўра зинапоялар неча маршлик бўлади?
  43. Юқори қаватлик уйлар деб нимага айтилади?
  44. Лифтлар нечанчи қаватдан сўнг ўрнатилади?
  45. Галереядаги тўсиқларнинг баландлиги қандай бўлгани маъқул?
  46. Икки зина оралиғидаги йўлакнинг масофаси неча метргача бўлиш мумкин ?
  47. Энг кўп тарқалган секциялик хонадонлар?
  48. Шаҳар ва қишлоқ уйларидаги фарқ нимаси билан ажралиб туради?

49. Турар уй-жойларнинг олдида турган муаммолар?
50. Уйларни шамоллатиш неча хил йўл билан амалга оширилади?
51. Дахлизни эни неча метрни ташкил этади?
52. Хожатхона эшиклари қайси томонга очилади?
53. Осма айвон (балкон) деганда нимани тушунасиз?
54. Терасса деб нимага айтилади?
55. Ертўланинг функцияси нимадан иборат?
56. Чордоқ нима?
57. Турар-жойларда эркернинг функцияси нимадан иборат?
58. Мансард қават деб нимага айтилади?
59. Бинони кубатураси деганда сиз нимани тушунасиз?
60. Пент хаус деганда нимани тушунасиз?
61. Замоनावий жиҳозлаш ва интерьер фанининг мақсади нимадан иборат?
62. Интерьер нима?
63. Интерьер инсонларга қандай таъсир этади? Нима учун?
64. Интерьер қандай ишлаб чиқилади?
65. Замоनावий жиҳозлаш нима?
66. Қадимги Миср архитектураси эрамиздан неча йил аввал бошланган?
67. Қадимги Миср архитектурасининг ўзига хос хусусиятларини очиб беринг.
68. Дейр эль Бахридаги ибодатхоналарда архитектуравий воситалар орқали нима ифодаланган?
69. Қадимги Юнонистон ва Рим қулдорлик давлатлари архитектурасида қандай ғоялар ифодаланган?
70. Европада бошланган янги замон (XV-XIX асрлар) архитектураси қандай аҳамиятга эга?
71. Модерн стилидаги декорнинг қандай турлари мавжуд?
72. Марказий осийда ислом дини ўрнатилгунга қадар ҳам хоналар қандай безатилган?

73. XIV-асрдан бошлаб Марказий Осиё меъморчилиги декоратив безагида қандай ўзгаришлар содир бўлди.
74. Ички фазовий кенглик деганда нимани тушунаси?
75. Архитектурада қулайлик ва гўзаллик тамойилига риоя қилиш қандай амалга оширилади?
76. Хонанинг функционал жиҳати нима?
77. Бинолар композициясини танлаш жараёнида нималарга эътибор қаратиш керак?
78. Кутубхона интеръери қандай бўлиши керак?
79. Объектнинг нимага мўлжалланганлиги ёки объектнинг бажарадиган вазифалари орқали аниқланадиган турар-жой ва жамоат биноларининг ички кенглигига қандай талаблар қўйилади?
80. Ягона фазовий кенглик ва эркин режа принциплари нечанчи асрда ишлаб чиқилди? Бу принциплар ҳақида гапириб беринг.
81. Интеръерли муҳитнинг экологик шарт шароитларини санаб беринг.
82. Ички кенгликка ва унинг интеръерига қандай эстетик ва манъавий талаблар қўйилади
83. Жамоат биноларининг шаҳарсозликдаги роли ҳақида гапириб беринг.
84. Фазовий структурасини шакллантиришнинг қандай принципларини биласиз?
85. Жамоат бинолари ички муҳитини ташкил этишда нималарга эътибор қаратиш лозим? Нима учун?
86. Тарҳий элемент нима?
87. Жамоат бинолари умумий тарҳий элементлари ҳақида гапириб беринг.
88. Жамоат бинолари ўзининг асосий вазифалари кўра қандай турларга бўлинади?
89. Бинолар классификациясини гапириб беринг.
90. Ўқув тарбия ва илмий муассасалар биноларига қандай талаблар қўйилади
91. Томоша биноларига қандай талаблар қўйилади?
92. Спорт иншоотларига қандай талаблар қўйилади?

93. Савдо, маиший хизмат кўрсатиш биноларига қандай талаблар қўйилади?
94. Маъмурий ва коммунал хизмат кўрсатиш биноларига қандай талаблар қўйилади?
95. Транспорт иншоотларига қандай талаблар қўйилади?
96. Даволаш, профилактика биноларига қандай талаблар қўйилади?
97. Жамоат биноларининг муҳандислик қурилмалари ҳақида гапириб беринг.
98. Мактаб бинолари типларининг номенклатураси нима учун хилма-хил?
99. Асосий ўқув хоналари ўз таркибига нималар киради?
100. Умумтаълим мактаби тархий структурасини функционал зоналаштиришга мисоллар келтиринг.
101. Мактаб муҳитига қандай талаблар қўйилади?
102. Ўқув жараёнининг ўтказилишига қандай талаблар қўйилади?
103. Ўқув муассасалари биноларига қандай гигиеник талаблар қўйилади?
104. Чет эл амалиётида синф хоналарининг қандай шакллари мавжуд?
105. Рекреация нима? Унинг қандай турларини биласиз?
106. Ўқувчиларнинг психологик фаоллигини оширувчи архитектуравий муҳитларга нималар киради?
107. Ҳозирги вақтда биноларнинг фасад қисмларини очиш ва “қирқиш” йўли орқали катта юзаларни ойна билан қоплаш эвазига бинолар архитектурасида ялтироқликнинг ҳосил қилинаётганлигини кузатиш мумкин. Сиз уни қандай баҳолайсиз?
108. Интерьерларда монументаль декоратив санъатнинг элементлари қандай ролни бажаради.
109. Кинотеатрларнинг қандай асосий турлари мавжуд?
110. Кинотеатрлар сиғими нимага қараб белгиланади?
111. Кинотеатр бинолари интерьерига қандай талабалар қўйилади? Нима учун?
112. Театр бинолари интерьерига қандай талабалар қўйилади? Нима учун?

113. Цирк бинолари интерьерига қандай талабалар қўйилади? Нима учун?
114. Музей бинолари интерьерига қандай талабалар қўйилади? Нима учун?
115. Дунёда биринчи стадион қачон ва қаерда қурилган?
116. Биринчи стадионнинг ўлчамлари ва шакли қандай бўлган?
117. Ўлчамларига кўра стадионлар қандай турларга бўлинади?
118. Бош режада стадион қандай асосий қисмларга бўлинади?
119. Амалдаги стадионларни лойиҳалаш меъёрларида қандай тавсиялар берилган?
120. Замонавий стадионларда бир ярусли трибуналарга нисбатан икки қаватли трибуналарни қўллаш одат тусига кирмоқда. Нима учун?
121. Ёпиқ спорт сув ҳавзаларига қандай талаблар қўйилади?
122. Спорт иншоотларининг ёрдамчи хоналарига қандай талаблар қўйилади.
123. Ёпиқ бозорнинг ўзига хос томонларини очиб беринг.
124. Ёпиқ бозорлар хизмат кўрсатиш радиуси қандай бўлиши керак? Нима учун?
125. Бозор интерьерига қандай ранглардан фойдаланиш керак? Нима учун?
126. Савдо марказларига қандай талаблар қўйилади?
127. Савдо марказлари учун қандай ҳажмий-режавий қурилмалар характерлидир?
128. Умумий овқатланиш муассасаларига қандай талаблар қўйилади?
129. Умумий овқатланиш муассасалари интерьерига нималар ҳисобга олиниши зарур.
130. Бошқарма муассасалар турларини кўрсатинг.

### **Фойдаланган асосий адабиётлар:**

1. Убайдуллаев Х.М., Инагамова М.М. Турар-жой ва жамоат биноларини лойиҳалашнинг типологик асослари: Дарслик. - Т.: Voris-nashriyot, 2005.
2. Абдужаббарова М.Т. Турар-жой биноларини лойиҳалаш: Ўқув

- қўлланма. – Т.: ТАҚИ, 2018.
3. Қодирова С.А. Жамоат биноларини лойиҳалаш: Ўқув қўлланма. – Т.: ТАҚИ, 2015.
  4. Иногомов Б.И. Замонавий бино ва иншоотларни лойиҳалаш: Ўқув қўлланма. - Т.: ТАҚИ, 2010.
  5. Убайдуллаев Х.М., Хидоятлов Т.А., Абдурахманов Й.И., Коробовцев Г.И., Мансуров Я.М. Архитектураларнинг лойиҳалаш: Ўқув қўлланма. - Т.: ТАҚИ, 2012.
  6. Убайдуллаев Х.М., Махмудов В.М. “Методика архитектурного проектирования” Тошкент, ТАҚИ, 2010 й., ўқув қўлланма.
  7. Хидоятлов Т.А., Қадирова С.А., Магомедова Ф.Х. “Архитектура общеобразовательных школ Узбекистана”. Ташкент 2005 г.
  8. Қодирова Т.Ф. Ўзбекистоннинг истиқлол йиллари меъморчилиги : Ўқув қўлланма., ЎАЖБНТ маркази, 2004 й.
  9. Рожин И.Е., Урбах А.И. Архитектурное проектирование общественных зданий и сооружений: Учебник., - М.: Стройиздат. 1990 г
  10. Гельфонд А.Л. Архитектурное проектирование общественных зданий и сооружений: Учебное пособие. – М.: Архитектура-С, 2010.
  11. Лисициан В.М., Пронина Е.С. Архитектурное проектирование жилых зданий. Учебник., - М.: Архитектура-С , 2014.
  12. Осипов Ю.К., Матехина О.В. Архитектурно-типологические основы проектирования жилых зданий: Учебник. – Новокузнецк, 2013.
  - 13 . Quentin Pikard. The Architect’s Handbook. Blackwell Publishing, 2003.
  14. Ernst and Peter Neufert. Architects’ Data. Blackwell Science. Oxford Brooks University, 2010.
  15. Нойферт П. Строительное проектирование: Справочник. - М.: Архитектура-С, 2017
  16. “Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши” журнали
  17. Киселевич Л.И., Коссаковский В.А., Ржегина О.И. “Жилищное строительство в условиях жаркого климата за рубежом” М., 1990 г.



18. Коссаковский В.А., Чистова В.А. “Архитектурная композиция жилого дома” Москва, Стройиздат, 1990 г.
19. Лискевич В.К. ”Жилища и климат” Москва, Стройиздат, 1984 г.
20. Маклакова Т.Г., Наносова С.М., Шараненко В.Г. “Проектирование жилых и общественных зданий” Москва, Высшая школа 1998 г.
21. Змеул С.Г., Махенко Б.А. “Архитектурное типология зданий и сооружений” Москва, 2001 г.
22. Тосунова М.И. «Архитектурное проектирование» Москва, Высшая школа. 1983 г
23. Крундышев.Т.Л. Ўрта қаватли секцияли турар-жойи уйини архитектуравий лойиҳалаш: Курс ишини бажариш учун методик кўрсатмалар. СПбГАСУ-СПБ., 2009 й.
24. Бархин Б.Г. Методика архитектурное проектирование. Москва 1993 г.
25. Голубева Г.Е. “Гаражи” М. 1999 г.
26. Лупева Т.П., Кодыш Э.Н. “Гаражи-стоянки для легковых автомобилей” М. 1988 г
27. Степано В.И. «Школьные здания». М. 1985 г.
28. ШНК 2.08.02-09. Жамоат бино ва иншоотлари: Тошкент. 2009 й.
29. ШНК 2.08.01-05. Турар-жой бинолари : Тошкент. 2005 й.
30. ҚМҚ 2.07.01-94 “Шаҳар ва қишлоқ манзилларини режалаштириш ва куриш”
31. ҚМҚ 2.01.05-98 “Табиий ва сунъий ёритиш”
32. ҚМҚ 2.01.03-96 “Зилзилавий ҳудудларда курилиш”
33. ШНК 2.01.02-04 “Бино ва иншоотларни ёнғин хавсизлиги”
34. ШНК 4.13.05-06 “Многопрофильные больницы”.
35. ШНК 4.13.06-06 “Амбулаторно – поликлинические учреждения”
36. ШНК 4.13.07-06 “Детские больницы”
37. ШНК 4.13.41-06 “Предприятия торговли и общественного питания”
38. Ташкент 2006 г. «Основы проектирования квартир». Госкомитет по гражданскому строительству и архитектура ЦНИИЭП жилища

## ГЛОССАРИЙ

<b>Ўзбек</b>	<b>Рус</b>	<b>Инглиз</b>	<b>Луғавий маъноси</b>
<b>Аниқ бўлақлар</b>	Нормали	Normals	Бино конструкцияларининг ёки айрим жиҳозларнинг аниқ равшда қабул қилинган бўлақлари.
<b>Архитектура</b>	Архитектура	Architecture	Юксак савиядаги қурилиш санъати. Қурилишда қурилиш қурилмалари, бино ва иншоотлар шакллариининг композицияси, функцияси ҳамда хажмлар уйғунлигининг бадий яхлитлигига эришиш. Жамиятнинг мафқуравий ғоялари, моддий маданияти, бадий-эстетик қарашлари ва бунёдкорлик санъатини ўзида яхлит тарзда мужассамлаштира олган инсон ижодининг меъморий асари.
<b>Ассимметрия</b>	Ассимметрия	Asymmetry	Композицияда хажмий фазовий элементларнинг симметрик кўринишга эга бўлмаган хилдаги жойлашуви ва ўзаро таркиби.
<b>Архитекто-ника</b>	Архитектоника	Architectonics' ordonnance	Қурилиш формалари тизими ва материаллари билан бино ва иншоотлар композицияси ва функцияси орасидаги муносабатда юксак бадий меъморий уйғунликка эришиш санъати.
<b>Архитектур-равий графика</b>	Архитектурное графика	Architectural graphics	Меъморий ғоя ва таклифларни эскиз, чизмалар ва лойиҳалар кўринишида ифодалаш услублари қўлланиладиган график тасвирлар мажмуаси. Архитектуравий графиканинг

			чизили, бўёкли, уйғунлашган аралаш ва компьютер услублари мавжуд.
<b>Архитекту- равий ансамбль</b>	Архитектурное ансамбль	The architectural ensemble	Муайян ғоявий-бадий режа, геометрик ва фазовий уйғун яхлит композицияда яратилган меъморий мажмуа. Композицион ва функционал ҳолатларда ўзаро муносиб боғланган бино ва иншоотлар, ўсимликлар ва бошқа ландшафт элементларининг яхлит бир уйғунлаштирилган меъморий омухтаси.
<b>Архитекту- равий динамика</b>	Архитектурная динамика	Architectural dynamics (changes)	Меъморий хажм ўлчамлари доирасида масса ва ички фазовий мухитнинг кескин ўсиб бориши ва хажмнинг бирон-бир йўналиш бўйича композицион ривожланишини, визуал жўшқинлик ва харакатчанликни таъминловчи меъморий ечим.
<b>Архитекту- равий композиция</b>	Архитектурная композиция	Architectural composition	Бино, иншоот ва меъморий ансамблларнинг вазифасига, ғоявий - бадий мазмуни ва қурилмавий хусусиятларига кўра яратилиши, улардаги алоҳида меъморий қисм ва элементларнинг мутаносиблиги;
<b>Архитекту- равий масштаб</b>	Архитектурный масштаб	Architectural scale	Бино ва иншоотлар хажмининг атроф-мухитга ва инсон параметрларига мутаносиблик даражаси, меъморий композиция ёки хажмнинг қисмларга бўлинганлик ёки бўлинмаганлик даражаси, ҳолати.
<b>Архитекту- равий ритм</b>	Архитектурный ритм	Architectural rhythm	Меъморий объектлардаги такрорланувчи қисмлар, элементлар ва шаклларнинг бир-бирига мос келишлиги, такрорланиш тартиби ва такти, уларнинг назокати ва мароми.

<b>Архитектур- равий образ</b>	Архитектурный образ	The architectural image	Биноларнинг функцияси ва мазмунига мос равишда архитектоникасининг бадиий ғоявий ва пластик ифодаланиши. Хар бир бино тури ўзига хос архитектуравий образга эга.
<b>Атриум</b>	Атриум	Atrium	Ёпиқ қоида бўйича, баландлиги бўйича 3 метр ва ундан кўп каватларни боғлайдиган, тепа қопламаси орқали ёруғлик тушиб турадиган, кўп сатхли эркин жой.
<b>Балкон</b>	Балкон	Balcony	Бино ташқи деворларидан консол тарзида қисман чиқиб турувчи, ички хоналарни ташқи мухит билан боғловчи мўжаз очиқ майдонча, осма айвон.
<b>Бинога кириш қисми</b>	Вестибюль	Lobby vestibule	Ташриф этувчиларни қабул қилиш ва оқимини тақсимлашга мўлжал-ланган, бинонинг ички қисмига кириш олдидаги хона.
<b>Бино қисмлари нисбати</b>	Пропорция	Proportion	Бино фасадларидаги деталларнинг ўзаро нисбати
<b>Бир хилда ўхшаш</b>	Типизация	Typization	Кўплаб бир-бирига ўхшаш биноларнинг қайтариб қурилиши.
<b>Боғланиш</b>	Комуникация	Communica- tion	Биноларга нисбатан ишлатиладиган ибора бўлиб, зина, пандуслар эскалаторлар, харакатланувчи йўлка ва лифтларга айтилади.
<b>Бўлак архитек- туравий)</b>	Деталь рхитек- турный)	Detail (architectural)	Бино архитектурасидаги деталларнинг ўзаро нисбати
<b>Блоклашти- рилган уй</b>	Блокированный дом	Row house	2 ва ундан ортиқ квартирадан иборат, хар бири ер участкасига чиқув ва алохида муҳандислик тизими билан таъминланган квартира типидagi бино

<b>Витраж</b>	Витраж	Stained-glass window	Дераза эшик бўшлиғига ёки алоҳида ромга ўрнатилган, рангли ойнадан ясалган мавзули ёки манзарали тасвир
<b>Галерея типидagi уй</b>	Жилое здание галерейного типа	Residential building gallery type	Квартирадан умумий галерея орқали камида иккита зинага чиқиладиган бино.
<b>Гумбаз</b>	Купол	Dome	Фазовий қурилма, бино ва иншоотларнинг қабарик эгри сатҳли қубба шаклига эга том ёпмаси. Цилиндрсимон, тугаш қуббасимон гумбазлар мавжуд.
<b>Дахлиз</b>	Холл	Holl	Дахлиз орқали хонадон ташқи мухит билан боғланади ва хоналарга тарқалувчи жой.
<b>Демография</b>	Демография	Demography	Ахоли таркиби ёки касби , иши ва бошқалар.
<b>Доминант</b>	Доминант	Majorants priority	Шаҳарсозлик ва архитектурада юқори бадий ечимга эга бўлган, бошқа меъморий шакл ва элементларни ўзига композициявий бўйсундирадиган асосий меъморий урғу. Доминант бирор бир меъморий шаклда, рангда, фактурада ёки ғоявий мазмундорликда ифодаланиши мумкин.
<b>Елвизак</b>	Сквозняк	Draught	Хоналарни тўғридан тўғри техник (эшик ёки ром) орқали шамоллатиш, елвизак хосил қилиш
<b>Ертўла қавати</b>	Подвал	Basement	Пол сатҳи, ернинг (тротуар, тўшама) режавий сатҳидан хоналар баландлигининг ярмидан кўп микдорида чуқурда бўлган қават.

<b>Ер усти</b>	Надземный	Overhead	Хоналари пол сатхи ерининг режавий сатхидан паст бўлмаган қаватлар.
<b>Ёруғлик камари</b>	Световой карман	Light pocket	Йўлакка ёндошган, уни ёритиш учун хизмат қиладиган табиий ёритилган хона; йўлакдан эни 1,2 м дан кам бўлмаган ойнаванд эшик билан ажратилган зина бўлмаси бўлиб, бу холда ёруғлик камарини кенглиги қилиб зина бўлмасидаги ойнаванд эшик кенглиги олинади.
<b>Зиналар ва зина бўлмалари:</b>	Лестницы и лестничные клетки	Stairs and staircases	Яшовчиларни қаватлараро алоқаси ва эвакуацияси учун мўлжалланган; зиналар қуйидаги типларга бўлинади: 1 – ички, зина бўлмаларида жойлашадиган; 2 – ички очик; 3 – ташқи очик; оддий, одатдаги зина бўлмалари:
<i>Оддий, одатдаги зина бўлмалари:</i> Л1 – ҳар қават ташқи деворларида очик ёки ойнавандланган туйнуклар билан; Л2 – томдаги очик ёки ойнаванд туйнуклар орқали табиий ёритилган;	<i>Обычные лестничные клетки</i>	<i>Common staircases</i>	

<p>Тутунланмай- диган зина бўлмалари: Н1 – зина бўлмасига қаватдан ташқи ҳаво зонаси орқали тутунланмайдиг ан очик ўтувлар бўйлаб кирилади; Н2 – ёнғинда зина бўлмасига босим остида ҳаво берилади; Н3 – зина бўлмасига қватдан ёнғинда босим остида ҳаво бериладиган тамбур шлюз орқали кирилади;</p>	<p>Незадымляе- мые лестничные клетки:</p>		
<p>Ёнғин зинапоялар: П1–тик ўрнатилган; П2 – маршли қиялиги 1:6 дан ошмаган.</p>	<p>пожарные лестницы:</p>	<p>fire escapes:</p>	
<p><b>Зина лифт бўлмалари</b></p>	<p>Лестнично- лифтовой узел</p>		<p>Зина бўлмаси ва лифтларнинг тик коммуникацияларини жойлашти-риш учун мўлжалланган хона.</p>
<p><b>Зилзилабар- дошлик</b></p>	<p>Сейсмостой- кость</p>	<p>Seismic resistance</p>	<p>Бино ва иншоотларнинг зилзи- лавий таъсирларга ўхшашланиш қобилиятини йўқотмай, қарши туриш хусусияти</p>
<p><b>Инсоляция</b></p>	<p>Инсоляция</p>	<p>Insolation</p>	<p>Ер сатхининг қуёш радиациясидан нурланиши</p>

<b>Интерьер</b>	Интерьер	Interior	Меъморий ва бадий безалган ва жиҳозланган бинонинг, хонанинг ички қисми, хонанинг ички кўринишини тасвирловчи картина расм.
<b>Ихчам</b>	Компактный	Compact	Қовушган, бир-бирига ёпиштирилган бежирим қилиб қурилган бино ёки хона
<b>Ички ховли</b>	Внутренний двор	Courtyard	Бино ёки мажмуа тизимидаги ички очик ховли, табиий ёруғлик ва хоналарни шамоллатиш шароитини таъминлай-диган, рекреация вазифа-сини бажарадиган бўшлиқ.
<b>Йўлак (очик)</b>	Галарея	Gallery	Очик йўлакда хоналар бир томонга жойлаштирилади
<b>Йўлакнинг кенгайтирилганлиги</b>	Рекреация	Recreation	Кенгайтирилган ёритилган йўлак (мактабларда, ўқув масканларида кўплаб ишлатилади)
<b>Йўлакчи типдаги турар-жой биноти</b>	Жилое здание коридорного типа		Квартирадан умумий йўлак орқали камида иккита зинага чиқадиган бино
<b>Йўналиш</b>	Ориентация	Orientation	Бинони қутубга нисбатан қуёшга йўналтириш.
<b>Климатик</b>	Климатология	Climatology	Биноларнинг иссиқ-совуққа чидамлилиги, атроф-муҳитнинг ва табиатнинг таъсири
<b>Композиция (бадий жиҳатдан ташкил топган бирлашма)</b>	Композиция	Composition	Архитектура асарларнинг таркибий элементларини яхлит бир гармоник тизимда ташкил этиш ва бирлаштириш. Архитектурада композиция асосан икки жиҳатдан: режавий ва ҳажмий-фазовий қисмлардан ташкил топади.
<b>Контраст</b>	Контраст	Contrast	Композицияда шакл, материал, ҳажм, пластика, фактура ёки ранглар орасидаги яққол сезилувчи фарк, ҳолат.



<b>Лифт холли</b>	Холл лифта	Elevator hall	Лифтга кириш жойидаги хона
<b>Люк</b>	Люк	Luke	Эвакуация учун кириш чиқиш жойи
<b>Мажмуа</b>	Комплекс	Complex	Бир нечта биноларнинг бир майдон атрофига жойлаштириш
<b>Майдон узра</b>	Периметральная	Peripheral	Бутун майдон атрофи бўйлаб қурилган
<b>Мансард</b>	Мансард	Attic	Чордоқ бўшлиғида жойлаштириладиган, яшаладиган қават
<b>Масштаб</b>	Масштаб	Scale	Чизма, тарх, тарз ёки қирқимдаги чизик узунлигининг аслидаги тегишли чизикда нисбати. Масштаб сон билан (сонли масштаб) ёки график (чизикли масштаб) тарзида ифодаланиши мумкин.
<b>Метрик ритм</b>	Метрический ритм	The metric rhythm	катталиги бир хил шакллар (элементлар)нинг бир хил ораликда даврий такрорланишидан ҳосил бўлган қатор, ритм. Метрик ритмнинг содда ва мураккаб хиллари мавжуд.
<b>Модуль</b>	Модуль	Module	архитектура ва қурилишдаги шартли бирлик, миқёс. Бино ва иншоотлар қисмларини бир-бирига, бутунни бўлақларга, бўлақларни эса элементларга уйғунлаштириш, қисмлар ўлчамларини қаррали кичрайтириш ёки катталаштириш, уларнинг нисбатларини гармоник мувофиқлаштириш ва ифодалаш ўлчами. Модуль сифатида узунлик бирлиги ёки бино, иншоот элементларидан бирининг ўлчами қабул қилинади.
<b>Монолит ёки қуйма</b>	Рама монолитная	Frame	Икки томонлама устуннинг сарров (балка)билан

	или литая		бириктирилган холат, монолит ёки қўйма уч томонлама сарров ёки тўсик
<b>Мутанно-сиблик</b>	Соразмерность	Proportionality, Harmony	Биоларнинг бир-бирига нисбатан солиштириш (мутанносиблик)
<b>Пештоқ</b>	Портал	Portal	Биога кириш қисмини архитектуравий безатиш, деворни архитектуравий безаш сифатида қўлланилади.
<b>Пешайвон</b>	Лоджия	Loggia	Био ҳажмига киритилган, уч томони девор, олди очик ёки ойнаванд ёзги хона.
<b>Равон айвон</b>	Веранда	Veranda	Био ҳажмига киритилган, уч томони девор, олди очик ёки ойнаванд ёзги хона.
<b>Равоқ</b>	Арка	Arch	Равоқли қурилма биоларда ишлатилади.
<b>Симметрия</b>	Симметрия	Symmetry	композицияда шакл ёки предметларнинг марказий ўқ чизикқа ёки текисликка нисбатан айнан ўхшаш жойлашуви, ўзар ўхшашлик. Симметриянинг тескараси асимметриядир.
<b>Терраса</b>	Терраса	Terrace	Биога ёпишган очик ёки ёпилган дам олиш учун майдонга – ховли, шу жумладан қуйи қаватни томида жойлашиши ҳам мумкин.
<b>Таркиб</b>	Структура	Structure	Қурилмалар ёки элементларнинг тузилиши, таркибий қисмларнинг ўзаро боғлиқлиги, яхлитлигини белгиловчи тушунча.
<b>Таянч қисмидан туртиб чиққан бир томони маҳкамланган тўсин</b>	Консоль	Console	Биоларда балкон, карниз, соябонларни кўтариб турувчи тўсин учи қисмига айтилади.
<b>Тамбур</b>	Тамбур	Tambour	Биога кириш жойида эшиклар

			оралиғидаги ўтиб кетиш хоначаси ; тамбур-шлюз бино ичига совуқ, чанг хавони, тутунни ва ёқимсиз хидларни киришидан химоялайди.
<b>Тоифаланиш</b>	Классификация	Classification	Бино ва иншоотларни тоифалаш ,ажратиш
<b>Томдаги ёруғлик туйнуғи</b>	Фонар	Lantern	Зина бўлмасини ёки ёпиқ ички ховли атриумни ёритадиган ойнаванд том конструкцияси.
<b>Туйник</b>	Фрамуга	Fanlight	Хоналарни шамоллатишга қолдирилган туйнук(тешик)
<b>Турар-жой секцияси</b>	Жилая секция	Residential section	Бинони туйнуксиз деворлар билан ажратилган қисми бўлиб, ундан битта зина булмасига бевосита ёки узунлиги 12 м дан ошмаган йўлае орвали чиқилади.Секция қаватидаги квартираларнинг майдони 500 м <sup>2</sup> ошмаслиги керак
<b>Тўсин</b>	Балка	Beam	Темир, бетон ёки ёғочдан иборат бўлган тўсин.
<b>Техник қават</b>	Технический этаж	Technical floor	Мухандислик жихозлари жойлаштиришга ва коммуникациялар ўтказилишга мўлжалланган қават.
<b>Устунлар оралик тўсини</b>	Ферма	Farm	Бино ускунаси, асосан йирик ораликларни ёпишга ишлатилади.
<b>Фойе</b>	Фойе	Foyer	Кулуардан фарқли ўлароқ, барча жамоат биноларида дам олишга мўлжалланган кенг жой.
<b>Хизмат</b>	Функция	Function	Бинонинг нимага хизмат кўрсатиши
<b>Хизмат вазифасини ҳисобга олиш</b>	Дифференциация	Differentiation	Бинининг ёки муассасанинг ҳолатини ва вазифасини ҳисобга олиш ёки жойлаштириш
<b>Хоналарни ажратиш кенгайтириш</b>	Трансформация	Transformation	Жамоат ва турар-жой биноларида хоҳлаганича хонани кичиклаштириш ёки кенгайтиришга айтилади.
<b>Цокол қавати</b>	Цокольный этаж	Ground floor	Хоналари полининг сатхи

			режавий ер сатхидан хона баландлигининг ярмидан кам миқдоридаги чукурда жойлаштирилган қават.
<b>Шлюз</b>	Шлюз	Illusion	Икки эшик орасидаги хона (жой)
<b>Эвакуация</b>	Эвакуация	Evacuation	Одамларни бир жойдан бошқа жойга кўчириш.
<b>Эскиз лойиҳа</b>	Клаузура	Project sketches	Лойиҳанинг дастлабки чизмаси, қисқа муддатда бажариладиган чизма
<b>Эшиксиз хоналар</b>	Анфиладная	Enfilade	Хоналарни йўлак бўйлаб икки томонга эшиксиз жойлаштириш.
<b>Қия текислик</b>	Пандус	Rampant	Бинолар олдига қия қилиб ишланган текислик
<b>Қоралама</b>	Эскиз	The sketch	Бино ёки иншоот тарҳи, тарзи ёки умумий кўринишининг бошланғич график тасвири. Бошқача чизмалардан содда график усулда (қўлда) бажарилиши билан фарқ қилади.
<b>Қудук</b>	Шахта	Mine	Шамоллатиш учун, бинони баландлигига тенг ичи бўш тик бўшлиқ, горизонтал кесимни юзаси квартира умумий майдонини 1/30 дан кам бўлмаслиги керак.
<b>Қуёш нурунинг тушиши</b>	Инсоляция	Insolation	Хоналар маълум бир муддатда қуёш нурунинг тушиши.
<b>Чордоқ</b>	Чердак	Attic	Том юзаси, ташқи деворлар ва юқори қават ёпмаси орасидаги бўшлиқ.

## МУНДАРИЖА

### I-ҚИСМ.ТУРАР-ЖОЙ БИНОЛАРИ

#### КИРИШ

#### 1-БОБ. ТУРАР-ЖОЙ БИНОЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ АСОСЛАРИ.....

- 1.1. Турар-жой бинолари ва хонадонларни танлаш ҳамда шакллантириш учун талаблар ва шароитлар.....
- 1.2. Турар-жойларнинг таснифи (хиллари).....
- 1.3. Ўзбекистон шароитида турар-жой биноларини лойиҳалаш учун қўйиладиган асосий талаблар.....

#### 2-БОБ. ТУРАР-ЖОЙ БИНОЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ АСОСИЙ ОМИЛЛАР.....

- 2.1. Турар уй жой қурилишида шаҳарсозлик талаблари.....
- 2.2. Турар-жой биноларининг қурилишида тежамкорлик масалалари.....
- 2.3. Турар-жойларга қўйиладиган бадий меъморчилик талаблар.....

#### 3-БОБ. ХОНАДОННИНГ ТАРКИБИ ВА ЖИҲОЗЛАРИ.....

- 3.1. Хонадонларни лойиҳалашда умумий қоидалар.....

3.2.	Бинога кириш хоналари гуруҳи.....
3.3.	Ёрдамчи хоналар.....
3.4.	Лифтсиз уйларнинг тархий элементлари.....
3.5.	Кўп қаватли турар-жой биноларининг зинапоя-лифт тугунлари....
<b>4-БОБ.</b>	<b>ЛИФТСИЗ ТУРАР-ЖОЙ БИНОЛАРИ.....</b>
4.1.	Лифтсиз турар-жой биноларининг таснифи.....
4.2.	Кам қаватли турар-жой бинолари.....
4.3.	Ўрта қаватли турар-жой бинолари.....
4.4.	Секцияли уйлар.....
4.5.	Галереяли ва йўлакли уйлар.....
<b>5-БОБ.</b>	<b>КЎП ҚАВАТЛИ ТУРАР-ЖОЙ БИНОЛАРИ.....</b>
5.1.	Кўп қаватли турар-жой биноларининг турлари.....
5.2.	Кўп қаватли уйларда биринчи қават қисмини лойиҳалаш қоидалари.....
5.3.	Кўп ва бир секцияли турар-жой уйлари.....
5.4.	Галереяли ва йўлакли уйлар.....

## **I-ЧАСТЬ. ЖЫЛЫЕ ЗДАНИЕ. ОГЛАВЛЕНИЕ**

### **ВВЕДЕНИЕ**

<b>1-часть.</b>	<b>ОСНОВЫ ПРОЕКТИРОВАНИЯ ЖИЛЫХ ЗДАНИЙ.....</b>
1.1.	Требования и условия при выборе для формирования зданий и квартир жилых домов.....
1.2.	Типы жилых зданий.....
1.3.	Основные требования, предъявляемые к проектированию жилых зданий в условиях Узбекистана.....
<b>2-часть.</b>	<b>ОСНОВНЫЕ ФАКТОРЫ ВЛИЯЮЩИЕ НА ПРОЕКТИРОВАНИЕ ЖИЛЫХ ЗДАНИЙ.....</b>
2.1.	Градостроительные требования в строительстве жилых зданий.....
2.2.	Экономические требования в строительстве жилых зданий.....
2.3.	Архитектурно-художественные требования, предъявляемые к жилым домам.....
<b>3-часть.</b>	<b>СОСТАВ И ОБОРУДОВАНИЕ КВАРТИРЫ.....</b>
3.1.	Общие правила проектирования квартир.....
3.2.	Функционально-пространственная организация основных помещений квартир.....
3.3.	Вспомогательные помещения квартиры.....
3.4.	Планировочные элементы безлифтовых домов.....

3.5.	Лестнично-лифтовые узлы в многоэтажных жилых домах.....
<b>4-часть.</b>	<b>БЕЗЛИФТОВЫЕ ЖИЛЫЕ ДОМА.....</b>
4.1.	Классификация безлифтовых жилых домов.....
4.2.	Малоэтажные жилые дома.....
4.3.	Среднеэтажные жилые дома.....
4.4.	Секционные дома.....
4.5.	Галерейные и коридорные дома.....
<b>5-часть.</b>	<b>МНОГОЭТАЖНЫЕ ЖИЛЫЕ ДОМА.....</b>
5.1.	Типы многоэтажных жилых домов.....
5.2.	Правила проектирования первого этажа многоэтажного жилого дома.....
5.3.	Многосекционные и односекционные жилые дома.....
5.4.	Галерейные и коридорные жилые дома.....

## **I- . VEIN BUILDINGS TABLE OF CONTENTS**

### **INTRODUCTION**

<b>1.</b>	<b>BASES OF THE DESIGNING VEIN BUILDINGS.....</b>
1.1.	Requirements and condition at choice and shaping the buildings and apartments vein houses.....
1.2.	Types of vein buildings.....
1.3.	The Main requirements presented to designing vein buildings in condition Uzbekistan.....
<b>2.</b>	<b>MAIN FACTORS INFLUENCING UPON DESIGNING VEIN BUILDINGS.....</b>
2.1.	Urban planning requirements in construction vein buildings.....
2.2.	Economic requirement in construction vein buildings.....
2.3.	Architectural-artistic requirements, presented to dwellings.....
<b>3.</b>	<b>THE COMPOSITION AND EQUIPPING THE APARTMENT...</b>

3.1.	General rules of the designing the apartments.....
3.2.	Function-spatial organization of the main premiseses of the apartments.....
3.3.	Auxiliary premiseses of the apartment.....
3.4.	Planning elements of houses without elevator.....
3.5.	Stair-elevator nodes in high-rise vein house.....
4.	<b>NONELEVATOR DWELLINGS.....</b>
4.1.	Classification nonelevator vein of the houses.....
4.2.	Few level dwellings.....
4.3.	Middle level buildings.....
4.4.	Sectional dwellings.....
4.5.	Gallery and bellboy dwellings.....
5.	<b>HIGH-RISE DWELLINGS.....</b>
5.1.	Types high-rise vein houses .....
5.2.	Rules of the designing the street floor high-rise vein dwellings.....
5.3.	Much and one sectional dwellings.....
5.4.	Gallery and bellboy dwellings.....

## **МУНДАРИЖА**

### **II-ҚИСМ. ЖАМОАТ БИНОЛАРИ КИРИШ**

1.	<b>ЖАМОАТ БИНОЛАРИНИНГ ГУРУҲЛАРИ. ЖАМОАТ БИНОЛАРИНИНГ ТИПОЛОГИК ЕЧИМЛАРИ ВА ШАКЛЛАНТИРУВЧИ АСОСИЙ ОМИЛЛАР.....</b>
1.1.	Жамоат бинолари ва иншоотларининг классификацияси.....
1.2.	Жамоат биноларининг типологик белгиларини шакллантирувчи омиллар.....
2.	<b>БИНОЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ, ҲАЖМИЙ-РЕЖАЛИ, КОМПОЗИЦИОН ВА КОНСТРУКТИВ СХЕМАЛАРИ. ҚУРИЛИШ СТАНДАРТЛАШТИРИЛИШИ ВА УНИФИКАЦИЯСИ.....</b>
2.1.	Бино ва иншоотнинг типологик ташкил этувчилари: функцияси, конструкцияси, шакли.....
2.2.	Функционал зоналаш, хоналарни гуруҳларга ажратиш схемаси
2.3.	Бинонинг ҳажмий-режали тузилмаси.....



- 2.4. Бинонинг конструктив тузилмаси.....
- 2.5. Биноларнинг муҳандислик ускуналари.....
- 2.6. Экологик лойиҳалаштириш – бинонинг ҳажмий-режали тузилмасини шакллантиришнинг замонавий усули.....
- 2.7. Қурилиш стандартизацияси ва унификацияси.....
- 3. БИНОЛАРНИНГ ТУЗИЛМАВИЙ ТУГУНЛАРИ. БИНОЛАРНИНГ АСОСИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ.....**
- .
- 3.1. Ҷамоат бинолари ва иншоотларини лойиҳалаштиришда қўлланиладиган атамалар ва таърифлар
- 3.2. Бинонинг тузилмавий тугунлари.....
- 3.3. Бинога кириш хоналари гуруҳи.....
- 3.4. Ёрдамчи хоналар.....
- 4. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИ.....**
- 4.1. Мактабгача таълим муассасаларининг ер участкалари.....
- 4.2. Ҳажмий-режавий ечим.....
- 5. УМУМ ТАЪЛИМ МАКТАБ БИНОЛАРИ .....**
- 5.1. Мактаблар классификацияси.....
- 5.2. Мактаблар участкалари.....
- 5.3. Ҳажмий-режавий ечим.....
- 5.4. Ихтисослаштирилган мактаблар.....
- 5.5. Ўқув комплексларининг турлари.....
- 6. МЕҲМОНХОНА БИНОЛАРИ.....**
- 6.1. Меҳмонхоналар классификацияси.....
- 6.2. Меҳмонхона биноларининг функционал блоклари.....

- 6.3. Меҳмонхона биноларининг ҳажмий-режавий ечими.....
- 6.4. Меҳмонхона биноларининг конструктив ечимлари.....
- 7. БАНК БИНОЛАРИ ВА КОМПЛЕКСЛАРИ.....**
- 7.1. Банк бинолари шаклланишининг тарихий шарт-шароитлари.....
- 7.2. Банк биноларининг классификацияси.....
- 7.3. Банк бинолари ер участкалари.....
- 7.4. Ҳажмий-режавий ечим.....
- 7.5. Банк биносининг функционал блоклари.....
- 8. СПОРТ ИНШОТЛАРИ.....**
- 8.1. Спорт иншоотларининг классификацияси.....
- 8.2. Ёпиқ спорт иншоотларининг ҳажмий-режавий ечими.....
- 8.3. Иншоотларда ва томошабинлар учун қурилмалардаги ёнғин хавфсизлиги бўйича талаблар.....
- 9. ТОМОШАЛАР КЎРСАТИШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН БИНОЛАР.....**
- .
- 9.1. Кинотеатр бинолари.....
- 9.2. Театр бинолари.....
- 9.3. Цирк бинолари.....
- 9.4. Клуб бинолари.....
- 10. МУЗЕЙ ВА КЎРГАЗМА ЗАЛЛАРИ БИНОЛАРИ.....**
- 10.1. Умумий ҳолатлар.....
- 10.2. Шаҳарсозлик ечими.....
- 10.3. Музейлар фаолиятининг асосий турлари.....
- 10.4. Ҳажмий-режавий ечим.....

- 10.5. Музейнинг ички бўшлиғини ташкил этилиши.....
- 10.6. Коструктив  
ечим.....
- 10.7. Кўргазма  
заллари.....
- 11 . УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ  
БИНОЛАРИ.....**
- .
- 11.1. Умумий овқатланиш корхоналари классификацияси.....
- 11.2. Умумий овқатланиш корхоналарини жойлаштиришга қўйилган талаблар.....
- 11.3. Ҳажмий-режавий  
ечим.....
- 11.4. Композицион  
схемалар.....

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР  
ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

ГЛОССАРИЙ

## **II-ЧАСТЬ.ОБЩЕСТВЕННЫЕ ЗДАНИЕ.**

### **СОДЕРЖАНИЕ**

#### **ВВЕДЕНИЕ**

- 1. ГРУППЫ ОБЩЕСТВЕННЫХ ЗДАНИЙ. ОСНОВНЫЕ  
ФАКТОРЫ, ФОРМИРУЮЩИЕ ТИПОЛОГИЧЕСКИЕ  
ПРИЗНАКИ ОБЩЕСТВЕННЫХ ЗДАНИЙ.....**
- 1.1. Классификация общественных зданий и сооружений.....
- 1.2. Факторы, формирующие типологические признаки  
общественных зданий.....
- 2. ФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ, ОБЪЕМНО-ПЛАНИРОВОЧНЫЕ,  
КОМПОЗИЦИОННЫЕ И КОНСТРУКТИВНЫЕ СХЕМЫ**

	<b>ЗДАНИЙ. СТРОИТЕЛЬНАЯ СТАНДАРТИЗАЦИЯ И УНИФИКАЦИЯ.....</b>
2.1.	Типологические составляющие здания и сооружения: функция, конструкция, форма.....
2.2.	Функциональное зонирование, схемы группировки помещений
2.3.	Объемно-планировочная структура здания.....
2.4.	Конструктивная структура здания.....
2.5.	Инженерное оборудование зданий.....
2.6.	Экологическое проектирование как современный путь формирования объемно-планировочной структуры здания.....
2.7.	Строительная стандартизация и унификация.....
3.	<b>СТРУКТУРНЫЕ УЗЛЫ ЗДАНИЙ. ОСНОВНЫЕ ПЛАНИРОВОЧНЫЕ ЭЛЕМЕНТЫ ЗДАНИЙ.....</b>
3.1.	Наименование и характеристики общественных зданий и сооружений.....
3.2.	Основные термины и определения.....
3.3.	Структурные узлы зданий.....
3.4.	Входная группа помещений.....
4.	<b>ДОШКОЛЬНЫЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ УЧРЕЖДЕНИЯ.....</b>
4.1.	Земельные участки дошкольных образовательных учреждений....
4.2.	Объемно-планировочное решение.....
5.	<b>ЗДАНИЯ ШКОЛ.....</b>
5.1.	Классификация школ.....
5.2.	Участки школ.....
5.3.	Объемно-планировочное решение.....
5.4.	Специализированные школы.....
5.5.	Типы учебных комплексов.....
6.	<b>ЗДАНИЯ ГОСТИНИЦ.....</b>

6.1.	Классификация гостиниц.....	
6.2.	Функциональные блоки зданий гостиниц.....	
6.3.	Объемно-планировочное решение зданий гостиниц.....	
6.4.	Конструктивное решение зданий гостиниц.....	
7.	<b>ЗДАНИЯ И КОМПЛЕКСЫ БАНКОВ.....</b>	
7.1.	Исторические предпосылки становления здания банка.....	
7.2.	Классификация зданий банков.....	
7.3.	Земельные участки зданий банков.....	
7.4.	Объемно-планировочное решение .....	
7.5.	Функциональные блоки здания банка.....	
8.	<b>СПОРТИВНЫЕ СООРУЖЕНИЯ.....</b>	
8.1.	Классификация спортивных сооружений.....	
8.2.	Объемно-планировочное решение крытых спортивных сооружений.....	
8.3.	Требования противопожарной безопасности в сооружениях и устройствах для зрителей.....	
9.	<b>ЗРЕЛИЩНЫЕ ЗДАНИЯ.....</b>	
9.1.	Здания кинотеатров.....	
9.2.	Здания театров.....	91
9.3.	Здания цирков.....	102
9.4.	Здания клубов.....	
10.	<b>ЗДАНИЯ МУЗЕЕВ И ВЫСТАВОК.....</b>	
10.1.	Общие положения.....	
10.2.	Градостроительное решение.....	
10.3.	Основные виды деятельности музеев.....	
10.4.	Объемно-планировочное решение.....	

10.5.	Организация внутреннего пространства музея.....
10.6.	Конструктивное решение.....
10.7.	Выставки.....
11.	<b>ЗДАНИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ</b>
	<b>ПИТАНИЯ.....</b>
11.1.	Классификация предприятий питания.....
11.2.	Требования к размещению предприятий общественного питания.....
11.3.	Объемно-планировочное решение.....
11.4.	Композиционные схемы.....

КОНТРОЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ

ЛИТЕРАТУРА

ГЛОССАРИЙ

## **II- кнсм. PUBLIC BUILDINGS.**

### **CONTENTS**

	<b>INTRODUCTION.....</b>
1.	<b>GROUPS OF PUBLIC BUILDINGS. THE CORES</b>
	<b>THE FACTORS FORMING TYPOLOGICAL SIGNS OF</b>
	<b>PUBLIC BUILDINGS.....</b>
1.1.	Classification of public buildings and constructions.....
1.2.	The factors forming typological signs of public buildings.....
2.	<b>FUNCTIONAL, SPACE-PLANNING, COMPOSITE AND</b>
	<b>CONSTRUCTIVE SCHEMES OF BUILDINGS. BUILDING</b>
	<b>STANDARDIZATION AND</b>
	<b>UNIFICATION.....</b>
2.1.	Typological making buildings and constructions:
	Function, design, the
	form.....

2.2.	Functional zoning, schemes of grouping of premises	
2.3.	Space-planning structure of a building.....	
2.4.	Constructive structure of a building.....	
2.5.	The engineering equipment of buildings.....	
2.6.	Ecological designing as a modern way of formation of space-planning structure of a building.....	
2.7.	Building standardization and unification.....	
<b>3.</b>	<b>STRUCTURAL KNOTS OF BUILDINGS. THE BASIC PLANING ELEMENTS OF BUILDINGS.....</b>	
3.1.	Social buildings and structures project use terms and descriptions.....	
3.2.	The basic terms and definitions.....	
3.3.	Structural knots of buildings.....	
3.4.	Entrance group of premises.....	
<b>4.</b>	<b>PRESCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS.....</b>	
4.1.	The ground areas of preschool educational institutions.....	
4.2.	The Space-planning decision.....	
<b>5.</b>	<b>BUILDINGS OF SCHOOLS.....</b>	
5.1.	Classification of schools.....	
5.2.	Sites of schools.....	
5.3.	The Space-planning decision.....	
5.4.	Specialised schools.....	
5.5.	Types of educational complexes.....	
<b>6.</b>	<b>BUILDINGS OF HOTELS.....</b>	
6.1.	Classification of hotels.....	
6.2.	Functional blocks of buildings of hotels.....	

6.3.	The Space-planning decision of buildings of hotels.....
6.4.	The constructive decision of buildings of hotels.....
<b>7.</b>	<b>BUILDINGS AND COMPLEXES OF BANKS.....</b>
7.1.	Historical preconditions of formation of a building of bank.....
7.2.	Classification of buildings of banks.....
7.3.	The ground areas of buildings of banks.....
7.4.	The Space-planning decision.....
7.5.	Functional blocks of a building of bank.....
<b>8.</b>	<b>SPORTS CONSTRUCTIONS.....</b>
8.1.	Classification of sports constructions.....
8.2.	The Space-planning decision of covered sports constructions.....
8.3.	Requirements of fire-prevention safety in constructions and devices for spectators.....
<b>9.</b>	<b>Requirements of fire-prevention safety in constructions and devices for spectators.....</b>
9.1.	Buildings of cinemas.....
9.2.	Buildings of theatres.....
9.3.	Buildings of circuses.....
9.4.	Buildings of clubs.....
<b>10.</b>	<b>BUILDINGS OF MUSEUMS AND EXHIBITIONS.....</b>
10.1.	General provisions.....
10.2.	The town-planning decision.....
10.3.	Principal views of activity of museums.....
10.4.	The Space-planning decision.....
10.5.	The organisation of internal space of a museum.....
10.6.	The constructive decision.....



**10.7.** Exhibitions.....

**11 . BUILDINGS OF THE ENTERPRISES OF A FOOD.....**

**11.1.** Classification of the enterprises of a food.....

**11.2.** Requirements to placing of public catering establishments.....

**11.3.** The Space-planning decision.....

**11.4.** Composite schemes.....

## АННОТАЦИЯ

Ушбу дарслик икки қисмдан иборат бўлиб, дарсликнинг биринчи қисмида кам, ўрта ва кўп қаватли турар-жой биноларини лойиҳалашнинг умумий қоидалари, архитектура билан узвий боғланиш жараёни кўрсатиб берилган. Турар-жой биноларининг типологияси, уларнинг умумий муаммолари, уй-жой қуриш масалалари, уй-жойларнинг турлари (классификацияси), хонадон ва унинг таркиби ҳамда функционал-технологик боғлиқлиги ёритилган бўлиб, бунда жамият тарақиёти, иқлим шароити, аҳолининг демографияси, функционал жойлашиш вазифаси, ечими, ташқи кўринишига таъсири кўрсатилиб ва уларни асослаб берилган.

Дарсликнинг иккинчи қисмида жамоат биноларини лойиҳалашнинг умумий қоидалари, архитектура билан узвий боғланиш жараёни кўрсатиб берилган. Барча жамоат бинолари ва иншоотларининг архитектурасига универсал омиллар: ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий, экологик, шаҳарсозлик, функционал, композицион, хажмли – режали, конструктив, меъморий-бадий омиллар таъсир кўрсатиш кенг ёритилган.

Мазкур дарслик 5340100 – “Архитектура” таълим йўналишининг ўқув режаси ва дастурига мувофиқ келади, олий архитектура мактабида ўқитиладиган назарий ва амалий материалларни ўз ичига олиб, “Турар-жой ва жамоат биноларини лойиҳалаш” фаолиятини ўрганишда тавсия этилади.

## АННОТАЦИЯ

Учебник в основном состоит из двух частей, в первой части учебника показаны общие правила процесса проектирования жилых домов малой, средней и повышенной этажности. Дана классификация жилых домов, рассмотрены вопросы их строительства, приведена типология жилых домов, указаны типы квартир, их состав, а также дано обоснование и показаны влияние социальных, климатических, демографических особенностей на проектные решения планировки и облика жилых домов.

Во второй части учебника посвящено основным причинам формирования архитектуры общественных зданий разнотипного типа. Рассматривает социальные, экономические, градостроительные, функциональные, планировочные, конструктивные, композиционно – художественные основы проектирования, а также нормативные требования к проектированию общественных зданий. Охватывает материал от изучения структурных узлов здания и отдельных его элементов сооружения в целом.

Учебник соответствует учебной программе по направлению образования 5340100-“Архитектура” и включает научные и практические для разработки, преподаваемые в высших учебных заведениях и рекомендовано при изучении предмета “Проектирование жилых и общественных зданий”.

## THE SUMMARY

This book is consisted of two parts, in which the first part, In given scholastic allowance are shown general rules of the process of the projecting vein houses small, average and elevated floors. It is given categorization vein houses, examined questions their construction, brought typology vein houses, specified types of the apartments, their composition, as well as is given motivation and are shown influence social, climatic, demographic particularities on design decisions of the planning and look vein houses.


In the second part of the book, the manual is devoted principal causes architecture formation public buildings different type. Considers social, economic, town-planning, functional, a planing, constructive, it is composite - art bases designing, and also standard the requirement to designing public buildings. Covers a material from studying of structural knots of a building and its separate elements of a construction as a whole.

The Scholastic (дарслик сўзини тўғрилаш) allowance corresponds to the scholastic program on direction of the formation 5340100-" Architectural " and includes scientific and practical for development, taught in high educational


institutions and is recommended at study of the subject "Designing vein and public buildings".

### **Тошкент шаҳрида қурилган турар-жой бинолари**





Тошкент шаҳри Навоий кўчасидаги “SHEDEV” турар-жой мажмуаси.  
Умумий кўриниши ва андозали тарх қисми.



1-кават тархи М 1:100




Тошкент шаҳридаги кам қаватли турар-жой биноси. Арх. Хасанов А.О.





ТАРЗ М 1:100



1-кават тархи М 1:100



Тошкент шаҳридаги кам қаватли турар-жой биноси. Арх. Хасанов А.О.



Кам қаватли турар-жой биноси лойихаси. “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ  
 Бино тарзи ва биринчи қават тарх қисми.



Тошкент шаҳри Навоий кўчасидаги кўп функцияли турар-жой мажмуаси.



## ТАҚИ Архитектура талабаларининг лойиха ишлари



Кам қаватли турар-жой биноси лойихаси.


Диплом иши. Раҳбар: Куранов А.Е. Дипломант: Рауфов С. ТАҚИ 2014 й.




Кўп қаватли турар-жой мажмуаси. Диплом иши. Раҳбар: Коробовцев Г.И.

Дипломант: Каримов У. ТАҚИ 2013 й.





TAKRORLANUVCHI  
QAVATLAR TARXI 4-12  
M1:100



TAKRORLANUVCHI  
QAVATLAR TARXI 4-16  
M1:100

**QAYDNOMA**

№	XONALAR NOMI	m <sup>2</sup>	ta
1	5 XONALI XONADON	200	1
2	4 XONALI XONADON	180	2
3	3 XONALI XONADON	150	1
4	MEXMONXONA	30	4
5	OSHXONA (OVQATLANISH)	22	4
6	XOLL	24	4
7	YOTOQXONA	20	4
8	YOTOQXONA	18	1
9	YOTOQXONA (YOSH BOLALAR)	14	3
10	YOTOQXONA (YOSH BOLALAR)	12	4
11	GARDEROB	8,3	1
12	OMBORXONA		8

**QAYDNOMA**

№	XONALAR NOMI	m <sup>2</sup>	ta
1	4 XONALI XONADON	180	2
2	3 XONALI XONADON	150	2
3	MEXMONXONA	28	2
4	MEXMONXONA	25	2
5	OSHXONA (OVQATLANISH)	22	4
6	XOLL	24	4
7	YOTOQXONA	20	4
8	YOTOQXONA (YOSH BOLALAR)	13	4
9	YOTOQXONA (YOSH BOLALAR)	14	2
10	OMBORXONA		6


Кўп қаватли турар – жой биносининг лойиҳаси. Диплом иши.



Раҳбар: Абдуҷаббарова М.Т. Дипломант: Илиев А.С. ТАҚИ 2015.



BOSH TARZ M 1:100



Ўрта қаватли турар-жой биноси лойиҳаси. Курс иши. Раҳбар: Абдуҷаббарова М.Т. Талаба: Хайтов У. ТАҚИ 2013 й.



**Мактабгача таълим муассасаси лойиҳаси. Дипломник Убайдуллаева Г.  
Раҳбар Қодирова С.А.**





**Тошкент шаҳридаги болалар уйи лойиҳаси. Дипломник: Силантьев А.П.  
Раҳбар: Зокирова Н.А.**





**Тошкент шаҳри учун 600 ўринли меҳмонхона лойиҳаси. Дипломник:Шукуров Х.З.**

**Раҳбар: Абдурахмонов Й.И.**





**Гонконгдаги шаҳридаги банк биноси.**



**Банк биноси. Автор Хасанов А.О.**






**Андижон шаҳридаги футбол стадиони. Дипломник. Сидиқов Э.**

**Раҳбар. Қодирова С.А.**





**Тошкент шаҳридаги Табиат музейи лойиҳаси. Дипломник Ларина В.**

**Раҳбар Махмудов В.М.**

1-qavat

**ТАҚИ “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедраси доценти**  
**М.Т. Абдужаббарова ва доцент С.А.Қодировалар томонидан тайёрланган**  
**“Турар жой ва жамоат биноларини лойиҳалаш” номли дарслигига**

**ТАҚРИЗ**

Ушбу дарслик “Архитектура” йўналиши бўйича таълим олаётган талабалар лойиҳа ишини бажариш учун мўлжалланган.

Дарсликда кам, ўрта ва кўп қаватли турар жой бинолари ва жамоат биноларининг типологик тавсифи, архитектура билан узвий боғланиш жараёни кўрсатиб берилган. Турар жой ва жамоат биноларининг типологияси уларнинг умумий муаммолари, уй-жой қуриш масалалари, уй-жойларнинг турлари (классификацияси), хонадон ва унинг таркиби ҳамда бошқа масалалар ёритилган. Бунда жамият тарақиётининг, иқлим шароитини, аҳолининг демографияси, функционал жойлашиш вазифаси, ечими, ташқи кўринишга таъсири кўрсатилган ва асослаб берилган.

Жамоат бино ва иншоотларининг лойиҳалашдаги функционал асослари: умумий қоидалар; функционал технологик жараёнлар; ички фазовий муҳитни функционал ташкил қилиш тартиби; хоналарнинг гуруҳланиши; функционал зоналаштириш; жамоат биноларнинг асосий режалаштириш элементлари; жамоат бино ва иншоотларини лойиҳалаш ва қурилишда архитектура-қурилиш стандартлари бўйича маълумотлар берилган.

Ушбу дарсликда талабалар турар-жой ва жамоат бинолари ҳақида тушунчага эга бўладилар, уларнинг архитектуравий – шаклланиш жараёнларини, бино ва иншоотларининг илмий-назарий ечимларини ўрганадилар. Шу билан бирга ички муҳитини функционал шакллантириш принциплари, уларнинг технологик, коммуникацион боғлиқлиги тўғрисидаги билимга, ўқувга эга бўлган ҳолда турар-жой ва жамоат бино ва иншоотларни архитектуравий – типологик вазифаларининг ечими ва булар тўғрисидаги билимга эга бўлишини таъминлайди.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги Мувофиқлаштириш Кенгашига тасдиқлашга тавсия этилади.

**Ўзбекистон Архитекторлар**  
**Уюшмаси раис ўринбосари доц.**



**А.Д.Таджиев**